

# МОЛИЯ

**ИЛМИЙ ЖУРНАЛ**

**3/2023**

*Муассис: Тошкент молия институти*

---

**Таҳририят ижодий жамоаси:**

Бош муҳаррир: *A.Каримов*

Бош муҳаррир ўринбосари: *A.Исламкулов*

Муҳаррир: *M.Хусанова*

Техник муҳаррир: *H.Абдуллаев*

Журнал Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси  
хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан  
2008 йил 24 марта 0519-ракам билан рўйхатга олинган.

2008 йилдан нашр қилинади, бир йилда 6 марта чикади.

Ўзбекистон худудида тарқатилади.

«Молия» илмий журнали Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2013 йил 13 декабрдаги 201/3-сонли қарорига биноан иқтисод фанлари бўйича фан доктори илмий даражасига талабгорларнинг диссертация ишлари юзасидан илмий мақолалари эълон қилиниши зарур бўлган илмий журналлари рўйхатига киритилган.

**Веб-сайт:** [www.tfi.uz/Issues/Jmoliya](http://www.tfi.uz/Issues/Jmoliya)  
**e-mail:** *moliya@tfi.uz*  
**Обуна индекси – 1204**

Таҳририят манзили: 100084,  
Тошкент ш., А.Темур кўчаси, 60<sup>а</sup>-уй  
Тел.: (+998 71) 234-66-89

## **ТАҲРИР КЕНГАШИ РАИСИ:**

**Т.З.ТЕШАБАЕВ** – Тошкент молия институти ректори,  
иктисод фанлари доктори, профессор.

## **ТАҲРИР КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИ:**

**А.А.КАРИМОВ** – Бош муҳаррир, иқтисод фанлари доктори, профессор.

**А.Х.ИСЛАМҚУЛОВ** – Бош муҳаррир ўринбосари, иқтисод фанлари доктори.

**М.Б.НУРМУРАТОВ** – Ўзбекистон Республикаси Марказий банк раиси.

**Т.С.МАЛИКОВ** – иқтисод фанлари доктори, профессор.

**Э.Ғ.НАБИЕВ** – иқтисод фанлари доктори, профессор.

**Б.Э.ТОШМУРОДОВА** – иқтисод фанлари доктори, профессор.

**Ш.З.АБДУЛЛАЕВА** – иқтисод фанлари доктори, профессор.

**Б.Қ.ХАМДАМОВ** – иқтисод фанлари доктори, профессор.

**А.З.АВЛОҚУЛОВ** – иқтисод фанлари доктори, профессор.

**Ж.И.КАРИМҚУЛОВ** – иқтисод фанлари доктори, профессор.

**Ш.А.АЛЛАЯРОВ** – иқтисод фанлари доктори, профессор.

**Ф.Т.МУХАМЕДОВ** – иқтисод фанлари доктори, профессор.

**Д.Р.РУСТАМОВ** – иқтисод фанлари доктори, профессор.

**И.К.ОЧИЛОВ** – иқтисод фанлари доктори, доцент.

**Х.М.ШЕННАЕВ** – иқтисод фанлари доктори, доцент.

**Э.Ў.ЭРГАШОВ** – иқтисод фанлари доктори, доцент.

**Т.М.БАЙМУРАТОВ** – иқтисод фанлари номзоди, профессор.

**Ё.С.ИЛХАМОВА** – иқтисод фанлари номзоди, профессор.

**И.Ғ.КЕНЖАЕВ** – иқтисод фанлари бўйича фалсафа доктори, PhD.

**Х.Д.ХЎЖАҚУЛОВ** – иқтисод фанлари номзоди, доцент.

**Х.А.ҶОБУЛОВ** – иқтисод фанлари номзоди, профессор.

**З.А.САГДУЛЛАЕВА** – иқтисод фанлари номзоди, доцент.

**Е.Б.МАЛЕЙ** – кандидат экономических наук, доцент Полоцского Государственного университета, Белорусь.

**ELCIN AYKAC ALP** – Туркия, Истанбул Тижорат университети профессори.

**ТАЕ-HYOUNG MUN** – Жанубий Корея, Моквон университети профессори.

**Н.К.МУРАВИЦКАЯ** – профессор Департамента аудита и корпоративной отчетности Финансового университета при Правительстве Российской Федерации.

**ПИТЕР ХАЙК** – Чехия Республикаси, Богем университети профессори.

**ASIF МАНВУВ КАРИМ** – Малайзиянинг Менежмент ва тадбиркорлик университети профессори.

## МОЛИЯ ВА БЮДЖЕТ

<b>М.Н.Баратов.</b> Кичик бизнес субъектларини микромолиялаш тизимини тақомиллаштириш .....	5
<b>Ф.Т.Юлдашев.</b> Саноат корхоналарининг молиявий барқарорлигини таъминлаш йўллари .....	16
<b>N.Shavkatov.</b> Davlat-xususiy sheriklik asosida infratuzlima loyihalarini moliyalashtirishning muhim jihatlari.....	26

## БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ

<b>Ж.Э.Курбанбаев, Д.А.Мухаммедова, Ш.Ш.Акрамов.</b> Новые подходы и прогрессивные приёмы планирования аудита при обновлении международных стандартов.....	34
<b>М.С.Хожиев.</b> Нодавлат нотижорат ташкилотларида мақсадли тушумлар аудитини тақомиллаштириш .....	41
<b>О.Э.Худойбердиев.</b> Халқаро стандартлар асосида дебиторлик қарзларини баҳолаш ва ҳисобини тақомиллаштириш .....	51
<b>А.А.Туляганов.</b> Бюджет ташкилотларида товар-моддий захиралар ҳисобини услубий жиҳатларини тақомиллаштириш .....	60
<b>А.Х.Маматқулов.</b> Пахтани қайта ишлаш корхоналарида харажатларини бошқариш ва ҳисобга олиш усуллари .....	72

## БАНК ИШИ

<b>R.B.Qurbanov, Z.Sh.Xojibekova.</b> Tijorat banklarida bank nazoratini takomillashtirish masalalari .....	79
<b>С.Н.Абдулхалирова.</b> Роль коммерческих банков в повышении финансовой грамотности населения .....	86

## ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ

<b>Э.Ғ.Набиев, Д.М.Эркинжонов.</b> Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиб, миллий иқтисодиётни юксалтириш (Сингапур тажрибаси) .....	94
---	----

## СТАТИСТИКА ИШИ

<b>Z.T.To‘rayeva.</b> Sanoat tarmog‘ida mahsulot ishlab chiqarish faoliyatini statistik o‘rganish .....	101
---	-----

**Г.С.Абдувалиева.** Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида саноат тармоғи иқтисодий ривожланишининг статистик таҳлили.....108

## БАҲОЛАШ ИШИ

**А.А.Абидов.** Реал вакт тизимлар носозликлари диагностикаси ва иловалар ишончлилигини баҳолаш .....118

## МАРКЕТИНГ

**Sh.Sh.Ziyayeva.** Tikuv-trikotaj korxonalarining trend jozibadorligini marketing strategiyalari asosida oshirish .....126

**Ф.Т.Базарова.** Тўқимачилик саноати корхоналари маркетинг фаолиятида миллий брендни бошқариш усуллари.....133

**Ш.А.Ходжаева.** Внедрения искусственного интеллекта в маркетинговую деятельность: эффективные инструменты и перспективы развития .....141

## ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИ

**Н.А.Алиева.** Кластер тизими асосида пиллачилик тармоғини ривожлантириш йўналишлари .....147

**А.С.Маллабоев.** Миллий саноатлашув жараёнларида ишлаб чиқарадиган саноатда таркибий ўзгаришлар.....154

**Б.А.Давлатов.** Пахта-тўқимачилик кластерларини шакллантириш ва ривожлантиришда хориж давлатлар тажрибаси.....162

**Ж.Х.Бобаназарова.** Аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришнинг ўзига хос жиҳатлари .....169

**Ф.М.Мирзаева, М.Р.Зокиржонов.** Бозор рискини value at risk ёндашуви билан баҳолаш.....174

## МЕНЕЖМЕНТ

**Л.Р.Чинбердиева.** Хўжалик юритувчи субъектларда бошқарув таҳлилиниң иқтисодий моҳияти ва аҳамияти .....179

**К.М.Шодмонқулов.** Ўзбекистонда кичик саноат зоналари фаолиятини самарали бошқариш: муаммо ва ечимлар .....185

**С.М.Султанова.** Методические аспекты анализа бизнес-процессов хозяйствующих субъектов .....193

**УЎТ 336 (575.1)**

**Баратов Махсудали Назиралиевич,**  
Наманган давлат университети мустақил изланувчи

## **КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИНИ МИКРОМОЛИЯЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**Баратов Махсудали Назиралиевич,**  
Самостоятельный соискатель Наманганского  
государственного университета

### **СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ СИСТЕМЫ МИКРОФИНАНСИРОВАНИЯ СУБЪЕКТОВ МАЛОГО БИЗНЕСА**

**Baratov Maxsudali Naziraliyevich**  
*Independent applicant of Namangan State University*

### **IMPROVING THE MICROFINANCE SYSTEM FOR SMALL BUSINESSES**

**Аннотация.** Уибу мақолада кичик бизнес субъектларини микромолиялашнинг илмий-назарий асослари, функциялари, ўзига хос хусусиятлари очиб берилган. Микромолиялашнинг инфратузилмаси, манбалари ва усуслари, тартиби, йўналишлари ва обьектларини ифода этиувчи микромолиялаш тизими тавсифланган ва таснифланган. Илгор хорижс тажрибалари асосида кичик бизнес субъектларини микромолиялаш тизимини такомиллаштиришига қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Таянч сўзлар:** бизнес, кичик бизнес, тадбиркорлик, микрокредит, микроқарз, микролизинг, микромолиялаш, банк, микромолия ташкилотлари, фоиз ставкаси, гаров таъминоти, кафолат, субсидия, кафиллик.

**Аннотация.** В этой статье раскрыты научно-теоретические основы, функции, специфические особенности микрофинансирования субъектов малого бизнеса. Охарактеризована и классифицирована система микрофинансирования, представляющая собой инфраструктуру, источники и методы, порядок, направления и объекты микрофинансирования. На основе передового зарубежного опыта разработаны научные предложения и практические рекомендации, направленные на совершенствование системы микрофинансирования субъектов малого бизнеса.

**Ключевые слова:** бизнес, малый бизнес, предпринимательство, микрокредит, микрозайм, микролизинг, микрофинансирование, банк, микрофинансовые организации, процентная ставка, залоговое обеспечение, гарантия, субсидия, поручительство.

**Annotation.** This article reveals the basic principles, functions, and features of microfinance for small businesses. The microfinance system is described and classified, which represents the

*infrastructure, sources and methods, procedure, directions and objects of microfinance. Based on the best foreign experience, scientific proposals and practical recommendations aimed at improving the microfinance system of small businesses have been developed.*

**Keywords:** business, small business, entrepreneurship, microcredit, microloan, microleasing, microfinance, bank, microfinance organizations, interest rate, collateral, guarantee, subsidy, surety.

### **Кириш**

Жаҳон амалиёти қўрсатишича, кичик бизнес ва тадбиркорлик ҳар қандай мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ва инновацион тараққиётини таъминлашда ҳал килувчи роль ўйнайди. Кичик бизнес бозор ўзгаришларига тез мослашиш, янги иш ўринларини яратиш ва ахоли бандлигини таъминлаш ҳамда даромад манбаларини яратиш орқали камбағалликни камайтириш, ўрта мулкдорлар синфини шакллантириш каби хусусиятларга эгалиги билан устувор аҳамият касб этади. Иқтисодиёти тараққий этган мамлакатларда (АҚШ, Япония, Германия, Италия ва бошк.) кичик бизнес иқтисодиётнинг асосини ташкил этиб, бутун иқтисодиётнинг муваффакиятли ривожланишига бевосита таъсир қўрсатади. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)нинг маълумотларига кўра, «дунёдаги барча корхоналарнинг қарийб 90 фоизи микро, кичик ва ўрта корхоналар тоифасига киради ва улар томонидан глобал ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)нинг ярми ишлаб чиқарилади. Дунё аҳолисининг 70 фоизи кичик ва ўрта бизнесда банд бўлиб, унинг жаҳон ЯИМ ҳажмидаги улуши 50 фоизни ташкил этади»[1]. Кичик бизнеснинг бундай юкори қўрсаткичларига эришишда микромoliaлаш ғоят юксак аҳамият касб этади. Микромoliaлаш аҳолини камбағаллиқдан халос этиш, меҳнатга лаёқатли, иқтидорли аҳоли қатламини ишга жалб этиш орқали ўз ғоя ва янгиликларини рўёбга чиқариш билан даромад олиш

манбаларини яратиш асосида турмуш фаровонлигини яхшилаш, кичик бизнес фаолиятини ривожлантириш йўли билан жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий фаол субъектларига айланишига имкон беради. Зоро, БМТ томонидан 2005 йилни «Халқаро микромoliaлаш йили» [2] деб эълон қилинганлиги умумдавлат кўламида унинг ўзига хос макомини кучайтиради.

Жаҳон банки (World Bank Group) нинг хисоботида қайд этилишича, «Кичик корхоналар – дунё мамлакатлари иқтисодиётининг пойдевори бўлиб, улар томонидан ҳаётий муҳим хизматлар тақдим этилади, иш ўринлари яратилади ва оиласарнинг камбағалликдан халос бўлишига ёрдам беради... шунинг учун биз узок муддатли истиқболда уларнинг яшаб қолишини таъминлашимиз керак» [3]. Кичик бизнес замиридаги кичик корхоналарнинг яшовчанлигини таъминлаш ва улар фаолиятини янада ривожлантириш бевосита уларни молиялаштириш, шу жумладан, микромoliaлаш масаласига бориб тақалади. Жаҳон банкининг маълумотларига кўра, «дунёда 140 миллиондан ортиқ киши турли хил микромoliaвий хизматлардан фойдаланади ва микромolia ташкилотларининг умумий портфели 124 миллиард АҚШ долларидан ошади» [4].

Халқаро амалиётда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури, Жаҳон банки, АҚШ халқаро тараққиёт агентлиги, Европа Тикланиш ва тараққиёт банки ва шу каби нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан кичик

бизнес фаолиятини микромолиялаш тизими니 такомиллаштиришга қаратилган қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилган. Мазкур тадқиқотларда кичик бизнес фаолиятини молиявий қўллаб-куватлаш ва микрокредитлаш тизими니 такомиллаштириш каби масалалар ўз ечимини топган. Аммо, кичик бизнес субъектларининг ўз бизнесини ташкил этишларида айрим харажатларни субсидиялаш, уларга банк кредитларидан фойдаланишларида кафилликлар тақдим этиш, микрокредитлар миқдорини лойиҳалар хусусиятларидан келиб чиқиб, ошириб бориш билан боғлиқ масалалар ҳанузгача ўзининг ижобий ечимини топмаган.

Янги Ўзбекистонда кичик бизнес тараққиётини таъминлаш Тараққиёт стратегиясининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Давлат томонидан кичик бизнес субъектларини ҳар томонлама қўллаб-куватланиши натижасида ушбу соҳанинг «мамлакат ЯИМ ҳажмидаги улуши 2022 йилда 51,8 фоизга етказилди. Ваҳоланки, 2000 йилда ушбу кўрсаткич 31 фоизни ташкил қиласган» [5]. 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида «...хусусий секторнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 80 фоизга ва экспортдаги улушини 60 фоизга етказиш» [6] вазифалари белгилаб берилди. Бундай муҳим вазифаларнинг бажарилиши кичик бизнес субъектларини микромолиялаш жараёнидаги ўзига хос муаммоларнинг ҳал этилишини ҳамда микромолиялаш тизимининг такомиллаштирилишини тақозо этади. Бир вақтнинг ўзида, ушбу жиҳатлар кичик бизнес субъектларини микромолиялаш масаласининг чукур илмий тадқиқ этилишини талаб этади.

#### **Мавзуга оид адабиётлар шархи**

Кичик бизнес субъектларини микромолиялашни ривожлантириш ва

такомиллаштиришга кўплаб хорижий ва маҳаллий олимлар ҳисса қўшганлар. Абрамов М.А. [7], Вишняков И.П. [8], Гриб Р.Б. [9], Юнус М. [10], Весоков Д.А. [11], Евлахов Ю.С. [12] ва бошқаларнинг илмий ишларида микромолиялаш бозори ва кредит кооперацияси инфратузилмасини ривожлантириш, хорижий мамлакатларда микромолиялашнинг шаклланиши ва тараққиёти, микромолиялаш фаолияти ривожининг илғор хориж тажрибалари, микромолиявий ташкилотлар фаолияти ривожланишининг асосий тенденциялари, соҳадаги ўзига хос муаммолар тадқиқ этилган.

Ўзбекистон Республикасида сўнгги йилларда бозор муносабатларининг янада ривожланиши ва инновацион иқтисодиётининг шаклланиши билан кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-куватлаш ва микромолиялашни ривожлантиришга қаратилган тадқиқот ишларининг олиб борилиши фаоллашди. Иқтисодчи-олимлардан Ваҳобов А.В., Жамолов Х.Н. [13], Таджибаева Д.А. [14], Маматов Б.С. [15], Раъмонов И.Х. [16], Муродова Д.Ч. [17] илмий изланишларида кичик бизнес субъектларини микрокредитлашнинг айрим жиҳатлари, тадбиркорлик субъектларини микромолиялаш механизмини такомиллаштириш масалалари умумий тарзда тадқиқ этилган. Улар томонидан кичик бизнес субъектларини микромолиялаш услугиётси, тизими, амалиёти комплекс тадқиқ этилган, ўзига хос муаммолар аниқланган ва чуқур таҳлилларга асосланган ҳолда микромолиялаш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган илмий асосланган таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилган.

Таъкидлаш зарурки, юқоридаги иқтисодчи олимларнинг илмий ишларида, айнан, кичик бизнес субъект-

ларини микромолиялаш тизимини ривожлантириш муаммоларини ўрганишга кенг эътибор қаратилмаган ҳамда амалдаги меъёрий хужжатларнинг кичик бизнес субъектларини микромолиялаш тизимини ислоҳ килиш шароитига мувофиқ ўзгариб бориши ушбу соҳада чукур илмий изланишлар олиб бориш лозимлигидан далолат беради.

### **Тадқиқот методологияси**

Микромолиялаш фаолиятига оид атамалар, асосий тушунчалар, микромолиялаштиришнинг алоҳида қоидалари норматив-хукуқий хужжатларда ўз аксини топган. Илмий мақолада кўтарилган муаммони атрофлича таҳлил қилиш, таҳлил натижаларини тизимлаштириш асосида илмий асосланган хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқиша индукция ва дедукция, таққослаш, адабиётлар шархи, миқдор ва сифат кўрсаткивлари таҳлили, тизимлаштириш, мақсадли ривожлантириш каби усуллардан фойдаланилди.

### **Натижа ва мухокама**

Микромолиялашнинг шаклланиш тарихи «XIX асрнинг 40 йилларида Германия қишлоқ хўжалигида юз берган танглик ҳолатидан (оғир иқлим шароитининг юзага келиши ва ҳосилдорлик бўлмаганлиги) бошланди ва ўша даврларда Фридрих Райфайзен томонидан Вейербуш шахрида Европада биринчи бор «Хлебный союз» ўзаро ёрдам кассаси ташкил этилди» [18]. XX асрнинг 50–70 йилларида ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан суст ривожланган мамлакатларда давлат органлари ва донор ташкилотлари «кичик ва кам таъминланган фермерларга уларнинг

мехнат унумдорлиги ва даромадлари даражасини ошириш умидида субсидиялаштирилган қишлоқ хўжалиги кредитлари беришни бошлаган» [19]. «1970 йиллардан сўнг ривожланаётган мамлакатларда кам таъминланган аҳоли қатламига кичик ҳажмдаги кредитлар бериш ва микромолиявий хизматлар бўйича маслаҳат кўрсатиш юзасидан экспериментлар ўтказилди» [20].

Гурухли кредитлаш услубиётига асосланган биринчи микрокредитлаш дастури Бангладешда 1976 йилда проф. М.Юнус (Нобель мукофоти соҳиби, 2006 й.) бошчилигидаги «Грамин» [21] банки орқали амалга оширилди ва шу йилни микромолиялашнинг туғилган йили, деб номлаш мумкин.

Микромолиялаш кичик бизнес субъектларини микромолиялаш тизимини такомиллаштиришда биринчи навбатда эътиборга олиниши керак ва улар ўзига хос таянч нуқта хисобланади. Шу муносабат билан микромолиялашнинг мазмун-моҳияти ҳамон турли иқтисодий адабиётларда ҳам турлича талқин қилинаётганини таъкидлаб ўтмоқ лозим. Буни қўйида келтирилганлар тўлиқ тасдиқлайди:

- «микромолиялаш – бу ижтимоий тенгсизликни қисқартишига йўналтирилган, анъанавий банк хизматларига имконияти етмаган кичик тадбиркорлик субъектлари ва жисмоний шахсларга кичик ҳажмдаги, яъни 500–1000 АҚШ доллари миқдорида бериладиган кредитлар тушунилиб, унинг асосий хусусияти кредит тарихи мавжуд бўлмаган, гаров таъминоти етарли бўлмаган мижозларга хизмат кўрсатилишидир» [22];

- «микромолиялаш – микрокредитлашни англатиб, кичик бизнесни, шу жумладан, оиласиб тадбиркорликни

ривожлантириш учун паст фоиз ставкалар асосида кичик ҳажмдаги кредитларни гаровсиз тақдим этишдир» [23];

– «микромолиялаш – молиявий ташкилотлар билан кичик хўжалик шакли ўртасидаги маҳсус молия-кредит муносабатлари бўлиб, бунда молиявий ресурсларни қарзга олувчилар мақсадлари ва молиявий муносабатларининг ижтимоий ролига алоҳида эътибор қаратилиди» [24];

– «микромолиялаш микроқарзлар ажратиш (бериш, тақдим этиш) билан боғлиқ фаолият бўлиб, унинг кредитлашдан асосий фарки қарз маблағининг миқдори ва банк хизматларидан фойдаланиш имконига эга бўлмаган қарз олувчилар билан юзага келадиган молия-кредит муносабатларидир» [25].

Халқаро Нобель мукофотининг лауреати, проф. М.Юнус томонидан микромолиялаштиришнинг назарий, услугий асослари ишлаб чиқилган ва Бангладешнинг Грамин банки амалиётига жорий этилган. Унинг фикрига кўра, «нисбатан юқори фоиз ставкаларини аҳолининг ўрта қатламига нисбатан кўллаш лозим, камбағалларга бериладиган микрокредитлар эса, имтиёзли бўлиши зарур. Улар микрокредитлар ёрдамида камбағаллик балосидан кутуладилар, ундан кейин эса, банклар ва микромолиялаш ташкилотлари уларни ўрта табакага мансуб мижозлар билан умумий шартлар асосида кредитлашлари мумкин» [26].

Оксфорд луғатида микромолиялаштириш «камбағал одамлар учун кредит бериш ва жамғарма каби хизматларни тақдим этиш тизими» [27] сифатида тавсифланади. Кембридж луғатида ҳам шунга ўхшаш таъриф берилган, яъни «микромолиялаш – бу камбағал одамларга молиявий хизматлар кўрсатувчи фаолият ёки бизнес» [28].

Микромолиялашга ўзига хос таъриф миллий қонунчиликда ҳам мавжуд. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг «Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида»ги Қонунида юридик шахсларнинг қўйидаги хизматларни кўрсатишга доир фаолияти микромолиялаштириш фаолияти деб эътироф этилган: «жисмоний шахс бўлган қарз олувчига тўловлилиқ, муддатлилиқ ва қайтариш шартлари асосида 50 миллион сўмдан ошмайдиган миқдорда пул маблағларини – микроқарз бериш; тадбиркорлик субъекти ёки ўзини ўзи банд қилган шахс бўлган қарз олувчига тўловлилиқ, муддатлилиқ ва қайтариш, шунингдек, шартномада назарда тутилган холларда муайян мақсадлар учун фойдаланиш шартларида 300 миллион сўмдан ошмайдиган миқдорда пул маблағларини – микрокредит бериш; жисмоний шахсларга микроқарз суммасидан ошмайдиган миқдорда кредитлар ва кафолатлар бериш, исломий молиялаштиришга оид хизматлар кўрсатиш; тадбиркорлик субъектларига микрокредит суммасидан ошмайдиган миқдорда лизинг ва кафолатлар бериш, факторинг хизматлари ҳамда исломий молиялаштиришга оид хизматлар кўрсатиш» [29].

Юқорида келтирилган таърифлардан яккот кўриниб турибдики, ҳақиқатан ҳам ҳозирги пайтга қадар илмий тадқиқот ишларида ва қонунчилик ҳужжатларида микромолиялашнинг моҳиятини аниқлашга қаратилган эътиборга лойиқ ишлар килиниб, кўплаб таърифлар ишлаб чиқилган. Ушбу таърифларни қиёсий таҳлил қилиш натижасида бир неча мухим хуносаларни чиқариш мумкин:

1. Айрим иқтисодчи-олимлар микромолиялашни кредит тарихи мавжуд бўлмаган, гаров таъминоти этишмаган,

анъанавий банк хизматларидан фойдаланишга имконияти бўлмаган тадбиркорларга, мижозларнинг маълум гурухига кичик ҳажмдаги кредитлар тақдим этиш борасидаги фаолият сифатида эътироф этмоқдалар.


2. Микромолиялашнинг ижтимоий ролига эса алоҳида эътибор қаратилмоқда, шунингдек, микромолиялашни микрокредитлаш сифатида тушуниб, унинг юқори миқдори қонун ҳужжатлари билан белгиланиши таъкидланган.

3. М.Юнуснинг микромолиялаш бўйича ёндашуви ўтиш иқтисодиёти ва ривожланаётган мамлакатларда ушбу хизмат турини такомиллаштиришнинг зарурый шарти ҳисобланади. Бунинг асосий сабаби шундаки, биринчидан, микрокредитлардан, асосан, аҳолининг кам таъминланган қатламлари фойдаланади, уларнинг даромад даражаси паст бўлиб, юқори фоиз ставкаларидаги микрокредит ва микролизинг бўйича банк хизматларидан фойдаланиш имконияти чекланган. Иккинчидан, аҳолининг камбағал қатламлари ва фаолиятини эндиғина бошлаган кичик бизнес субъектлари кредитдан фойдаланишнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланган юқори ликвидли гаров объектларига эга эмас. Бу эса, микромолиялаш хизматлари ҳажмини оширишга жиддий тўсқинлик қиласи. Шунингдек, М.Юнуснинг кам даромадли аҳоли қатламларига, улар камбағалликдан қутулгунларига қадар имтиёзли микрокредитлар бериш ва бунда гаров талаб қилмаслик хусусидаги фикри жуда ўринли, ижтимоий аҳамиятга эга ҳисобланади.

Фикримизча, микромолиялаш тор маънода, биринчи навбатда, кичик ҳажмдаги микрокредитларни англатади. Шу билан бирга, у мижозларнинг маълум гурухига мўлжалланган бўлиб, ҳар қандай молиялашдан хизматлар кўрсатиш

доираси ва ҳажми билан фарқланади. Микромолиялаш микрокредитлаш билан бирга микроқарз, микролизинг, микрожамғарма, микросуфурта, пул ўтказмалари, консалтинг хизматлари каби бошқа кенг турдаги микромолиявий хизматларни ҳам ўз ичига қамраб олади ва унинг асосий мақсади кам таъминланган аҳоли қатламини қўллаб-қувватлаш, иш билан таъминлаш масаласини ҳал этиш ҳамда кичик бизнес тараққиётини таъминлашдан иборат.

Кичик бизнес субъектларини микромолиялаш ва уни ташкил этиш объектив иқтисодий қонуниятларга асосланиши лозим. У ёки бу микромолиялаш тартибини танлаш кичик корхоналарнинг айланма маблағларини уларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришда ўз ўрнига кўра жойлаштирилишига боғлиқ. Фақат ушбу объектив жараёнлар ҳисобга олинганда микромолиялаш мақсадларини таъминловчи самарали тизим яратиш мумкин бўлади. Бир вақтнинг ўзида «тизим» турли элемент, қисмлардан иборат ўзаро узвий боғланган, маълум тартиб асосида таркиб топган бир бутунликни ифодалайди ва у объектив, яхлит тарзда мавжудликка асосланади. Микромолиялаш тизимида молиявий муносабатлар базис сифатида қатнашади, бошқа қисмлар усткурма ҳисобланади. Микромолиявий муассасалар эса тизимнинг бошқа қисмини ташкил этиб, у микромолиявий хизматларни бошқариб туради. Юқоридагилардан келиб чиқиб, кичик бизнес субъектларини микромолиялаш тизими қўйидаги тўртта қисмни мужассамлаштира олгандагина яхлит ва объектив бўлади. Уни қўйидаги расм орқали ифодалаймиз:



**1-расм. Кичик бизнес субъектларини микромолиялаш тизими<sup>1</sup>**


1 Тадқиқот натижалари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Бугунги кунда кичик бизнес субъектлари бошлангич сармояни шакллантириш, оиласи тадбиркорликни йўлга кўйиш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва фаолиятини кенгайтиришлари учун микроқарз, микрокредит, микролизинг, факторинг хизматлари ҳамда исломий молиялаширишга оид турли хизматлардан фойдаланмоқда.

Кичик бизнес субъектларини микромолиялашга оид статистик маълумотлар таҳлили шуни кўрсатади,

2017–2021 йилларда тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар 3 баробарга, микрокредитлар эса 3,5 баробарга ортган.

Бу эса банклар томонидан кичик бизнес субъектларига ажратилган микрокредитларнинг ўсиш суръати ажратилган кредитларнинг ўсиш суръатидан юқори эканлигини ва кичик тадбиркорлик субъектларининг микромолиявий хизматларга бўлган талаби ошиб бораётганлигини кўрсатади.




**2-расм. Тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар ва микрокредитлар (млрд. сўмда)<sup>2</sup>**

2 Ўзбекистон Марказий банкининг расмий сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Сўнгги йилларда микрокредит ташкилотлари томонидан кичик бизнес субъектларига микромолиявий хизматлар кўрсатиш динамикасида ижобий тенденция кузатилган (2-расм). Хусусан, 2017–2021 йиллар давомида микрокредит ташкилотлари сони 36 тага кўпайиб, 66 тани ташкил қилди. Тахлил қилинган йиллар давомида микрокредит ташкилотларининг активлари қарийб 2,8 баробарга ортиб, 984,1 млрд сўмни, улар томонидан кўрсатилган микромолиявий хизматлар ҳажми эса 2,6 баробарга ортиб, 844,7 млрд. сўмни ташкил қилган. Бу эса кичик бизнес субъектларининг микрокредит ташкилотларининг кредит ресурслари ва микромолиявий хизматларидан фойдаланиш имкониятларини ошириб, янги иш ўринларини яратиш, аҳолининг реал даромадларини кўпайтириш, ички бозорни талаб мавжуд маҳсулотлар ва хизматлар билан тўйинтириш, оиласий тадбиркорликни ташкил этиш ва кичик тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш нуқтаи назаридан ижобий ҳолатни намоён қилади.

Бирок, «2022 йилнинг 1 сентябрь ҳолатига кўра, микрокредит ташкилотларининг жами активлари 1,7 трлн. сўмни ва ломбардларнинг жами активлари 247,8 млрд. сўмни ташкил қилган» [31]. Микрокредит ташкилотлари активларининг банк кредит кўйилмаларидағи салмоғи бор-йўғи 0,52 фоизни ташкил қилган. Бу эса микрокредит ташкилотлари фаолияти яхши ривожланмаганлигини ҳамда кичик бизнес субъектларига кўрсатилаётган микромолиявий хизматлар кўламининг кичиклигини, бу борада ҳал этилиши зарур бўлган муаммолар мавжудлигини кўрсатади.

Халқаро амалиётда ҳам кичик бизнес субъектларининг банк ва нобанд кредит ташкилотларининг кредит ресурсларидан фойдаланишларида гаров таъминоти, фоиз ставкаларининг юқорилиги, микрокредит миқдорининг чекланганлиги каби муаммолар мавжуд. Шу боис дунёнинг аксарият мамлакатларида ва халқаро тажрибада кичик бизнес тараққиётини таъминлашда давлатнинг кўллаб-қувватлови мухим ўрин тутади. Ушбу кўллаб-қувватлов турли шакл ва кўринишларда амалга оширилади. Улардан асосийлари давлат бюджетидан субсидиялаш, кредитнинг маълум бир



3-расм. Микрокредит ташкилотларининг сони ва жами активлари ҳажми [30]

қисмини давлат томонидан кафолатлаш ёки кафиллик, фоиз ставкаларининг маълум бир қисмини давлат томонидан (кичик бизнес фаолиятини қўллаб-кувватловчи маҳсус тузилмалар, агентлик ва бошк.) қоплаб бериш кабилар амалга оширилади. Жумладан, Европа Иттифоқи мамлакатлари, АҚШ ва Япония кичик бизнес субъектларининг кредит таъминотига кафиллик тақдим этади. «АҚШда кичик бизнес фаолиятини молиявий қўллаб-кувватлашга қаратилган Кафолат фонди мавжуд ва ушбу фонд кичик бизнес субъектлари томонидан олинган кредит суммасининг 50–90 фоизигача кафиллик тақдим этади» [32]. Бундай кўмаклашув давлат сиёсатининг мустақил қисмидир.

### **Хулоса**

Халқаро амалиётда микромолиялаш камбағаллика қарши қурашиш воситаси сифатида эътироф этилса-да, у кенг мазмундаги тушунча бўлиб, ўз таркибига микрокредитлаш, микроқарз бериш, микролизинг хизмати кўрсатиш, микросуғурталаш, микрожамғарма, пул ўтказмалари, консалтинг хизматлари каби кенг турдаги микромолиявий хизматларни қамраб олади. Микрокредитлаш эса унинг ядросини ташкил қиласди.

Мамлакатимизда кичик бизнес субъектларини микромолиялашни ривожлантириш заруриятини қўйидаги омиллар белгилайди: қишлоқ худудларда кичик бизнес фаолиятини ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартиришнинг муҳим воситаси; кичик бизнес субъектларининг кичик ҳажмдаги молиявий ресурсларга ва дастлабки сармояга бўлган талабнинг кескин ошиши; кам таъминланган оиласларни қўллаб-кувватлаш ҳамда ёшларни кичик бизнесга жалб қилишнинг

долзарблиги; микрокредит берилиши жараёнининг тезкорлиги ва шу кабилар.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, кичик бизнес субъектларини микромолиялаш тизимини такомиллаштириш мақсадида қўйидаги чора-тадбирларнинг фаол ва изчиллик билан амалга оширилиши мамлакатимизда кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятининг кенг йўлга қўйилишига, микромолиялаш тизимининг ривожланшига, микромолиявий хизматлардан фойдаланишдаги асосий муаммолардан ҳисобланган гаров таъминоти, фоиз ставкаларининг юкорилиги, худудлар тараққиётининг номутаносиблиги, аҳоли ва тадбиркорларнинг томорқа ерларидан фойдаланиш самарадорлигининг нисбатан пастлиги каби муаммоларнинг ижобий ҳал этилишига имкон яратади:

- тадбиркорлик субъектларига томорқада етиштирилган маҳсулотларни кафолатли харид қилиш мақсадида омборхоналарни жиҳозлаш, шунингдек, қуритиш, саралаш ва қадоклаш ускуналари харид қилиш харажатларининг 30 фоизи микдорида субсидия берилиши томорқа хўжаликларида маҳсулот етиштириши кўпайтириш орқали аҳоли даромадини ошириш, ички бозорни озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш, томорқада етиштирилган маҳсулотларни кафолатли харид қилиш тизимини яратиш, шунингдек, ҳар бир туманда томорқа ер эгалари ва ишлаб чиқарувчилар ўртасида кооперация алоқаларини ривожлантириш имконини яратади;

- худудлар, туман ва шаҳарларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатидан келиб чиқиб, кичик тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-кувватлаш чораларини кўриш, бунда кичик бизнес субъектларига тижорат банклари кредитларининг 75 фоизигача кафиллик тақдим этилиши туман ва шаҳарларни

уларнинг шароити, инвестициявий салоҳияти ва имкониятларидан келиб чиқиб, ривожлантириш бўйича янгича ёндашувларни жорий этишга, кичик бизнес ва тадбиркорлик мухитини янада яхшилашга, давлат кўмагини бериш тартибини такомиллаштиришга ва унинг самарадорлигини оширишга хизмат қиласди;

– кичик бизнес субъектларига бериладиган микрокредитлар миқдорини ошириб бориш ҳамда ушбу микрокредитларнинг ажратилиш жараёнининг рақамлаштирилиши оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга катта туртки беради ва мамлакатимизда

Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасидаги лойиҳаларни молиялаштириш кўламини янада яхшилади;

– микромолиялаш бўйича хорижий мамлакатлар илғор тажрибаларидан келиб чиқиб, гурух кафолати асосида микрокредитлаш ҳамда гаровсиз кредит бериш амалиётини самарали йўлга қўйиш аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини молиявий кўллаб-куватлаш, маҳаллаларда кичик бизнес ва тадбиркорлик мухитини янада яхшилаш, ёшлар ва хотин-қизларни даромадли меҳнат билан банд қилишни таъминлашга хизмат қиласди.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Центр новостей ООН. Глобальный взгляд Человеческие судьбы. 27 июня – День микро, малых и средних предприятий. 27 июня – День микро, малых и средних предприятий | Новости ООН (un.org); Предприятия малого бизнеса обеспечивают половину глобального ВВП - ИА «Финмаркет» (finmarket.ru).
2. <http://www.review.uz/page/article> сайти.
3. Годовой отчет IFC 2021. Группа Всемирного банка. Международная финансовая корпорация 2121 Pennsylvania Avenue, NW Washington, DC 20433 USA. ifc.org. 2021. – С. 10.
4. [Microfinance-Barometer-2019\\_web-1.pdf \(convergences.org\)](#).
5. <https://www.stat.uz/uz/rasmiy-statistika/small-business-and-entrepreneurship-2>.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 29-мақсад.
7. Абрамова М.А. и др. Формирование качественной инфраструктуры рынка микрофинансирования и кредитной кооперации: зарубежный и российский опыт: монография // Кол. авторов. М.: РУСАЙНС, 2016. – С. 152.
8. Вишняков И.П. Роль микрофинансирования в решении проблемы финансовых услуг для населения // Научный вестник ЮИМ. 2017. № 1. – С. 4-9.
9. Гриб Р.Б. Развитие сектора микрофинансирования в Российской Федерации. Автореф. дисс. на соис. учен. степ. к.э.н. – Волгоград: ВГУ, 2008. – 30 с.
10. Yunus M. Banker to the poor: Microlending and the battle against world poverty. New York: Public Affairs, 1999. - 312 p.
11. Высоков Д.А. Развитие микрофинансирования: международный опыт и Российская практика. Автореф. дисс. на соис. учен. степ. к.э.н. – М.: МГУ, 2022. – 32 с.
12. Евлахова Ю.С. Российские микрофинансовые организации: динамика развития и проблема вовлеченности в незаконные финансовые операции // Финансы и кредит. 2018. Т. 24, № 7. С. 1637-1648.

13. Вахобов А.В. Жамолов Х.Н. Банковское кредитование малого бизнеса: особенности и проблемы современной практики. // Халқаро илмий-амалий конференция. – Т.: ТМИ, 2004. – Б. 264-268.
14. Таджибаева Д.А. Микрокредитование в системе кредитных отношений (на примере Республики Узбекистан). Автореф. на соиск. учен. степ. канд. экон. наук. – Т.: НУУ, 2004. – 25 с.
15. Маматов Б.С. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини микромолиялаш амалиёти ва уни такомиллаштириш. И.ф.н. илм. дар. олиш учун ёзил. дисс. автореф. – Т.: ТМИ, 2010. 26-б.
16. Раҳманов И.Х. Ўзбекистон Республикасида микромолиявий хизматларни такомиллаштириш йўллари. И.ф.н. илм. дар. олиш учун ёзил. дисс. автореф. – Т.: ТМИ, 2011. – 24 б.
17. Муродова Д.Ч. Кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини микромолиялашнинг методологик асосларини такомиллаштириш. Иқт. фан. бўй. фалс. докт (PhD) дисс. автореф. – Т.: ТМИ, 2018. 53-б.
18. <http://www.opora-credit.ru/news/video/detail.php> сайти.
19. [Микрофинансирование в Узбекистане: текущее состояние и перспективы развития. Аналитическая записка. Русская версия. Нью-Йорк и Женева. Представительство ПРООН в Узбекистане. 2008. – С. 2.](#)
20. [http://news.bbc.co.uk/hi/russian/international/newsid\\_](http://news.bbc.co.uk/hi/russian/international/newsid_) сайти.
21. <http://ru.wikipedia.org/wiki/Микрофинансирование> сайти.
22. Таев А.Г. Развитие финансовой среды предпринимательства на муниципальном мезоуровне. Автореф. дисс. на соиск. учен. степ. к. э. н. – Волгоград: ВГУ, 2007. – С. 15.
23. Минакова Т.В. Стратегия и развития малых и средних предприятий промышленности в условиях социально ориентированной экономики. Автореф. дисс. на соиск. учен. степ. к.э.н. – М.: МГУ, 2008. – С. 22.
24. Гриб Р.Б. Развитие сектора микрофинансирования в Российской Федерации. Автореф. дисс. на соиск. учен. степ. к.э.н. – Волгоград. 2008. – С.7.
25. Высоков Д.А. Развитие микрофинансирования: международный опыт и Российская практика. Автореф. дисс. на соиск. учен. степ. к.э.н. – М.: МГУ, 2022. – С. 11.
26. Юнус Мухаммад, Жоли Алан. Создавая мир без бедности. Социальный бизнес и будущее капитализма. – М.: Альпина Паблишер, 2009. – С. 90.
27. [Оксфордские словари для учащихся | Определения, переводы и грамматические объяснения можно найти в словарях Oxford Learner's Dictionaries \(oxfordlearnersdictionaries.com\).](#)
28. [Cambridge Dictionary | Английский словарь, переводы.](#)
29. [Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 20 апрелдаги ЎРҚ-765-сон «Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида»ги Конуни. 5-модда.](#)
30. [https://review.uz/post/mikrokreditne-organizacii-v-uzbekistane.](https://review.uz/post/mikrokreditne-organizacii-v-uzbekistane)
31. [https://cbu.uz/oz/statistics/credit/686106/.](https://cbu.uz/oz/statistics/credit/686106/)
32. [https://finance.uz/index.php/uz/fuz-menu-biznes-uz/4063-tadbirkorlik-faoliyatini-rivojlanirishni-qollab-quvvatlash-davlat-jamgarmasi-uning-faoliyat-mezonlari-nimalardan-iborat.](https://finance.uz/index.php/uz/fuz-menu-biznes-uz/4063-tadbirkorlik-faoliyatini-rivojlanirishni-qollab-quvvatlash-davlat-jamgarmasi-uning-faoliyat-mezonlari-nimalardan-iborat)

УЎТ 330.88.336.01

**Юлдашев Фозил Турапович,**  
Денов тадбиркорлик ва педагогика институти ўқитувчи  
e-mail: [fozil.yuldashev.84@mail.ru](mailto:fozil.yuldashev.84@mail.ru)

## САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛЛАРИ

**Юлдашев Фазиль Турапович,**  
Denovskiy institut предпринимательства и педагогики  
e-mail: [fozil.yuldashev.84@mail.ru](mailto:fozil.yuldashev.84@mail.ru)

## СПОСОБЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ФИНАНСОВОГО УПРАВЛЕНИЯ ПРОМЫШЛЕННЫМИ ПРЕДПРИЯТИЯМИ

**Yuldashev Fazil Turapovich,**  
Denovsky Institute of Entrepreneurship and Pedagogy  
e-mail: [fozil.yuldashev.84@mail.ru](mailto:fozil.yuldashev.84@mail.ru)

## WAYS TO ENSURE FINANCIAL MANAGEMENT OF INDUSTRIAL ENTERPRISES

**Аннотация.** Мазкур мақолада иқтисодиётни транформациялаш жараёнида саноат корхоналари молиявий барқарорлигини таъминлашнинг аҳамияти ҳамда келгусидаги уни ривожлантириши масалалари кўриб чиқилган. Саноат корхоналари молиявий барқарорлигини таъминлаши йўллари таҳлил қилинган ва уларнинг фаолияти бўйича тегисли хуносалар шакллантирилган.

**Таянч сўзлар:** молиявий барқарорлик, саноат корхоналари, тўлов қобилияти, молиявий мустақиллик, молиявий таҳлил.

**Аннотация.** В данной статье рассматривается важность обеспечения финансовой устойчивости промышленных предприятий в процессе трансформации экономики, а также вопросы ее дальнейшего развития. Были проанализированы пути обеспечения финансовой устойчивости промышленных предприятий и сформулированы соответствующие выводы по их деятельности.

**Ключевые слова:** финансовая устойчивость, промышленные предприятия, платежеспособность, финансовая независимость, финансовый анализ.

**Annotation.** This article discusses the importance of ensuring the financial stability of industrial enterprises in the process of economic transformation, as well as issues of its

further development. The ways of ensuring the financial stability of industrial enterprises were analyzed and relevant conclusions on their activities were formulated.

**Keywords:** financial stability, industrial enterprises, profitability of the enterprise, solvency, financial independence, financial analysis.

### Кириш

Бугунги кунда мамлакатимиз миллий иқтисодиётида, жумладан, кимё саноати корхоналарининг жаҳондаги рақобатбардошлигини ошириш жараёнида кенг қамровли чоратадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Мамлакатимизда амалга ошириладиган ислоҳотларнинг зарур сиёсий-хуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва илмий-маърифий асосларини яратиб беришга қаратилган Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясида “....миллий иқтисодиётни ривожлантириш, унинг ўсиш суръатларини замон талаблари даражасида таъминлаш” вазифалари белгилаб берилган [1]”. Шундан келиб чиқсан ҳолда саноат корхоналарининг молиявий барқарорлигини мустахкамлаш бўйича ички имкониятини жадал ривожлантириш, саноат корхоналари базасини технологик жиҳатдан янгилаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш муҳим долзарб масала хисобланади.

Жаҳон амалиётида саноат корхоналари молиявий барқарорлигини ошириш учун мавжуд молиявий муаммоларни аниқлаш юзасидан амалга оширилаётган тадқиқотларда саноат корхоналарида молиявий барқарорликнинг етарли эмаслиги сабабли, корхона учун жорий ва келажақдаги инвестиция фаолиятини амалга ошириш ҳамда молиявий кўрсаткичларнинг пасайишига олиб келаётган муаммоларни ўрганиш натижасида уларни ҳал этишга

қаратилган илмий таклифлар ва амалий тавсияларнинг ишлаб чиқилмаганлиги мазкур йўналишда чукур илмий тадқиқотлар олиб боришни тақозо қилмоқда. Саноат соҳасида корхоналар молиявий барқарорлигини ошириш учун мавжуд молиявий муаммоларни аниқлайдиган, молиявий бекарорликка таҳдидларни минималластириш ва молиявий натижаларни яхшилаш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқадиган молиявий ҳолатни баҳолаш ва илфор хориж тажрибаларини жорий этиш орқали саноат корхоналари молиявий барқарорлигини оширишга қаратилган глобал муаммолардан бири хисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “Мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотлар жадал давом эттирилмоқда. Биз биринчи марта камбағалликни камайтириш ҳақидаги қатъий қароримизни очиқ эълон қилдик. Бунга тадбиркорликни ривожлантириш ва қўшимча иш ўринлари яратиш, инвестиция ва бизнес муҳитини яхшилаш ҳамда замонавий инфратузилмани барпо этиш, одамларни янги қасб-хунарларга ўргатиш ва аҳолига манзилли ижтимоий ёрдам кўрсатиш орқали эришмоқдамиз [1]”. Бу жумла бежизга эмас албатта. Дунё амалиётидан кўриш мумкинки, мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда жаҳон аренасида ҳамда ҳалқаро рейтингларда муносиб ўрин эгаллашида инвестиция фаолиятини ривожлантиришнинг аҳамияти каттадир. Демак, бугунги кунда маҳаллий ва хорижий инвесторларнинг инвестиция фаолиятини ривожлантириш ҳамда уларнинг хуқукий ва қонуний

манфаатларини муҳофаза қилиш, ҳалқаро андозалар талабларига жавоб берадиган янги тизим барпо қилиш зарурати туғилмоқда. Аммо юртимизда маҳаллий ва хорижий инвесторларнинг фаолиятини ҳалқаро рейтингларда баҳолаш учун етарлича иқтисодий механизмлар ишлаб чиқилмаган.

### **Мавзуга оид адабиётлар шархи**

Ушбу мақоламиизда кўриб чиқиладиган “молиявий барқарорлик”, тушунчаларини илмий-назарий асослаш чет эл ва маҳаллий иқтисодчи олимлар томонидан кўплаб илмий ишлар қилинган, китоблар ёзилган ва таърифлар берилган. Шунингдек, иқтисодий адабиётлар ва илмий тадқиқотларда “молиявий барқарорлик”, мазмун-моҳиятининг турлича талқинлари учрайди. Уларни чуқур ва кенг тадқиқ этиб ўтган ҳолда, молиявий барқарорлик мазмунига берилган қўидаги таърифларга алоҳида тўхталиб ўтишни лозим деб ҳисобладик. Маълумки, молиявий барқарорликни баҳолашнинг умумий қабул қилинган ягона мезони ҳозирча мавжуд эмас. Корхоналар молиясини ташкил этиш ва самарали бошқариш аҳамияти юқорилиги ва ўзига хос хусусиятлари мавжудлиги, корхоналарнинг молиявий барқарорлигини ошириш бўйича амалиётда рўй берәётган ўзгаришларни ҳисобга олиш ва таҳлил қилиш, унинг назарий-методологик масалаларини такомиллаштириш бўйича иқтисодчи олимларнинг турлича ёндашувлари ва варианлари учрайди.

Жумладан, иқтисодчи олимлар М.Қ.Пардаев ва Б.И.Исройловлар (2019) молиявий бақарорликни корхона ўз маблағлари ва барча маблағларнинг нисбати сифатида ифодалаб, молиявий барқарорлик кўрсаткичларини қўидаги гурухларга ажратадилар:

- ўз маблағлар (хусусий капитал) билан боғлиқ кўрсаткичлар;
- четдан жалб этилган маблағлар (капитал) билан боғлиқ кўрсаткичлар;
- харакатдаги маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлар;
- асосий воситалар билан боғлиқ кўрсаткичлар;
- айланма маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлар.

И.Д.Мандель (2009) эса барқарор ўсиш коэффициентини ва ликвидлилик, молиявий мустақиллик, ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик, айланувчанлик ва рентабеллик кўрсаткичларини ўз ичига олувчи унинг омилларга асосланган моделини кўриб чиқади.

И.А.Павлова (2017) фикрича, корхона молиявий барқарорлигининг моҳияти “унинг шундай молиявий ҳолатидирки, унда корхонанинг хўжалик фаолияти унинг барча мажбуриятларини таъминлашга имкон беради”. И.Н.Омельченко ва Е.В.Борисовалар (2017) фикрича, “молиявий барқарорлик – доимий тарзда бозор конъюнктураси ўзгариб бориши шароитида корхонанинг ўз молиявий стабиллигини сақлаб қолиши қобилиятидир”. Л.Т.Гиляровская ва А.А.Вехоревалар (2013) таъкидлашича, “корхона молиявий барқарорлиги тушунчаси унинг шундай ҳолатидирки, бунда мавжуд ресурсларни тақсимлаш ва улардан фойдаланиш жараёнида нафақат тўловга лаёқатлилик таъминланади, балки шу билан бирга, фойда ва капиталнинг ўсишига эришиш мақсадидаги ривожланишга ҳам эришилади”.

Н.Л. Данилова (2014) корхоналарнинг молиявий барқарорлиги бўйича қўидаги таърифни келтириб ўтади. Унга кўра “молиялаштириш манбаларининг бир қисми сифатида ўз капиталининг етарли улуши билан таъминланадиган корхона молиявий ҳолатининг барқарорлиги

корхонанинг молиявий барқарорлиги дейилади”.

Профессор Т.С. Маликовнинг (2009) фикрига кўра, хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий барқарорлигини умумий (автономия коэффициенти, қарз капиталининг концентрациялашув коэффициенти, қарз ва ўз маблағларининг нисбати коэффициенти) ва нисбий кўрсаткичлар (захира ва харажатларнинг ўз капитали билан таъминланганлик коэффициенти, молиявий мустақиллик коэффициенти, ўз капиталининг манёврлилик коэффициенти) ифодалайди. Корхоналар молиявий ҳолатини таҳлил қилишда иқтисодчи олим, профессор Э.А.Акрамов (2003) молиявий мустаҳкамлик тушунчаси ва унинг кўрсаткичларини тавсия этган ва унга таъсир этувчи омилларни асослаб берган. Шунингдек, у молиявий барқарорлик тоифаси корхонанинг молиявий ҳолатини зарурый бир хил даражада туриши ва пасаймаслигини ифодаловчи кўрсаткич эканлигини таъкидлайди. Иқтисодчи олим Б.Ж.Ҳакимов (2020) “корхоналарнинг жами активлари таркибида пул маблағлари энг муҳим молиявий актив сифатида тан олинишини эътироф этади. Демак, корхонанинг тезкор ликвидлиги, яъни жорий активлари билан жорий мажбуриятларини қоплаш коэффициенти айнан пул маблағларига боғлиқ бўлган муҳим иқтисодий кўрсаткичdir”, деб таъриф берган.

Ўтказилган тадқиқотларимиз натижасида, биз молиявий барқарорлик тушунчасига қўйидагича таъриф беришни мақсадга мувофиқ деб топдик. “Молиявий барқарорлик – бу компания капиталининг тузилиши, ўз ва қарз манбаларининг нисбати, қисқа муддатли ва узоқ муддатли мажбуриятлар, ўз маблағлари билан айланма маблағлар билан таъминланишидир”. Ушбу таърифга

кўра, саноат корхоналарининг маълум вакт давомида ўз фаолиятини таъминлаш, мавжуд қарзларни тўлаш ва товарларни сотишни муаммосиз амалга ошириш имкониятларини баҳолашга имкон беради.

### **Тадқиқот методологияси**

Мақола мавзуси саноат соҳасида корхоналар молиявий барқарорлигини ошириш учун мавжуд молиявий муаммоларни аниқлашга эътибор қаратилган бўлиб, аввало мавзуу долзарблиги асосланди, ушбу соҳа бўйича хорижий ва маҳаллий олимларнинг илмий ишлари ўрганилди. Саноат соҳасида корхоналар молиявий барқарорлигини ошириш усулларининг мамлакатимиздаги ҳолати таҳлил қилинди. Уни таҳлил қилишда киёсий таҳлил, тузилмавий таҳлил ва монографик таҳлил усулларидан фойдаланилди ва таклифлар ишлаб чиқилди.

### **Натижа ва муҳокама**

Молиявий барқарорликни баҳолашнинг мақсадларидан бири бу компаниянинг ўз мажбуриятларини қоплаш ва узоқ вакт давомида компанияга эгалик ҳуқукини саклаб қолиш қобилиятини баҳолашдир. Шу билан бирга, у қўйидаги вазифаларни ҳал қилиши керак:

- корхонанинг молиявий барқарорлигини объектив баҳолаш;
- корхонанинг молиявий барқарорлигига таъсир қилувчи ички ва ташки омилларни аниқлаш;
- корхонанинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлашга қаратилган зарур бошқарув ечимларини таклиф қилиш.

Иқтисодиётнинг бозор ўзгариши шароитида корхоналар фаолиятига мураккаб ташки ва ички омиллар таъсир кўрсатади. Корхонанинг молиявий ҳолати кўрсаткичларини аниқлаш,

таҳлил қилиш ва прогноз қилишда анъанавий ёндашувлардан фойдаланиш етарли эмас. Шунга кўра, корхонанинг бошқарув ходимлари бир қатор молиявий кўрсаткичларни, асосан, молиявий барқарорликни аниқлашнинг янги, замонавий усусларини излашлари зарур.

Молиявий барқарорлик молиявий ва ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланадиган ҳар бир томон учун жиддий аҳамиятга эга. Ушбу фаолиятнинг аҳамияти 1-расмда кўрсатилган.

Узок муддатли истиқболда корхонанинг ривожланиши нафакат унинг пул маблағлари ҳолатига, балки бозор шароитидаги ўзгаришларнинг прогноз қилинган динамикасига ҳам боғлиқ. Корхона маблағларининг исталган вақтдаги ҳолати статик кўрсаткичdir. Шуни ҳам унутмаслигимиз керакки, молиявий барқарорлик корхонага компаниянинг ўз молиявий ресурслари етарли бўлмаса, қўшимча капитални ривожлантириш ва жалб



1-расм. Саноат корхоналари молиявий барқарорлигини баҳолашнинг аҳамияти [2]

қилиш имкониятини беради. Шу билан бирга, ликвидлик, рентабеллик, тұлов қобилияты күрсаткичларининг ошиши ҳар доим ҳам молиявий барқарорликнинг мустақамланишини күрсатмаслигини ёдда тутиш лозим. Бу қыйидаги омиллар билан боғлиқ: фойда ўсишининг юкори даражаси күпинча хавф даражасининг ошиши билан бирга келади, бу молиявий барқарорликнинг пасайишига олиб келади, ликвидлик, рентабеллик, тұлов қобилияты күрсаткичлари узоқ муддатлы характерга эга эмас, яъни стратегик ривожланиш йўналишини акс эттирмайди. Улар факат қисқа ёки ўрта муддатли истиқболда компаниянинг ривожланиш имкониятларини намойиш этади. Шунинг учун узоқ муддатли истиқболда молиявий барқарорлик тушунчасини таҳлил қилиш учун корхонанинг ташки муҳит билан муносабатларини ҳисобга оладиган күрсаткичлардан кенгрөк фойдаланиш керак.

«Maxam-Chirchiq» АЖ 40 дан ортиқ турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи

Ўзбекистонда кимё саноатининг иирик корхоналаридан биридир. Корхона томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар асосан МДҲ мамлакатлари ва чет элларга: Россия, Украина, Қозогистон, БАА, Австралия, Эрон, Туркия, Малайзияга экспорт қилинади.

Молиявий барқарорликни баҳолашнинг юкоридаги күрсаткичларга таянган ҳолда “Ўзкимёсаноат” АЖ саноати таркибига кирувчи “Maxam-Chirchiq” акциядорлик жамиятининг молиявий барқарорлик даражасига баҳо берамиз.

Юкоридаги жадвал мълумотларига кўра “Тұлов қобилияти коэффициенти. Ушбу коэффициентга кўра “Maxam-Chirchiq” акциядорлик жамиятида меъёрий кийматдан паст бўлиб, таҳлил қилинаётган йиллар мобайнида муайян тебранишлар кузатилган бўлса-да, барқарор ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бирок, 2018 йилдаги сезиларли пасайишни корхоналарда кредиторлик

*I-жадвал*

### **Maxam-Chirchiq”акциядорлик жамиятининг молиявий барқарорлик күрсаткичларининг таҳлили [4]**

Т/Р	Коэффициентлар номи	Йиллар				
		2017	2018	2019	2020	2021
1.	Мутлақ ликвидлилук коэффициенти	0,02	0,05	0,12	0,11	0,06
2.	Тұлов қобилияти (жорий ликвидлилук) коэффициенти	1,02	0,92	1,8	1,4	1,6
3.	Молиявий мустақиллик коэффициенти	0,3	0,3	0,6	0,5	0,6
4.	Ўз ва қарз маблағлари нисбати коэффициенти	0,4	0,4	2,3	1,4	1,8
5.	Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти	2,5	2,1	0,8	1,1	0,9
6.	Дебиторлик қарзларининг айланувчанлик коэффициенти	1,4	1,4	10,7	12,3	11,3
7.	Кредиторлик қарзларининг айланувчанлик коэффициенти	1,1	1,2	11,4	7,6	11,5
8.	Баланс фойда меъёри коэффициенти	0,1	0,2	0,3	0,3	0,3
9.	Соф фойда меъёри коэффициенти	0,02	0,09	0,13	0,13	0,14

қарздорликнинг кескин ошганлиги билан изоҳлаш мумкин.

“Maxam-Chirchiq” акциядорлик жамиятининг мутлақ ликвидлик коэффициенти меъёрий қийматдан сезиларли даражада паст бўлмоқда. Бундан хулоса қилиш мумкинки, корхоналарда қисқа муддатли мажбуриятлар ҳажми пул маблағларга нисбатан анча юқори. Яъни биргина 2019 йилда корхоналарда қисқа муддатли мажбуриятларнинг атиги 0,12 фоиз пул маблағлари хисобига қайтарилиши мумкин. Бу эса, корхонада молиявий менежмент самарали ташкил этилмаганлигини белгиласа, иккинчидан, таъминотчилар (иш ва хизматлар) томонидан эътиrozларни келтириб чиқариши мумкин.

Молиявий мустақиллик коэффициенти. Маълумки, амалиётда унинг меъёрий қийматининг энг юқори чегараси 0,5 қабул қилинган. Шунга мос равишда таҳлил қилинаётган йиллар мобайнида “Maxam-Chirchiq” акциядорлик жамиятида ушбу кўрсаткич 2017-2018 йилларда меъёрий қийматдан паст даражада бўлган ва сўнгти йилларда барқарор ўсиш тенденциясига эга.

Ўз ва қарз маблағлар нисбати коэффициенти. “Maxam-Chirchiq” АЖнинг ўз ва қарз маблағлари нисбати коэффициенти таҳлил қилинаётган даврда меъёрий қийматдан сезиларли даражада паст бўлган. Бироқ, ушбу кўрсаткич сўнгти уч йилда барқарор ўсиш кузатилган. Ушбу коэффициентнинг паст даражаси корхоналарнинг қарз маблағларига тобелик ҳолатини акс эттирмайди. Кўрсаткич даражаси активлар таркиби, улардан фойдаланиш самарадорлиги, даромадлилиги ва корхонанинг ихтиослашувига бевосита боғлиқ.

Ўз айланма маблағлар билан таъминланганлик коэффициенти. Таҳлил қилинаётган йилларда ушбу кўрсаткич “Maxam – Chirchiq” АЖда таҳлил қилинаётган йиллар мобайнида муайян

тебранишлар кузатилган. 2017–2018 йилларда меъёрий қийматдан сезиларли даражада юқори бўлган. Бироқ 2019–2021 йилларда меъёрий қийматдан сезиларли даражада паст бўлган.

Дебиторлик қарзларининг айланувчанлик коэффициенти. Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатмоқдаки, таҳлил қилинаётган йиллар мобайнида дебиторлик қарзларининг айланувчанлик коэффициенти турли даражада бўлганлигини кўриш мумкин. Хусусан, 2019–2021 йилларда меъёрий қийматдан сезиларли даражада юқори бўлган. Дебиторлик қарзлари коэффициентининг юқори даражасини корхона томонидан сотилган маҳсулот учун тўловларни ўз вақтида йиғиши ва ундириш бўйича ишларни самарали ташкил этилганлиги билан, унинг пастлигини эса, корхоналарда дебиторлик қарзларининг айланувчанлик даражасининг пастлигини икки омил, биринчидан, корхонанинг тўлов қобилияти паст бўлган харидорлар сонининг ошиши ва маҳсулот сотиш билан боғлиқ бошқа муаммолар, иккинчидан, бозордаги ўз улушини кенгайтириш мақсадида харидорлар билан алоқаларни енгиллаштиришга йўналтирилган сиёsatни амалга ошираётганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Кредиторлик қарзларининг айланувчанлик коэффициенти корхона томонидан қарзларни ўз вақтида тўловлар тезлигини ифодалайди. Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатмоқдаки, таҳлил қилинаётган даврларда кредиторлик қарзларнинг айланувчанлик коэффициенти 2021 йилда 2017 йилган нисбатан ўсган, бироқ тебrаниш бекарор тенденцияга эга. Бу эса, корхоналарнинг кредиторлик қарзларини ўз вақтида тўлаб бораётганлигини кўрсатади.

Баланс фойда меъёри коэффициенти. Таҳлил қилинаётган даврда ушбу коэффициент “Maxam-Chirchiq” АЖда барқарор ўсиш тенденциясига эга бўлган.

Бундан шуни хulosса қилиш мумкинки, ушбу корхонада ишлаб чиқариш харажатларини бошқарыш менежменти яхши йўлга қўйилган ва бу пировардида корхонанинг молиявий барқарорлигини таъминламоқда.

Соф фойда меъёри коэффициенти. Ушбу коэффициент “Maxam-Chirchiq” АЖда 2019 йилдан бошлаб нобарқарор ўсиш кузатилган. Демак, корхона фаолиятидан келиб чиқсан ҳолда бу кўрсаткичнинг нобарқарор ўсиш тенденцияси баланс фойда юқори бўлган бир вақтда салбий аҳамият касб этмайди.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, корхона молиявий барқарорлигини таъминлаш учун қўйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

Биринчидан, корхонанинг жорий ликвидлилик даражасини ошириш учун ўз пул маблағларидан бир қисмига қимматли қоғозлар сотиб олиш механизмини ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқ. Бу эса, қимматли қоғозларни тез фурсатда сотилиши ва нақд пулга айланishi нуқтаи назаридан бошқа корхона ҳамда хўжалик юритиш субъектларига нақд пул кўринишидаги мажбуриятларни тўлаб бериш имконини яратади.

Иккинчидан, корхона фаолиятига сарфланаётган сармоя ва уларни ўзини ўзи қоплаш даражаси бекарор бўлиб, уни барқарорлаштириш учун корхонанинг истиқболдаги инвестиция сиёсатини янада такомиллаштириш мақсадга мувофиқ.

Учинчидан, бугунги кунда корхонада кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш учун уни молиялаштириш имкониятини ошириш, яъни олинган фойда ҳисобидан ишлаб чиқаришни кенгайтириш, корхонани модернизация ва техник қайта жихозлаш лозим.

Тўртинчидан, корхонада ўз маблағларига бўлган эҳтиёжларни қондириш учун корхонанинг тегишли манбалари ва ташқи узоқ ва қисқа муддатли маблағларда фойдаланиши мақсадга мувофиқ. Бунда

олинган қарзларни ўз вақтида қайташи механизмини ишлаб чиқиш талаб этилади.

Бешинчидан, корхона захиралари айланувчанлиги коэффициенти таҳлил қилинаётган корхоналарда юқори бўлиб, бугунги кунда корхоналар ўз активларини самарали бошқармоқда. Бирок, бу ерда захираларнинг етишмаслик хатарлари ошади. Шу нуктаи назардан, активларни бошқарышни захиралар уйғунлигига амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Олтинчидан, корхонанинг ўз мажбуриятларидан ҳалос бўлиши учун корхоналар айланма маблағларини нақд пулга айлантиришнинг самарали тизимини амалга ошириши мақсадга мувофиқ. Шунингдек, корхоналар захира ва харажатларни тайёр маҳсулотга айлантириб, сотиш ва дебиторлик қарзларини олдиндан ундириш механизмини ишлаб чиқиши ҳамда амалга ошириши мақсадга мувофиқ.

### **Натижва мұхоказаси**

Корхоналарнинг молиявий барқарорлиги ва инвестицион жозибадорлиги билан қизиқувчи субъектларнинг ахборотга бўлган талабини янада тўликрок қондириш учун янада кўпроқ кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш мумкин. Бунда ҳар бир ахборотдан фойдаланувчининг қизиқишидан келиб чиқиб ўёки бу кўрсаткичларни баҳолаш асосида бошқарув, инвестицион ва молиявий қарорларни қабул қилишга асос бўладиган хulosаларга эга бўлиш мумкин. Шунингдек, корхоналар молиявий барқарорлигини баҳолашда уларнинг тармоқ ҳусусияти, рақобатдаги ўрни, бошқарувнинг компетентлиги ва бошқа омиллар ҳисобга олиниши зарур, деб ҳисоблаймиз. Ўрганилаётган кўрсаткичларнинг аҳамиятлилик даражаси ҳам рейтинг даражасининг ўзгаришига сабаб бўлиши мумкин. Шулардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, корхоналар

молиявий барқарорлиги самарадорлигини ошириш учун молиявий ҳолатни рейтинг баҳолашда имкон қадар (корхона молиявий ҳолати ва инвестицион жозибадорлигини ҳар тарафлама баҳолаш имконини берувчи) кўпроқ кўрсаткичлардан фойдаланилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Бу эса, ўз навбатида, халқаро миқёсда, мунтазам равишда саноат корхоналарида молиявий барқарорликни ошириш борасида илмий тадқиқотлар олиб боришни тақозо этади.

### **Хулоса**

Тадқиқот жараённада иқтисодиётни транформациялаш жараённада саноат корхоналари молиявий барқарорлигини таъминлашда бевосита ўз таъсирини ўtkазадиган бир қатор қуидаги муаммолар аниқланди. Хусусан:

– бугунги кунда, молиявий барқарорликни таҳлил қилишнинг асосий муаммоси компанияларнинг хусусиятларини ва уларнинг ривожланиш босқичларини ҳисобга оладиган самарали усувларнинг етишмаслиги таҳлилни амалга оширадиган мутахассисларнинг малакаси етарлича юқори эмас;

– молиявий барқарорликни баҳолаш учун меъерий-хукукий база ва саноат кўрсаткичлари тизимининг йўқлиги, бу корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича барқарорлигини қиёсий таҳлил қилиш учун тўсиқлар яратади. Масалан, хорижий амалиётда рейтинг агентликлари шунга ўхшашиб стандартларни олиб борадилар ва мунтазам равишда нашр этиб борадилар.

Шунингдек, мамлакатимиз саноат корхоналари молиявий барқарорлигини таъминлаш юзасидан қуидаги чоратадбирларни амалга ошириш лозим деб ҳисоблаймиз:

1. Корхона молиявий барқарорлигини таъминлашда корхонанинг молия соҳасидаги ўзаро таъсирини оптималлаштириш ва марказлаштирилмаган

маблағларни шакллантириш ҳамда тақсимлаш самарадорлигини оширишга кодир бўлган молиявий механизм ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

2. Молиявий барқарорликни оширишнинг асосий механизмларидан бири тўлов қобилияти даражасини оширишdir. Чунки тўлов қобилияти даражаси тўғридан-тўғри айланма активлар ва жорий мажбуриятлар билан боғлиқ бўлса, у ҳолда жорий активлар ва жорий мажбуриятларнинг таркиби қисмларининг мутлақ қийматларининг ўзгариши тўлов қобилиятига сезиларли таъсир кўрсатади. Бинобарин, айланма маблағлар структурасини оптималлаштириш ҳам, қисқа муддатли мажбуриятлар ҳажмини ҳам минималлаштириш компаниянинг молиявий барқарорлиги билан бевосита боғлиқдир.

3. Қарз маблағларининг катта улуши мавжуд бўлганда, компания айланма маблағларини кўпайтириш ўрнига фойдани камайтирадиган улар бўйича фоизларни тўлаши шартлигини унутмаслигимиз керак. Аммо бошқа томондан, қарз маблағлари ҳажмини ошириши ва янги фаолиятни ривожлантириши ёки янги бозорларга чиқиши мумкин, бу эса фойданинг ўсишига ёрдам беради. Натижада, компаниялар қарз маблағларининг мақбул миқдорига эришиш ва улардан самарали фойдаланиш орқали капитал таркибини оптималлаштириш билан боғлиқ муаммони ҳал қилишга ҳаракат қиласидилар.

4. Саноат корхоналарининг молиявий барқарорлигини кандай воситалар билан баҳолаш кераклигини аниқлаш керак. Бунинг учун унинг молиявий ҳолати тўғрисида объектив тасаввур берадиган турли коэффициентлардан оқилона фойдаланиш лозим. Шунингдек, муайян санадаги барқарор молиявий вазиятни таҳлил қилиш компаниянинг ушбу санадан олдинги даврда молиявий ресурсларини

қанчалик яхши бошқарганлигини тушунишга имкон беради.

5. Корхонанинг молиявий барқарорлигини баҳолашнинг амалдаги методологиясининг чекланганлиги ва унинг компания фаолиятидаги ҳақиқий жараёнларни акс эттиришнинг етарли эмаслиги таъкидланди. Тадқиқот давомида молиявий барқарорликни баҳолашга такомиллаштирилган услубий ёндашув таклиф этилди, бу молиявий-иктисодий барқарорлик кўрсаткичлари асосида корхонанинг молиявий-иктисодий ҳолати

юзасидан “молиявий механизм” ишлаб чиқишига имкон беради.

6. Муайян кўрсаткичлар тизимини қўллаш орқали корхонанинг молиявий барқарорлигини баҳолаш ва таҳлил қилиш мумкин. Ушбу кўрсаткичлар тизими қуидагича таснифланади: натижани, самарадорликни, молиявий барқарорликнинг ўзига хос хусусиятларини тавсифловчи кўрсаткичлар гурӯхлари, ўзига хос такрор ишлаб чиқариш жараёнининг кўрсаткичлари, профилактика кўрсаткичлари ҳисобланади.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилдаги “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг таракқиёт стратегияси тўғрисида” ги ПФ-60-сон Фармони.
2. Иктисодий адабиётларни ўрганиш натижасида муаллиф томонидан тузилди.
3. “Maxam-Chirchiq” АЖнинг молиявий ҳисботлари асосида муаллиф томонидан тузилди.
4. “Maxam-Chirchiq” АЖнинг молиявий ҳисботлари асосида муаллиф томонидан ҳисоблаб чиқилди.
5. <https://www.unido.org/sites> маълумотлари
6. Пардаев М.К., Исроилов Б.И. Молиявий таҳлил: (Услубий кўргазмалар ва тавсиялар). - Т.: Иктиносидиёт ва ҳукуқ дунёси, 2019. 197-б.
7. Мандель И.Д. Многомерный статистический анализ экономических процессов. – СПб.: Питер, 2009. -318 с.
8. И.А. Павлова// Финансы и кредит, 2017г.,«Анализ и прогнозирование финансовой устойчивости организации с учетом жизненного цикла на основе интегрального показателя». 23 (июнь), с. 71-75.
9. Омельченко И.И. Финансово экономическая стабильность как составная часть организационно экономической устойчивости предприятий // Вестник машиностроения. 2017. № 4. С. 65.
10. Гиляровская Л.Т, Вехорева А.А. Анализ и оценка финансовой устойчивости коммерческого предприятия. СПб., 2013. С. 13.
11. Данилова Н.Л. Анализ финансовой устойчивости предприятия [Электронный ресурс] // Ассоциация «Открытая наука». Выпуск № 2. 2014
12. Маликов Т.С. Молия: хўжалик юритувчи субъектлар молияси. Ўқув қўлланма / и.ф.д., проф. А.В. Ваҳобовнинг умумий таҳрири остида. –Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2009. 254-257-б.
13. Акрамов Э.А. Корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлили. - Т.: Молия, 2003. 64–85-б.
14. Ҳакимов Б., Холмирзаев У. Пул маблағлари ҳисоби ва таҳлилини ҳалқаро тажрибалар асосида такомиллаштириш. “Ҳалқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 1, февраль, 2020 йил.

UO'T 33.330.02

**Navruzbek Shavkatov**  
*Toshkent moliya instituti, PhD*  
[shavkatov\\_navruzbek@tfi.uz](mailto:shavkatov_navruzbek@tfi.uz)

## **DAVLAT-XUSUSIY SHERIKLIK ASOSIDA INFRATUZLIMA LOYIHALARINI MOLIYALASHTIRISHNING MUHIM JIHATLARI**

**Наврузбек Шавкатов**  
*Ташкентский финансовый институт, PhD*  
[shavkatov\\_navruzbek@tfi.uz](mailto:shavkatov_navruzbek@tfi.uz)

## **ВАЖНЫЕ АСПЕКТЫ ФИНАНСИРОВАНИЯ ИНФРАСТРУКТУРНЫХ ПРОЕКТОВ НА ОСНОВЕ ГОСУДАРСТВЕННО-ЧАСТНОГО ПАРТНЕРСТВА**

**Navruzbek Shavkatov**  
*Toshkent Institute of Finance, PhD*  
[shavkatov\\_navruzbek@tfi.uz](mailto:shavkatov_navruzbek@tfi.uz)

## **IMPORTANT ASPECTS OF FINANCING INFRASTRUCTURE PROJECTS BASED ON PUBLIC-PRIVATE PARTNERSHIP**

**Annotatsiya.** Mamlakatlarning iqtisodiy taraqqiyotida to'sqinlik qilishi mumkin bo'lgan asosiy omillardan biri sisatida infratuzilma tarmoqlarining moliyalashtirilishida yetarlicha moliyaviy resurslarning yetishmasligi hisoblanadi. Shuningdek, iqtisodiyot tarmoqlarida infratuzilma obyektlarini rivojlantirish va modernizatsiya qilish bo'yicha zarur investitsion loyihalarni amalga oshirish uchun xususiy investitsiyalarining salmog 'ining yetarli darajada emasligi va zamonaviy texnologiyalarni jaib etish darajasining pastligi asosiy muammolardan hisoblanadi. Ushbu maqolada davlat-xususiy sheriklik amaliyotini rivojlantirish orqali infratuzilma loyihalarini moliyalashtirishda xususiy investorlar ishtirokini oshirish masalalari va ahamiyati, ular o'rtaisdagi o'zaro iqtisodiy munosabatlar, bunday munosabatlarni rivojlantirish borasidagi xulosalar, amaliy taklif va tavsiyalar ishlab chiqilgan.

**Tayanch so'zlar:** davlat-xususiy sheriklik amaliyoti, infratuzilmani moliyalashtirish, xususiy investitsiya, xususiy investorlarni rag'batlantirish.

**Аннотация.** Одним из основных факторов, способных тормозить экономическое развитие стран, является отсутствие достаточных финансовых ресурсов для финансирования инфраструктурных отраслей. Также к числу основных проблем относятся недостаточный вес частных инвестиций и низкий уровень привлечения современных технологий для реализации необходимых инвестиционных проектов по

развитию и модернизации объектов инфраструктуры в отраслях экономики. В данной статье рассмотрены вопросы и важность расширения участия частных инвесторов в финансировании инфраструктурных проектов через развитие практики государственно-частного партнерства, взаимных экономических отношений между ними, выводы по развитию таких отношений, практические предложения и разработаны рекомендации.

**Ключевые слова:** практика государственно-частного партнерства, финансирование инфраструктуры, частные инвестиции, продвижение частных инвесторов.

**Annotation.** One of the main factors that can hinder the economic development of countries is the lack of sufficient financial resources for the financing of infrastructure sectors. Also, the insufficient weight of private investments and the low level of involvement of modern technologies for the implementation of the necessary investment projects for the development and modernization of infrastructure facilities in economic sectors are among the main problems. In this article, the issues and importance of increasing the participation of private investors in the financing of infrastructure projects through the development of the practice of public-private partnership, mutual economic relations between them, conclusions on the development of such relations, practical suggestions and recommendations have been developed.

**Keywords:** practice of public-private partnership, financing of infrastructure, private investment, promotion of private investors.

### Kirish

Bugungi kunda rivojlangan va rivojlanayotgan mamlakatlar tajribasidan shuni kuzatish mumkinki, davlat-xususiy sheriklik munosabatlari aholi turmush farovonligini yaxshilash, mamlakat infratuzilmasini rivojlantirish va pirovardida, mamlakatlar iqtisodiy taraqqiyotini ta'minlashda muhim o'rinn tutmoqda. Shuning uchun, bugungi kunda davlat-xususiy sheriklik amaliyotini mamlakat iqtisodiyotida kengroq joriy etish, davlat-xususiy sherikchilik munosabatlarga xususiy investorlarni qiziqishini oshirish, xususiy investorlarning infratuzilma loyihamalarini moliyalashtirishdan oladigan daromadlilagini oshirish va bu orqali mamlakat iqtisodiyotini rivojlantirish dolzarb hisoblanadi. Davlat-xususiy sheriklik amaliyotida muvaffaqiyatli xorij mamlakatlarini tajribasini o'rganish, mamlakatimizda qo'llanishi mumkin bo'lgan jihatlarni tahlil qilish, iqtisodiyotimiz uchun xos bo'lgan jihatlarni joriy etish muhim hisoblanadi. Mamlakatimiz iqtisodiy taraqqiyotida muhim

bo'lgan sohalar, sogliqni saqlash, ta'lif, transport, energetika sohalarida davlat-xususiy sheriklik amaliyotini yanada kengroq joriy etish, xususiy investorlarni kengroq jalb etish, loyihamalarni moliyalashtirishda xususiy investorlar mablag'laridan foydalanish muhim ahamiyat kasb etadi

O'zbekistonda ta'lif, sog'liqni saqlash, kommunal xo'jalik, energetika, transport, axborot-kommunikatsiya texnologiyalari kabi sohalarni rivojlantirish dolzarb bo'lib turgan ayni vaqtda davlat-xususiy sheriklik munosabatlari, ijtimoiy muhim infratuzilma loyihamalarini amalga oshirishda xususiy sektor mablag'laridan foydalanish borasidagi islohotlarga qaramasdan, sohaga xususiy sektor mablag'larini yo'naltirish darajasi pastligicha qolmoqda.

Mamlakatimizda 2026-yilgacha xorijiy va mahalliy investitsiyalarni jalb etish strategiyasini amalga oshirish va bunda davlat-xususiy sheriklik asosida energetika, transport, sog'liqni saqlash, ta'lif, ekologiya, kommunal xizmatlar, suv xo'jaligi va boshqa sohalarga 14 milliard AQSH dollariga teng investitsiya jalb etish [1] hamda davlat

va biznesning hamkorligini zamonaviy shakllarda tashkil etish, loyihalarni moliyalashtirish mexanizmlarini aniqlash, ijtimoiy ahamiyatga ega bo‘lgan vazifalarni o‘zaro manfaatli sharoitlarda tezkorlik bilan hal etish, shuningdek, davlat-xususiy sheriklik tizimini samarali boshqarish va muvofiqlashtirishni talab etmoqda. Bu esa davlat va xususiy sheriklik amaliyotida moliyaviy munosabatlarni takomillashtirish bo‘yicha ilmiy-tadqiqotlarni keng amalga oshirish zaruriyatini belgilaydi.

### **Mavzuga oid adabiyotlar sharhi**

Davlat va xususiy sheriklik (DXSH) – “xususiy sherik va davlat o‘rtasida davlat mulki yoki xizmatlarini taqdim etish bo‘yicha uzoq muddatli shartnoma bo‘lib, bunda xususiy tomon muhim ish haqi to‘lovi, faoliyati natijasi bilan bog‘liq risk va boshqaruv mas’uliyatini o‘z zimmasiga oladi” deb ta’riflanadi [2]. (Jahon banki, 2019-yil.) DXShning ildizlarini Leybenshteyn (1966) bilan bog‘lash mumkin, u «X-samaradorlik» tushunchasini kiritdi, davlat va xususiy firmalar o‘rtasidagi unumidorlikdagi farqlarni mehnatni boshqarish munosabatlari, tashkiliy tuzilmalar, rag‘batlantirish kabi nomoddiy «X-omillar» bilan bog‘liq holda bunday amaliyotning samaradorligini o‘rgangan. Leybensteynning [3] takliflariga muvofiq, DXSH hukumatlar va xususiy korxonalar uchun ularning faoliyatida yuzaga keladigan samarasizlikni kamaytirish uchun zarur bo‘lishi mumkin. Darhaqiqat, davlat-xususiy sheriklik loyihalari infratuzilma investitsiyalari uchun kapital miqdorini va xususiy sektor tajribasidan foydalanish orqali faoliyat samaradorligini oshirishi mumkin, ammo bunday jarayonlar har doim ham har bir DXSH loyihasi uchun avtomatik ravishda amalga oshirilmaydi. Davlat investitsiyalarining klassik shaklida infratuzilma loyihalari mamlakatlarning soliq va davlat qarzi vositalari tomonidan

moliyalashtiriladi va infratuzilma aktiviga to‘liq egalik qiladi [4]. Hukumat nafaqat infratuzilma obyektini quradi, balki u o‘zi yoki ba‘zi pudratchilar yordamida aholiga xizmatlar ko‘rsatadi. Biroq, Davlat investitsiyalari jarayonida muqobil usullardan foydalanish mumkin, ya’ni infratuzilma loyihasini qurish xususiy pudratchi tomonidan amalga oshirilishi mumkin. [5] Mamlakatda davlat investitsiyalarining klassik shaklida qurilishdan to ekspluatatsiya qilishgacha bo‘lgan loyihalarning to‘liq tavakkalchilagini o‘z zimmalariga olishsa, DXSH munosabatlarida daromad olishni maqsad qilgan xususiy investor risklarning katta qismini o‘z zimmasiga oladi [6,7,8].

Tahlillar shuni ko‘rsatadiki, iqtisodiy va infratuzilmaga bo‘lgan talabning oshib borishi davlatning DXSH munosabatlarini kengayishiga ta’sir qilivchi eng muhim omil hisoblanadi. Davlat qarzi darajasi va infratuzilmaga bo‘lgan talab DXSHni kengayishiga eng ko‘p ta’sir qiluvchi omillar hisoblanadi. DSXHlarning potensial iqtisodiy foydalari ko‘p hollarda ularni asoslash uchun keltirilgan eng muhim sabablardan biri hisoblanadi [9].

### **Tadqiqotlar metodologiyasi**

Ushbu maqolada ilmiy abstraksiyalash, tasviriy statistika, ekspert baholash guruhlashtirish, dinamik tahlil usullaridan foydalanilgan. Tahlil jarayonida statistik ma’lumotlarni to‘plash, jadval-grafiklar, bundan tashqari, tasviriy statistika ko‘rsatkichlari va o‘rtacha miqdorlardan foydalanilgan. Maqolada davlat-xususiy sheriklik munosabatlarni moliyalashtirishda xususiy investorlarni ishtiroti tahlil qilingan, shu bilan birga, muallif tomonidan xulosa va takliflar keltirib o‘tilgan.

### **Natija va muhokama**

Xalqaro moliya institutlari ko‘pincha kam daromadli mamlakatlarda DXSHni

amalga oshirishni qo'llab-quvvatlaydi, masalan, soliq tushumlari cheklangan milliy hukumatlar infratuzilmaga sarmoya kiritish uchun boshqa muqobil manbaga ega bo'lmasligi mumkin. (Osiyo taraqqiyot banki, 2008; Xalqaro moliya korporatsiyasi, 2009; Davlat-xususiy infratuzilma bo'yicha maslahat fondi, 2013; Birlashgan Millatlar Tashkiloti, 2009). Fikrimizcha, bunday sharoitlarda infratuzilmani moliyalashtirishning eng maqbul variantlaridan biri bu davlat xususiy sheriklik munosabatlari hisoblanadi.


Rivojlanayotgan mamlakatlarda budjet mablag'larining yetishmasligi, davlat qarzining balandligi, yetarli mablag'larning mavjud bo'lmasligi rivojlanayotgan mamlakatlarda infratuzilmalarni moliyalashtirishda muqobil manbalardan foydalanishga ehtiyoj yuzga keltiradi. Past daromadli va rivojlanayotgan mamlakatlarda bunday muqobil moliyalashtirish manbalari orasida Davlat-xususiy sheriklik orqali infratuzilmaga investitsiyalar jalb etish va moliyalashtirish amaliyoti juda keng tarqalmoqda. Biroq, xususiy biznes iqtisodiy-moliyaviy va siyosiy risklar yuqori bo'lgan muhitda, davlat-xususiy sheriklik munosabatlarida ishtirok etishi uchun yetarli darajada rag'batlarga ega bo'lmasa, bunday munosabatlarga qiziqishi yuqori bo'lmaydi. Aynan shuning Davlat-xususiy sheriklikda yuzaga keladigan moliyaviy munosabatlarni tatbiq etish dolzarb hisoblanadi.

Ushbu tadqiqot ishimizda yalpi ichki mahsulot, aholi jon boshiga to'g'ri keladigan daromad, davlat budgeti, davlat qarzi, inflyatsiya, pul massasi kabi ko'rsatkichlarini DXSH samaradorlik ko'rsatkichlari va infratuzilmaga xususiy investitsiyalar salmog'iga ta'sirni makroiqtisodiy jihatdan tahlil qilamiz. YaIMga nisbatan DXSH loyihalari soni va DXSHga investitsiyalar salmog'i bunday munosabatlarda tadqiq


etilishi lozim bo'lgan muhim ko'rsatkichlar sanaladi.

Dunyoda iqtisodiy-moliyaviy munosabatlarning globallashuvi, 2022-yilning butun dunyoda global siyosiy-moliyaviy keskinlashuvning kuchayganligi, mamlakatlar markaziy banklarining pul-kredit siyosatidagi keskin choralar, byudjet taqchilligi va davlat qarzlarining o'sishi, natijada mamlakatda infratuzilmaga ajratilishi rejalashtirilgan mablag'lar ko'laming keskin kamayishi sabab bo'lmoqda. "Infratuzilmaga davlat investitsiyalari salmog'ining kamayishi mamlakat iqtisodiyotiga keskin ta'sir ko'rsatadi, bunday sharoitda, davlat xususiy sektor uchun infratuzilmaga qilgan investitsiyalardan oladigan moddiy rag'batini oshirish orqali xususiy investitsiyalarni infratuzilmani moliyalashtirishga jalb etishi lozim" [10]. Fikrimizcha, DXSH munosabatlarini mamlakatda rivojlantrish orqali bunga erishish mumkin bo'ladi (1-rasm).

Butun dunyo miqyosida davlat-xususiy sheriklik loyihalaring amalga oshirilishi yillar kesimida tahil qilinganda 2011-2012-yillar oralig'ida eng ko'p amalga oshirilgan loyihalalar uchun xususiy investitsiyalar salmog'i ham eng ko'p miqdorda amalga oshirilgan. 2020-yil Covid-19 pandemiyasi paytida loyihalar salmog'i va xususiy investitsiyalar ko'laming tushishi qayd etilgan. Jahan banki tomonidan taqdim etilgan ma'lumotlar bazasidan foydalangan holda, ushbu tadqiqot 1991 va 2022-yillar oralig'ida 136 ta kam daromadli va rivojlanayotgan mamlakatlar o'rtaida infratuzilmada DXSH faoliyatini amalga oshiriluvchi omillarni tahlil qilishga harakat qilinmoqda. Tahlillar ko'rsatadiki, DXSH loyihalar sonida ham, DXSH faoliyatiga xususiy investitsiyalarda ham hal qiluvchi omil ekanligi aniqlandi.



1-rasm. 1991–2022-yillar oralig‘ida butun dunyo miqyosida amalga oshrilgan davlat-xususiy sheriklik loyihalari soni [15]<sup>1</sup>



2-rasm. Butun dunyo miqyosida amalga oshrilgan davlat-xususiy sheriklik loyihalari soni va unga yo‘naltirilgan xususiy investitsiyalarning bog‘liqlik darajasi[15]<sup>2</sup>

<sup>1</sup> The World Bank Private Participation Infrastructure Database – malumotlari asosida muallif tomonidan tayyorlandi. <https://ppi.worldbank.org/en/visualization#sector=&status=&ppi=&investment=&region=&ida=&income=&ppp=&mdb=&year=&excel=false&map=&header=true>

<sup>2</sup> The World Bank Private Participation Infrastructure Database – malumotlari asosida muallif tomonidan tayyorlandi. <https://ppi.worldbank.org/en/visualization#sector=&status=&ppi=&investment=&region=&ida=&income=&ppp=&mdb=&year=&excel=false&map=&header=true>

Davlat va xususiy sheriklik (DXSH) - “xususiy sherik va davlat o‘rtasida davlat mulki yoki xizmatlarini taqdim etish bo‘yicha uzoq muddatli shartnoma bo‘lib, bunda xususiy tomon muhim ish haqi to‘lovi natija bilan bog‘liq risk va boshqaruv mas‘uliyatini o‘z zimmasiga oladi” [11] deb ta‘riflanadi. Davlat-xususiy sheriklikda moliyaviy munosabatlар samaradorligi bo‘yicha davlatning va xususiy sherikning samaradorliklarini alohida taqqoslangan holda, xususiy sherik mehnatni boshqarish munosabatlari, tashkiliy tuzilmalar, rag‘batlantirish tizimlari xodimlarni tanlash va boshqa ko‘rsatkichlarda davlatdan ko‘ra samarali faoliyat ko‘rsatishi mumkin [12]. Bunda, DXSH davlatlar va xususiy sektor uchun ularning infratuzilmani boshqarishda tashkiliy tuzilmalarda yuzaga keladigan samarasizlikni kamaytirish uchun zarur bo‘lishi mumkin. Darhaqiqat, DXSH xususiy sektor tajribasini qo‘llash orqali infratuzilma investitsiyalari uchun kapital miqdorini va faoliyat samaradorligini oshirishi mumkin, ammo bu jarayonlar har doim ham turli xil loyihalar uchun bir xilda amalga oshirilavermaydi. Bunda loyiha xususiyati daromadliligi muhim ahamiyat kasb etadi. Shuning uchun davlat-xususiy sheriklikda infratuzilmaning turli xil sohalariga turlicha yondashuv zaur bo‘ladi. “Iqtisodiy va ijtimoiy hayotning bir qancha sohalarida DXSH ning turli xil potensial afzalliklari mayjud bo‘lsada, yaxshi tashkil etilgan DXSH amaliyoti tizimli va samarali moliyaviy munosabatlarda aks ettirilmasa, muvaffaqiyatsizlik ehtimoli muvaffaqiyat ehtimolidan yuqori bo‘lishi mumkin” [13]. Shuningdek, davlat-xususiy sheriklikning muvaffaqiyatlari bo‘lishida davlat moliyasining barqarorligi va bozor hajmi infratuzilmaga investitsiyalar ko‘lamiga ijobiy ta‘sir ko‘rsatsa, soliq yukining baland bo‘lishi hamda yuqori darajada infliyatsiya salbiy ta‘sirini namoyon qiladi (2-rasm) [14].


Milliy va global miqyosdagi beqaror iqtisodiy va siyosiy muhitni hisobga

olgan holda, davlatlar va xususiy firmalar infratuzilmaga xususiy investitsiyalari bo‘yicha oqilona va oqilona qarorlar qabul qilish uchun zamonaviy va dolzarb yondashuvlarga asoslanishi talab etiladi. Shu sababli, ushbu maqola keng qamrovli makroiqtisodiy ma’lumotlar to‘plamidan foydalangan holda DXSH mexanizmlariga ta‘sir qilishi mumkin bo‘lgan omillarni o‘rganish va tahlil dolazarb hisoblanadi.

Infratuzilmani moliyalashtirishda davlat tashqi qarzi ulushini oshib borishi va ular hisobiga olingan moliyaviy resurslar ma’lum bir darajada chegaralanganligi evaziga, davlat-xususiy sheriklik orqali xususiy investorlarning mablag‘larini infratuzilma loyihalarini moliyalashtirish uchun yo‘naltirish mamlakatda tashqi qarzga bo‘lgan ehtiyojni ma’lum bir darajada chegaralash imkonini beradi. 2022-yil davomida O‘zbekiston davlatining qarzi 2,9 mlrd. dollarga ko‘payib, 29,2 mlrd. dollarni yoki YaIMga nisbatan 36,4 foizni tashkil etdi. Davlat qarzining 90 foizdan ortiq qismi xorijiy valutada jalb qilingan. 2023-yilning 1-yanvar holatiga O‘zbekistonning davlat qarzi 29,2 mlrd. dollarga yetdi. Bu – mamlakat tarixidagi eng yuqori ko‘rsatkichdir.

Davlat qarzi 2022-yil 3-choragiga nisbatan 3,1 mlrd. dollarga ko‘paygan, YaIMga nisbatan ulushi ham 2,3 foizga oshib, 34,1 foizdan 36,4 foizga yetgan. Taqqoslash uchun, 2022-yilning 1-oktyabr holatiga davlat qarzi 26,2 mlrd dollarni tashkil etgan (3-rasm).

Davlat qarzining umumiyligi miqdori yildan yilga oshayotgan bo‘lsa-da, uning yalpi ichki mahsulotga nisbatan ulushi 2020-yildan keyingi davrda kamaygan. Jahon banki (JB) prognozlariga ko‘ra, O‘zbekiston hukumati o‘zining qarz olish cheklolvariga rioya qilishda davom etishi kutilmoqda. Davlat qarzi va umumiyligi tashqi qarz 2024-yil oxiriga kelib YaIMning mos ravishda 32 va 55 foizigacha bosqichma-bosqich kamayishi mumkin.



3-rasm. O'zbekiston davlat qarzining o'zgarish dinamikasi (mlrd. dollarda)

**Birinchidan, O'zbekiston kabi rivoj-lanayotgan mamlakatlarda** infratuzilma loyihalarini amalga oshirish ko'lami doimo o'sib boruvchi xarakterga ega. Bu kabi vazifalarni amalga oshirish uchun davlatda 2 ta muqobil yechim mavjud: soliqlarni oshirish yoki tashqi qarz va investitsiya mablag'larini jalg qilish. Soliqlarni oshirish istiqbolda iqtisodiyotni rivojlantirish rag'batlariga putur yetkazishi hisobga olinsa, ko'plab rivojlangan davlatlar ikkinchi yo'lni tanlashni afzal ko'rishadi.

**Ikkinchidan**, kovid va postkovid davri dunyoning ko'plab mamlakatlarida tashqi qarz o'sishiga olib keldi. Xususan, ushbu omillar ta'sirida 2020-yilda qarz jalg qilish miqdori keskin oshganini (17,8 mlrd. dollardan 23,4 mlrd. dollarga) ko'rish mumkin.

**Uchinchidan**, davlat budjeti taqchiligining oshib borayotgani. 2022-yilda ushbu ko'rsatkich YalMning 3,9 foizini yoki qariyb 35 trln. so'mni tashkil etdi.

2023-yilda O'zbekiston nomidan va kafolati ostida tashqi qarzlarni jalg qilish bo'yicha yillik imzolanadigan bitimlarning umumiy qiymati 4,5 mlrd. dollarni tashkil qilishi, shundan davlat budgetini qo'llab-

quvvatlash, budget taqchilligi uchun 2 mlrd. (bu o'tgan yilga nisbatan 500 mlrd. dollarga kam), investitsiya loyihalarini moliyalashtirish uchun esa 2,5 mlrd. dollar (bu o'tgan yilga nisbatan 500 mln. dollar ko'p) jalg qilinishi belgilangan.

### Xulosa

Mamlakat aholisining tez sur'atlarda o'sishi va infratuzilmaga bo'lgan talabning keskin oshishi davlat xizmatlari va infratuzilmani yangilash uchun katta xarajatlarni talab etadi. Fikrimizcha, bunday sharoitlarda davlat tashqi qarzga katta e'tibor qaratmasdan, davlat-xususiy sheriklik asosida xususiy investorlarni kengroq jalg etishi, xususiy investorlarni infratuzilmani moliyalashtira oladigan manfaatdorligining oshirilishi orqali xususiy sherik mablag'-larini yo'naltirishi maqsadga muvofiq hisoblanadi.

Shuningdek, iqtisodiyotning bugungi sharoitida davlat-xususiy sheriklik asosidagi infratuzilma loyihalari uchun xususiy investitsiyalarni yo'naltirish va xorijiy investorlar uchun qulay sharoitlar va imkoniyatlar yaratish hamda ustuvor

yo‘nalishlarni belgilash, ijtimoiy loyihalarga xususiy investitsiyalarni jalb etishning optimal mexanizmlarini joriy etish yo‘llarini ilmiy tadqiq etishga e’tiborni kuchaytirish talab etiladi.

Davlat-xususiy sherikligini faqatgina ijtimoiy-madaniy soha hamda infratuzilmani rivojlantirish darajasini belgilovchi omil sifatida emas, balki, mamlakat iqtisodiyotining rivojlanishini yangi bosqichga olib chiqadigan alohida dastaklardan biri sifatida

e’tirof etish lozimdir. Yaqin kelajakda davlat-xususiy sherikligini amalga oshirish bo‘yicha loyihalar bazasini yaratish va ochiq, real ma’lumotlar bilan shakllantirib borish va muntazam tahlil etib borish, davlat-xususiy sheriklik loyihalari uchun trening tizimini yaratish, infratuzilmani va ijtimoiy sohani qo‘sishma rivojlantirish borasida izchil ishlarni belgilash, eng muhimmi, xususiy sherikni tanlashda shaffof va adolatli tizim ishlab chiqish lozimdir.

### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 28.01.2022-yildagi “2022 — 2026-yillarga mo‘ljallangan yangi O‘zbekistonning Taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida”gi PF-60-son, <https://lex.uz/uz/docs/-5841063>.
2. The World Bank. (2019). What are public private partnerships?. <https://ppp.worldbank.org/public-private-partnership/overview/what-are-publicprivate-partnerships>.
3. Leibenstein, H. (1966). Allocative efficiency vs. X-efficiency. The American Economic Review, 56(3), 392e415.
4. De Bettignies, J.-E., & Ross, T. W. (2004). The economics of public-private partnerships. Canadian Public Policy/Analyse de Politiques, 30(2), 135e154.
5. Iossa, E., & Martimort, D. (2015). The simple microeconomics of publicprivate partnerships. Journal of Public Economic Theory, 17(1), 4e48.
6. Alfen, H. W., Kalidindi, S. N., Ogunlana, S., Wang, S., Abednego, M. P., Jungbecker, A. F., Jan, Y. A., Ke, Y., Liu, Y., Singh, B., & Zhao, G. (2009).
7. Ismail, S. (2013). Critical success factors of public private partnership (PPP) implementation in Malaysia. Asia-Pacific Journal of Business Administration, 5(1), 6e19.
8. Wang, Q., Li, J. J., Ross, W. T., & Craighead, C. W. (2013). The interplay of drivers and deterrents of opportunism in buyeresupplier relationships. Journal of the Academy of Marketing Science, 41(1), 111e131.
9. Delmon, J. (2011). Public-private partnerships in infrastructure: An essential guide for policymakers. New York, NY: Cambridge University Press.
10. Yurdakul, Hakan, Rifat Kamaşak, and Tülay Yazar Öztürk. “Macroeconomic drivers of Public Private Partnership (PPP) projects in low income and developing countries: A panel data analysis.” Borsa Istanbul Review 22.1 (2022): 37-46.
11. The World Bank. (2019). What are public private partnerships?. <https://ppp.worldbank.org/public-private-partnership/overview/what-are-publicprivate-partnerships>.
12. Leibenstein, H. (1966). Allocative efficiency vs. X-efficiency. The American Economic Review, 56(3), 392e415.
13. Ahwireng-Obeng, F., & Mokgohlwa, J. P. (2002). Entrepreneurial risk allocation in public-private infrastructure provision in South Africa. South African Journal of Business Management, 33(4), 29e39.
14. Hammami, M., Ruhashyankiko, J.-F., & Yehoue, E. B. (2006). Determinants of public private partnership in infrastructure. IMF working paper, WP/06/ 99.
15. The World Bank Private Participation Infrastructure Database. <https://ppi.worldbank.org/en/visualization#sector=&status=&ppi=&investment=&region=&ida=&ncome=&pp=&mdb=&year=&excel=false&map=&header=true>.

**УДК 657.38**

*К.Э.Н. Курбанбаев Журабек Эрувбаевич,  
Мухаммедова ДилфузАнваровна  
Акрамов Шохрух Шухратович  
Ташкентский Международный университет Кимё*

## **НОВЫЕ ПОДХОДЫ И ПРОГРЕССИВНЫЕ ПРИЁМЫ ПЛАНИРОВАНИЯ АУДИТА ПРИ ОБНОВЛЕНИИ МЕЖДУНАРОДНЫХ СТАНДАРТОВ**

*PhD Qurbonboev Jurabek Eruvbaevich,  
Muxammedova Dilfuza Anvarovna,  
Akramov Shoxrux Shukhratovich  
Toshkent Kimyo xalqaro universiteti*

## **XALQARO STANDARTLARNI YANGILASHDA AUDITNI REJALASH UCHUN YANGI YONDASHUVLAR VA PROGRESSIV TEHNİKALAR**

*PhD Kurbanbayev Jurabek Eruvbayevich,  
Mukhammedova Dilfuza Anvarovna,  
Akromov Shokhrukh Shukhratovich,  
Tashkent Kimyo International University*

## **NEW APPROACHES AND PROGRESSIVE TECHNIQUES FOR AUDIT PLANNING WHEN UPDATING INTERNATIONAL STANDARDS**

**Аннотация.** В статье анализируются подходы к определению и рассмотрению проблем планирования аудиторской проверки. В процессе исследования особое внимание уделено значимости этапа планирования, его взаимосвязи с другими процедурами проверки и влиянию на эффективность аудиторской проверки. Также обозначены ключевые отличия в терминологии «общего плана» и «стратегического плана» аудиторской деятельности в соответствии с НСА и МСА, этапы планирования, факторы, которые необходимо учитывать при его разработке. Отдельный акцент сделан на преимуществах эффективного и правильного составленного планирования аудита. Раскрыта важность и необходимость данного этапа в работе с хозяйствующими субъектами, а также логические приемы планирования аудита на базе международных стандартов аудита в сравнении с национальными стандартами аудиторской деятельности.

**Ключевые слова:** аудит, планирование аудита, предварительная подготовка аудита, стратегия аудиторской проверки, эффективность, этапы.

**Annotatsiya.** Maqolada auditni rejorashtirish muammolarini aniqlash va ko'rib chiqishga yondashuvlar tahsil qilinadi. O'r ganish jarayonida rejorashtirish bosqichining ahamiyati, uning boshqa audit protseduralari bilan aloqasi va audit samaradorligiga ta'siriga alohida e'tibor

beriladi. Shuningdek, NSA va ISAg'a muvofiq auditorlik faoliyatining "umumiyl reja" va "strategik rejasi" terminologiyasidagi asosiy farqlar, rejalashtirish bosqichlari, uni ishlab chiqishda hisobga olinishi kerak bo'lgan omillar aniqlangan. Samarali va puxta ishlab chiqilgan auditni rejalashtirishning afzalliklariga alohida urg'u beriladi. Xo'jalik yurituvchi subyektlar bilan ishlashda ushbu bosqichning ahamiyati va zaruriyati, shuningdek, milliy audit standartlariga nisbatan xalqaro audit standartlari asosida auditni rejalashtirishning mantiqiy usullari ochib berilgan.

**Tayanch so'zlar:** audit, auditni rejalashtirish, auditga dastlabki tayyoragarlik, audit strategiyasi, samaradorlik, bosqichlar.

**Annotation.** The article analyzes approaches to identifying and considering the problems of planning an audit. During the study, special attention is paid to the importance of the planning stage, its relationship with other audit procedures and the impact on the effectiveness of the audit. Also, the key differences in the terminology of the "overall plan" and "strategic plan" of audit activity in accordance with the NSA and ISA, planning stages, factors that must be taken into account when developing it are identified. A separate emphasis is placed on the benefits of an effective and well-designed audit planning. The importance and necessity of this stage in working with business entities, as well as the logical methods of planning an audit based on international auditing standards in comparison with national auditing standards are revealed.

**Key words:** audit, audit planning, preliminary audit preparation, audit strategy, efficiency, stages.

## Введение

Многие компании и предприятия в процессе своей обычной деятельности работают, достигают неплохих финансовых результатов, то есть зарабатывают достаточно внушительный доход и прибыль, осваивают достаточный сегмент рынка, добиваются успеха. Но, как в любой деятельности не обходится без трудностей и ошибок. Выявить и даже предотвратить отрицательные или проблемные ситуации бизнеса, принять правильные, обоснованные и своевременные решения помогает регулярный аудит финансово-хозяйственной деятельности. Каждый владелец бизнеса, хотя бы раз задавал себе вопрос: «Что это такое, какой бывает аудит, как он проводится и в какой ситуации это является обязательным?».

## Обзор литературы

Исследованию проблемы организации и планирования аудиторской

проверки посвящались такими учеными, как Г.И. Золотарева, которая делает упор на мнение Э.А. Аренс и Дж. Лоббек, выделяя: «Аудитору следует детально и досконально планировать свою работу, преследуя три ключевые цели: исключение любых недоразумения с клиентом, получение максимально широкого и разнообразного количества данных о положении дел в инспектируемой области, удержание в разумных, допустимых пределах расходов на аудит» [3].

Отдельные вопросы планирования аудита и своеобразный подход к отображен в работах, Anthony K.P. Wensley. На сегодняшний день распространенным является убеждение, что планирование аудиторской проверки происходит ближе к началу выполнения аудиторского задания. Однако, согласно MCA (ISA) 300, планирование не следует рассматривать как отдельную, обособленную часть общего аудита [5].

Результаты исследований различных авторов и ученых имеют большое

значение для развития теоретико-методологических и научно-практических аспектов проведения аудита. Однако на сегодняшний день существует еще целый ряд нерешенных проблем, в частности что обусловлено появлением новых сфер деятельности хозяйствующих субъектов, связанных с ведением цифрового бизнеса, использованием инновационных финансовых инструментов и сферы деятельности за границами национального рынка, предопределяет необходимость использования новых подходов, более прогрессивных приемов и гибких процедур к планированию аудиторской деятельности. Именно по данной причине необходим углубленный анализ подходов к планированию аудиторской проверки, в связи с постоянным развитием аудиторской деятельности и обновлением международных стандартов.

### **Методология исследования**

В методологии данной статьи используются методы анализа и синтеза, научного абстрагирования, обобщения, сравнительного теоретического толкования. Кроме того, научную основу статьи составляют международные стандарты, информация из исследований ученых в отечественных и зарубежных научных изданиях.

### **Обсуждения и результаты**

Документом, подтверждающим соблюдения хозяйствующим субъектом требований законодательства в области финансов, отражающим реальную картину эффективности бизнес-процессов и всей организации деятельности является финансовая отчетность. Поэтому в проведение регулярных аудиторских проверок финансовой отчетности и организации деятельности хозяйствующих

субъектов заинтересованы в первую очередь сами владельцы бизнеса.

Аудиторская проверка позволяет предпринимателю:

- удостовериться и оценить, насколько правильно ведется финансовая отчетность компании;
- убедиться в правильности организации и ведения бизнеса;
- своевременно выявлять и устранять различные факты нарушения норм законодательства в сфере финансов, бухгалтерского учёта и налогообложения;
- получить подтверждение корректности отражения данных финансовой и прочей отчетностях;
- избежать ненужных проверок и вмешательства со стороны различных контролирующих организаций;
- аудитор поможет обнаружить в организации скрытые резервы, которые помогут повысить эффективность деятельности.

Раз аудиторская проверка имеет столько плюсов для владельцев бизнеса, естественно возникает второй вопрос: «Как он проводится и в какой ситуации это является обязательным?» Но надо заметить, что это слишком обширный вопрос, поэтому мы ставим цель в данной статье разобрать или больший упор дать вопросу организации и проведения аудиторской проверки. Проведение аудиторской проверки имеет множество особенностей: от планирования и выбора аудиторской компании до непосредственного сбора информации и подведения итогов.

Планирование аудита занимает особое место при проведении аудиторской проверки, поскольку оно влияет на качество результатов выполненного аудиторского задания и на его эффективность. Поэтому, в ситуации роста аудиторского риска и в условиях трансформационной экономики,

совершенствование методов и процедуры проведения планирования аудиторской проверки остаётся всё ещё актуальной темой.

Порядок аудиторской проверки хозяйствующих субъектов прописан в нормативных документах МСА 200 и МСА 300 (т.е. Международными стандартами аудита). Данный порядок актуален как для обязательного, так и для инициативного аудита финансовой отчетности.

Выделяют 6 этапов проведения аудиторской проверки:

1. Предварительное планирование.
2. Составление плана и программы аудита.
3. Подписание договора.
4. Аудиторская проверка.
5. Выводы и рекомендации.
6. Аудиторское заключение.

Как же происходит планирование, и подготовка к аудиторской проверке и на что нужно обратить внимание?

Планирование - обязательный этап в процессе подготовки и проведения любого вида аудита (финансового, кадрового, инвестиционного, технического, промышленного и др.). Документами планирования являются планы, графики, программы и т. д. У каждого такого документа свое назначение. Например:

- План содержит описание областей проверки, сроки ее проведения, составы групп исполнителей и их распределение по участкам контроля.
- В программах аудита расписываются процедуры, которые проводятся на конкретном участке контроля.

Требования к составу, содержанию и форме документов планирования, а также описание технологии их составления содержатся в разных документах в зависимости от вида аудита. Это могут быть международные или национальные стандарты аудита (аудиторской

деятельности), ГОСТы, внутренние инструкции компаний и предприятий.

С развитием рыночных отношений и процессов экономической интеграции многие крупные национальные аудиторские организации становятся членами международных организаций. В результате они обязаны предоставлять аудиторские услуги в соответствии с международными стандартами аудита.

Согласно статистическим данным, в 2021 году количество аудиторских организаций, вступивших в международную аудиторскую сеть, составило 19,2% от общего количества аудиторских организаций, а к 2022 году - 21,42% [1]. Во исполнение постановления Президента Республики Узбекистан № ПК-5210 от 4 августа 2021 года «О дополнительных мерах по совершенствованию системы аттестации аудиторов» аттестацию аудиторов осуществляют общественные объединения аудиторов. На сегодняшний день в общей сложности 458 претендентов получили квалификационные сертификаты аудитора от общественных объединений. В то же время видно, что почти 80 % аудиторских организаций, действующих на практике, имеют экспертов, которые регулярно занимаются аудиторской деятельностью на профессиональном уровне и работают более десяти лет. Это свидетельствует о том, что уровень профессионализма аудиторской деятельности в нашей стране повышается, а ее позиции укрепляются.



**Диаграмма 1. Динамика изменения количества аудиторских организаций и аудиторов в разрезе 2019-2022 гг.[1]**

Если процедуры планирования аудита, осуществляется по Международным стандартам аудита, то такие понятия, как «общий план аудита» и «программа аудита», в МСА 300 «Планирование аудита финансовой отчетности» отсутствуют. Стандарт оперирует терминами «общая стратегия аудита» и «план аудита». Использование термина «общий план аудита» является некорректным. Программы аудита по-прежнему разрабатываются и используются, хотя в МСА 300 они не упомянуты.


Хотя, общая стратегия и план аудита, как и в соответствии с НСА программа

аудита, обязательно включаются в состав аудиторской документации. А процессу их оформления предшествуют:

- обсуждение стратегии аудита;
- составление перечня необходимых аудиторских процедур;
- распределение задания между членами аудиторской группы;
- утверждение временных рамок выполнения этапов аудиторского задания.

В нормативно-правовой и специальной литературе можно найти информацию о том, что составлению плана всегда предшествует разработка общей стратегии аудита. Так что же она должна включает?

**Общая стратегия аудита помогает аудитору определиться в вопросах (A8 МСА 300 «Планирование аудита финансовой отчетности»):**



**Рисунок 1. Состав и основные вопросы общей стратегии аудита [4]**

Если НСАД № 3 «Планирование аудита» утверждает, что общий план проведения аудита составляется для определения предполагаемых объемов и порядка проведения аудиторской проверки, то МСА 300, Международные стандарты предусматривают следующее назначение для плана аудита:

специфические особенности и требует индивидуального подхода, при оценке рисков, формирования ресурсов, требуемых для проведения аудита. Использование типовых бланков стратегии и плана аудита не рекомендуется.

В специальной литературе и сайтах интернета можно встретить заполненные




Рисунок 2. Состав плана аудита в соответствии с МСА [4]

Вне зависимости от стандартов, общеустановлено, что план аудита должен описывать характер, сроки и объемы аудиторских процедур, выполняемых членами аудиторской группы.

В итоге, процесс планирования – можно охарактеризовать, как циклический процесс, иногда даже на протяжении всей аудиторской проверки. Например, на предварительном этапе планирования производится оценка рисков. Результат данной оценки учитывается при определении характера, объемов и сроков применяемых аудиторских процедур. Именно по данной причине, планирование аудиторских процедур до оценки и выявления рисков, считается практически невозможно. Но, некоторые аудиторские процедуры, такие как: оценка отдельных видов операций, остатков по счетам и раскрытия информации, могут быть начаты до проведения всех остальных аудиторских процедур.

Так как каждый бизнес или хозяйствующий субъект имеет свои

образцы общего плана аудита, но признать их актуальными является затруднительным, по причине того, что понятие «общий план аудита» и правила его составления регламентированы только национальным стандартом аудита.

### Заключение

Подытожив все вышеприведённое, можно сделать следующие выводы и предложения:

1. Так как составление плана и программы аудита необходимо в первую очередь для повышения эффективности проверки и ускорения процесса аудита. Планирование целесообразно начинать вскоре после завершения предыдущего аудита или в связи с ним, например, после анализа вопросов, которые обсуждались с руководством, таких как недостатки контроля или нескорректированные ошибки. Такие вопросы актуальны для аудита в следующем периоде и должны учитываться при планировании.

2. Так же план аудита может быть пересмотрен по мере продвижения проверки, и его не следует рассматривать как окончательно зафиксированный результат после завершения основной фазы планирования. Например, во время аудита может произойти значимое событие, а это означает, что план аудита необходимо изменить. То есть, нам хотелось бы предложить, чтобы процесс планирования характеризовался, как циклический процесс, иногда даже на протяжении всей аудиторской проверки. Именно по данной причине, международные стандарты, больше

оперируют терминами «общая стратегия аудита» и «план аудита».

3. В итоге, можно сделать вывод, что аудит – это не просто способ отчитаться о деятельности бизнеса или хозяйствующего субъекта перед существующими и потенциальными инвесторами, учредителями, контролирующими и надзорными органами, но именно реальная возможность провести комплексное исследование финансовой, бухгалтерской работы на предприятии, получить детальный разбор каждой проблемы с профессиональными рекомендациями по ее устранению.

## **ЛИТЕРАТУРА**

1. <https://uzaudit.uz/> данные Палаты аудиторов Узбекистана.
2. <https://naaa.uz/> нормативные документы и учебный материалы НАБА Узбекистана.
3. Золотарева Г.И. Подготовка к планированию и проведению аудита: методический аспект // Аудитор. 2020. Т. 6. № 10. С. 3-10.
4. International standard on auditing 300 // Planning an audit of financial statements // December 15, 2009 [Электронный ресурс] // Режим доступа URL: <http://www.ifac.org/system/files/downloads/a016-2010-iaasbhandbook-isa-300.pdf> (дата обращения: 29.08.2016).
5. Agile auditing: fundamentals and applications / Raven Catlin, Danny M. Goldberg. Hoboken: John Wiley & Sons, Inc., 2021. 361 p.

**УЎТ 657.311**

**Хожиев Мехридин Сулаймонович,**  
**Toшкент молия институти “Аудит”**  
**кафедраси доценти, PhD.**  
**e-mail: dj.msx@mail.ru**

## **НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИДА МАҚСАДЛИ ТУШУМЛАР АУДИТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**Хожиев Мехридин Сулаймонович,**  
**Phd, доцент кафедры «Аудит» Ташкентского**  
**финансового института**  
**e-mail: dj.msx@mail.ru**

## **СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ АУДИТА ЦЕЛЕВАЯ ПОСТУПЛЕНИЯ В НЕГОСУДАРСТВЕННЫХ НЕКОММЕРЧЕСКИХ ОРГАНИЗАЦИЯХ**

**Khojiyev Mekhriddin Sulaymonovich,**  
**PhD, Associate Professor of the Department “Audit”**  
**of the Tashkent Institute of Finance**  
**e-mail: dj.msx@mail.ru**

## **IMPROVING AUDIT OF TARGETS REVENUE IN NON- STATE NON- PROFIT ORGANIZATIONS**

**Аннотация.** Уибумаколада нодавлат нотижорат ташкилотларида (ННТ) мақсадли тушумларнинг моҳияти ва аҳамияти очиб берилган ҳамда уларда аудит ўтказишнинг умумий методологик тартибини тақомиллашириш масалалари юзасидан илмий асосланган тавсиялар ёритилган. Шунингдек, ННТда мақсадли тушумлар аудитини ўтказиш босқичлари ишлаб чиқилган ва ундан олинган натижаларнинг аудиторлик рискига таъсири таҳлил қилинган ҳамда мақсадли тушумлар аудитини ўтказиш юзасидан тақлифлар берилган.

**Таянч сўзлар:** мақсадли тушумлар, мақсадли молиялашириши, мақсадли фонд маблаглари, грантлар, аъзолик бадали, беғараз ёрдам маблаглари, хайр-эҳсон тушумлари, мақсадли фойдаланилган солиқ имтиёзлари.

**Аннотация.** В данной статье рассмотрены сущность и значение целевых поступлений в негосударственных некоммерческих организациях и научно обоснованные рекомендации по вопросам совершенствования общего методического порядка проведения аудиторских проверок в них. А также в ННО были разработаны этапы аудита целевых поступлений, проанализировано влияние полученных результатов на аудиторский риск и рекомендован

порядок аудита целевых поступлений в негосударственных некоммерческих организациях.

**Ключевые слова:** целевое поступление, целевое финансирование, гранты, дарение, доходы от благотворительных пожертвований, благотворительность, налоговые льготы с целевым использованием.

**Abstract.** This article discusses the essence and significance of targeted revenues in non-state non-profit organizations (NSNPOs) and scientifically based recommendations on improving the general methodological procedure for conducting audits in them. And also in NSNPOs, the stages of auditing targeted revenues were developed, the impact of the results obtained on audit risk was analyzed, and the procedure for auditing targeted revenues in non-state non-profit organizations was recommended.

**Keywords:** non-state non-profit organization, auditing, audit planning, civil contract, targeted receipts, subsidy, humanitarian aid, targeted financing.

## Кириш

Иқтисодиётнинг ҳозирги таркибий ўзгаришлари шароитида давлат томонидан мақсадли тушумларнинг берилиши ва улар аниқ белгиланган вазифаларга сарфланиши аксарият ҳолатларда нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан амалга оширилмоқда. Чунончи, ННТлар амалиётида халқаро ташкилотлар томонидан эълон қилинган танловларда маҳсус грантларни ютиб олиш ҳолларини, уларга давлат томонидан субсидия, дотация ҳамда соликлар ва мажбурий тўловлар бўйича катта имтиёзларнинг берилиши каби ҳолатларни кўп учратиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Таракқиёт стратегияси”сида таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг ташкилий-хукукий асосларини такомиллаштириш мақсадида ижтимоий шерикликнинг самарасини ошириш, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятигининг бошқа институтларини давлат томонидан субсидиялар, грантлар ва ижтимоий буюртмалар шаклларида қўллаб-куватлаш ҳажмини икки баробарга ошириш ҳамда Халқ депутатлари Кенгашлари хузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик

жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-куватлаш жамоат фондларига ажратилаётган маблағлар ҳажмини етти баробарга ошириш [3] каби муҳим вазифалари белгиланган. Шу ўринда конун хужжатларига мувофиқ ННТлар мустакил иқтисодий субъектлар ҳисобланади. Улар бошқа иқтисодий субъектлардан турли жиҳатлари бўйича фарқланади. Бундай фарқли жиҳатлар уларнинг мақоми, мақсади, устав вазифалари, маблағларини шакллантириш манбалари, бу маблағларнинг мақсадли ишлатилиши, тушумлар ва сарфлар ўргасидаги фарқнинг фойда сифатида тан олинмаслиги ва таъсисчилар ўртасида тақсимланмаслиги, келиб тушган мақсадли тушумлардан фақат бегараз мақсадларда фойдаланиш ва бошқаларда ёрқин намоён бўлади.

ННТлар фаолиятини ташкил қилиш операциялари, уларнинг активлари ҳаркати ҳисобини яхлит методологик тартибда ташкил этиш ва молиявий ҳисоботлари ишончлилигини таъминлаш учун мақсадли тушумлар аудитни такомиллаштириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

## Мавзуга оид адабиётлар шархи

Йирик тижорат компаниялари ва акциядорлик жамиятларида аудитор-

лик текширувларини ташкил этиш масалаларига норматив-хуқукий ҳужжатлар ва бир қатор иқтисодчи олимларнинг илмий асарларида кенг ётибор қаратилган.

Хусусан, хорижий иқтисодчи олимлар Аренс Э.А., Адамс Р., Андерсон Х., Бенис М., Додж Р., Корренбаўэр М., Кармайкл Д.Р., Колдуэлл Д., Лоббек Дж., Фридман П., Робертсон Дж. асарларида хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувларини ташкил этиш ва аудиторлик ҳисоботларини тузиш услугиёти батафсил ёритилган [8, 9, 10].

МДҲ мамлакатларида айнан нодавлат нотижорат ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва аудитни ташкил этишнинг айрим методологик жиҳатлари Батурина М.В., Егорова Л.В., Гусарова Л.В., Ягудина Г.Г. каби олимлар асарларида умумий ёритилган [11, 12, 13, 14]. Шу ўринда, М.В. Батурина ўз илмий асарларида ННТда мақсадли молиялаштириш ва мақсадли капитални ҳисобга олиш методологиясини такомиллаштириш ҳамда “ННТда аудиторлик текширувлари давомида бухгалтерия ҳисобидаги одатий хатоликлар бўйича аниқланган маълумотларни умумлаштириш масалаларини эътироф этган.

Республикамизда нодавлат нотижорат ташкилотларда аудиторлик текширувларини ташкил этиш нисбатан кам ўрганилганлиги сабабли иқтисодчи олимлар илмий асарларида ННТда мақсадли тушумлар аудитининг хусусиятлари етарли даражада ёритилмаган. Аммо, умумий бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисбот тузиш, ички назорат ва аудитни ташкил этишнинг назарий ҳамда услубий жиҳатлари Каримов А.А., Дўстмуродов Р.Д., Мехмонов С.У., Пардаев А.Х., Қўзиев И.Н., Очилов И.К., Авлоқулов А.З., Ўразов К.Б., Остонакулов А.А.

каби олимларнинг илмий асарларида тадқиқ қилинган [17]. Шу ўринда, Н.Ш.Хажимуратовнинг “Молиявий ҳисбот аудити методологиясини такомиллаштириш” номли тадқиқот ишида ҳам молиявий ҳисбот аудитининг методологик муаммолари [15] ҳамда О.И.Неъматовнинг “Нодавлат нотижорат ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва аудитни такомиллаштириш” мавзусидаги илмий ишларида ННТда бухгалтерия ҳисоби ва аудитни ташкил этиш [16] бўйича айрим масалалари қисман ёритилган.

Юкорида таъкидланган фикрлардан кўриниб турибдики, иқтисодчи олимларнинг фикрларига асосан йирик тижорат компаниялари ва акциядорлик жамиятларида аудитни ташкил қилишнинг мақсади ва вазифалари ёритилган. Бироқ, нодавлат нотижорат ташкилотларида аудиторлик текширувларини ташкил этишнинг хуқукий асосларини такомиллаштиришга етарли даражада ётибор қаратилмаган.

### Тадқиқот методологияси

Мақола мавзуси бўйича тадқиқотлар жараённида ННТда мақсадли тушумлар аудитини тақомиллаштиришда умумлаштириш, гуруҳлаштириш, киёсий таҳлил, таҳлилий амалларни бажариш, индуктив ва дедуктив, далиллар олиш, жараёнларни кузатиш каби илмий усуслардан фойдаланилган.

### Натижа ва муҳокама

Мақсадли тушумларнинг қайтариб бермаслик шарти билан ННТлар ихтиёрида қолдирилиши, улар устидан назорат тизимини ташкил этишни, айниқса, ушбу маблағлардан ўта оқилона фойдаланишни тақозо этади. Бу ҳолатда асосий назорат воситаларидан бири бўлиб ННТда ички

ва ташқи аудит текширувларини ўтказиш ҳисобланади.

ННТда ички аудитнинг асосий мақсади - хўжалик юритувчи субъектлар олган мақсадли тушумлардан қай даражада оқилона фойдаланилаётганлик, бу маблағларни талон-тарож қилинмаётганилиги, уларнинг ННТга қанчалик наф келтираётганилиги тўғрисида раҳбариятга ахборотларни ўз вақтида бериб туриш ҳисобланади.

Бугунги кунда ННТлар фаолиятидаги муаммолардан бири ташқи аудитни ташкил этиш норматив ҳужжатлар асосида алоҳида тартибга солинмаганлигидир. ННТ учун муҳим ҳисобланган **ташқи аудитнинг асосий мақсади** – асосий фаолият учун келиб тушган мақсадли тушумларнинг ишлатилишини, уларнинг ҳисоб ва ҳисботда акс эттирилишини норматив ҳужжатларига мувофиқлиги бўйича хulosса бериш учун асосли далилларни тўплаш, шунингдек, мақсадли тушумлар самарали сарфланишини янада ошириш ҳамда мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича аниқ тавсияларни ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Халқаро ва миллий амалиётда мақсадли тушумлар турли элементларни ўз ичига олади. Республикамизда амалдаги қонун ҳужжатларига кўра мақсадли тушумлар таркибига грантлар, субсидиялар, аъзолик бадаллари, мақсадли фойдаланиш учун солик имтиёзлари ва бошқа мақсадли маблағлар киритилган (1-расм).

ННТ фаолияти бухгалтерия ҳисобида мақсадли тушумлар ҳисоби ва сарфланиши ҳисботи асосий ўрин эгаллайди. “Мақсадли тушумлар” тушунчаси бухгалтерия ҳисоби, хусусан, мақсадли тушумларни ҳисобга оловучи счёtlар (8800) номида учрайди.

Жаҳон амалиётида FASB 116-Қабул килинган ва киритилган аъзолик бадаллар ҳисоби (Accounting for Contributions Received and Contributions Made ) номли МХСКга асосан мақсадли тушумларни ҳисобга олишда айрим муаммолар юзага келади, чунки мақсадли тушум таркибидаги грантлар, субсидиялар ва аъзолик бадалларидан ташқари, тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадлар ҳам кўпгина ННТлар учун муҳим даромад манбаи ҳисобланади [20].

Юқоридаги ҳолатдан келиб чиқиб мақсадли тушумлар аудитида хусусий капитал таркибида акс эттирилиши шартларини қуидагича ўрганиш тавсия этилади:

- мақсадли фойдаланилиши;
- маблағни жалб қилишда харажатларнинг мавжуд эмаслиги;
- тадбиркорлик фаолияти бўйича аниқ шартлар бажариш орқали олинган даромадлар таъсисчиларга қайтарилмаслиги.

Мақсадли тушумларнинг ташқи ва ички аудитида кўриниб турибдики, уларнинг мақсади бўйича бир-биридан фарқланади. Шу билан бирга, улар аудит олдига қўйилган вазифалар, уни



ўтказишида ишлатиладиган методик усуллар, текширув натижаларини расмийлаштириш ва бошқа жиҳатлари билан бир-бирига ўхшашдир [4]. Амалий жиҳатдан ННТ фаолияти аудитида мақсадли тушумлар ишлатилишини назорат қилишда қуидаги асосий вазифаларни бажариш тавсия этилади:

1. Мақсадли тушумларнинг ҳар бир турини ўз мақомига кўра тўғри ҳисобини юритилишини назорат қилиш.

2. Мақсадли тушумлардан факат белгиланган мақсадларда ишлатилаётилганлигига баҳо бериш.

3. Мақсадли тушумлар ишлатилиши бўйича самарадорликка баҳо бериш.

4. Мақсадли тушумларни талон-тарож қилиш, сунистъемол қилиш ҳолларини очиб бериш.

5. ННТ раҳбариятга мавжуд салбий ҳолатлар тўғрисида ахборотларни бериш.

6. ННТда ўтказилган текширув натижаларини аудиторлик ҳисоботларида аниқ акс эттириш.

7. ННТ тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадлар ва мақсадли тушумлардан оқилона фойдаланиш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш.

Мақсадли тушумларнинг ННТлар барқарорлигини таъминлашдаги аҳамияти, уларни мақсадли ишлатилишининг масъулияти, мос равишда, аудиторлар олдига ушбу объектни чукур текширишдек жавобгарликни юклайди. ННТлар ихтиёридаги мақсадли тушумларнинг келиб тушиши, ишлатилиши, уларнинг ҳисобдан чиқарилиши, ҳисоб ва ҳисоботда тўғри акс эттирилганлигига реал баҳо бериш, бунда турли объектив ва субъектив сабабларга кўра хатоликларга йўл қўйиш эҳтимолининг мавжудлиги улар бўйича ўзига хос аудиторлик хатари борлигидан дарак беради. Шу боис ҳам, мақсадли тушумларни обдан текшириш, улар бўйича далилларни етарлича йиғиши аудиторлик

риски даражасини камайтиришнинг энг муҳим омили бўлиб ҳисобланади.

Илмий тадқиқот жараёнларида ННТда мақсадли тушумлар аудитолик текширувининг муҳим обьектларидан бири ҳисобланади. Уларнинг ННТлар молиявий-хўжалик фаолиятидаги ўрни ва аҳамияти, айниқса, грант берувчилар, давлат органларининг субсидиялар ва мақсадли фойдаланиш учун берган солик имтиёзларидан тўғри фойдаланишнинг ўта муҳимлиги аудиторлик текширувларида маблағларни шакллантиришнинг ушбу манбаси аудитининг назарий, услубий ва ташкилий жиҳатларига қатъий масъулият билан ёндашишни таъқозо этади [6].

Бизнинг фикримизча, дарсликлар, ўқув ва амалий қўлланмаларда, шунингдек, норматив ҳужжатларда мақсадли тушумлар аудитининг назарий ва амалий жиҳатлари етарлича очиб берилиши лозим. Айнан шу талабдан келиб чиқиб, қуидаги мақсадли тушумлар аудитининг кетма-кетлиги, олинган натижаларни расмийлаштириш, аудиторлик ҳисоботини тузиш ва улар бўйича аудиторлик хуносаларини бериш тартибига қисқача тўхталамиз.

Ҳар қандай обьект сингари мақсадли тушумлар аудиторлик текширувни ҳам икки усулда, яъни индуктив (пастдан юқорига қараб) ва дедуктив (юқоридан пастга қараб) усуллардан бири бўйича текшириш тавсия этилади.

Амалий жиҳатдан пастдан юқорига (индуктив) қараб текшириш энг қулай усулdir. Ушбу усулга мувофиқ аудитор мақсадли тушумлар бўйича маълумотларни бошланғич ҳужжатлардан ўрганишдан бошлаб, то молиявий ҳисоботда акс эттирилган кўрсаткичга қадар тизимлаб чиқиши керак. Аудитор мақсадли тушумларга доир барча маълумотларни бошланғич ҳужжатлар асосида ўзининг аудит

Ҳисоботига киритиб боради ва оралиқ маълумотларни ойлик, чораклик, ярим йиллик, тўқиз ойлик ва йиллик даврлар бўйича жамлайди. Бошланғич ҳужжатлар бўйича ҳисоботларни тўплаш чоғида бирданига уларни тўғри тузилганигини текширади, улардаги баҳоларни ва соний – суммавий миқдорларни шартномалар билан таққослади. Ҳар ойлик маълумотларни Бosh китобдаги мос счётларнинг маълумотлари билан уйғунлигини текширади. Аудит жараёнида тўпланган маълумотларни «Бухгалтерия баланси» (1-шакл), «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот» (2-шакл) ва бошқа ҳисобот шаклларида акс эттирилган маълумотлар билан таққослаши лозим. Бунда тўпланган далилларни ҳисоб ва ҳисобот маълумотлари билан мос келишини текшириш, мақсадли тушумлар ҳисобини тўғри олиб борилганигидан, мос келмаслиги эса хато ва камчиликларга йўл қўйилганигидан дарак беради. Мос келмаслик аудитордан четланишлар бўйича кейинги далилларни йиғишини талаб этади.

Шундай килиб, ННТларда мақсадли тушумлар аудиторлик текшируви қуидаги умумий методологик тартибга амал қилинган ҳолда ўтказилиши лозим (2-расм).

ННТларда мақсадли тушумлар аудитини ўтказишга молиявий ҳисобот (1-шакл) нинг активлар, мажбуриятлар ва хусусий капитал маблағлари кўрсаткичларнинг бош китоб (ёки 1Сда операциялар журнали)даги ҳисоб-варакаларининг маълумотлари, уларни тасдиқловчи бошланғич ва оралиқ ҳужжатлар асос ҳисобланади. Мақсадли тушумлар аудитини кетма-кетлик босқичлари, текширув давомида аниқланган натижалар, шунингдек, мумкин бўлган аудиторлик рисклари куидагилардан иборат бўлади (1-жадвал).

Бухгалтерия баланси ва ҳисботнинг бошқа шакллари кўрсаткичлари



Бош китоб маълумотлари (1С операциялар журнали)



Аналитик ҳисоб регистрлари ва қайд этиш журналлари маълумотлари



Мақсадли тушумлар холати ва харакатига доир маълумотларни тасдиқловчи бошланғич ҳужжатлар

**2- расм. ННТда мақсадли тушумлар аудитини ўтказишнинг умумий методологик тартиби**

I-жадвал

**ННТда мақсадли тушумлар аудити босқичлари ва ундан олинган натижаларнинг аудиторлик риски<sup>1</sup>**

№	Аудитни ўтказиш босқичлари	Аудит текшируви натижалари	Мумкин бўлган аудиторлик риски
1	ННТда мақсадли тушумларнинг кандай турлари мавжудлигини аниклаш, шунингдек, улар ўз мақомига кўра тўғри тан олиниши ва ҳисобда тегишли счёtlарда турганлигини текшириш	Мақсадли тушумларнинг ҳар бир турининг тўғри тан олинганини ҳамда уларнинг ҳисоб ва ҳисботда тўғри акс эттирилганлигини тасдиқлайди	Мақсадли тушум сифатида тан олинган маблағлар аслида бундай маблағлар бўлиб чиқмаслиги мумкин
2	Мақсадли тушумнинг ҳар бир турини вужудга келиш манбаси, унинг асоси, тузилган шартномаларнинг мавжудлиги, бу шартномаларда келтирилган талабларга қай даражада амал килинаётганлигини текшириш	Мақсадли тушумлардан белгиланган мақсадларда фойдаланилганлик тўғрисида хуоса қилинади	Мақсадли тушумлар ҳисоби тўғри юритилмаётган бўлсада, уни амалдаги тартибларга мос келиши нотўғри эътироф этилган бўлиши мумкин
3	Мақсадли тушумларнинг ҳар бирини келиб тушиш манбасига караб ҳисобда тегишли счёtlarda акс эттирилганлиги текшириш	Мақсадли тушумлардан самарадорли фойдаланилаётганлик даражасига баҳо берилади	Мақсадли тушумлардан мақсадли фойдаланишда мавжуд четланишлар кўрсатилмаган ёки нотўғри кўрсатилган бўлиши мумкин
4	Мақсадли тушумларнинг ишлатилиши, ҳисобдан чиқарилиши, устав капитали, кўшилган капитал ёки резерв капиталига киритилганлигининг хукуқий асосланганлиги, уларни суммаларининг тўғрилигини текшириш	Мақсадли тушумлардан нотўғри фойдаланилганлик, уларнинг сабаблари ва айборлари аникланади	Мақсадли тушумлардан самарали фойдаланиш даражасига нотўғри баҳо берилган бўлиши мумкин
5	Мақсадли тушумларга доир маълумотларнинг баланс, бош китоб ва журнал ордерларда уйғунликда акс эттирилганлигини текшириш	Мақсадли тушумларни самарадорлигини яхшилаш бўйича аник тавсиялар ишлаб чиқилади	Мақсадли тушумларни ҳисоб ва ҳисботда акс эттиришни яхшилаш ҳамда такомиллаштириш бўйича тавсиялар нотўғри берилган бўлиши мумкин

<sup>1</sup> Муаллиф илмий изланишлари, 2023 й.

6	Мақсадли тушум сифатида ННТ ихтиёрида қолдирилган солиқ имтиёзларини тўғри ҳисоб-китоб килингандигини ҳар бир солик тури бўйича текшириш	Мақсадли тушумлар эвазига шакллантирилган капитал суммаси тасдиқланади	Мақсадли тушумлардан самарали фойдаланиш ҳисоботларда нотўғри акс этган бўлиши мумкин
7	Мақсадли тушумларнинг молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда (тадбиркорлик фаолияти бўйича) белгиланган тартибга мувофиқ акс эттирилгандигини текшириш	Тадбиркорлик фаолияти бўйича мақсадли тушумлар таркибига ўтказилган даромадларни солиқка тўғри тортилгандиги тасдиқланади	Мақсадли тушумлардан самарали фойдаланиш ҳисоботларда нотўғри акс этган бўлиши мумкин
8	Мақсадли тушумлардан самарали фойдаланиш кўрсаткичларини таҳлил қилиш	Мавжуд хато ва камчиликлар аудит ҳисоботида қайд қилинади	Мақсадли тушумлар сарфланиши бўйича асослар етарли бўлмаслиги мумкин
9	Мақсадли тушумлар аудити натижаларини умумлаштириш ва аудиторлик ҳисоботига расмийлаштириш	Мавжуд хато ва камчиликларни бартараф этиш бўйича таклиф ҳамда тавсиялар берилади	Мақсадли тушумлар сарфланиши бўйича асослар етарли бўлмаслиги мумкин

ННТда мақсадли тушумлар аудити натижалари аудиторлик ҳисоботи ва хуносасида акс эттирилади. Аудиторлик ҳисоботида мақсадли тушумлар бўйича юқоридаги жадвалда келтирилган босқичлар бўйича аниқланган далиллар келтирилиши ҳамда тавсияларда акс эттирилган бўлиши лозим.

Мамлакатимиз аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига ва №700 – «Молиявий ҳисоботлар тўғрисида фикр ҳосил қилиш ва ҳисобот (хуносаси) бериш (Forming an Opinion and Reporting on Financial Statements) АХСга асосан ННТда мақсадли тушумлар кирими ва оқилона сарфланиши бўйича 4 турда қуйидагича аудит хуносасини бериш тавсия этилади:

1. Шарҳсиз ижобий аудиторлик хуносаси.

2. Шарҳли ижобий аудиторлик хуносаси.

3. Изоҳлар билан фикр билдирилган салбий аудиторлик хуносаси.

4. Аудиторлик хуносаси беришдан бош тортиш.

Мақсадли тушумлар бўйича шарҳсиз ижобий аудиторлик хуносаси фақатгина уларнинг ҳолати, ҳаракати, ишлатилиши ва бошқа жиҳатларини, шунингдек, мақсадли тушумларнинг ҳисоб ва ҳисоботда акс эттирилишининг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига тўлиқ мувофиқ келиши аниқланганда берилади.

Шарҳли ижобий аудиторлик хуносаси хуносаси мақсадли тушумларнинг ҳисоб ва ҳисоботда акс эттирилишининг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига асосан мувофиқ келиши, мавжуд техник хатоликлар ахборот фойдаланувчилар қарорига салбий таъсир килмаслиги аниқланганда берилади.

Мақсадли тушумлар аудити бўйича изоҳлар билан фикр билдирилган салбий аудит хуносаси уларнинг ҳолати, ҳаракати, ишлатилиши ва бошқа жиҳатларини, шунингдек, мақсадли тушумлар мақсадсиз ишлатиши ҳисоб ва ҳисоботда

акс эттирилиши норматив ҳужжатларга мувофиқ келмаслиги аниқланганда берилади.

Амалдаги “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг 28-моддаси “Аудиторлик ташкилотининг ҳуқуқлари”га мувофиқ аудиторлик хulosасини тузиш учун ННТ томонидан мақсадли тушумларнинг ҳолати, ҳаракати, ишлатилиши ва бошқа жиҳатлари бўйича зарур бўлган аҳборот тақдим этилмаган тақдирда етарлича далилларни тўплаш имкони бўлмайди. Бу эса аудиторлик текшируви ўтказишни рад этади ва аудит хulosасини беришдан бош тортишига асос бўлади [1]. Бунда аудит хulosаси беришдан бош тортишнинг аниқ сабаблари ёзма далолатномада акс эттирилиши лозим.

### Хуроса

Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб нодавлат нотижорат ташкилотларида мақсадли тушумлар аудитини тақомиллаштириш бўйича қуйидагича хulosалар қилинди:

– таъсисчилар томонидан ННТнинг уставида молия-хўжалик фаолиятини ҳар йили аудиторлик текширувидан ўтказишни белгилаб қўйиш орқали ҳар йил якуни бўйича ташкилий-хуқуқий шаклида қатъни назар барча ННТлар мажбурий аудитдан ўтказилиши таклиф қилинади;

– аудит жараёнда мақсадли тушумларнинг таркибий элементларини аниқлаштириш тавсия этилди;

– ННТ фаолияти аудити дастурида мақсадли тушумлар ишлатилишини назорат қилишда асосий вазифаларни белгилаб олиш тавсия этилди;

– ННТда мақсадли тушумлар аудитини ўтказишнинг умумий методологик тартиби ишлаб чиқилди.

ННТда мақсадли тушумлар аудитини кетма-кетлик босқичлари, текширув давомида аниқланган натижалар, шунингдек, мумкин бўлган аудиторлик рискларнинг ўзаро боғлиқлигини ўрганиш тақлиф этилди.

Аудитнинг халқаро стандартлари асосида ННТда мақсадли тушумлар ҳаракати аудитини тақомиллаштирища маҳсус “Мақсадли тушумлар ва уларни оқилона сарфланиши тўғрисида” ҳисобот шакли ишлаб чиқилди ва амалиётда фойдаланишга тавсия этилди.

Ушбу келтирилган тақлиф ва тавсиялар нодавлат нотижорат ташкилотларида мақсадли тушумлар аудитини тақомиллаштиришга хизмат қиласи. Бу эса мамлакатимизда эркин фуқаролик жамиятини янада мустаҳкамланиши учун ННТлар ижтимоий жамоатчилик назоратининг самарадорлигини оширишга ва мақсадли дастурларни ўз вақтида бажарилишига кенг имкониятлар яратади.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонуни, ЎРҚ №677-сон, 2021 йил 25 февраль.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Қонуни, №763-I сонли 14.04.1999 йил.
3. Ўзбекистон Республикасининг “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”, ПФ-60-сон, 2022 йил 28 январь.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3946-сон карори, 2018 йил 19 сентябрь.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат томонидан қўллаб-кувватлаш, уларнинг фаолияти эркинлиги, хукуклари ва конуний манбаатлари химоя килинишини таъминлашга оид кўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5012-сон қарори, 2021 йил 3 март.
6. Hojiyev M.S. “Accounting in non-state non-profit organizations (NSNPO): integrity and impactanalysis”. International Journal of Economics, Commerce and Management. ISSN 23480386. Vol VI issue 2 (Impact Factor:4.313). 2018/page79-85 <http://ijecm.co.uk/wp-content/uploads/2018/02/626.pdf>. 2018.
7. Khojiyev Mekhriddin Sulaymonovich. Improvement of Audit of Payment in Non-State Non-Profit Organizations (NSNPO). International Journal On Economics, Finance and Sustainable Development/Vol. 4 No.2 (2022): IJEFSD/<https://journals.researchparks.org/index.php/IJEFSD/article/view/2710/2587>
8. Аренс А., Лоббек Дж. Аудит. Пер. с англ. под ред. Я.В. Соколова. - М.: Финансы и статистика, 1995. -560с.;
9. Робертсон Дж. Аудит. Пер. с англ. –М.: KPMG, Аудиторская фирма «Контакт», 1993. -286с.; Кармайл Д.Р., Бенис М. Стандарты и нормы аудита. Пер. с англ. -М.: Аудит. ЮНИТИ, 1995.-527с.
10. Батурина М.В. «Учет и аудит негосударственных некоммерческих организаций»// автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Санкт-Петербург – 2007, -21 с.
11. Гусаров Л.В. Концепция бухгалтерского учета, аудита и анализа в некоммерческих организациях/Монография. - Казань: Познание, 2009. - 264 с
12. Егорова Л.В., «Учет и аудит в некоммерческих организациях: теория, методология и практика»/автореферат докторская диссертации. Ростов-на-Дону – 2008,-53 с.
13. Ягудина Г.Г. «Методическое обеспечение бухгалтерского учета и отчетности некоммерческих организаций»/автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Йошкар-Ола – 2010,-24 с.
14. Хажимуратов Н.Ш. “Молиявий ҳисобот аудити методологиясини такомиллаштириш”. иқтисод фан. док. дисс. авторефер. Тошкент:ТДИУ, 2021.36-б.
15. Неъматов О.И. “Нодавлат нотижорат ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва аудитни такомиллаштириш”. Иқтисод фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрланган автореферат. Тошкент - «Iqtisod-Moliya», 2020й. 56-б.
16. Хожиев М.С. «Нодавлат нотижорат ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш». Иқтисод фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрланган автореферат. Тошкент - «Iqtisod-Moliya», 2019й. 57-б.
17. Financial Accounting Standards Board (FASB) 116-Accounting for Contributions Received and Contributions Made. <https://fasb.org>
18. www.lex.uz - Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси.
19. <http://minjust.uz> - Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг йиллик ҳисоботи, 2021 йил.

**УЎТ 338.5/657.1**

**Худойбердиев Одилжон Эгамберди ўғли,**  
**Тошкент молия институти мустақил изланувчиси**  
**e-mail: [odil1101@mail.ru](mailto:odil1101@mail.ru)**

## **ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА ДЕБИТОРЛИК ҚАРЗЛАРИНИ БАҲОЛАШ ВА ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**Худойбердиев Одилжон Эгамберди угли,**  
**Самостоятельный соискатель Ташкентского**  
**финансового института**  
**e-mail: [odil1101@mail.ru](mailto:odil1101@mail.ru)**

## **СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ОЦЕНКИ И УЧЕТА ДЕБИТОРСКОЙ ЗАДОЛЖЕННОСТИ В СООТВЕТСТВИИ С МЕЖДУНАРОДНЫМИ СТАНДАРТАМИ**

**Khudoberdiev Odiljon Egamberdi oglı,**  
*Independent applicant of*  
*Tashkent Institute of Finance*  
*E-mail: [odil1101@mail.ru](mailto:odil1101@mail.ru)*

## **IMPROVEMENT OF ASSESSMENT AND ACCOUNTING OF RECEIVABLES IN ACCORDANCE WITH INTERNATIONAL STANDARDS**

**Аннотация.** Уибу мақолада дебиторлик қарзлари бўйича хорижий ва маҳаллий олимларнинг қарашлари келтириб ўтилган ҳамда халқаро стандартларга мувофиқ дебиторлик қарзларини хўжалик муомаласининг қиймати ҳамда амортизацияланадиган қиймати бўйича баҳолашнинг услубий тартиби, дебиторлик қарзларини даргумон дебтан олии юзасидан услубий кетма-кетлик таклиф этилган. Дебиторлик қарзларининг қадрсизланишидан зарарни ҳисоблаш тартиби ишлаб чиқилган. Дебиторлик қарзларини молиявий ҳисоботларда акс этитишини такомиллаштириш таклиф этилган.

**Таянч сўзлар:** дебиторлик қарзлари, дебиторлик қарзларининг хўжалик муомаласидаги қиймати, дебиторлик қарзларининг амортизацияланадиган қиймати, даргумон қарз, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари.

**Аннотация.** В данной статье приведены взгляды зарубежных и отечественных ученых на дебиторскую задолженность, а также предложен методический порядок оценки дебиторской задолженности по стоимости хозяйственных операций и амортизируемой стоимости в соответствии с международными стандартами, а также методологическая

последовательность признания дебиторской задолженности маловероятной. Разработан порядок расчета убытка от обесценения дебиторской задолженности. Предлагается улучшить представление дебиторской задолженности в бухгалтерской отчетности.

**Ключевые слова:** дебиторская задолженность, стоимость дебиторской задолженности по хозяйственным операциям, амортизируемая стоимость дебиторской задолженности, сомнительная задолженность, международные стандарты финансовой отчетности.

**Annotation.** This article presents the views of foreign and domestic scientists on receivables, as well as a methodological procedure for assessing receivables at the cost of business transactions and amortized cost in accordance with international standards, as well as a methodological sequence for recognizing receivables as unlikely. The procedure for calculating the loss from depreciation of accounts receivable has been developed. It is proposed to improve the presentation of receivables in financial statements.

**Keywords:** receivables, value of receivables from business transactions, amortized cost of receivables, doubtful debts, international financial reporting standards

### **Кириш**

Мамлакатимизда молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларига (МХХС) жадал ўтилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралда қабул қилинган ПҚ-4611-сон “Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Қарори [2] га асосан акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, сугурта ташкилотлари ва иирик солиқ тўловчилар тоифасига кирувчи корхоналарга МХХСга мувофиқ молиявий ҳисбот тақдим этиш вазифаси юклатилган. Ушбу вазифаларни ҳал қилишда халқаро стандартлар ва илгор хорижий тажрибаларни ўрганиш мухим ахамият касб этади. Барча стандартларни бир уринишда ўрганиб бўлмайди. Уларнинг ҳар бирини алоҳида тадқик этиш мақсадга мувофиқ ҳисбланиди. Жумладан, корхоналар фаолиятида мухим ўрин тутувчи дебиторлик қарзларини тартибга солувчи стандартларни тадқик этишни ва фаол жорий этишни кўзда тутади. Дебиторлик қарзларига оид бошқарув карорларини қабул қилиш кўп жиҳатдан уларни баҳолаш, молиявий

инструмент сифатида қадрсизланишидан зарарни ҳисоблаш, молиявий ҳисботларда объектив ахборотларни акс эттириш масалаларига боғлиқ ҳисбланиди. Бугунги кунда соҳага оид адабиётларда дебиторлик қарзларининг ҳисобга олиш тартиблари очиб берилган. Лекин, уларнинг халқаро стандартларга мос келиши ҳамин қадарлигича қолмоқда. Шу боис, замонавий талаблар даражасида дебиторлик қарзларини мавжуд ҳолатини баҳолаш ва ҳисобда акс эттириш борасида изланишлар олиб бориш долзарб масала ҳисбланиди.

### **Мавзуга доир адабиётлар таҳлили**

Дебиторлик қарзларига берилган таърифларни иккита йўналишга ажратиш мумкин.

Биринчи йўналиш, анъанавий йўналиш бўлиб, унга мувофиқ дебиторлик қарзлари бошқа ташкилот ва жисмоний шахсларнинг корхона олдиаги харид қилинган товарлар ёки бошқа операциялар натижасида юзага келган қарзи, деб тавсифлайди (О.В.Попова, С.Осмехина ва бошқалар).

О.В.Попова қуйидагича таъриф келтиради: «Агарда товар (иш, хизматлар)

ни етказиб бериш вақт бүйича улар учун пул маблағлари олинишига мувофиқ келмаса, таъминотчи (пудратчи)да дебиторлик қарзи вужудга келади. Фуқоралик ҳуқуқи нұқтаи назаридан дебиторлик қарзлари мулкий ҳуқуқ ҳисобланади, яғни қарздордан маълум бир сумма (товар, хизматлар ва бошқалар) ни олишга бўлган ҳуқуқдир» [7]

С.Осмехина «Дебиторлик қарзлари – бу жисмоний шахслар, ташкилотлар ва бошқа дебиторларнинг ташкилот олдиаги пулда ифодаланган мажбуриятидир», [8] деб таърифлайди.

А.Калденбергер эса, «Дебиторлик қарзлари (инглизча accounts receivable) – бу корхона, фирма, компанияга унинг қарздори, дебитори ҳисобланган бошқа корхоналар, хусусий тадбиркорлар, шунингдек, фуқаролар томонидан ўтказилиши лозим бўлган қарз суммасидир» [9], деб таъриф берилган.

Иккинчи йўналишдаги олимлар дебиторлик қарзларини халқаро стандартлар асосида молиявий активларнинг таркиби сифатида таърифлаб, уни ваъда қилинган товарларни (иш ва хизматларни) етказиб берганлиги учун копламаларни олишга бўлган ҳуқуқ сифатида таърифланилган.

32-сон МҲҲС «Молиявий инструментлар: тақдим этиш» [5] стандартида дебиторлик қарзлари молиявий активларнинг таркибий қисми сифатида шартномада кўрсатилган ҳуқуқ нұқтаи назаридан таърифланган: «қўйидагиларга нисбатан шартномада кўрсатилган ҳуқуқ (I) бошқа ташкилотлардан пул маблағлари ва бошқа молиявий активларни олиш; (II) корхона учун потенциал фойдали шартларда бошқа ташкилотлар билан молиявий активлар ва молиявий мажбуриятларни алмаштириш» сифатида назарда тутилган.

Тадқиқотчи З.Эшпўлатова «Дебиторлик қарзи (олинадиган счёtlар)

– компаниянинг харидорга узатган товар ва хизматларини алмаштиришдаги копламаларга бўлган ҳуқуқи, қачонки бундай ҳуқуқ маълум даврнинг тугаши далилидан ташқари бошқа далилларга боғлиқ бўлмайди»[11].

Бизнинг фикримизча, дебиторлик қарзларни ҳуқуқ нұқтаи назаридан тавсифлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади, чунки халқаро концептуал асосларга кўра иқтисодий ресурслар келажакда ундан фойдаланиш иқтисодий наф келтирадиган активларга бўлган ҳуқуқ ҳисобланади.

### Тадқиқот методологияси

Тадқиқот ишида анализ ва синтез, индукция ва дедукция, абстракт-мантикий фикрлаш, монографик кузатув, иқтисодий таҳлил усуllibаридан фойдаланилди. Ушбу усуllibар ёрдамида мавзуга доир илмий адабиётлар танқидий ўрганилди, амалдаги меъёрий-ҳуқуқий хужжатлар такомиллаштириш нұқтаи назаридан тадқиқ этилди, корхоналар амалиётида молиявий ҳисбот шакллари мазмун ва шакл нұқтаи назаридан таҳлил қилинди.

### Натижа ва мухокама

Халқаро стандартларга мувофиқ дебиторлик қарзлари даставвал хўжалик муюмаласининг қиймати бўйича баҳоланади.

Дебиторлик қарзи хўжалик муюмаласининг қиймати бўйича баҳолангандан сўнг, давомий равишда амортизацияланадиган қиймати бўйича баҳоланади.

Халқаро стандартларда “амортизацияланадиган қиймат – бу молиявий актив ёки молиявий мажбурият бошланғич тан олишда баҳоланади, асосий суммаларга тўловлар чегирилади, плюс ёки минус жамғарилган амортизация инструментларнинг бошланғич қиймати

билин фоизларнинг самарали ставкасини қўллаш йўли билан ҳисобланган, тўланадиган (узиладиган) суммалар ўртасидаги фарқ ва минус баҳоланадиган резерв суммаси (молиявий активлар учун) дан хосил бўладиган қиймат”, [6] деб таъриф берилган.

Ушбу амортизацияланадиган қиймат ҳисоблашни корхонанинг амалий мисолида кўриб ўтамиш. “OQTOSHDONMAHSULOTLARI” АЖ 2020 йил 5 январь холати бўйича ишлаб чиқарган 150 390 300 сўм маҳсулотини харидорга 2023 йил 5 январь куни тўлаш шарти билан сотди. Самарали фоиз ставкаси 13%ни ташкил этади.

Тушумнинг келтирилган қийматини топамиз:

$$150\ 390\ 300 / (1 + 0.13)^3 = 104\ 228\ 022$$

Ушбу дебиторлик қарзининг амортизацияланадиган қиймати қуйидагича аниқланади:

Ушбу жадвалдаги маълумотлар асосида қуйидагича бухгалтерия ёзувлари берилади.

1) 2020 йил 5 январда ҳисобот даврининг бошидаги дебиторлик қарзларининг келтирилган қийматидаги суммасига:

Д-т. 0940 “Бошқа узок муддатли дебиторлик қарзлари”.....104 228 022.

К-т. 9010 “Тайёр маҳсулотларни сотишдан тушумлар”.....104 228 022.

Асос: 13%лик самарали фоиз ставкасида 3 йилдан кейин тўлаш шарти билан 150 390 300 сўмлик тушумни келтирилган қийматда баҳолангандা 104 228 022 сўм ташкил этди.

2) 2020 йил 31 декабрда самарали фоиз ставкаси бўйича ҳисобланган сумма молиявий даромад сифатида тан олинади. Унинг суммасига:

Д-т. 0940 “Бошқа узок муддатли дебиторлик қарзлари”...13 549 643 сўм.

К-т. 9530 “Фоиз кўринишидаги даромадлар”.....13 549 643.

Асос: 104 228 022 сўмга нисбатан самарали фоиз ставкаси суммаси  $104\ 228\ 022 * 13 \% = 13\ 549\ 643$  сўм.

*I-жадвал*

### “OQTOSHDONMAHSULOTLARI” АЖда дебиторлик қарзларини амортизацияланадиган қиймати бўйича баҳолаш тартиби<sup>1</sup>

Санаси	Ҳисобот даврининг бошида амортизацияланадиган қиймати	Самарали фоиз ставкаси, 13%	Тўлов	Ҳисобот даврининг охирида амортизацияланадиган қиймати	Санаси
2020 йил 5 январь	104 228 022	13 549 643		117 777 665	2021 йил 5 январь
2021 йил 5 январь	117 777 665	15 311 096		133 088 761	2022 йил 5 январь
2022 йил 5 январь	133 088 761	17 301 539	150 390 300	150 390 300	2023 йил 5 январь

<sup>1</sup> Муаллиф ишланмаси.

3) 2021 йил 31 декабрда самарали фоиз ставкаси бўйича ҳисобланган сумма молиявий даромад суммасига:

Д-т. 0940 “Бошқа узоқ муддатли дебиторлик қарзлари”...15 311 096 сўм

К-т. 9530 “Фоиз кўринишидаги даромадлар”..... 15 311 096

Асос: 117 777 665 сўмга нисбатан самарали фоиз ставкаси суммаси  $117\ 777\ 665 * 13 \% = 15\ 311\ 096$  сўм.

4) 2022 йил 31 декабрда 133 088 761 сўм узоқ муддатли дебиторлик қарзи муддати бир йил қолганлигини ҳисобга олиб қисқа муддатли қарзга ўтказилади. Ушбу суммага:

Д-т. 4020 “Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счёtlar” ...133 088 761 сўм

К-т. 0940 “Бошқа узоқ муддатли дебиторлик қарзлари”.....133 088 761

Асос: 0940 “Бошқа узоқ муддатли дебиторлик қарзлари” счетида шаклланган сумма ( $104\ 228\ 022 + 13\ 549\ 643 + 15\ 311\ 096 = 133\ 088\ 761$  сўм) қисқа муддатли дебиторлик қарзлари счётига ўтказиш.

5) 2022 йил 31 декабрда 133 088 761 сўмга нисбатан ҳисобланган самарали фоиз ставкаси суммасига:

Д-т. 4020 “Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счёtlar”..17 301 539 сўм

К-т 9530 “Фоиз кўринишидаги даромадлар”.....17 301 539

Асос:  $133\ 088\ 761$  сўмга нисбатан ҳисобланган самарали фоиз ставкаси суммаси  $133\ 088\ 761 \times 13\% = 17\ 301\ 539$  сўм.

Ҳисоб-китобларда дебиторлик қарзларининг қадрсизланишидан зарарни ҳисоблаш керак бўлади. Савдо операциялари бўйича юзага келган дебиторлик қарзлари қопламаларни олишга бўлган хукуқ бўлганлиги боис, молиявий актив ҳисобланади. Молиявий

актив қадрсизланишига доир стандартлар амал қиласди. Бунинг учун ташкилотлар ўзининг ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиши керак бўлади.

Тадқиқотчи олим Б.Боронов [10] ўзининг фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун тайёрлаган диссертацияси авторефератида дебиторлик қарзлари бўйича қадрсизланишдан зарар коэффициентини дефолта қарздорликни вақт интервалининг бошидан тўпланган қарздорликка бўлиш орқали топишни таклиф этади. Ушбу коэффициентни ҳисобот даврининг охиридаги санада юзага келган дебиторлик қарзларининг суммасига кўпайтириш орқали қадрсизланишдан зарар суммасини аниқлаш тартиби келтирилган. Халқаро стандартларда эса “даргумон қарзлар бўйича резерв” тушунчасининг ўрнига “дебиторлик қарзларининг қадрсизланишидан зарар” тушунчаси фойдаланилади.

Дебиторлик қарзларининг қадрсизланишидан зарар деганда, дебиторлик қарзларининг қопланадиган суммаси баланс қийматидан кичик бўлган тақдирда юзага келадиган фарқка айтилади.

Дебиторлик қарзларининг  
қадрсизланишидан зарар = Дебиторлик  
қарзларининг баланс қиймати –  
Дебиторлик қарзларининг қопланадиган  
қиймати (1)

Дебиторлик қарзларининг қопланадиган қиймати дебиторлик қарзлари учун тўланадиган, яъни дебиторлик қарзларидан тушиш эҳтимоли паст бўлган олдиндан гумонли (bed debts) деб баҳоланган қарзларни чегириш орқали топилади.

Бизнинг фикримизча, корхоналар ўзининг ҳисоб сиёсатида қарздорликларни даргумон қарздорлик деб тан олишнинг мезонларини ишлаб чиқиш керак. Бунда

ҳар бир корхоналар ўзининг ёндашуви доирасида даргумон қарзларни тан олиш керак. Дебиторлик қарзларини даргумон, деб тан олиш учун куйидаги кетма-кетликда амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Биринчи қадамда дебиторлик қарзларининг даргумон деб эътироф этилишининг аниқ мезонини ишлаб чиқиши керак. Бунинг учун бир қанча ёндашув бўлиши керак. Корхона ўзининг ўтган йиллардаги амалиётидан келиб чиқиб даргумон қарз муддатини белгилаб олиши керак. Масалан, 360 кундан ошган қарзлар даргумон қарз сифатида тан олинади. Корхона буни олдиндан баҳолаши керак бўлади. Чунки, корхона кўп йиллик тажрибаси асосида хulosага келиши керакки, қарздорлик муддати 360 ошса у аксарият ҳолларда тўланмаслиги амалиёти мавжуд бўлади.

Икkinchi қадамда мавжуд дебиторлик қарzlari табақалаштирилиши керак. Табақалаш муддати бўйича амалга оширилади. Масалан, “OQTOSHDONMAHSULOTLARI” АЖнинг 2021 йил 31 декабрь бўйича 650 448 600 сўм дебиторлик қарзлари мавжуд. Ушбу дебиторлик қарзларининг қачон юзага келганлиги санасидан эътиборан 2021 йил 31 декабрь кунигача 90 кунгача, 90–180 кунгача, 180–365 кунгача ва 365 кундан ортиқ муддатдаги қарздорликларга ажратилади (2-жадвал).

2-жадвал  
“OQTOSHDONMAHSULOTLARI”  
АЖнинг дебиторлик қарзларининг  
муддати бўйича табақаланиши<sup>2</sup>

Дебиторлик қарзларининг муддати бўйича табақаланиши	Суммаси
90 кунгача	390 269 160
90 – 180 кунгача	162 612 150
180 – 365 кунгача	65 044 860
365 кундан ортиқ	32 522 430
Жами	<b>650 448 600</b>

Учинчى қадамда ҳар бир муддатдаги дебиторлик қарzlari рўйхати бўйича ўрганилиб, таҳлил қилинган ҳолда дебиторлик қарzlari қадрсизланиши бўйича зарар суммаси аниқланади. Уларнинг қайси муддатда келиб тушиши прогноз қилинади. Масалан, 90 кунгача бўлган қарздорликлар таҳлил қилинганда уларнинг 70 фоизи 90 кунгача бўлган муддатда тўланиши, 20 фоизи эса 90 – 180 кун муддатида тўланиши, 8 фоизи эса 180–365 кунгача тўланиши, 2 фоизи эса тўланмаслик эҳтимоли мавжуд эканлиги аниқланди. Демак, бу шуни англатадики, 390 269 160 сўмнинг 2 фоизи 7 805 383 сўм даргумон қарз деб эътироф этилиши лозим. Қолган муддатлар бўйича ҳам худди шундай таҳлил ўтказилиб, натижаларини қуйидаги 3-жадвалда расмийлаштирамиз.

<sup>2</sup> Муаллиф ишланмаси.

3-жадвал

**“OQTOSHDONMAHSULOTLARI” АЖНИНГ МУДДАТИ 365 КУНДАН ОШГАН  
ДАРГУМОН ДЕБ ЭЪТИРОФ ЭТИЛГАН ДЕБИТОРИЛИК ҚАРЗЛАРИ ҲИСОБИ<sup>3</sup>**

Дебиторлик қарзлари	Суммаси	Тўланиши кутилаётган муддати	Қопланадиган суммаси	Даргумон карз суммаси	Фоиз, %
90 кунгача	390 269 160	90 кунгача	273 188 412		70%
		90–180 кун- гача	78 053 832		20%
		180–365 кунгача	31 221 533		8%
		365 кундан ортиқ		7 805 383	2%
90–180 кун- гача	162 612 150	90–180 кун- гача	105 697 150		65%
		180–365 кун- гача	48 787 545		30%
		365 кундан ортиқ		8 130 608	5%
180–365 кун- гача	65 044 860	180–365 кун- гача	55 288 131		85%
		365 кундан ортиқ	9 756 729		15%
365 кундан ортиқ	32 522 430	365 кундан ортиқ		32 522 430	100%
<b>Жами</b>	<b>650 448 600</b>		<b>601 990 179</b>	<b>48 458 421</b>	

<sup>3</sup> Муаллиф ишланмаси.

Ушбу жадвал маълумотлари асосида  
муддати 365 кундан ошган гумонли деб  
эътироф этилган дебиторлик қарзларининг  
суммасини аниқлаймиз:  $7\ 805\ 383 + 8\ 130\ 608 + 32\ 522\ 430 = 48\ 458\ 421$  сўмни  
ташкил этилади.

Дебиторлик қарзлари бўйича  
қопланадиган сумма 601 990 179 сўм.

Юқоридаги 1-формула бўйича  
дебиторлик қарзларининг қадрсизлани-  
шидан зарап  $650\ 448\ 600 - 601\ 990\ 179 = 48\ 458\ 421$  сўм.

Ушбу услугбий тартибининг амалий  
аҳамияти шундан иборатки, амалдаги  
тартибда ўтган йиллардаги маълумотлар  
таҳлил қилиниб, дебиторлик қарзларининг  
муддатлари бўйича табақалашда ўтган

ҳисобот даврида неча фоиз дебиторлик  
қарзлари қайтмаган бўлса, келгуси  
ҳисобот йилида шу фоизлардан  
фойдаланилган. Бу бизнинг фикримизча,  
етарли даражада асосланмаган, чунки  
дебиторлик қарзларининг даврлар  
бўйича табақаланишида айнан ўтган  
йиллардаги маълумотлар келгуси йилдаги  
ҳолатга мос келади, деб бўлмайди. Биз  
таклиф этган услугбий тартибда эса, ҳар  
бир ҳисобот даврининг охирида савдо  
дебиторлик қарзлари таҳлил қилиниб,  
қадрсизланишга тест ўтказилиши таклиф  
этиш асосида фоизларни белгилаб чиқиши  
таклиф этилди. Бу олдиндан баҳолаш  
ҳисобланади. Биз таклиф этган услугбий  
тартибда келгуси йилларда ҳақиқий

эришилган натижалар йил бошида прогноз килинган кўрсаткичларга нисбатан яқин бўлганилиги билан аҳамиятидир.

Тўртинчи қадам. Халқаро стандартларга мувофиқ дебиторлик қарзларининг қадрсизланишидан зарар суммаси тан олинади ва ушбу суммага даргумон қарзлар бўйича резерв яратилади:

Д-т. Операцион харажатлар..48 458 431 сўм

К-т. Даргумон қарзлар бўйича резерв.....48 458 431 сўм

Асос: 2021 йил 31 декабрь ҳолати бўйича мавжуд дебиторлик қарзларини таҳлил қилиб чиқиши асосида 5-жадвал маълумотлари асосида даргумон, деб эътироф этилган дебиторлик қарзлари суммаси 48 458 431 сўмни ташкил этди.

Ушбу резерв ҳисобидан дебиторлик қарзларининг қадрсизланишидан зарар

тан олинниб дебиторлик қарзлари ҳисобдан чиқарилганда қуйидагича бухгалтерия ёзувлари берилади:

Д-т. Даргумон қарзлар бўйича резерв.....48 458 431 сўм

К-т. Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счёtlар....48 458 431 сўм

Асос: Даргумон деб эътироф этилган дебиторлик қарзлари бўйича резерв ҳисобидан харидор ва буюртмачилардан олинадиган счёtlар 48 458 431 сўмга ҳисобдан чиқарилди.

Молиявий ҳисоботларда савдо дебиторлик қарзлари ҳамда дебиторлик қарзларининг қадрсизланишидан зарар суммаларини акс эттириш амалга оширилади (4-жадвал, 5-жадвал).

Дебиторлик қарзларини ҳисобга олишнинг амалдаги тартиби ва уни такомиллаштиришнинг асосий йўналишларига тўхталиб ўтайлик.

4-жадвал

#### **Бухгалтерия балансида харидор ва буюртмачилардан олинадиган счёtlарни акс эттириш<sup>4</sup>**

Амалдаги бухгалтерия балансида	Сатр	Таклиф этилади	Суммаси
Харидор ва буюртмачиларнинг қарзи (4000 дан 4900 нинг айримаси)	220	Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счёtlар (қадрсизланишдан зарар чегирилгандан кейинги қопланадиган киймати)	601 990 179

5-жадвал

#### **Фойда ва заарлар ҳамда бошқа умумлашган даромадлар тўғрисидаги ҳисоботда дебиторлик қарзларининг қадрсизланишидан зарар суммасини акс эттириш<sup>5</sup>**

Кўрсаткичлар	Сатр	Сумма
Операцион харажатлар:		
Дебиторлик қарзларининг қадрсизланишидан зарар	040	48 458 431

Халқаро амалиёт билан бизнинг амалиётимиз ўртасидаги фарқ шундан иборатки, биз молия йили учун даргумон қарзлар учун резерв яратамиз, кейинчалик эса, ушбу

<sup>4</sup> Муаллиф ишланмаси.

<sup>5</sup> Муаллиф ишланмаси.

резерв ҳисобидан даргумон қарзлар юзага келса, ҳисобдан чикариб борамиз. Даргумон қарзлар бўйича резервлар суммасининг ишлатилмаган қисмининг улар ташкил этилган йилдан кейинги йилнинг фойдасига қўшилиши кўзда тутилган. Халқаро стандартларда эса, йил охирида қадрсизланишга текшириш ўтказилади. Агар қадрсизланишга текшириш ўтказилганда дебиторлик қарзлари даргумон деб баҳоланса, резерв яратилади. Ушбу резерв ҳисобидан даргумон дебиторлик қарзлари ҳисобдан чикарилади.

### Хулоса

Юқоридаги тадқиқотлар асосида куйидаги хулосаларни келтириб ўтамиш:

– Халқаро стандартларга мувофиқ дебиторлик қарзлари даставвал хўжалик

муомаласининг қиймати бўйича баҳолаш, кейинчалик давомий равища амортизацияланадиган қиймати бўйича баҳолаш корхоналар томонидан йўлга кўйилиши зарур. Бунинг учун мақолада кўрсатиб ўтилган услубий тартиб кўлланилиши мақсадга мувофиқ;

– Дебиторлик қарзларининг даргумон деб эътироф этилишининг аник мезонини ишлаб чиқиш лозим;

– Даргумон қарзлар бўйича резерв яратишда халқаро стандартларга асосан молия йили сўнггида дебиторлик қарзларининг қадрсизланишга текширув ўтказиш ва текширув асносида дебитор қарз даргумон деб топилса, резерв яратиш, даргумон деб топилмаса, резерв яратмаслик мақсадга мувофиқ.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ПФ-60-сон Фармони <https://lex.uz/docs/5841063>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги “Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-табирлар тўғрисида”ги ПҚ-4611-сон Карори. <https://lex.uz/docs/4746047>
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020-йил 29-декабр.
4. А.А.Каримов, А.К.Ибрагимов, Н.К.Ризаев, Н.М.Имамова. Халқаро молиявий ҳисбот стандартлари. // Дарслик. Тошкент – 2021.
5. “Молиявий инструментлар”номли 32-сон МҲҲС
6. 15-сон МҲҲС “Харидорлар билан шартномалар бўйича тушумлар”.
7. О. В. Попова. Учет дебиторской задолженности. Журнал «Бухгалтерский учет» - № 17-2003г.
8. С.Осмехина. Учет дебиторской задолженности. Файл Бухгалтера, Выпуск №11 - 4 Июня 2019 г.
9. А.Калденбергер. Дебиторская и кредиторская задолженность: вопросы учета и налогообложения
10. Б.Боронов. Корхоналар молиявий активлар ҳисобини такомиллаштириш. PhD диссертацияси бўйича автореферат. Тошкент. ТМИ. 2021 й. 24-б.
11. Эшпўлатова З.Б. Халқаро стандартларга мувофиқ харидорлар билан шартномалар бўйича тушумлар ҳисоби. // “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. Тошкент, 2021. - № 2. 1-15-б.

**УЎТ 371/657.1**

**Туляганов Абдумалик Абдирахимович,**  
Тошкент молия институти мустақил изланувчи

**БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИДА ТОВАР-МОДДИЙ ЗАХИРАЛАР  
ҲИСОБИНИ УСЛУБИЙ ЖИҲАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**Туляганов Абдумалик Абдирахимович,**  
Научный исследователь Ташкентского финансового института

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДОЛОГИЧЕСКИХ АСПЕКТОВ УЧЕТА  
ТОВАРНО-МАТЕРИАЛЬНЫХ ЗАПАСОВ В БЮДЖЕТНЫХ**

**Tulyaganov Abdumalik Abdirakhimovich,**  
Researcher of the Tashkent Institute of Finance

**IMPROVING METHODOLOGICAL ASPECTS OF INVENTORY  
ACCOUNTING IN BUDGET ORGANIZATIONS**

**Аннотация.** Уибу мақолада бюджет ташкилотларида товар-моддий захиралар ҳисобини юритишнинг зарурлиги назарий жиҳатдан асосланган. Бюджет ташкилотларида товар-моддий захиралар ҳисобини ташкил этиши ва юритши, товар-моддий захиралар ҳаракатини ҳисоботларда акс эттиришининг услуби баён қилинган. Бюджет ташкилотларида товар-моддий захиралар ҳисобини юритишнинг амалдаги ҳолатини таҳлил қилиши орқали мавжуд услугубий муаммоларни аниқлаш юзасидан изланишлар олиб борилган. Бюджет ташкилотларида товар-моддий захиралар ҳисобини юритишни услугубий жиҳатларини такомиллаштириш бўйича илмий тақлиф ва тавсиялар ишилаб чиқилган.

**Таяинч сўзлар:** бюджет ташкилоти, бюджет ҳисоби, бюджет ҳисоби стандарти, бюджет ҳисоботи, молиявий ҳисобот, товар-моддий захира, харажатлар сметаси.

**Аннотация.** В данной статье теоретически обоснована необходимость ведения инвентарного учета в бюджетных организациях. Описана методика организаций и ведения товарно-материальных счетов в бюджетных организациях, отражающая движение товарно-материальных ценностей в отчетах. Путем анализа современного состояния товарно-материального учета в бюджетных организациях проведены исследования, направленные на выявление существующих методологических проблем. Разработаны научные предложения и рекомендации по совершенствованию методических аспектов управления запасами в бюджетных организациях.

**Ключевые слова:** бюджетная организация, бюджетный счет, стандарт бюджетного учета, бюджетный отчет, финансовый отчет, инвентаризация, сметная стоимость.

**Annotation.** In this article, the need to keep inventory records in budget organizations is theoretically based. The method of organization and maintenance of inventory accounts in budget organizations, reflecting the movement of inventory in reports is described. By analyzing the current state of inventory accounting in budget organizations, research was conducted to identify existing methodological problems. Scientific proposals and recommendations have been developed for improving the methodological aspects of inventory management in budget organizations.

**Keywords:** budget organization, budget account, budget accounting standard, budget report, financial report, inventory, cost estimate.

### Кириш

Ўзбекистонда ижтимоий-иктисодий ислоҳотларни амалга ошириш масаласи ҳозирги кунда амалга оширилаётган туб ўзгаришларнинг негизи ҳисобланиб, ушбу ўзгаришлар барча соҳаларни қамраб олган ҳолда ўз самарасини бериб келмоқда. Жумладан, давлат секторида ҳам ислоҳотларнинг амалга оширилаётганлиги бу соҳада ташкилий-услубий жиҳатдан норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, хориж тажрибасини чуқур ўрганган ҳолда миллий иктисодиётимизга халқаро стандартлар талабларини жорий этишини тақозо этмоқда.

Бюджет маблағларини тақсимловчилар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бюджет соҳасидаги ваколатларини ва ҳисобдорлигини ошириш ҳамда уларнинг масъулиятини кучайтириш, бюджет маблағларидан мақсадли ва оқилона фойдаланиш ҳамда уни тежаш, бюджет интизомини мустаҳкамлаш, бюджет маблағларидан фойдаланишнинг натижадорлиги бўйича ҳисобдорлик тизимини кучайтириш, бюджет маълумотларининг очиқлиги, тўлиқлиги ва халқаро стандартларга мослигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш назарда тутилди.

Зеро, мамлакатимиз раҳбари таъкидлаб ўтганидек, давлат молиясини бошқаришда “иктисодий ислоҳотлар ва ижтимоий ўзгаришларни муваффақиятли амалга ошириш, энг аввало, иктиносидий

ва молиявий органларнинг фаолияти самарадорлигига боғлиқдир”[6].

Мамлакатимиз бюджет тизимида маблағлардан оқилона ва самарали фойдаланиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар талабларидан келиб чиқиб бюджет ташкилотларида товар-моддий захиралар ҳисоби ва назоратини босқичма-босқич ислоҳ килиб бориш замон талаби ҳисобланади.

Шунингдек, бюджет маблағларидан янада мақсадли ва оқилона фойдаланишни таъминлаш учун бюджет ташкилотларида материаллар ҳисобини такомиллаштириш масаласини яхлит ҳолда ўрганишни талаб этади ва ушбу мавзуда тадқиқот иши ёзиш заруриятини келтириб чиқаради.

### Мавзуга оид адабиётлар шархи

Бюджет ташкилотларида товар-моддий захиралар ҳисобининг илмий-назарий асослари қатор хорижлик ва мамлакатимиз олимлари томонидан тадқиқ этилган. Жумладан, хорижлик олимлардан Ж.Шрайбфедер «захираларнинг самарали бошқарилиши истеъмолчилар талабларининг қондирилишига ва соғ фойданинг максималлаштирилишига хизмат қиласи»[7], деб таъкидлайди.

С.Седки, А.Смит ва А.Стрикландларнинг фикрича, «товар-моддий захиралар ҳисоби корхона томонидан амалга оширилган харажатларни тўлиқ ифода этиши ва инвесторлар учун кутилаётган фойда хусусида тўлиқ ахборот беришга хизмат қилиши керак»[8].

Мамлакатимиз олимларидан А.А.Каримов, Ф.Р.Исломов ва А.З.Авлоқуловлар ишлаб чиқариш захиралари хусусида тўхталиб, куйидаги фикрларни келтириб ўтган: «Ишлаб чиқариш захиралари хўжалик юритувчи субъектнинг ишлаб чиқариш фаолиятини нормал давом этишини таъминлайди»[9].

Н.Раҳмонов товар-моддий захиралар таркибига тўхталиб, улар таркибига қуидагиларни киритган: «товар-моддий захиралар: капитал доиравий айланишининг биринчи босқичидаги моддий активлар, яъни ҳали ишлаб чиқариш жараёнига берилмаган ва ўзларининг натурал-моддий шаклини тўлиқ сақлаб турган ишлаб чиқариш захиралари; асосий подага ўтказиш ёки сотиш мақсадида ўстирилаётган ва боқувдаги чорва моллари, ишлаб чиқаришдан олинган тайёр муҳсулотлар; сотиш учун мўлжалланган товарлар; тугалланмаган ишлаб чиқариш, яrim тайёр ва ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулотлардан иборат»[10], деб таъкидлаган.

М.Т.Хайдаров «товар-моддий захираларга ташкилотга тегишли бўлган ва хизмат қилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлмаган ёки бир операцион цикл мобайнида фойдаланиладиган молмулклар киритилади»[11], деган хуносага келган.

Ушбу мавзуу доирасида амалга оширилган илмий-тадқиқот ишлари ва олиб борилган илмий-назарий изланишларга қарамасдан, айнан бюджет ташкилотларида товар-моддий захиралар ҳисобини услубий жиҳатларини такомиллаштириш масалалари комплекс ва яхлит тарзда тўлиқ ўрганилмаган. Мазкур ҳолат ушбу мавзуда тадқиқ этилган илмий-амалий муаммолар ва уларни бартараф этиш юзасидан ишлаб чиқилган таклиф

ва тавсияларнинг долзарблик даражасини белгилаб беради.

### **Тадқиқот методологияси**

Мавзуу юзасидан изланиш олиб бориша воелик жараёнларини ўрганишнинг илмий усуллари – умумлаштириш, гурухлаштириш ва таққослама усуллар, монографик тадқиқот, иқтисодий таҳлил, статистика, абстрактмантикий фикрлаш, қиёсий таққослаш, кузатув, истиқболли прогнозлаш ва бошқа усуллардан фойдаланилди.

### **Натижа ва муҳокама**

Товар-моддий захиралар хизмат қилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлмаган ёки бир операцион цикл мобайнида фойдаланиладиган молмулклар, жумладан, қурилиш – таъмирлаш материаллари, озиқ-овқат маҳсулотлари, ёқилғи ва ёнилғилар, озуқ ва ем-хашак, тара (идиш)лар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва ишлаб чиқариш буюмлари, ўстирувдаги ва боқувдаги чорва моллари, ўқув, илмий ва бошқа мақсадлар учун материаллар ҳамда лаборатория синовида бўлган, узоқ вақт фойдаланиладиган материаллар, шартнома асосида бажариладиган илмий-тадқиқот ишлари учун маҳсус асбоб-ускуналар ва бошқалардан иборат активлардир.

Хизмат муддати ва қийматидан қатъи назар маҳсус асбоблар ва мосламалар (муайян буюмларни туркумли ва оммавий ишлаб чиқариш ёки якка тартибдаги буюртмани тайёрлаш учун мўлжалланган мақсадли вазифадаги асбоблар ва мосламалар); маҳсус ва санитария кийимлари, маҳсус пойабзал, кўрпа-тўшаклар; ёзув-чизув анжомлари (калькуляторлар, стол устига қўйиладиган асбоблар ва ҳоказо); ошхона инвентари, шунингдек, сочиқ-дастурхонлар; уларни

барпо этиш харажатлари қурилиш-монтаж ишларининг таннархига киритиладиган вақтинчалик (титулда бўлмаган) иншоотлар, мосламалар ва қурилмалар; фойдаланиш муддати бир йилдан кам бўлган алмаштириладиган ускуналар; овлаш куроллари (траплар, ёйма тўрлар, тўрлар, анжомлар, матраплар ва ҳоказо) инвентарь ва хўжалик анжомлари товар - моддий захиралар таркибига киритилади [4].

Бюджет ташкилотларида материаллар бўйича молия йили охирига бўлган қолдиқлар аниқланган меъёрлар асосида таҳлил қилинади. Агар, бюджет ташкилотини молия йили охирида бўлган материаллар бўйича қолдиқ қиймати белгиланган меъёр(лимит)дан ортиқча бўлса, кейинги молия йилида бюджет маблағлари бўйича харажат сметасида материаллар сотиб олиш учун киритилган сумма меъёрдан ортиқ суммага камайтирилади. Товар-моддий захиралар ўрнатилган меъёрини аниқлаш учун белгиланган кўрсаткичлар “Ўзбекистон

Республикаси Давлат бюджетини тузиш ва ижро этиш қоидалари”да келтирилган (1-жадвал).

Товар-моддий захиралар бўйича йил охиридаги қолдиқни меъёрларини аниқлаш учун “Номолиявий активлар ҳаракати тўғрисида” ҳисботнинг 060-069 субсчётлар бўйича йил давомида ташкилот эҳтиёжлари учун сарфланган материаллар қиймати олинниб, ёқилғи ва мойлаш материаллари бўйича иситиш мавсумидаги кунлар сони (асосан 5 ойлик иситиш мавсуми – 150 кун олинади), тиббиёт муассасалари бўйича озиқ-овқат маҳсулотларининг ҳар бир гурухи бўйича кўрсатилган сумма 360 га, бошқа бюджет ташкилотлари бўйича ташкилот эҳтиёжлари учун сарфланган материаллар ва озиқ-овқат маҳсулотлари ҳар бир гурухи бўйича 305 га бўлинади ва чиқкан натижа материаллар бўйича белгиланган кун меъёрларига кўпайтирилади. Чиқкан натижа меъёр ҳисобланиб, баланснинг 060-069 субсчётлари колдиғи билан солиширилади[2].

#### I-жадвал

#### Товар-моддий захиралар ўрнатилган меъёрини аниқлаш учун белгиланган кўрсаткичлар<sup>1</sup>

№	Товар-моддий захиралари номи	Белгиланган кун меъёрлари
1	Озиқ-овқат маҳсулотлари (мавсумий тайёрлашдан ташқари)	15 кун
2	Мавсумда тайёрланадиган озиқ-овқат маҳсулотлари	150 кун
3	Дори-дармонлар, реактивлар, боғлаш материаллари ва дорихона анжомлари	60 кун
4	Барча бюджет ташкилотлари учун ёқилғи (болалар ва даволаш ташкилотларидан ташқари)	75 кун
5	Болалар ва даволаш ташкилотлари учун ёқилғи	90 кун
6	Хўжалик ва концепция материаллари	45 кун
7	Ўқув илмий ва бошқа маҳсус мақсадлар учун материаллар	120 кун
8	Озука ва ем-хашак	120 кун
9	Қурилиш-таъмирлаш материаллари	45 кун

<sup>1</sup> “Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини тузиш ва ижро этиш қоидалари” (2002 йил 14 март, 1111-сон).

Агар, материаллар қолдиги чиққан меъёрдан ортиқ бўлса, ўша суммага кейинги йил харажатлар сметасида материаллар харажат моддаси суммасини молиялаштириш қайтарилади.

Товар-моддий захиралар ҳисоби бухгалтерия ҳисобида 06 “Бошқа товар-моддий захиралар” счётларида юритилади. Бу счёtlарни дебет томонида товар-моддий қийматликларни киrimи ҳақиқий таннархи бўйича, кредит томонида ҳисобдан чиқарилиши акс эттирилади. 06 “Бошқа товар-моддий захиралар” счётида курилиш материаллари, озиқовқат маҳсулотлари, дори-дармонлар ва ярани боғлаш воситалари, ёнилғи,

ёқилғи-мойлаш материаллари, хўжалик шартномалари асосида илмий текшириш ишларини амалга ошириш учун ажратилган маблағлар ҳисобига сотиб олинган, илмий-текшириш ишларида узок вақт фойдаланиладиган материаллар ва бошқа товар-моддий захиралар ҳисобга олинади.


06 “Бошқа товар-моддий захиралар” счёти ҳисобда куйидаги субсчёtlарга бўлинган ҳолда акс эттирилади:

060 “Курилиш материаллари”;

061 “Озиқ-овқат маҳсулотлари”;


062 “Дори-дармонлар ва ярани боғлаш воситалари”;

#### Бюджет ташкилотларида товар моддий захираларнинг киrim қилиниши



1-расм. Бюджет ташкилотларида товар-моддий захираларнинг киrim қилиниши<sup>2</sup>

#### Товар-моддий захираларни харид қилиш билан боғлиқ бўлган ва уларнинг таннархига киритиладиган харажатлар



2-расм. Бюджет ташкилотларида товар-моддий захирларни киrim қилишда таннархига қўшиладиган харажатлар<sup>3</sup>

<sup>2</sup> Муаллиф томонидан тузилган.

<sup>3</sup> Муаллиф томонидан тузилган.

063 “Инвентарь ва хўжалик жиҳозлари”;

064 “Ёнилғи, ёқилғи – мойлаш материаллари”;

065 “Машина ва асбоб-ускуналарнинг эҳтиёт қисмлари”;

069 “Бошқа товар-моддий захиралар” [2].

Бюджет ташкилотларида товар-моддий захиралар кирими бухгалтерия ҳисобида алоҳида акс эттирилади. Маълумки товар-моддий захиралар қуидагилар натижасида ташкилотга кирим қилинади (1-расм).

Товар-моддий захиралар ташкилотнинг бухгалтерия балансига таннархи бўйича киритилади, у харид қиймати (етказиб берувчига тўланадиган суммалар) ва уларни харид қилиш билан боғлиқ бўлган барча харажатларни ўз ичига олади (2-расм).

Харид қилинган товар-моддий захираларга ҳақ тўлаш билан боғлиқ харажатлар, товар-моддий захираларни харид қилиш бўйича контрактларни тайёрлаш, рўйхатдан ўтказиш ва ёпиш билан боғлиқ харажатлар ҳамда активларни харид қилиш билан бевосита боғлиқ бўлмаган бошқа харажатлар товар-моддий захираларнинг таннархига киритилмайди, балки улар содир бўлган ҳисобот даврида ҳақиқий харажатлар сифатида акс эттирилади.

Товар-моддий захираларни харид қилиш бўйича харажатлар уларнинг юзага келишини тасдиқловчи бошлангич ҳисоб хужжатлари асосида белгиланади. Транспорт-тайёрлов харажатларининг суммаси алоҳида йигилади ва товар-моддий захираларнинг тегишли турлари ўртасида тақсимланади.

Ташкилот томонидан беғараз олинган товар-моддий захираларнинг таннархи уларнинг бухгалтерия ҳисобига қабул қилинши санасидаги жорий қийматидан келиб чикқан ҳолда аниқланади. Юридик

ва жисмоний шахслардан ҳомийлик кўринишида олинган товар-моддий захиралар таннархига уларни ташкилотга олиб келиш билан боғлиқ бошқа харажатлар ҳам киритилади.

Узок муддатли активлар таркибидан ўтказиша ҳам уларнинг бухгалтерия ҳисобига қабул қилиниш санасидаги жорий қийматидан келиб чикқан ҳолда таннархи аниқланади. Бунда асосий воситаларни тутатилиши натижасида яроқли бўлган қисмлари (бино-иншоотлар бўйича фойдаланиш мумкин бўлган қурилиш материаллари, транспорт воситалари бўйича яроқли эҳтиёт қисмлари ва ҳоказо) жорий қийматда баҳоланиб товар-моддий захиралар таркибида кириш қилинади.

Ортиқча (ҳисобга олинмаган) товар-моддий захираларни инвентарлаш натижасида аниқланган активлар таннархи улар аниқланган санадаги жорий қийматдан келиб чикқан ҳолда белгиланади.

Ташкилотнинг ўзи томонидан ишлаб чиқариладиган (тайёрланадиган) товар-моддий захираларнинг таннархи деб уларнинг ишлаб чиқариш таннархи тан олинади. Товар-моддий захираларнинг ишлаб чиқариш таннархига уларни ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ бўлган, ишлаб чиқариш технологияси ва уни ташкил этиш билан шартланган харажатлар киритилади. Уларга қуидагилар тегишли бўлади: бевосита ва билвосита моддий харажатлар, бевосита ва билвосита меҳнат харажатлари, ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган бошқа бевосита ва билвосита харажатлар.

Материаллар ва озиқ-овқат маҳсулотлари кирими бўйича ҳисоб регистрларига бошлангич ҳисоб хужжатлари (ҳисобвараклар, далолатномалар ва бошқалар) асосида ушбу материал захиралар олинган кун (сана) билан ёзилади. Бошлангич ҳисоб

хужжатларида қуидаги маълумотлар кўрсатилиши керак: маҳсулотлар ва озиқовқат маҳсулотлари кимдан олингандиги, номи, нави, миқдори (оғирлиги) баҳоси, суммаси, омборга келиб тушган вақти ва шу қимматликларни қабул қилган моддий жавобгар шахснинг қабул қилганлик ҳақидаги имзоси ва ҳ.к.лар.

Маҳсулот етказиб берувчининг хужжатларида фарқ бўлган ҳолларда қабул қилиш далолатномаси тузилади. Ушбу далолатнома ташкилотдаги қабул қилиш комиссияси томонидан икки нусхада тузилади, бу далолатномани

тузишда омбор мудири (моддий жавобгар шахс) ва маҳсулот етказиб берувчи томон ёки манфаатдор бўлмаган бошқа ташкилотларнинг вакили қатнашиши шарт.

Далолатноманинг бир нусхаси қабул килинган моддий қимматликларни ҳисобга олиш учун, иккинч нусхаси эса, маҳсулот етказиб берувчиларга даъво хати юборища фойдаланилади.

Товар-моддий захиралар кирими бухгалтерия ўтказмаларида қуидагича расмийлаштирилади (2-жадвал).

2-жадвал

**Бюджет ташкилотларида товар-моддий захиралар киримининг ҳисобвақларда акс эттирилиши<sup>4</sup>**

№	Муомалалар мазмуни	Дт	Кт	Асос бўлувчи хужжат
<b>Етказиб бериш (олди-сотди) шартномаси бўйича харид қилиш</b>				
1	Сотиб олинган товар-моддий захиралар қиймати (сотиб олиш нархи, етказиб бериш ва бошқа кўшимча харажатлар)	091	15,16,17 счётларнинг тегишли субсчёtlари	Юк хати, бажарилган ишларни топшириш, қабул қилиш далолатномалари ва бошқалар
2	Сотиб олинган товар-моддий захира ҳақиқий қиймати бўйича кирим қилиниши	06 счётнинг тегишли субсчёtlари	091	Қайднома, бухгалтерия маълумотномаси ва бошқалар
<b>Бегараз келиб тушиш (хадя шартномаси бўйича)</b>				
1	Жисмоний ва юридик шахслардан бегараз олинган товар-моддий захиралар қиймати (белгиланган тартибда аниқланган бозор қиймати, етказиб бериш ва бошқа кўшимча харажатлар)	091	262 ва 15,16,17 счётларнинг тегишли субсчёtlари	Юк хати, бажарилган ишларни топшириш, қабул қилиш далолатномалари ва бошқалар
2	Бегараз олинган товар-моддий захира ҳақиқий қиймати бўйича кирим қилиниши	06 счётнинг тегишли субсчёtlари	091	Қайднома, бухгалтерия маълумотномаси ва бошқалар

<sup>4</sup> “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Йўриқнома (2010 йил 22 декабрь, 2169-сон) асосида муаллиф томонидан тузилган.

**Узок муддатли активлар таркибидан ўтказиш**

1	Узок муддатли активлар таркибидан моддий кийматликларни товар-моддий захиралар таркибига ўтказиш	06 счёtnинг тегишили субсчёtlари	01, 07 счёtlарнинг тегишили субсчёtlари	Хисобдан чиқариш далолатномалари, бухгалтерия маълумотномалари
2	Асосий воситаларни тугатилиши муносабати билан кейинчалик фойдаланишга яроқли бўлган товар-моддий захираларни кирим килиниши:	06-счёtnинг тегишили субсчёtlари	231, 241, 251, 261 ёки 271 суб-счёtlарнинг тегишлиси	Асосий воситаларни хисобдан чиқариш далолатномалари

**Ортиқча (хисобга олинмаган) товар-моддий захираларни аниклаш**

1	Инвентаризация натижасида ортиқча чиқсан товар-моддий захираларнинг кирим қилиниши	05, 06 счёtlарнинг тегишили субсчёtlари	273	Инвентаризация далолатномаси
---	--	---	-----	------------------------------

**Ташкилотнинг ўзида тайёрланиши**

1	Ташкилотни ўзида тайёрланган товар-моддий захираларни хақиқий ишлаб чиқариш харажатлари суммасига	09 счёtnинг тегишили субсчёtlари	02, 06, 15, 16, 17 счёtlарнинг тегишили субсчёtlари	Бухгалтерия расчёtlари, далолатномалар, юк хати, талабнома ва бошқалар
2	Ташкилотни ўзида тайёрланган товар-моддий захираларни хақиқий	05, 06 счёtlарнинг тегишили субсчёtlари	09 счёtnинг тегишили субсчёtlари	Қайдномалар, бухгалтерия маълумотномалари

**Товар-моддий захираларнинг ташкилот балансидан чиқарилиши**

- сотиш
- бегараз бериш
- сақлаш муддати тугагач яроқсизлиги сабабли, жисмонан ва маънан эскирганлиги натижасида тугатиш (йўқ қилиш)
- камомад, йўқотиш ёки шикастланиш (синиш, бўлиниш) аникланиши
- бошқа операциялар ва ҳодисалар натижасида хисобдан чиқарилади

**3-расм. Бюджет ташкилотларида товар-моддий захираларнинг балансдан чиқарилиши ҳолатлари<sup>5</sup>**

<sup>5</sup> Муаллиф томонидан тузилган.

Бюджет ташкилотларида товар-моддий захиралар белгиланган тартибда куйидаги ҳолларда баланс ҳисобидан чиқарилади (3-расм).

Товар-моддий захиралар улар сотиб олинган баҳода (етказиб бериш ва бошқа кўшимча харажатларни хам ҳисобга олган ҳолда) ёки улар ҳар хил нархларда сотиб олинган бўлса, ўртача баҳода ҳисобдан ўчирилади. Материаллар ва озиқ-овқат маҳсулотлари белгиланган тартибда

тасдиқланган меъёрлар доирасида ташкилот раҳбари (ёки унинг ўринбосари) томонидан тасдиқланган юқоридаги тегишли ҳужжатларга мувофиқ ҳисобдан чиқарилиши лозим.

Изланишлар давомида товар-моддий захираларни ҳисобдан чиқарилишини умумлаштирилган ҳолда бухгалтерия ўтказмаларида куйидагича акс эттирилиши кераклиги аниқланади (3-жадвал).

### 3-жадвал

#### **Бюджет ташкилотларида товар-моддий захираларнинг ҳисобдан чиқарилиши бухгалтерия счёtlарида акс эттирилиши<sup>6</sup>**

№	Муомалалар мазмуни	Дт	Кт	Асос бўлувчи ҳужжат
<b>Сотиш</b>				
1	Товар-моддий захиралар сотилишини акс эттириш ҳақиқий қиймати	201	06-счёtnинг тегишли субсчёtlари	Юк хати, бухгалтерия маълумотномаси
2	Товар-моддий захиралар сотиш қиймати	15-счёtnинг тегишли субсчёtlари	201	Юк хати
3	Бир вақтнинг ўзида 50 фоизи тегишли бюджет даромадига ҳисобланган сумма	201	160	Бухгалтерия маълумотномаси
4	Бир вақтнинг ўзида ташкилотга тегишли 50 фоизи даромадга ўтказилганда	201	272	Бухгалтерия маълумотномаси
5	Пул маблағлари келиб тушганда	113	15-счёtnинг тегишли субсчёtlари	Шахсий ҳисобварақдан кўчирма
6	50 фоиз бюджетга ҳисобланган суммаларнинг ўтказиб берилиши	160	113	Шахсий ҳисобварақдан кўчирма
7	Товар-моддий захираларни сотилишидан кўрилган салбий молиявий натижа (зарар)	231, 241, 251, 261 ёки 271 субсчёtlарнинг тегишлиси	201	Бухгалтерия маълумотномаси
8	Сотилган тайёр маҳсулотнинг ҳақиқий таннархи	200	050	Юк хати, бухгалтерия маълумотномаси

<sup>6</sup> “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Йўриқнома (2010 йил 22 декабрь, 2169-сон) асосида муаллиф томонидан тузилган.

9	Тайёр маҳсулотни сотиш киймати	15-счётнинг тегишли субсчётлари	200	Юк хати
10	Тайёр маҳсулотни сотишдан пул маблағлари келиб тушганда	112	15-счётнинг тегишли субсчётлари	Шахсий хисобварақдан кўчирма
11	Тайёр маҳсулотни сотилишидан кўрилган ижобий молиявий натижа (фойда)	200	262	Бухгалтерия маълумотномаси
12	Тайёр маҳсулотни сотилишидан кўрилган салбий молиявий натижа (зарар)	261	200	Бухгалтерия маълумотномаси

**Камомад, ўйқотиши ёки шикастланиши (синиши, бўлинниши) аникланиши**

1	Инвентаризация натижасида камомад чиққан товар-моддий захираларнинг чиким қилиниши	231, 241, 251, 261 ёки 271 субсчётларнинг тегишли субсчётлари	05,06 счётларнинг тегишли субсчётлари	Инвентаризация далолатномаси
2	Инвентаризация натижасида камомад чиққан бюджет маблағлари хисобидан сотиб олинган ёки сотиб олиниш манбаси ноаниқ бўлган товар-моддий захиралар суммасига (агарда моддий жавобгар шахсдан ундирилса): а) кам чиққан товар-моддий захираларнинг кийматини хисобдан чиқарилиши	231, 241, 251, 261 ёки 271 субсчётларнинг тегишли субсчётлари	05,06 счётларнинг тегишли субсчётлари	Инвентаризация далолатномаси
	б) айборд шахсдан ундириладиган сумманинг бюджет даромадларига хисобланиши	170	160	Бухгалтерия маълумотномаси
	в) айборд шахс томонидан камомад суммасининг тўланиши	пул маблағларини хисобга оловчи субсчётлар	170	Шахсий хисобварақдан кўчирма
	г) маблағларни бюджет даромадига ўтказиб берилиши	160	пул маблағларини хисобга оловчи субсчётлар	Шахсий хисобварақдан кўчирма

Бюджет ташкилотларида товар-моддий захираларнинг ҳаракати бошланғич хужжатлар асосида хисобварақлар, хисоб регистрлари ва молиявий ҳисоботларда<sup>[5]</sup> акс эттирилади. Бунда, товар-моддий захирларнинг қайси молиялаштириш

манбаларидан кирим қилинган бўлса, хисобдан чиқарилишида ҳам ушбу манба бўйича ҳақиқий ҳаражатларда акс эттириш орқали ҳисобдан чиқарилишига эътибор қаратиш зарур.

**Хулоса**

Бюджет ташкилотларида товар-моддий захиралар ҳисобини ташкил этиш, юритиш ва уларнинг ҳаракатини ҳисоботларда акс эттириш билан боғлиқ амалиётдаги ҳолатларни кузатиш, амалий тажриба орттириш ҳамда ушбу мавзуда олиб бориш орқали куйидаги натижаларни келтириб ўтишни ўринли, деб ҳисоблаймиз:

Бюджет ташкилотларида ички аудит ҳизмати фаолиятини амалга оширишнинг аниқ тартиби, кетма-кетлиги, йўналишлари акс эттирилган қонуности норматив-хуқуқий хужжатни ишлаб чиқиш зарур. Бунда, бюджет ташкилотларининг сметаларини ишлаб чиқиш ёки уларнинг ижросини амалга ошириш ҳамда ҳисобда акс эттиришни ўрганиш бўйича ички аудит ҳизмати ходимларининг бажарадиган ишларининг аниқ чегараси белгиланмаган. Улар бухгалтерия ҳисоби ходимларининг функционал вазифаларини такрорлаган ҳолда фаолият юритмоқда.

Бизнингча, ички аудит ҳизматига харажатлар сметасини тузиш жараёнида товар-моддий захиралар учун маблағни режалаштиришда белгиланган меъёрий хуқуқий хужжатлар талабларига амал қилиниши, бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар бўйича кирим қилинган товар-моддий захираларни смета доирасида сарфлаш, бюджет таснифига мос ҳолда ҳисоботларда акс эттирилиши, бюджет ташкилотларида товар-моддий захиралар ҳисобига оид меъёрий хуқуқий хужжатлар, 19-сон Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларига мос ҳолда ташкил этилиши, бюджет ташкилотларида товар-моддий захиралар ҳисобини меъёрий хуқуқий асосланганлиги, бюджет ташкилотларида товар-моддий захираларни сақланиши ва бухгалтерия ҳисоби хујжатлари маълумотларига

мослигини ўрганиш каби аниқ вазифларни белгилаб бериш мақсадга мувофиқ.

Товар-моддий захираларнинг кирим қилиниши, сақланиши, ташкилотфаолияти давомида сарфланиши билан боғлиқ жараёнларда иштирок этадиган шахслар ва уларнинг бошланғич хужжатлар воситасида ўзаро ҳисобдорлигини таъминлаш товар-моддий захираларнинг бюджет қоидалари ва смета интизоми асосида сарфланишига хизмат қиласди. Шу билан бирга товар-моддий захиралар бўйича ўтказиладаиган инвентаризация жараёнларида уларнинг иштироки ва ўзаро муносабатлари моддий жавобгар шахсларнинг масъулиятини янада оширади.

Бюджет ташкилотларида товар-моддий захираларнинг сарфланиши ва уларнинг қолдиги юзасидан лимитларни ҳисобот даври якунлари бўйича доимий олиб борилишини таъминлаш товар-моддий захираларга бўлган эҳтиёжларни мунтазам аниқлаб бориш, уларнинг қолдиқларини аниқлаш, сметаларнинг харажатлар моддалари бўйича ижросини назорат қилиб бориш имконини беради.

Бюджет ташкилотларида товар-моддий захираларнинг харид қилиниши электрон харид тизими орқали амалга оширадади. Бу, юқорида қайд этиб ўтилганидек, бюджет маблағларининг сарфланишида очиқлик ва шаффоғлиқни таъминлаши билан бирга, товар-моддий захираларни шартнома ва ҳисоб фактурада қайд этилган миқдорда ҳамда сифатда қабул қилиш билан боғлиқ айрим муаммолар мавжуд. Ушбу жиҳатларни баратараф этиш учун товар-моддий захираларнинг кирим қилиниши бошланғич хужжатлар асосида расмийлаштирилиши, товар-моддий захираларни ўз вақтида белгиланган талаблар асосида кирим қилиш орқали таъминланади. Бунинг учун бюджет ташкилотларида товар-

моддий захираларнинг харид қилиниши ва ташкилот балансига кирим қилинишини бевосита бош ҳисобчи назорат қилиши зарур.

Аксарият ҳолатларда инвентаризация натижалари бўйича тузилган далолатноманинг реализацияси тўлиқ амалга оширилмаслиги ва моддий жавобгар шахсларнинг бошқа лавозимларга ўтиб кетиши ёки ишдан бўшаб кетиши натижасида товар-моддий захираларнинг талон-тарож қилиниши кузатилмоқда. Шунинг учун бизнингча, товар-моддий захиралар бўйича

инвентаризация далолатномаларини тўлиқлигича реализация қилиниши бўйича жавобгарликни кучайтириш зарур.

Бюджет ташкилотларида товар-моддий захиралар ҳолати ва ҳаракати билан УзАСБО дастуридаги ҳисоб маълумотлардаги тафовутларни бартараф этиш учун юқорида қайд этиб ўтганимиздек, товар-моддий захиралар ҳаракатини тўлиқ ҳужжатлаштириш ва улар асосида ўз вақтида УзАСБО дастурий мажмуасида акс эттирилишини таъминлаш тавсия этилади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ти 13.04.2016 йилдаги ЎРҚ-404-сонли Қонуни. (қўшимчалар билан).
2. “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ти Йўрикнома Ўз.Р АВ. томонидан 2010 йил 22 декабрда № 2169-сон билан рўйхатдан ўтган.
3. “Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини тузиш ва ижро этиши қоидалари”. 2002 йил 14 март, 1111-сон.
4. 7-sonli «Tovar-moddiy zaxiralar» nomli Budget hisobining standarti (O‘z.R AV. Tomonidan 2019 yil 14 yanvarda № 3120-son bilan ro‘yxatdan o‘tgan).
5. 3-sonli “Budget hisoboti” nomli Byudjet hisobining standarti (O‘z.R AV. Tomonidan 2020-yil 20-iyunda № 3124-son bilan ro‘yxatdan o‘tgan)
6. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi. 2020-yil 25-yanvar. <https://uza.uz>
7. Шрайбфедер Дж. Эффективное управление запасами. — М.: Альпина Бизнес Букс, 2006. — 304 с.
8. Sam Sedki. Abby Smith, Aissa Strickland. Differences and Similarities Between IFRS and GAAP on Inventory. Revenue Recognition and Consolidated Financial Statements. Journal of Accounting and Finance vol. 14(2) 2014.
9. Каримов А.А., Исломов Ф.Р., Авлоқулов А.З. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. -Т: «Шарқ» НМАК. 2004. 592-бет.
10. Рахмонов Н.Р Товар-моддий захиралар ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш: 08.00.08: и.ф.н... дисс. автореферати. // Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси. - Т: 2016. 22-б.
11. Ҳайдаров М.Т. Бюджет ташкилотларида товар-моддий захиралар ҳисобини юритиш тартиби. // Иқтисод ва молия. 2015 йил 8-сон.

**УЎТ 657.1/658.330**

**Маматқұлов Акрам Халмуродович**

*Тошкент молия институты*

*капта ўқитувчи*

*G-mail: [mamatkulovakrom850@gmail.com](mailto:mamatkulovakrom850@gmail.com)*

## **ПАХТАНИ ҚАЙТА ИШЛАШ КОРХОНАЛАРИДА ХАРАЖАТЛАРИНИ БОШҚАРИШ ВА ҲИСОБГА ОЛИШ УСУЛЛАРИ**

**Маматкулов Акрам Халмуродович**

*Ташкентский финансовый институт, старший преподаватель*

*G-mail: [mamatkulovakrom850@gmail.com](mailto:mamatkulovakrom850@gmail.com)*

## **УПРАВЛЕНИЕ ЗАТРАТ И МЕТОДЫ УЧЁТА ХЛОПКОПЕРЕРАБАТЫВАЮЩИХ ПРЕДПРИЯТИЙ**

**Mamatkulov Akram Khalmurodovich**

*Tashkent Institute of Finance, senior teacher*

*G-mail: [mamatkulovakrom850@gmail.com](mailto:mamatkulovakrom850@gmail.com)*

## **COST MANAGEMENT AND ACCOUNTING METHODS IN COTTON PROCESSING ENTERPRISES**

**Аннотация.** Мақолада республика тараққиётини иқтисодий жиҳатдан юксалтириши учун пахтани қайта ишлиш корхоналарида харажатларни бошқарииш ва ҳисобга олиш усулларини такомиллаштириши ҳамда юқори макроиқтисодий кўрсаткичларга эришиши масалалари ёритилган. Шунингдек, пахтани қайта ишлиш корхоналарида харажат гурухлари ишилаб чиқилган бўлиб, унинг натижасида илмий хуоса ва таклифлар ишилаб чиқилган.

**Таянч сўзлар:** ишилаб чиқарииш харажатлари, , таннарх, пахтани қайта ишлиш корхоналари, ишилаб чиқарииш ҳисоби, харажатлар маркази, жавобгарлик марказлари, макроиқтисодий барқарор кўрсаткич.

**Аннотация.** В статье освещены вопросы совершенствования методов управления затратами и учёта на хлопкоперерабатывающих предприятиях и достижениях высоких макроэкономических показателей в целях повышения экономического развития республики. Также были разработаны группы затрат на хлопкоперерабатывающих предприятиях, по результатом которых разработаны научные выводы и предложения.

**Ключевые слова:** себестоимость продукции, хлопкоперерабатывающие предприятия, производственный учёт, центр затраты, центр ответственности, показатель макроэкономической устойчивости.

**Annotation.** The article highlights the issues of improving cost management and accounting methods in cotton processing enterprises and achieving high makroeconomic indicators in order to increase the economic development of the republic. Also, cost groups were developed in cotton processing enterprises, as a result of which scientific conclusions and suggestions were developed.

**Keywords:** production costs, cost, cotton processing enterprises, production accounting, cost center; responsibility centers, macroeconomic stable indicator.

## Кириш

Бугунги кунда республикамиз иқтисодиёт тизимини ислоҳ қилиш бўйича кўплаб қонуний асослари яратилмоқда ва такомиллаштирилмоқда. Асосий вазифалар – макроиктисодий барқарорликни таъминлашга қаратилмоқда.

Янги Ўзбекистон ҳам ўзининг келажакдаги тараққиётини иқтисодий жиҳатдан юксалтириш учун “Тараққиёт стратегияси”да “Миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш” йўналишига қаратилди.[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг ушбу йўналиш бўйича “Пахтачилик тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 ноябрдаги ПҚ-3408-сонли қарори тасдиқланди. Бу қарорнинг 6-бандида “Илмий-техник ва тажриба-экспериментал тадқиқотларни ривожлантириш, пахтачилик тармоғига инновацион ғоя, ишланма ва технологияларни жорий этиш” вазифаси белгиланди. Ушбу вазифалардан келиб чиқиб, ҳалқаро амалиётда паҳтани қайта ишлаш корхоналарида ишлаб чиқариш бўйича харажатларни бошқариш ва ҳисобга олиш усулларини такомиллаштириш иқтисодиётни жадал ривожланиши ва макроиктисодий ривожланишида муҳим аҳамиятга эгадир. Шу бирга ишлаб чиқаришда харажатлар натижасида олинаётган даромадлари билан макроиктисодий барқарор даражадаги

кўрсаткичларга эришиш. Юқори макроиктисодий барқарор кўрсаткичларга эришишдан мақсад харажатлар орқали маҳсулотлар яратиш. Уларни сотиб юқори даромадларга эга бўлиш ҳамда харажатларни бошқариш ва ҳисобга олиш усулларини такомиллаштиришдан иборат. Чунки, харажатлар корхона фаолиятида энг муҳим кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

Инновацион иқтисодиётнинг ҳозирги даврида барча корхоналар иқтисодий жараёнда, ишлаб чиқариш ҳисобидаги харажатлар жараёни, корхоналар фаолиятида иқтисодий самарадорликка эришиш, ишлаб чиқариш ҳаражатлари тизими самарадорлигини ошириш, корхона иқтисодий ишлаб чиқариш билан боғлиқ ҳисоб-китобларни тўғри ташкил қилиш, ишлаб чиқаришда харажатларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ равища фойдаланиш масалалари муҳим аҳамиятга эга.

## Мавзуга оид адабиётлар шархи.

Корхонада ишлаб чиқариш харажатларини бошқариш ва ҳисобга олиш усуллари бўйича маълум бир сўз ва фикр юритиш, илмий хуроса чиқаришдан олдин харажатлар ҳамда уларни юзага келиши ҳақида бироз тўхталиб ўтамиз. Ушбу мавзуни кенгроқ ва мазмунли ёритиш учун ҳамда асосий илмий фикрлар, ғоялар, таъкидлар келтиришда иқтисодчи олимларнинг тадқиқот ишларига эътибор қаратамиз.

Хорижий ва ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар томонидан “харажатлар” ҳақида ҳам тадқиқот ишларида бир қанча илмий таъкидлар билдирилган ва улар қўйидагича:

Россиялик олимлар Г.М.Лисович ва И.Ю. Ткаченколар таъкидлашича, замонавий ишлаб чиқариш ҳисоби, ишлаб чиқариш харажатларини кузатиш, ортиқча харажатларнинг сабабларини ҳамда уни камайтириш имкониятларини тахлил қилиш учун сафарбар килинган. Ишлаб чиқариш ҳисоби ўзида харажатларнинг турлари ва пайдо бўлиш жойлари бўйича ҳисобини ўзида мужассам қилади. [2]

Е.Б. Козин ва ТА Козиналар фикрича, харажатларнинг пайдо бўлиш жойи бошқарув ҳисобида аналитик ҳисобининг алоҳида обьекти бўлиб, унда кузатиш, назорат қилиш ва бошқариш мақсадида меъёрлаштириш, режалаштириш, ҳисобни умумлаштириш амалга оширилади.[3]

Т.П. Карпова бошқарув ҳисобини қўйидаги тушунчалар билан очиб беради: тўла таннарх ҳисоби, жавобгарлик марказлари бўйича ҳисоб. Шу билан бирга харажатларни гурухлашни бошқариш тамойилларига қўйидагиларни киритади: харажат турлари бўйича, таъсир қилиш даражаси бўйича, иш хажмига нисбатан, иш тури бўйича, харажатларнинг пайдо бўлиш жойи бўйича. Харажатларнинг пайдо бўлиш жойлари бўйича гурухлаш бошқарувнинг ташкилий тузилшиига боғлик. Шу сабабдан ҳар бир корхона харажат моддаларини ўзи ишлаб чиқаради.[4]

С.С. Сатубалдин эса, ишлаб чиқариш харажатларининг пайдо бўлиш жойи бўйича гурухланишини АҚШда фантехника революцияси натижасида юзага келган ишлаб чиқариш чиқимларини гурухлашнинг янги концепцияси сифатида қарайди ва уни харажат маркази (Cost

Centers) номи билан аталишини кўрсатиб ўтади.[5]

Англия-америка мактабининг вакилларини ўзлари эса, таннарх ҳисобини бошқарув мақсадига боғлаб, калькуляция қилишнинг жавобгарлик марказлари бўйича олиб бориш ҳам мумкинлигини кўрсатиб ўтадилар. Натижада Д.А. Хиггинсом томонидан жавобгарлик маркази (Responsibility centers) концепцияси шакллантирилди, шунингдек, ўз ишининг молиявий натижалари учун белгиланган жавобгар шахсларнинг даражаси аникланиб берилди. Унинг фикрича, цехда лампочкани ёкиш бу харажатларнинг пайдо бўлиш жойи, электр энергия сарфларини ёзиб борувчи счётчик кўрсатгичларга жавобгар шахс бу жавобгарлик марказидир.[6]

Р.О.Холбеков Ишлаб чиқариш ҳисобини қўйидаги белгилари асосида бошқарув ҳисобидан фарқлаган:

1. Ишлаб чиқариш таннархи (қисман таннарх).
2. Ишлаб чиқариш харажатларининг пайдо бўлиш жойлари бўйича гурухлаш,
3. Ишлаб чиқариш харажатларининг пайдо бўлиш жойлари бўйича ҳисобга олиш ва ҳисобдан чиқариш.[7]

Н.Б.Абдусаломова харажатларни келиб чиқиши жойлари ва жавобгарлик марказлари бўйича харажатларда” бошқарув ҳисобини ташкил қилиш зарурлигини таъкидлайди.[8]

Б А.Хасанов жавобгарлик марказлари сифатида ишлаб чиқариш цехи, бўлими ва участкаларини кўрсатиб, уларда бошқарув ҳисобини ташкил этиш учун уларнинг қўйидаги белгиларидан келиб чиқкан ҳолда таснифлаш зарурийлигини кўрсатади:

- ваколатлар ва жавобгарлик ҳажми;
- марказ бажарадиган функциялар.

Ваколатлар ва жавобгарлик хажмидан келиб чиққан ҳолда жавобгарлик марказларини харажатлар, сотиш, фойда ва инвестициялар марказларига бўлиш мақсадга мувофиқдир деган изоҳни беради.[9]

М.Б.Калонов ишлаб чиқариш харажатларида “транспорт воситалари” бўйича уларга эскириш ва ёқилғи сарфларидан фойдаланиш ҳамда даромадларни шаклланишини мақбул ечими бўйича ўз изоҳларини билдирган. [10]

А. Ачилов ишлаб чиқариш харажатларида “товар моддий захиралар” бўйича таннархни камайтиришда, хўжалик ишлаб чиқаришининг хомашё чиқиндилардан қайта фойдаланиб даромад олиш эвазига солиқ юкини камайтириш бўйича ўз изоҳларини билдирган.[11]

А. Козимжонов ишлаб чиқариш харажатларида “қарз мажбуриятлари” бўйича харажатларнинг юзага келишида халқаро стандартда эътироф этилган “капитализация харажатлари”ини молиявий ҳисботга илова қилиниши бўйича ўз изоҳларини билдирган.[12]

### **Тадқиқот методологияси**

Кузатиш, мантиқий ва абстракт фикрлаш, тизимли ёндашув, гипотеза ва гурухлаш усулларидан фойдаланилди. Кузатиш орқали корхона фаолиятига тегишли ва юзага келувчи харажатлар ўрганилади ва қайси жарёнларга боғликлиги аниқлаштирилади. Мантиқий ва абстракт фикрлаш орқали харажатларни бошқариш ва ҳисобга олиш учун гурухлаш таснифлаш ҳамда ҳисоблаш имконини беради. Бу харажатларни тизимли бошқаришда қайси мақсадлар учун сарфланиши ва жавобгарлик марказлари бўйича маъсулиятли

бўлишлари учун тизимли ёндашувни талаб қиласди. Гипотеза усуллари орқали харажатларни бошқариш ва ҳисобга олиш кутилаётган натижани аниқлашга қаратилади. Юқоридаги усуллар орқали пахта қайта ишлаш корхоналарида харажатларни максадли амалга ошириб, корхона фаолиятида ҳар бир қиланаётган сарфнинг натижаси самарали бўлишига олиб келади.

### **Натижва мухокама**

Юқоридаги олимларниг фикрларидан келиб чиқиб, ишлаб чиқариш харажатларини бошқариш ва ҳисобга олиш усулларига оид таҳлил ва натижалар бўйича муаллиф қуйидаги фикрларини ёритади:

– Харажатларни ва даромадларни юзага келишини кузатиш, назорат қилиш, харажатларни амалга оширишда ортиқча нобудгарчиликларга йўл қўймаслик;

– Харажатларни режали ва мақсадли амалга ошириш ҳамда самарали бошқариш учун “харажатлар маркази”да жавобгарлик марказлари маълумотларини шакллантиришдар;

– Харажатлар бўйича маҳсулот таннархи, харажат гурухлари, харажатлар маркази ва жавобгарлик марказлари белгиланади.

Ушбу фикрлар албатта ишлаб чиқариш ҳисоби нуқтаи назаридан келтирилган бўлиб, пахтани қайта ишлаш корхоналарида ишлаб чиқариш фаолиятига тегишли харажатларини ва даромадларни бошқариш ҳамда ҳисобга олиш учун муаллиф қуйидаги (1-жадвал) да кўришинида ифодалайди.

I-жадвал

**Пахта қайта ишлаш билан шуғулланувчи корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолиятларида харажатлар ва даромадларнинг юзага келиши бўйича харажатлар ва жавобгарлик марказлари<sup>1</sup>**

Ишлаб чиқариш фаолияти боскичлари:	Харажатлар юзага келиши жойи ва номи	Ҳисоб турӯхлари	Харажатлар маркази	Жавобгарлик маркази	
1.Корхонани ташкил этиши:	1. Давлат рўйхатидан ўтказиш 2. Лицензия олиш 3. Маблағ йигиши	Давлат божи Кредит олиш Инвестиция киритиш ва х...	Карз харажатлари	Ташкилий харажатлар	Рахбарият
Агар пахтани ўзи етиштираса 2.Пахта хом ашёсини етиштириш:	1.Ерни шудгор килиш 2.Шўрни ювииш 3.Ерни текислаш 4.Экин экиш 5.Тайёр маҳсулотни йигиб олиш ва х....	Иш хақи Ёқилғи Сув Уруғ Ўғит Амортизация ва х...	Тайёрлов хара- жатлари	Яrim тайёр маҳсулот счёти маълумот- лари	Қишлоқ хўжалиги бўлими
3.Пахтани қайта ишлашга қабул қилиши	1.Пахтани қабул килиш учун фарам майдонларини яратиш 2.Сорт ва синф бўйича наъмуна олиш 3.Тарозидан ўтказиш 4.Фарамларга жой- лаштириш 5.Саклаш 6.Қуритиш 7.Тозалаш ва х...	Иш хақи Электр энергия Амортизация ва х...		Хомашёни ишлаб чиқаришга тайёрлаш	Пахтани қилиш бўлими
4.Пахтани қайта ишлаш	1.Қуритилган ва тозаланган пахта хомашёни тола ва чигитга ажратиш 2. 1-Тола, 2-Момик, 3-Чигит, 4-Ўлок ва 5-Пух маҳсулотларини яратиш (1.2-пункт 36-сонска)	Иш хақи Электр энергия Амортизация ва х...	Асосий ишлаб чиқариш ва ёрдамчи ишлаб чиқариш	Ишлаб чиқариш маълумот- лари	Ишлаб чиқариш бўлими
5.Тайёр маҳсулот бў- лимига қабул қилиш	Маҳсулотларни алоҳида-алоҳидалик бўйича саклаш	Иш хақи	Тайёр маҳсулот	Омбор маълумотлари	Омбор бўлими
6. Тайёр маҳсулотларни сотиш	Даромад олиш	Транспорт Реклама Ижара Солиқ ва х...	Даромад ва солиқлар	Сотиш маълумотлари	Сотиш бўлими маркетинг
7.Корхона фаолияти натижасини аниклаш	Фойда ва зарарларни аниклаш (агар зарар билан чиқса)	Зарар,солиқ, мажбурий йигимлар	молиявий натижка	Ҳисобот маълумот- лари	Корхонани бухгалтерия бўлими

<sup>1</sup> Олиб борилган тадқиқотлар натижасида муаллиф ишланмаси

## Хулоса

Паҳтани қайта ишлаш корхоналарида харажатлар пайдо бўлиши, шаклланиши ишлаб чиқаришнинг устувор ҳусусиятлари ва зарурятларидан ҳамда иқтисодий талабларидан келиб чиқсан ҳолда, ишлаб чиқариш ҳисобида ўзига хос мухимлигига кўра объект сифатида қаралади. Корхоналар фаолиятида харажатлар ўз-ўзидан юзага келавермайди. Харажатларга эътибор қаратадиган бўлсақ, бир қанча ҳолатларда: Корхона ташкил топишида, хўжалик маблағларни ташкил топишида, ишлаб чиқаришни амалга оширилишида, даромадлар шаклланиши ва ҳоказо шу каби бошқа мақсадларда юзага келади. Харажатлар орқали корхона фаолиятининг бир қатор вазифалари амалга оширилади ва ўз натижасини намоён қилади. Ҳар бир харажатнинг ҳусусияти, зарурлиги, ўз ўрни, мақсади ва вазифалари мавжуд бўлиб, юзага келишида мухим жиҳатлари ҳамда ҳусусиятилари билан турларга ва гурухларга бўлинади.

Ишлаб чиқариш бўйича ҳисоб тизимида ишлаб чиқариш харажатларини бошқариш ва ҳисобга олиш усулларининг асосий мақсади:

- энг аввало, харажатлар ва даромадлар ҳакида етарли ва зарур маълумотларни тўплаш;

- ишлаб чиқариш ҳисобида харажатларни ва даромадларни юзага келиши бўйича гурухларга бўлиб ҳисобга олиш;

- харажатлар маркази маълумотлари бўйича жавобгар марказларининг жавобгарлигини асослаш.

Юкоридаги 1-жадвал маълумотидан келиб чиқиб муаллиф қуйидаги фикрларини таклиф этади:

- Янги Ўзбекистонда инновацион ишлаб чиқариш тизими ривожланиб бормоқда. Ушбу инновацион ишлаб чиқариш билан шуғулланмоқчи бўлган ҳар қандай корхона фаолиятининг қайси

соҳаси билан шуғулланиши, қанақа маҳсулот ишлаб чиқаришни олдиндан стратегик-режали белгилаб олиши лозим. Бундай стратегик-режали мақсадларни амалга ошириш молиявий харажатларга бўлган талаб- молиявий маблағга бўлган талабни белгилайди. Ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланмоқчи бўлган инновацион корхона маълум бир миқдордаги бошланғич капиталга эга бўлиш керак. Ҳар қандай корхонани бундай ишлаб чиқаришга имкониятлари бўлмаса керак. Ушбу ҳолатларда маблағи бор инвесторларга, кредит олиш учун тижорат банкларига ёки бошқача йўли борки, ишлаб чиқариш учун хомашё, ускуна, бино, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари кредитга ҳамда пул маблағларини қўшимча фойзлар билан қайтариш шарти билан мурожаат этишлари мумкин. Мана шу ҳолатларда корхонада фойзли харажатлар юзага келади ва бу харажатлар маҳсулот ишлаб чиқариш кесимида бўлмаса ҳам корхонада ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун зарур;

- Корхоналарнинг умумий ишлаб чиқариш фаолиятига хос харажатлар ва даромадлар, уларнинг ташкил топиши ва юзага келиши ҳамда жавобгарлик марказлари маълумотлар асосидан келиб чиқиб, харажатлар ҳисобини, фақат паҳтани қайта ишлаш кесимида эмас, ёки шу билан бирга даромадлар ҳисобини балки бутун ишлаб чиқариш тизимида кўришимиз мумкин. Шу билан бирга корхоналарнинг фаолияти ишлаб чиқаришга ихтисослашган сабабли, ишлаб чиқариш ҳисобини бутун корхона миқёсида амалга ошириш мумкин. Чунки бундай корхоналар ўзларининг ҳисботларини тўлдиришда корхона фаолиятини, фаолияти турини, ихтисослигини “ишлаб чиқариш” деб белгилайди. Шу асосда яна таъкидлаш керакки корхона фаолиятини асоси

“ишлаб чиқариш” десак хато бўлмайди. Зеро, бундай фаолият тифайли маҳсулот, товарлар ишлаб чиқарилади. Бундай фаолиятда ишлаб чиқариш харажатларини бошқариш ва ҳисобга олиш усусларининг устуворлигини тан олиш керак;

– Ишлаб чиқариш фаолиятида ишлаб чиқарилган маҳсулот, товарлар сотилиб, истеъмолчига хизмат кўрсатиш, бирор бир ишни бажариш орқали маълум ҳажмда даромадига эга бўлади. Бундай холатларда солиқ органлари билвосита иштирокчисига айланади ва солиқ харажатлари ҳамда мажбурий йигимлар юзага келади. Шундай қилиб корхона фаолиятидаги барча харажатлар

даромадлардан айрилиб, ишлаб чиқаришнинг якуний натижаси фойда ва заарлар аниқланади. Агар “зарар” бўлса корхонада харажатни юзага келтиради.

Юкоридаги фикрларни инобатга олган ҳолда, ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхоналарнинг фаолиятларини амалга оширишлари учун бундай юзага келадиган маҳсулот ишлаб чиқариш кесимидағи харажатларини “таннарх харажатлари”, ишлаб чиқариш фаолиятидаги барча харажатларини “ишлаб чиқариш харажатлари” ҳамда ушбу харажатлари бўйича ҳисобни юритилишини “ишлаб чиқариш ҳисоби” деб ҳисобласак мақсадга мувофиқ бўларди.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги ПФ-60-сон Фармони.
2. “Пахтачилик тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 ноябрдаги ПҚ-3408-сонли қарори
3. Г.М.Лисович ва И.Ю. Ткаченколар “Бухгалтерский управленический учёт в сельском хозяйстве и на перерабатывающих предприятиях АПК.Ростов-на-Дону: Изд.центр «Март»,2000.
4. Е.Б. Козин ва ТА Козиналар “Бухгалтерский управленический учёт на пищевых предприятиях.-М.:Колос, 2000.
5. Т.П. Карпова “Управленический учёт:Учебник для вузов.-М.:ЮНИТИ, 2000.
6. С.С.Сатубалдин «Учёт и затрат на производство в промышленности» США-М.
7. Д.А Хиггинсом “Жавобгарлик маркази концепцияси”.
8. Р.О.Холбеков “Донни сақлаш ва қайта ишлаш корхоналарида ишлаб чиқариш ҳисобини ташкил қилишнинг тамойиллари ва услубиёти” номли тадқиқот иши.
9. Н. Абдусаломова “Харажатларни келиб чиқиш жойлари ва жавобгарлик марказлари бўйича харажатларни бошқарув ҳисобини ташкил қилиш” “Халқаро молия ва ҳисоб электрон” журнали.
10. Б А.Хасанов “Бошқарув ҳисоби: назария ва услубиёт”.-Тошкент: «Молия».
11. М.Б.Калонов “Корхоналарида даромадлар ва харажатлар ҳисоби ҳамда таҳлили методологиясини такомиллаштириш” мавзусидаги Dsc даражасини олиш учун ёзилган диссертация иши.
12. А.Н.Ачилов “Кимё саноати корхоналарида товар-моддий заҳиралар ҳисобини такомиллаштириш” мавзусидаги Phd даражасини олиш учун ёзилган диссертация иши.
13. А.Козимжонов “Хўжалик юритувчи субъектларда қарз мажбуриятлари бўйича харажатлар ҳисобини такомиллаштириш” мавзусидаги Phd даражасини олиш учун ёзилган диссертация иши.

УО‘Т 336.71

**Qurbanov Rufat Baxtiyorovich,**  
*Toshkent moliya instituti “Bank hisobi va audit”  
 kafedrasini dotsenti, PhD*

**Xojibekova Zilola Shavkat qizi,**  
*Toshkent moliya instituti “Bank hisobi va audit”  
 kafedrasini o‘qituvchisi*

## TIJORAT BANKLARIDA BANK NAZORATINI TAKOMILLASHTIRISH MASALALARI

**Курбанов Руфат Бахтиёрович,**  
*PhD., доцент кафедры «Банковского учета и аудита»  
 Ташкентского финансового института*

**Ходжибекова Зилола Шавкат кизи,**  
*Преподаватель кафедры «Банковское дело и аудит»  
 Ташкентского финансового института*

## ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ БАНКОВСКОГО НАДЗОРА В КОММЕРЧЕСКИХ БАНКАХ

**Rufat Bakhtiyorovich Kurbanov,**  
*PhD., Associate Professor of the department of “Bank  
 accounting and audit”, Tashkent Institute of Finance*

**Zilola Shavkat kizi Xojibekova,**  
*Teacher of the department of “Bank accounting and audit”,  
 Tashkent Institute of Finance*

## ISSUES OF IMPROVING BANK SUPERVISION IN COMMERCIAL BANKS

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada tijorat banklarida bank nazoratini takomillashtirishning nazariy va huquqiy asoslari keltirilgan. Bank nazorati bo‘yicha milliy tizimlarning makro- va mikro-yondashuvda umumiylariga ajratildi. Bundan tashqari, banklarda bank ichki nazoratinining turlari, uni tashkil etilishi muhokamasi keltirildi. Shuningdek, kelgusi yillarda tijorat banklari tomonidan prudensial me’yorlarning bajarilishi holati tahlil qilinib, tegishli xulosalar berildi.

**Tayanch so‘zlar:** bank nazorati, prudensial me’yor, bank ichki nazorati, kredit, kapital, likvidlik.

**Аннотация.** В данной статье представлены теоретико-правовые основы совершенствования банковского надзора в коммерческих банках.. Он был разделен на

общие критерии национальных систем банковского надзора в макро- и микроподходе. Кроме того, были рассмотрены виды банковского внутреннего контроля в банках и его организация. Также было проанализировано состояние выполнения пруденциальных нормативов коммерческими банками в ближайшие годы и даны соответствующие выводы.

**Ключевые слова:** банковский контроль, пруденциальные нормативы, банковский внутренний контроль, кредит, капитал, ликвидность.

**Annotation.** This article presents the theoretical and legal basis for improving bank supervision in commercial banks. It was divided into general criteria for national banking supervision systems in a macro and micro approach. In addition, the types of banking internal control in banks and its organization were considered. The state of implementation of prudential standards by commercial banks in the coming years was also analyzed and appropriate conclusions were given.

**Keywords:** bank supervision, prudential standards, banking internal control, credit, capital, liquidity.

### Kirish

Mamlakatni iqtisodiy rivojlanishida tijorat banklarining rolini boshqa hech bir subyekt bilan taqqoslab bo‘lmaydi. Tijorat banklari iqtisodiyotning pulga va kredit vositalariga bo‘lgan talabini qondirishi barobarida o‘zining asosiy maqsadi hisoblangan daromad olishni ham ko‘zda tutadi. Tijorat banklarining faoliyati shaffofligini ta’minalash, xavfli va nosog‘lom faoliyat yuritish natijasida omonatchilar va kreditlorlarning manfaatlariga xavf tug‘dirmaslik maqsadida banklarda nazoratni mukammal tarzda tashkil etish zaruriyat paydo bo‘ladi. Xususan, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 12-maydag‘i “2020-2025-yillarga mo‘ljallangan O‘zbekiston Respublikasining bank tizimini isloh qilish staregiyasi to‘g‘risida”gi PF-5992-sonli Farmoni qabul qilindi. Mazkur hujjat, asosan, bank sohasidagi islohotlarning asosiy yo‘nalishlaridan biri sifatida bank nazorati bo‘yicha qonunchilik bazasini takomillashtirish – bunda Bazel qo‘mitasi standartlari, moliyaviy hisobotlarning xalqaro standartlari va boshqalarini joriy etish ko‘zda tutilgan [1]. Banklarning barqarorligini ta’minalash hamda ularning ish samaradorligini saqlab turishda bank nazorati muhim o‘rin tutadi. Jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishning

xavfliligiga to‘g‘ri baho berish uchun bu hodisaning miqyosini tasavvur etish kerak. Tushunarli sabablarga ko‘ra uyushgan jinoiy faoliyat orqasidan olinadigan va legallashtirilayotgan real daromadlarni aniq hisob-kitob qilish imkonи yo‘qligi bois, ularni faqat ekspertlar nisbiy ehtimollik darajasida baholashlari mumkin. Xalqaro valuta fondining ekspertlari tomonidan jinoiy daromadlarni legallashtirishning umumiy hajmi butun jahon yalpi ichki mahsulotining 2–5 foizigacha yoki yiliga 0,6 – 1,5 trln. AQSh dollari miqdorida baholanmoqda [2].

Shuni ta’kidlash joizki, Respublikada bank nazoratini samarali tashkil etishni ta’minalash maqsadida axborotlar bazasi ham tez sur’atlarda rivoj topmoqda. Bank nazoratini tashkil etish mamlakatning qonunchilik bazasiga va xalqaro bank tashkilotlarining tavsiyalariga asoslanadi. Shu bilan birga, milliy bank tizimining barqarorligini ta’minalash, aholi va korxonalarga ko‘rsatilayotgan bank xizmatlarining sifatini oshirish tijorat banklari faoliyatida ichki nazorat tizimini shakllantirish zaruriyatini yuzaga keltiradi.

### Mavzuga oid adabiyotlar sharhi

Mavjud iqtisodiy adabiyotlarda “bank nazorati” tushunchasi, uni amalga oshirish masalalari xorijlik olimlar, mutaxassislar

tomonidan o‘rganilgan va tegishli ta’riflar berilgan. Korobova G.G. ning fikricha, ichki nazorat – bank faoliyatining barcha darajalarida doimiy amalga oshiriladigan jarayon bo‘lib, bank kengashi a’zolari, bank boshqaruvidan shaxslar, rahbar mansabdar xodimlar va barcha darajadagi xodimlar tomonidan amalga oshirilishi lozim [3]. Tavasiyev A.M. fikricha, bank ichidagi nazorat «bank tomonidan amalga oshiriladigan va uning o‘ziga qaratilgan nazoratdan» iborat [4]. Olxova R.G. nazoratni «boshqariladigan tizimning ishlashi jarayonini kuzatish va qabul qilingan qarorlarga muvofiqligini tekshirish, hamda ma’lum harakatlarni ishlab chiqish tizimi» kabi talqin etadi [5].

Hozirgi paytda, ichki nazoratning zamonaviy tizimlari COSO qo‘mitasining Ichki nazorat integratsiyalangan konsepsiysi (Integrated Internal Control Framework) tamoyillariga asoslanadi. Hal etiladigan vazifalarning o‘ziga xos yo‘nalishiga qarab, L.V.Usatova o‘z o‘quv qo‘llanmasida faqat ikkita: moliyaviy va ma’muriy turini [6], R.G.Olxova to‘rtta: ma’muriy, buxgalterlik, moliyaviy va huquqiy turlarga ajratadi [5]. A.M. Tavasiyev bu turlarga qo‘srimcha yana bozor, texnik-texnologik, boshqaruv, axborot va hisob-hisobot turlarini qo’shadi [4]. Ko‘pchilik tadqiqotchilar uning tasnifiqa qo‘shiladi, lekin bozor turini inkor etib, texnik-texnologik, texnologik va axborot turini bitta turga birlashtiradi, hisob-hisobot turini esa moliyaviy va buxgalterlik turiga ajratadi. Banklar orqali jinoiy yo‘l bilan topilgan daromadlarni legallashtirishga qarshi kurashish maqsadidagi nazorat maxsus nazoratga kiritilishi mumkin.

Nazorat amallarini bajarish vaqtiga qarab tahlil qilib, iqtisodiy fanlar doktori G.G. Korobova faqat joriy va keyingi nazorat turlarini ajratadi [3], lekin dastlabki nazoratning zarurligini unutish mumkin emas. L.V. Usatova va T.I. Kapayeva o‘z ilmiy ishlarida ichki nazorat tizimi hatto

kadrlarni tanlash va joy-joyiga qo‘yish ustidan nazorat qilishdan boshlanishi lozim, deb hisoblaydi [7].

### **Tadqiqot metodologiyasi**

Maqolani tayyorlashda tijorat banklarining kapitallashuv darajasini oshirish bo‘yicha amaliy ma’lumotlar tahlil qilindi va barcha foydalanilgan ma’lumotlar amaldagi qonun hujjatlari va Markaziy bankning statistik ko‘rsatkichlari asosida muallif tomonidan tadqiq qilindi. Maqolada guruhlashtirish, taqqoslash, tizimli yondashuv va tarkibiy tahlil usullari qo‘llanildi.

### **Natija va muhokama**

Tijorat banklari faoliyati ustidan nazoratning yetarliliqi va samaradorligi bank tizimi barqarorligini ta’minalash va banklarga bo‘lgan ishonchni mustahkamlashning asosiy omilidir. Kredit tashkilotlarining, ayniqsa banklarning tanazzulga uchrash xavfining yuqoriligi bank faoliyati nazoratining uzluksiz amalga oshirilishi shartligini taqozo qiladi.

Banklar orqali jinoiy yo‘l bilan topilgan daromadlarni legallashtirishga qarshi kurashish maqsadidagi nazorat maxsus nazoratga kiritilishi mumkin. Faqat kuchli bank nazoratigina iqtisodiyotning qon tomiri hisoblanmish bank-moliya tizimining barqaror faoliyat ko‘rsatishini, iqtisodiy inqirozlarning oldi olinishini, xususiy kapital keng jalb qilinishini, xorijiy investorlarning mamlakat bank-moliya tizimiga ishonchi yanada oshirilishini ta’minalaydi. Bank nazoratining mamlakatning iqtisodiy-ijtimoiy hayotida muhim ahamiyat kasb etishini inobatga olgan holda, bank nazorati tushunchasi, uning maqsadlari va funksiyalari, elementlari va shakllariga oid ilmiy va nazariy qarashlarni ma’lum darajada tizimga solgan holda tahlil qilish

bugungi kunda dolzarb ahamiyatga ega. Bank nazorati bo'yicha milliy tizimlarning makro- va mikroyondashuvda maqsadlarining umumiyligini kuzatish mumkin. Ushbu yondashuvlarning umumiy mezonlari hamda o'zaro solishtirma tahlili jadvalda keltirilgan.

1-jadval

**Bank nazorati bo'yicha milliy tizimlarning makro- va mikro-yondashuvda umumiy mezonlari hamda o'zaro solishtirma tahlili [8]**

Mezonlar	Makroyon-dashuvda	Mikroyon-dashuvda
Qisqa muddatlari maqsadi	Tizimdagisi salbiy jarayonlarni chegaralash	Alovida kredit tashkilotlaridagi salbiy jarayonlarni chegaralash
Uzoq muddatlari maqsadi	Yalpi ichki mahsulot kamayishining oldini olish	Omonatchilar va kreditlar (mijozlar) manfaatlarini himoya qilish
Xatar ta'rifi modeli	Endogen (qisman)	Ekzogen
Tashkilotlar o'rtasidagi o'zaro bog'liqlik	Yuqori	Tasdiqlanmagan
Prudensial nazorat choralarini tanlanishi	Tizimdagisi salbiy jarayonlarni baholash asosida	Alovida kredit tashkilotlaridagi tavakkalchiliklarni baholash asosida

Barcha mamlakatlarda bank nazoratinining asosiy obekti kredit muassasalar, ya'ni tijorat banklari hisoblanadi. Jahonning rivojlangan davlatlari tajribasiga ko'ra, emissiya banki va tijorat banklari tarmog'ini o'z ichiga olgan ikki pog'onali bank tizimini samarali faoliyat ko'rsatishini yo'lga qo'ymay turib, davlat iqtisodiyotini yuksaltirish va uning barqarorligiga erishish mumkin emas [9]. Bunda birinchi pog'onada Markaziy bank bo'lib, u mamlakatning pul muomalasini va barcha kredit muassasalarining faoliyatini tartibga solib turadi. Ikkinci pog'onani esa

tijorat banklari va boshqa kredit tashkilotlari tashkil etadi. O'z navbatida, tijorat banklari ham doimiy ravishda faoliyatini nazoratdan o'tkazib turadi. Bu nazorat bank ichki nazorati deb yuritiladi va uning 3 turi mavjud.



**1-rasm. Tijorat banklarida ichki nazoratning o'tkazilishi muddati bo'yicha turlari[10]**

Dastlabki nazorat tekshiriladigan operatsiya amalga oshirilishidan avval o'tkaziladi. Ya'ni Dastlabki nazorat – Front-ofis yoki mas'ul ijrochi buxgalter tomonidan operatsiyalarini bajarmasdan oldin ularning qonunchilikka mos ekanligini aniqlash bo'yicha amalga oshiriladigan nazorat. Joriy nazorat yoki tezkor nazorat deb nomlanadigan nazorat – Bek-ofis yoki nazoratchi buxgalter tomonidan Front-ofis yoki mas'ul ijrochi buxgalter ma'qullagan barcha bank operatsiyalarining qonunchilikka mosligini aniqlash maqsadida qaytadan amalga oshiriladigan nazorat. Joriy nazorat pul hisob-kitob hujjatlarining asl va elektron nuxsalarining bir-biriga mosligini tekshirishni ham o'z ichiga oladi. Yakuniy nazorat – amaliyot kun tugagandan so'ng, keyingi bank ish kunidan kechikmagan holda Front-ofis yoki mas'ul ijrochi buxgalter va Bekofis yoki nazoratchi buxgalter tomonidan bajarilgan barcha bank operatsiyalarining qonunchilikka mosligi va maqsadga muvofiqligini tasdiqlash maqsadida amalga oshiriladigan nazorat [10]. Yakuniy nazorat bank boshqaruvi tashkil qilgan Yakuniy nazorat xizmati tomonidan amalga oshiriladi va u, faqat bank boshqaruviga bo'ysunadi. Yakuniy nazorat xizmati buxgalteriya apparati bir butun yaxlit bo'lgan banklarda buxgalteriya apparati ichida, Front-ofis va Bek-ofisiga bo'lingan banklarda esa Bek-ofisi

tarkibida alohida bo‘lim sifatida tashkil qilinadi. Uning natijalari dastlabki yoki joriy nazorat natijalari bilan uzviy bog‘liq bo‘lib, ularni o‘tkazishdagi nuqsonlarni ochib berishga yordam beradi [11,12]. Bunda, albatta, tijorat banklarining iqtisodiy normativlarni to‘liq bajarilishi muhim ahamiyatga egadir.

2-jadval

**ATIB “Ipoteka bank” tomonidan prudensial me’yorlarning bajarilishi holati [13]**

Nº	Prudensial me’yorlar	2020	2021	2022	Me’yor	
<b>1</b>	<b>Kapital monandlik ko‘rsatkichlari</b>					
1.1	Kapital yetarliligi koeffitsiyenti	0,170	0,170	0,168	Min 0,130	
1.2	1 darajali kapital yetarliligi koeffitsiyenti	0,132	0,132	0,126	Min 0,010	
1.3	1 darajali asosiy kapital yetarliligi koeffitsiyenti	0,132	0,132	0,126	Min 0,080	
1.4	Leveraj	0,094	0,094	0,099	Min 0,060	
<b>2</b>	<b>Likvidlilik ko‘rsatkichlari</b>					
2.1	Yuqori likvid aktivlarning jami aktivlardagi ulushi	x	x	0,204	Min 0,100	
2.2	Likvidlilikni qoplash koeffitsiyenti	<b>Jami uchun</b> milliy valuta uchun xorijiy valuta uchun	3,243 1,048 15,452	3,243 1,048 15,452	1,885 2,478 1,283	
2.3	Sof moliyaviy barqarorlik me’yori	<b>Jami uchun</b> milliy valuta uchun xorijiy valuta uchun	1,108 1,042 1,309	1,108 1,042 1,309	1,167 1,137 1,235	
<b>3</b>	<b>Qarz oluvchilar bilan bog‘liq me’yorlar</b>					
3.1	Bankning bir qarz oluvchi yoki o‘zaro aloqador qarz oluvchilar guruhiga riskning eng ko‘p miqdori	0,239	0,239	0,228	Maks 0,25	
3.2	Banklararo operatsiyalar uchun bir bankka yoki o‘zaro aloqador banklar guruhiga to‘g‘ri keluvchi riskning maksimal hajmi	0,120	0,120	0,208	Maks 0,25	
3.3	Bankning bir qarzdor yoki o‘zaro aloqador qarzdorlar guruhiga riskning maksimal hajmi (ta’minlanmagan kreditlar)	0,000	0,000	0,000	Maks 0,05	
3.4	Barcha yirik kreditlar uchun riskning maksimal hajmi	1,294	1,294	1,548	Maks 5,00	
<b>4</b>	<b>Qimmatli qog‘ozlar bilan operatsiyalar bo‘yicha me’yorlar</b>					
4.1	Bir emitentning qimmatli qog‘ozlariga qilingan investitsiyalarning maksimal hajmi	0,000	0,000	0,005	Maks 0,15	
4.2	Oldi-sotdi uchun qimmatli qog‘ozlarga qilingan investitsiyalarning maksimal umumiyligi hajmi	0,000	0,000	0,000	Maks 0,25	

4.3	Barcha emittentlarning boshqa qimmatli qog‘ozlari va ustav karitaliga qilingan investitsiyalarning maksimal umumiy hajmi	0,038	0,038	0,028	Maks 0,50
<b>5</b>	<b>Bankka daxldor shaxslar va ularga to‘g‘ri keluvchi risk ko‘rsatkichlari</b>				
5.1	Bir insayderga yoki aloqador shaxslar guruhiga berilgan kreditlar summasi, Ta’minlangan kreditlar	0,000	0,000	0,000	Maks 0,25
5.2	Barcha insayderlarga berilgan kreditlarning yirik summasi	0,004	0,004	0,004	Maks 0,50
<b>6</b>	<b>Ko‘chmas mulkka qilingan bank investitsiyalarining me’yoriy ko‘rsatkichi</b>				
6.1	Bankning ko‘chmas mulkka qilingan investitsiyalarning maksimal hajmi	0,103	0,040	0,034	Maks 1,00

Jadvaldagи barcha ko‘rsatkichlar to‘liq bajarilgan. Bu shundan dalolat beradiki, Ipoteka bankida oxirgi yillarda prudensial me’yorlar etarli darajada bajarilgan. Birgina 2022-yilda Markaziy bank tomonidan ishlab chiqqan Yuqori likvid aktivlarning jami aktivlardagi ulushi ko‘rsatkichi belgilangan me’yordan 2 barobarga ortig‘i bilan bajarilgan. Buni albatta, ijobjiy baholashimiz kerak. Umuman, tijorat banklarining asosiy vazifasi iqtisodiy me’yorlarga rioxaya etishdan, kapital va likvid mablag‘larni yetarli darajada saqlashdan, shubhali va zarar kutilayotgan aktivlarga nisbatan zaxiralarni vujudga keltirishdan, shuningdek, mahrum bo‘lish xavfini kamaytirish maqsadida aktivlarni diversifikatsiyalashdan iboratdir.

### Xulosa

Xulosa qilib aytganda, mamlakatimizda iqtisodiyotni bozor tizimiga o‘tishi munosabati bilan yangi raqamli banklarni shakllantirish, ularni nazorat tizimini rivojlantirish masalasi keskin darajada ko‘ndalang bo‘lib turadi. Umuman, bank nazorat tizimi bank faoliyatining jihatlari, asosiy yo‘nalishi, mijozlar bazasi va mijozlar hamda ularning operatsiyalari bilan bog‘liq xatarlar darajasini hisobga olgan holda tashkillashtiradi. Tijorat bankining, shu

jumladan, uning filiallarining ichki nazorat tizimi tuzilmasi tijorat banki kengashi qarori bilan belgilanadi va Markaziy bankning talablariga muvofiq qayta ko‘rib chiqiladi. Tijorat banki ichki nazorat tizimi tuzilmasi tijorat banki bosh ofisining Ichki nazorat xizmatini, shuningdek, tijorat bankining har bir filialidagi Ichki nazorat xizmatini yoki mas‘ul xodimni o‘z ichiga oladi.

Yuqorida amalga oshirilgan tahlillar va o‘rganishlar asosida bank nazoratini amalga oshirish maqsadida quyidagi tavsiyalarni ishlab chiqishga muvaffaq bo‘ldik:

1. Tijorat banklarida bank nazoratini Bazel qo‘mitasi tavsiyalari asosida bosqichma-bosqich joriy qilib borish lozim. Buning natijasida banklar sinalgan va ijobjiy natijalar bergen usul va dastaklardan foydalanish imkoniyatiga ega bo‘lishi bilan bir qatorda, ichki nazorat samaradorligini oshirishni ta’minlay oladi.

2. Banklarda ichki nazorat bo‘yicha tarkibiy bo‘linmalarda faoliyat yuritayotgan bank xodimlarining malakasini doimiy ravishda oshirishni yo‘lga qo‘yish kerak. Bunda bank tizimida bo‘layotgan yangiliklardan doimiy tarzda xabardor bo‘lib borishi natijasida, bank nazoratning qonuniyligi va to‘g‘riligini ta’minlashga erishishi mumkin.

3. Tahlillar va o‘rganishlar natijasi shuni ko‘rsatmoqdaki, tijorat banklari nazoratni amalga oshirishda zamonaviy yo‘llarini, yanayam soddaraoq qilib aytadigan bo‘lsak, xorijda o‘zining ijobiy natijasini bergan tajribalarni kengroq qo‘llash lozim. Xususan, banklarning tashqi nazoratini samarali amalga oshirish orqali ularning kapitallashuv darajasini oshirish va barqarorlikka erishish maqsadga muvofiq.

O‘ylaymizki, tijorat banklarida nazorat bo‘yicha mavjud muammolarni bartaraf qilish maqsadida yuqorida keltirilgan takliflarni amalga oshirilishi respublikamiz bank tizimida bank nazorati samaradorligini oshirishda imkoniyat yaratadi hamda buning natijasida respublikamiz bank tizimi barqarorligi ta’minlanadi va o‘z navbatida, aholining banklarga bo‘lgan ishonchi yanada ortishiga sabab bo‘ladi.

### **FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI**

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 12-maydagi“2020-2025-yillarga mo‘ljallangan O‘zbekiston Respublikasining bank tizimini isloh qilish staregiyasi to‘g‘risida”gi PF-5992-sonli Farmoni.
2. <https://www.imf.org/> – Xalqaro Valuta Fondining rasmiy ma’lumotlari asosida muallif tomonidan rasm shakliga keltirildi.
3. Коробова Г.Г. Банковское дело: учебник - М.: Экономистъ, 2006.– 751 с.
4. Тавасиев А.М. Антикризисное управление кредитными организациями: учебное пособие. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2006.- 480с.
5. Ольхова Р.Г. Банковское дело: управление в современном банке: учебное пособие - М.: КНОРУС, 2008.- 288 с.
6. Усатова Л.В., Сероштан М.С., Арская Е.В. Бухгалтерский учет в коммерческих банках: учебное пособие - М.: ИТК«Дашков и К», 2007. – 404с.
7. Капаева Т.И. Учёт в банках: учебник - М.: ИД «Форум», 2008. - 567с.
8. Nurmuratov B. Bank nazoratining ilmiy-nazariy asoslari. Bozor, pul va kredit. – 2012. - №3.
9. Qurbonov R.B., Rahimov A.M. Bank nazorati va tahlili. Darslik. – Tashkent «Nihol print» OK, 2022. 431-b.
10. Karaliyev T. M., Qurbonov R. B., Rustamov M. S. “Banklarda buxgalteriya hisobi” fanidan elektron o‘quv qo‘llanma. 2021-yil. <http://el.tfi.uz/mahsulot/banklarda-buxglateriya-hisobi>
11. Bakhtiyorovich, K. R. (2020). Analysis of Financial Performance of Private Banks in Uzbekistan. International Journal of Psychosocial Rehabilitation, 24(05).
12. Kurbanov, R. B. (2021). Improving the organization of the resource base of private banks of the republic of Uzbekistan. SAARJ Journal on Banking & Insurance Research, 10(5), 41-45.
13. “Ipoteka-bank” ATIB 2020–2022-yillik hisobotlar ma’lumotlari.

УДК 314/336.7179

Абдулхалилова Сабоҳат Наимовна,  
и.о. доцента кафедра “Экономика”  
Ташкентского финансового института

## РОЛЬ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ В ПОВЫШЕНИИ ФИНАНСОВОЙ ГРАМОТНОСТИ НАСЕЛЕНИЯ

Абдулхалилова Сабоҳат Наимовна,  
Тошкент молия институти  
«Иқтисодиёт» кафедраси доценти в.б.

## АҲОЛИ МОЛИЯВИЙ САВОДХОНЛИГИНИ ОШИРИШДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ЎРНИ

Abdulkhalilova Sabohat Naimovna,  
Acting Associate Professor of the Department of  
Economics Tashkent Institute of Finance

## THE ROLE OF COMMERCIAL BANKS IN INCREASING THE FINANCIAL LITERACY OF POPULATION

**Аннотация.** В данной статье рассмотрены сущность финансовой грамотности населения и значение её повышения, проведён анализ показателей участия физических лиц в депозитных и кредитных операциях коммерческих банков нашей страны, разработаны предложения по методологии оценки уровня финансовой грамотности населения, а также на примере ЧАБ “Трастбанка” приведён опыт и результаты осуществления программы по повышению финансовой грамотности клиентов банка.

**Ключевые слова:** финансовая грамотность, коммерческие банки, депозиты, кредиты, население Узбекистана, финансовое поведение, проблемные кредиты.

**Аннотация.** Мазкур мақолада аҳоли молиявий саводхонлигининг мазмун-моҳияти ва уни оширишининг аҳамияти кўриб чиқилган, мамлакатимиз тижорат банкларининг депозит ва кредит операцияларида жисмоний шахслар иштирокининг кўрсаткичлари таҳлил қилинганд, аҳоли молиявий саводхонлик даражасини баҳолаш методологияси бўйича таклифлар ишлаб чиқилган, шунингдек, ХАБ “Трастбанк” мисолида банк мижозларининг молиявий саводхонлигини ошириши дастурини амалга ошириш тажрибаси ва натижалари келтирилган.

**Таянч сўзлар:** молиявий саводхонлик, тижорат банклари, депозитлар, кредитлар, Ўзбекистон аҳолиси, молиявий хулқи, муаммоли кредитлар.

**Annotation.** The essence of the financial literacy of population and the importance of its increasing were considered in this article, indicators of the participation of individuals in

*deposit and credit operations of commercial banks were analyzed by authors, proposals for the methodology for assessing the level of financial literacy of population were developed, and due to example of «Trastbank» an experience and results of the implementation of the program for increasing the financial literacy of bank customers were considered.*

**Keywords:** financial literacy, commercial banks, deposits, loans, population of Uzbekistan, financial behavior, problem loans.

## Введение

На сегодняшний день каждый человек, независимо от профессии, уровня образования или социального положения, ежедневно сталкивается с вопросами эффективного расходования своих денежных средств, оптимального составления и распределения семейного бюджета, формирования сбережений для будущих нужд и т.д. Кроме того, население активнее стало пользоваться различными видами финансовых услуг: потребительскими и ипотечными кредитами, лизинговыми, ломбардными услугами и т.д.

## Обзор литературы


Согласно результатам исследований, проведённых экспертами международных организаций, «выявлено, что большинство населения мира, в том числе стран, входящих в группу G20, не обладают достаточными знаниями об основных финансовых продуктах и рисках, связанных с этими продуктами» [1]. Также «56,8 процентов населения стран-членов Организации экономического сотрудничества и развития собрали минимальный балл в опросах, проведённых для определения уровня финансовой грамотности» [2]. В стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы в качестве одной из приоритетных целей обозначено «Создание условий для организации предпринимательской деятельности и формирования постоянных источников

доходов населения, доведение доли частного сектора в валовом внутреннем продукте до 80 процентов» [3]. Поэтому сегодня повышение уровня финансовой грамотности населения является важнейшим условием обеспечения социально-экономического благополучия страны, достижения устойчивого экономического роста и снижения уровня проблемных кредитов.

## Анализ и результаты

Необходимость повышения финансовой грамотности населения наиболее ярко была обусловлена причинами мирового финансово-экономического кризиса 2008 года и его негативными последствиями. В частности, рост внешнего долга в большинстве развитых стран мира, принятие на себя непомерного риска и недостатки в управлении рисками оказали негативное влияние на финансовые активы в финансовом секторе, а также на объективном формировании стоимости реальных активов.

Финансовая грамотность наряду с корректным финансовым поведением, наличием базовых экономических и финансовых знаний, навыков и квалификации, также означает умение принимать эффективные решения в процессе управления собственными финансальными ресурсами, знание своих прав, осуществление правильной оценки различных финансово-экономических рисков.




**Рис. 1. Доля депозитов физических лиц в общих остатках по депозитам коммерческих банков (в процентах)<sup>1</sup>**

При повышении уровня финансовой грамотности населения в нашей стране, совершенствовании процессов управления и планирования финансовых ресурсов домашних хозяйств, в том числе субъектов предпринимательства, ведущую роль играют коммерческие банки. При определении экспертами Международного валютного фонда уровня доступности финансовых услуг и уровня финансовой грамотности населения, одним из методов, применяемых в международной практике, является использование методики расчета показателей депозитов, а также кредитов, выделяемых коммерческими банками частному сектору.

Как показывает анализ данных рисунка 1, в нашей стране доля депозитов физических лиц в общих остатках по депозитам коммерческих банков не является высокой, что свидетельствует о низком уровне их доверия к банковской системе. Анализ показывает, что если в 2016 году доля депозитов физических лиц в общих остатках по депозитам банков составляла 23 процента, то к 2021 году этот показатель составил 23,9 процентов, увеличившись на 0,9 пункта.

В 2016-2021 годах общий остаток по кредитам, выданным коммерческими

банками в национальной валюте увеличился в 5,4 раза, при этом остаток кредитов, выданных физическим лицам, увеличился в 7,4 раза. Если в 2016 году доля кредитов, выданных физическим лицам, в остатке по кредитам в национальной валюте составила 31,2 процентов, то в 2021 году этот показатель достиг 42,5 процентов (см. рисунок 2).



**Рис. 2. Доля кредитов, предоставленных физическим лицам, в остатке по кредитам в национальной валюте (в процентах)<sup>2</sup>**

Однако за период 2016-2021 годы наблюдается увеличение объёма проблемных кредитов в коммерческих банках с 0,4 трлн. сумов до 17,0 трлн. сумов. В частности, с 2017 года увеличился объём проблемных кредитов из-за кредитов, выделенных в рамках государственных программ, направленных на развитие малого бизнеса и частного предпринимательства, обеспечение занятости в экономике нашей страны.

Как показывает анализ, повышение уровня финансовой грамотности населения играет важную роль в эффективном управлении растущей кредитной задолженностью и снижении уровня просроченной задолженности по кредитам. На наш взгляд, при разработке системы национальных индикаторов, позволяющих комплексно

<sup>1</sup> Составлено на основе официальных данных Центрального банка Республики Узбекистан сиц.уз.

<sup>2</sup> Составлено на основе данных Центрального банка Республики Узбекистан.

оценить финансовую грамотность населения в нашей стране, целесообразно использовать трехуровневые критерии оценки, основанные на подходах образовательной, практической и финансовой компетентности. Такой вид оценки основывается на исследованиях, проводимых в форме опроса. Составленный опросник состоит из трёх блоков, по каждому из которых границы оценок находятся в пределах коэффициента 0,000-1,000.

Посредством первого блока ( $X_{MT}$  - блок финансового образования) оценивается уровень финансовых знаний респондентов, а второй блок ( $Y_{MA}$  - блок практической деятельности) и третий блок ( $Z_{MK}$  - блок финансовой компетентности) состоят из вопросов, которые служат для оценки уровня финансовых навыков и способностей принимать эффективные

финансовые решения. Вопросы, задаваемые в каждом блоке, составляются на основе финансового образования, практических подходов и финансовой компетентности. Результаты, собранные по блокам, обобщаются и по следующей формуле оценивается уровень финансовой грамотности населения:

$$K_{MSD} = \sqrt[3]{X_{MT} * Y_{MA} * Z_{MK}}$$

Здесь:

$K_{MSD}$  – уровень финансовой грамотности населения;

$X_{MT}$  – показатель финансовой образованности населения;

$Y_{MA}$  – показатель практической деятельности населения;

$Z_{MK}$  – показатель компетентности населения при принятии финансовых решений.

Таблица 1

**Результаты обработки данных, полученных в процессе оценки уровня финансовой грамотности населения<sup>3</sup>**

№	Домашние хозяйства	Финансовое образование ( $X_{MT}$ )	Практическая деятельность ( $Y_{MA}$ )	Финансовая компетентность ( $Z_{MK}$ )	Уровень финансовой грамотности ( $K_{MSD}$ )
1	A	0,636	0,499	0,700	0,606
2	B	0,455	0,501	0,500	0,485
3	C	0,938	0,313	0,801	0,617
4	D	0,250	0,499	0,938	0,489
5	E	0,636	0,813	0,401	0,592
6	F	0,455	0,501	0,401	0,450
7	G	0,636	0,499	0,600	0,576
8	H	0,455	0,625	0,313	0,446
9	I	0,818	0,374	0,400	0,497
10	J	0,545	0,501	0,800	0,602
	$\Sigma_n^*$	0,583	0,512	0,585	0,536

<sup>3</sup> Составлено авторами статьи.

Обобщив результаты проведённого опроса, границы коэффициентов, рассчитанных по вышепредложенной формуле, оцениваются в пределах от 0,000 до 1,000 и группируются в следующем порядке:

- респонденты, оценённые в пределах коэффициента 0,401-0,600 считаются группами населения с низким уровнем финансовой грамотности;
- респонденты, оценённые в пределах коэффициента 0,601-0,800, составляют группы населения со средним уровнем финансовой грамотности;
- население с коэффициентом 0,801 и выше составляют группы населения с высоким уровнем финансовой грамотности.

В предложенном методе выбираются десять домов в одной махалле посредством выборочного наблюдения и с ними проводится исследование, основываясь на составленном опроснике, результаты которого обобщаются и оценивается уровень финансовой грамотности каждого домашнего хозяйства.

Анализ данных таблицы 1 показывает, что уровень финансовой грамотности домохозяйства «Н» ниже среднего уровня финансовой грамотности по выбранному региону (0,446). Данное обстоятельство создаёт основание для вывода о низком уровне финансовой грамотности домашнего хозяйства. Только в домашнем хозяйстве «С» изменение показателей финансовой грамотности в лучшую сторону (0,617) свидетельствует о том, что финансовые знания являются важнейшим фактором положительного уровня финансовой грамотности населения. Поскольку несмотря на низкий уровень финансовых навыков и квалификации в домохозяйстве «С», наличие в нем научно обоснованных взглядов на финансовую

грамотность привело к положительной тенденции его изменения.

Как показывают проведённые исследования, предлагаемые индикаторы оценки финансовой грамотности населения в процессе повышения эффективности целевых государственных программ, предназначенных в нашей стране на среднесрочную и долгосрочную перспективу, позволяют достичь следующих результатов:

- комплексная оценка уровня финансовой грамотности населения и его структурных компонентов по стране и её регионам;
- выявление проблем, имеющихся при повышении уровня финансовой грамотности населения, и увеличение эффективности системы адресных мер, направленных на их решение;
- определение особенностей уровня грамотности населения по регионам;
- позволяет оценить состояние финансовой грамотности для различных социальных групп населения и определить направления ее развития;
- оценка влияние улучшения благосостояния населения на повышение его финансовой грамотности;
- увеличение ассортимента финансовых товаров и услуг, используемых населением, и определение приоритетных направлений повышения их качества;
- оценка возможностей повышения качества финансовых услуг.

Сравнительный анализ мировой практики показывает, что в странах мира не сформирована единая универсальная практика оценки уровня финансовой грамотности населения. Преимуществом формирования обобщённого показателя определения уровня финансовой грамотности населения является то, что он

упрощает порядок оценки эффективности программ, реализуемых государственными органами, ответственными за финансовую политику в данном направлении, выявления имеющихся недостатков и проведения мониторинга по оценке уровня финансовой грамотности.

В 2019-2021 годах с целью повышения финансовой грамотности клиентов ЧАБ «Трастбанком» в рамках разработанной программы обучения повышенены теоретические знания и практические навыки фокус-группы, состоящей из более чем 550 клиентов. Данной программой обучения по таким темам, как виды депозитов и кредитов, порядок расчёта процентов, сущность и содержание депозитных и кредитных договоров, внешнеэкономическая деятельность, разработка бизнес-плана и планирование, предпринимательские риски, права и обязанности клиентов как потребителей банковских услуг, правила ведения семейного и личного бюджета повышенены теоретические знания и практические навыки клиентов банка. После семи месяцев реализации программы обучения у этой фокус-группы ещё раз проведён опрос, в результате которого выявлено, что произошли положительные изменения в уровне их финансовой грамотности по сравнению с периодом до реализации программы обучения. В частности, благодаря повышению финансовой квалификации доля клиентов с низким уровнем финансовой грамотности снизилась с 53 процентов до 37 процентов, а доля клиентов со средним уровнем финансовой грамотности увеличилась с 32 процентов до 39 процентов, доля же клиентов с высоким уровнем финансовой грамотности увеличилась с 15 процентов до 24 процентов.

Согласно анализу, повышение уровня финансовой грамотности клиентов

банка привело к формированию у них корректного финансового поведения по активному, эффективному использованию депозитных и кредитных продуктов, к снижению у некоторых клиентов просроченной задолженности по кредитам. В частности, в результате увеличения расходов на повышение финансовой грамотности клиентов на 40 процентов объём сбережений клиентов банка, входящих в фокус группу, увеличился в среднем на 19 процентов, а показатель использования кредитных продуктов в среднем на 21 процентов, при этом объем просроченных кредитов, наоборот, сократился в среднем на 30 процентов.

В условиях либерализации экономики коммерческими банками широко используется практика финансирования повышения финансовой грамотности клиентов. Как показывают проведённые исследования, эти расходы, наряду с увеличением объема кредитов и срочных депозитов, влияющих на эффективность деятельности банков, также положительно сказываются на сокращении проблемных кредитов. Учитывая данное обстоятельство, нами проведен регрессионно-корреляционный анализ для определения взаимосвязи между величиной расходов коммерческих банков (на примере Халк банка, Ипак йули банка и Трастбанка), направленных на повышение финансовой грамотности клиентов, и остатками по кредитам, а также между объемами срочных депозитов и проблемных кредитов.



Рис. 4. Прогнозные показатели повышения финансовой грамотности клиентов ЧАБ «Трастбанка» (в млн. сум)<sup>4</sup>

<sup>4</sup> Составлено на основе официальных данных ЧАБ “Трастбанка” trustbank.uz.

В процессе анализа выявлено, что коэффициент корреляции между расходами Трастбанка, направленными на повышение финансовой грамотности клиентов, и объёмом срочных депозитов составил 0,67. Коэффициент корреляции между расходами банка на финансовую грамотность и остатком по кредитам равен 0,59. Выявлена необходимость увеличения расходов на повышение финансовой грамотности для того, чтобы уменьшить объём просроченных кредитов, исходя из обратной взаимосвязи между этими показателями (коэффициент корреляции 0,75). Опираясь на итоги регрессионно-корреляционного анализа, в результате двухкратного увеличения к 2026 году величины расходов банка на повышение уровня финансовой грамотности своих клиентов определена возможность увеличения объёмов срочных депозитов населения в 3 раза, объёма остатка по кредитам - в 1,5 раза, а также уменьшения объёма просроченных кредитов в 2,3 раза (см. рисунок 4).

## Выводы

По результатам проведённого регрессионно-корреляционного анализа, повышение банком уровня финансовой грамотности клиентов подталкивает население шире пользоваться банковскими услугами. В частности, увеличится объем депозитов, в распоряжении банка будут накоплены финансовые ресурсы для оказания дополнительных кредитных услуг, расширится объем оказания кредитных услуг.

Таким образом, посредством разработки в коммерческих банках программ финансовой грамотности, исходя из сферы экономической деятельности клиентов банка, их социального положения в обществе можно достичь повышения эффективности использования финансовых услуг, оказываемых клиентам банка. Нами определена тесная корреляционная взаимосвязь зависимости между величиной образовательных расходов, направленных на повышение финансовой грамотности клиентов в банковской системе нашей страны, и показателями срочных депозитов

населения и остатков по кредитам в банках. Согласно результатам анализа, повышение финансовой грамотности клиентов со стороны банка имеет важное значение в формировании финансового поведения населения к более широкому пользованию банковскими услугами, при этом увеличится объем депозитов, в распоряжении банков будут накоплены финансовые ресурсы для оказания дополнительных кредитных услуг, будет расширен объем предоставления кредитных услуг [4]. Согласно

результатам наших исследований, повышение финансовой грамотности клиентов приведёт к сокращению доли проблемных кредитов за счёт формирования собственных сбережений населения, планирования доходов и расходов, полного понимания финансовых обязательств, предусмотренных договорами на оказание финансовых услуг, знания своих прав как потребителей финансовых услуг, формирования знаний, навыков и умений по эффективному управлению финансовыми ресурсами.

## ЛИТЕРАТУРА

1. Совершенствование национальных стратегий финансового образования. Совместная Публикация председательства Российской Федерации в «Группе двадцати» и ОЭСР. OECD 2013. с. 5.
2. OECD/INFE International survey of adult financial literacy © OECD 2020, p. 21.
3. Указ Президента Республики Узбекистан № УП-60 “О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы” от 28 января 2022 года.
4. Шадиева, Д. (2020). ИТТКИга киритилган инвестициялар миллий иқтисодиётни инновацион ривожланишининг муҳим омили сифатида. Scienceproblems.Uz, 2(2), 7. <https://doi.org/10.47390/A1342222020N3>
5. Shaislamova, N. (2022). Tadbirkorlik faoliyatini rivojlantirishda loyiha risklarini samarali boshqarish. Scienceproblems.uz, 1(4), 10. <https://doi.org/10.47390/B1342142022N3>
6. Asamxodjaeva, S. (2022). Innovatsiyalarni rivojlantirishda inson kapitalining o‘rnini. Scienceproblems.uz, 5(2), 12–20. <https://scienceproblems.uz/index.php/journal/article/view/53>
7. Baratov, M. (2022). Mintaqada investitsiya faoliyatini moliyalashtirishning samarali tizimini shakllantirish. Scienceproblems.Uz, 5(2), 28–38. <https://scienceproblems.uz/index.php/journal/article/view/55>
8. Дусмухamedов О.С. Important aspects of the effective implementation of targeted government programs aimed at increasing the financial literacy of the population//Models and methods for increasing the efficiency of innovative research: a collection scientific works of the International scientific conference (11 December, 2021)- Berlin:2021. Issue 6 – 364 p. pp. 174-177.

УЎТ 33.330

**Набиев Элшод Фаниевич,**  
*ТМИ, «Менежмент ва Маркетинг»*  
*кафедраси профессори*

**Эркинжонов Диёрбек Махмуджон ўғли,**  
*ТМИ, Иқтисодиёт факультети*  
*1-курс талабаси*

**РИВОЖЛАНГАН МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИДАН  
ФОЙДАЛАНИБ, МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ ЎКСАЛТИРИШ  
(СИНГАПУР ТАЖРИБАСИ)**

**Набиев Элшод Фаниевич**  
*ТФИ, Профессор кафедры*  
*«Менеджмент и маркетинг»*

**Эркинжонов Диёрбек Махмуджон ўғли**  
*ТФИ, студент 1-курс экономического*  
*факультета*

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ НАЦИОНАЛЬНОЙ ЭКОНОМИКИ  
С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ ОПЫТА РАЗВИТЫХ СТРАН  
(СИНГАПУРСКИЙ ОПЫТ)**

**Nabiiev Elshod G‘aniyevich**  
*TFI, Professor of the “Management and*  
*Marketing” department*

**Erkinjonov Diyorbek Maxmudjon o‘g‘li**  
*TFI, 1st year student of the Faculty*  
*of Economics*

**IMPROVING THE NATIONAL ECONOMY USING THE  
EXPERIENCE OF DEVELOPED COUNTRIES  
(THE SINGAPORE EXPERIENCE)**

**Аннотация.** Мақолада ҳозирги кунда давлатнинг миллий иқтисодиётини ривожлантириши асосий вазифа сифатида кўрилиб, бу юксалиши учун иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар тажрибаларини самарали қўллаши усуллари ўрганилган. Муаллифлар ривожланган мамлакат сифатида қисқа муддат ичida «учинчи» дунё мамлакатидан «бираинчи»сига чиқа олган ва «коррупцияни енгган мамлакат» дея

номланадиган Сингапур давлатини танлаган ва унинг қилган ислоҳотларини мустақил хуласалар орқали миллий иқтисодиётда фойдаланишини илгари сурган.

**Таянч сўзлар:** миллий иқтисодиёт, ишлаб чиқарши, Сингапур, ялти ички маҳсулот (ЯИМ), коррупция, монополия, ислоҳот, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, ривожланиши.

**Аннотация.** В статье развитие национальной экономики государства рассматривается как главная задача, и изучаются методы эффективного применения опыта экономически развитых стран для этого роста. В качестве развитой страны авторы выбрали страну Сингапур, которая смогла за короткий промежуток времени подняться из страны «третьего» мира в «первую» и известна как «страна, победившая коррупцию», и путем самостоятельных выводов способствовал использованию его реформ в народном хозяйстве.

**Ключевые слова:** Национальная экономика, производство, малый бизнес и частное предпринимательство, Сингапур, коррупция, монополия, реформа, валовой внутренний продукт (ВВП), разработка.

**Annotation.** In the article, the development of the national economy of the state is seen as the main task, and the methods of effective application of the experiences of economically developed countries for this growth are studied. As a developed country, the author chose the country of Singapore, which was able to rise from the “third” world country to the “first” country in a short period of time and is known as “the country that has defeated corruption”, and through independent conclusions, he promoted the use of its reforms in the national economy.

**Keywords:** national economy, production, corruption, monopoly, reform, gross domestic product (GDP), Singapore, small business and private enterprise, development.

## Кириш

Мамлакатда мавжуд барча иқтисодий ресурслардан унумли ва самарали фойдаланиш мухим ҳисобланади. Мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти том маънода мана шу ресурслардан қай даражада фойдалангандиги билан ушбу омилларнинг ўзагини ташкил этади. Шу боис иқтисодий ўсиш даражаси ва имкониятлари кўп жиҳатдан иқтисодий салоҳиятнинг миллий иқтисодиётнинг барча даражা (микро, мезо ва макро-даража)ларидаги ҳолатига боғлиқ бўлади. Иқтисодиётни ривожлантириш ва баркарор иқтисодий ўсишга эришишга қаратилган стратегик дастур ва режалар бевосита мамлакат иқтисодий салоҳияти, унинг хусусиятлари, ҳозирги ҳолати, келажак имкониятларига асосланиб ишлаб чиқилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022

йил 28 январдаги “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги<sup>1</sup> ПФ-60-сонли Фармонида вилоят, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иктисодий ривожлантириш, уларнинг мавжуд ижтимоий-иктисодий салоҳиятидан самарали ва оптимал фойдаланиш масалалари иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари сифатида белгилаб қўйилган. Минтақа имкониятлари, ресурслар ва улардан самарали фойдаланиш даражасини аниқлаш, стратегик вазифаларга эришиш йўналишларини ўзида мужассамлаштирган худудий ривожланиши дастурлари ишлаб чиқиша мавжуд ва

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони.

келажакдаги салоҳиятни ҳисобга олиш ва уни ривожлантириш мухим ҳисобланади. Шунинг учун мамлакат иқтисодий тараққиётига эришиш ва уни юксалтириш масаласи долзарб масалалардан биридир.

Хозирги кунда тез суръатларда ривожланаётган иқтисодиётда Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиётини ривожлантириш энг асосий вазифалардан бири бўлиб келмоқда ва бу вазифанинг ечими сифатида бир қанча ривожланган мамлакатлар модели мавжуд бўлиб, ана шу ривожланган мамлакатлар тажрибаларидан фойдаланиш хамда мамлакат ҳудудида халқаро тажрибалар асосида ислоҳотлар амалга оширишдир.

### Мавзуга оид адабиётлар шархи

Таъкидлаш лозимки, мамлакат миллий иқтисодиётини ривожлантириш, бу ишлар учун самарали ислоҳотлар амалга ошириш ва таклифлар беришда Ўзбекистон Республикасининг иқтисодиётни ривожлантиришга оид қонунларининг қабул қилиниши амалий аҳамият касб этади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26-мартидаги ПФ-5975-сон «Иқтисодиётни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга оид давлат сиёсатини тубдан янгилаш чоратадбирлари тўғрисида»ги Фармонида иқтисодиётни эркинластириш ва бозор механизмларини кенг жорий қилиш тамойилларига асосланган ислоҳотларнинг янги босқичида давлатнинг иқтисодиётдаги ролини камайтириш ва хусусий секторнинг иштирокини кенгайтириш бўйича тадбирлар белгиланган.<sup>2[2]</sup> Миллий

иктисодиётни ривожлантириш устувор масала бўлганлиги сабабли, бу хақидаги илмий ишлар, амалий дастурлар, нашр қилинган адабиётлар етарлича топилади. Мавзуга оид нашр қилинган илмий адабиётларда иқтисодчи олимлар иқтисодиётнинг ривожланиши учун бир қанча ислоҳотларни амалга оширишни афзал билишади. Аммо бу устувор масала учун ривожланган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланишга оид илмий мақолалар, адабиётлар кўп эмас.

Мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш йўлида хориж тажрибасини ўрганар эканмиз, Сингапур бош вазири Ли Куан Юнинг «Учинчи дунёдан биринчи дунёга» номли асарини ўрганиш фойдадан холи бўлмайди. Бош вазир лавозимини 35 ёшида эгаллаган Ли Куан Ю шундай ёзади: «Менда иккита йўл бор эди: биринчиси – юртни талаш, қариндош-уругларимни атрофимга йиғиш, уларга мансаб бериш, уларни дунёнинг энг бой одамлари рўйхати эълон қилинадиган «Forbes» журналига киритиш, бунинг эвазига халқни хеч нарсасиз қолдириш. Иккинчи йўл – халқимга хизмат қилиш ва мамлакатни жаҳондаги 10 та энг ривожланган мамлакат сафига қўшиш. Мен иккинчи йўлни танладим»[4]. У ўзи ўйлагандек Сингапурни энг ривожланган давлатлар сафига қўшди. Ли Куан Ю ўз асарида мамлакат ривожи учун зарур бўлган бир қатор масалаларни баён қилган. Улар қаторига истеъододларни тарбиялаш ва жалб этиш, ўқитувчиларнинг обрусини жойига қўйиш, коррупцияга қарши кураш ёхуд ҳокимиятни тозалаш, йўллардаги тирбандлик билан кураш, қонун устуворлигини таъминлаш, ахборот технологияларини ривожлантириш ва бошқалар киради. Умуман олганда Сингапур тажрибасини ҳар бир иқтисодчи олим жиддий ўрганиши мақсадга мувоффик бўлади. Шунингдек, Б.М.Бабакулов,

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26-мартидаги ПФ-5975-сон «Иқтисодиётни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга оид давлат сиёсатини тубдан янгилаш чоратадбирлари тўғрисида»ги Фармони.

К.Ш.Юлдашев, Ш.С.Шарифов каби доцент олимларнинг «Замонавий иқтисодий назариялар» китобида «бизга бугун янгидек туюлган бозор иқтисодиёти тўғрисидаги фикрлар Адам Смит томонидан 1776 йили чоп этилган «Халқлар бойлиги» асарида асосан тўла таҳлил этиб берилган. Баъзи иқтисодий ғоялар эса қадимдан маълум. Уларни ўрганиш ва энг мухими ҳаётга татбиқ этиш яхши самара беради, кўп ҳолларда Американи янгидан кашф этишга ҳожат қолмайди» каби фикрлар берилган. Миллий иқтисодиётни ривожлантириш учун янгича ислоҳотларни амалга ошириш шарт эмас, тажрибадан ўтган ислоҳотларни мамлакатда татбиқ қилиш кифоя. Токи, «Американи қайта кашф этиш» зарур эмас.

### Тадқиқот методологияси

Илмий мақолада кўтарилиган муаммони атлофлича таҳлил қилиш, таҳлил натижаларини тизимлаштириш асосида илмий асосланган хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқишида индукция ва дедукция, мақсадли ривожлантириш, тизимли ва сиёсий таҳлил, график тасвирлаш, эксперт баҳолаш ва иқтисодий статистика каби усуллардан кенг фойдаланилди.

### Натижа ва мухокама

Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш бўйича янги самарали усувларни олишнинг асосий йўлларидан бири бу – ривожланган давлатлар тажрибаларидан фойдаланиш ҳисобланади. Бу мақолада айнан шу масала бўйича охирги 60 йилда «учинчи» дунё мамлакатидан «биринчи»сига кўтарила олган Сингапур давлатининг тажрибалари, коррупцияни енгиш учун қилинган ҳаракатлари, давлат ривожи

учун қилинган ислоҳотлари таҳлил қилинган.

Мустамлакачилик зулми остида узок вақт жабр кўрган ва ўтган асрнинг 60 йилларида қашшоқ давлатлар қаторида бўлган Сингапур бир қанча омиллардан унумли фойдаланиш эвазига фавқулодда жадал ўсиш суръатларига эришди. Мамлакатнинг аксарият аҳолиси саводсиз, ҳароба уйларда яшовчи, ҳар қадамда коррупция, гиёхванд моддалар савдоси, денгизда эса қароқчилик ҳукм сурган мудхиш бир даврларни бошдан кечирган. Бироқ, бугунги кунда бу мамлакатни эртаклар, орзулар шахри, ранг-баранг ва жозибадор, ривожланган иқтисодиёт, технологик макон, яшаш учун энг яхши жой, етакчи молия маркази, дунёнинг энг киммат шаҳарларидан бири деб аташади.

Бундан ташқари, ҳар бир давлат фаровонликка эришишни мақсад қилиб олар экан, биринчи ўринда ўз ривожланиш стратегиясини танлаб олади. Бунда ушбу мақсадга эришиш учун турли омиллар бор эди. Шундай омиллардан бири – бу етук бошқарувчилликка, сиёсий билимга ва маҳоратга эга бўлган етакчининг бўлишидир. XX асрнинг ана шундай сиёсий арбобларидан бири бу Ли Куан Юдир. Унинг даврида мамлакатда амалга оширилган иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларнинг натижаси ўлароқ, Сингапур давлати бугунги кунда энг ривожланган давлатлар қаторидадир. Буни унинг тарихий тараққиёт йўлига назар ташлаш орқали ҳам билиб олиш мумкин.


Мустақилликнинг дастлабки йилларида бир томондан қонунчилик узоқ Англиядан, яъни Британия мустамлакачилари томонидан импорт қилинган, иккинчи томондан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар уюшган жиноятчиликка қарши курашиш қобилиятига эга эмасди. Амалдорларнинг

аксарияти эса коррупция ботқоғига ботиб бўлганди. Аҳолининг кўпчилиги саводсиз бўлиб, ўз хукуқларини ҳимоя қиломасди. Мамлакат раҳбарлари коррупция ва ўзбошимчаликни илдизи билан қўпориб ташлаш кераклиги, бусиз мамлакатнинг келажаги йўқлигини тушуниб етади.

Сингапур тараққиётининг «ота»си ўз ҳокимиятининг дастлабки кунлариданоқ жамиятигининг барча қатламларида коррупцияни йўқ қилиш бўйича кенг қамровли ва аниқ мезонларни ўз ичига олган дастур ишлаб чиқади. Мамлакатда коррупцияни тўхтатиб қолишнинг биринчи ўриндаги вазифаси ўлароқ, мансабдор шахсларнинг ўз билгандарича ҳаракат қилишлари имкониятларини камайтириш бошланади.

Мамлакатда коррупцияга қарши сиёsat миллий қадриятларга амал қилишдан кўра кўпроқ зарурят сифатида талқин этилади. Сингапур хорижий инвестицияларни мамлакатга жалб қилиш босқичида, аввало улардан нотўғри мақсадларда фойдаланиши имкониятини йўққа чиқарди. Мамлакатда айрим коррупция ҳодисалари рўй бергандан унинг иштирокчилари тергов қилиниб, айборлар судланиб, қаттиқ жазога тортилган. Бунда Ли Куан Ю барчага, ҳатто ўз яқин кариндошларига нисбатан ҳам қаттиқкўл ва адолатли сиёsat юритган, уларга ҳам бошқалар сингари оғир жазо кўлланган.

Ислоҳотлар акс садоси ўлароқ, мамлакатда аҳоли ўртасида аксилкоррупция менталитети шаклланди. Коррупцияга қарши курашга раҳбарлик бевосита сиёсий раҳбарлар ва мансабдор шахсларнинг ўзлари томонидан амалга оширилади, яъни давлат мансабдорлари бу жирканч иллат кенг кулоч ёймаслигидан биринчи ўринда манфаатдор ва бу жамоатчилик томонидан кўллаб-қувватланади.



**1-расм. Сингапур давлатининг Transparency International<sup>3</sup> томонидан The Corruption Perceptions Index (CPI) мөърларига асосланган коррупция рейтинги.**

Маълумот ўрнида, Транспаренсий Интернационал томонидан 2022 йил учун ёълон қилинган рейтингда Сингапур коррупцияни қабул қилиш энг паст кўрсаткичли мамлакатлардан бири сифатида, дунё микёсида 5-поғонада қайд этилган. Мос равиша, ушбу рейтингда Ўзбекистон 180 давлат орасида 126-ўринни эгаллаган.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида мамлакатда 7та асосий тараққиёт йўналиши – молия, транспорт хизматлари, логистика, шаҳарсозлик, соғлиқни сақлаш, рақамли иқтисодиёт ва илфор ишлаб чиқаришни ривожлантириш устувор йўналишлар сифатида танлаб олинган.

Шунингдек, мамлакатда белгиланган ислоҳотларни ўтказиш учун маблағ зарур эди. Шу мақсадда хорижий тадбиркор ва сармоядорларга турли имтиёзлар берилиб, мамлакатга жалб қилинди.

«Биз ҳар бир сармоядорни мамнуният билан кутиб олдик. Ишлаб чиқаришни бошлаш учун, уларга жон-жаҳдимиз билан ёрдам килдик», деб ёзган Ли Куан Ю ўз таржимаи холида.

Хорижий сармояларни мамлакатга жалб қилишни кучайтириш мақсадида дастлабки босқичда чет элликлар учун юз фоиз мулкка эга бўлиш ҳамда

<sup>3</sup> <https://www.transparency.org/en/cpi/2020/index/nzl>

топилган фойдани тўлиқ олиб кетиш учун имкониятлар яратилган.

Шунингдек, мамлакатдаги вазиятни тубдан ўзгариши учун ҳукумат одамларнинг онгига янги стандартларни жорий этишни бошлайди. Иқтисодий жиҳатдан ва коррупциядан холи мамлакат куриш учун сингапурликлар Зта асосий тамойилни танлайди. Улар:

- Меритократия
- Прагматизм
- Ҳалоллик

Ушбу Зта тамойил мамлакат тизимининг Зта устунига айлантирилди.

Меритократия бу ҳар қандай ижтимоий қатламда энг муносиб ва қобилиятли шахсларни, уларнинг қасбий фазилатлари ва алоҳида хизматларига адолатли ва объектив баҳо бериш асосида давлат хизматларига жалб этиш, яъни юқори салоҳиятли инсонларни мамлакатга бош қилиш.[3]

Иккинчи тамойил – бу прагматизм. Прагматизм ўзининг ва бошқаларнинг тажрибасидан ижобий фойдаланиш қобилияти. Барча ижобий ва салбий томонларни инобатга олган ҳолда уни ўзида қўллашдир.

Учинчи тамойил – буюксак маънавият ва ҳалоллик. Аҳолида йиллар давомида ҳалоллик фазилати шакллантириб келинган. Айнан ҳалоллик Сингапур куч тузилмаларида муваффакиятли ишлашнинг асосий шартидир. Ҳалоллик – давлат тараққиётининг ўзаги.

Бош вазир топшириғига кўра, маҳаллий ва хорижий тадбиркорлар ўртасида бизнесни осонлаштиришга оид сўровлар мунтазам ўtkazilgan, тадбиркорлар дардига қулоқ тутилган. Бунинг натижасида Сингапурда тадбиркорлик фаолияти кенг қулоч ёйди. Тадбиркорларнинг фаолияти ҳукумат томонидан рағбатлантирила бошланди. Бизнес соҳасида қонунчилик соддлаштирилди ва мамлакатда қабул қилинадиган қонунлар манфаатдор

томонларнинг фикрларини ўрганиш билан биргаликда олиб борилди.

Натижада кўпгина ҳалқаро трансмиллий компаниялар Сингапурда кенг кўламли юқори технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун пойдевор куришади.

Маълумот учун, Жаҳон банкининг «Бизнес юритиши – 2022»<sup>4</sup> йиллик ҳисоботида бизнес юритиши қулагилиги бўйича Сингапур 2-поғонада қайд этилган [6].

Бугунги кунда Сингапурда 5,4 миллион аҳоли истиқомат қиласи ва мамлакат ЯИМ 379 миллион долларга тенг. Ишсизлик даражаси 2,6 фоиз. Йиллик даромад ҳар бир фуқарога 72 минг доллардан юқори ҳисобланади.[7]

## Хуроса

Демак, Сингапурни тажрибаси ўрганиладиган бўлса, муваффакиятнинг асосий омиллари: коррупцияни йўқотиш; ақлли инсонларнинг ҳукуматни бошкариши; тадбиркорликка катта имкониятлар яратиб берилишидир.

Сингапур тажрибалари Ўзбекистон ислоҳотларига татбиқ қилинса, иқтисодиётнинг ривожланиши тез суръатларда намоён бўлади.

Меритократия омилини Ўзбекистон ҳукумат бошқарувига қўллаш. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг сўнгти йилларда қилаётган ислоҳотлари бунга мисол сифатида қўрилиши мумкин. Яъни давлат бошлигининг фармон ва қарорлари асосида охирги йилларда кўплаб ташкилотлар, давлат муассасаларига муносиб ёш кадрларни юқори ўринларга жойлаштирмоқда.

Иккинчи қўлланиши керак бўлган тамойил бу прагматизм. Ҳозирда ривожланиши тез содир бўлаётган мамлакатлар ислоҳотларига назар

<sup>4</sup> <https://archive.doingbusiness.org/en/rankings>

солинса, ривожланган давлатлар тажрибаларидан кенг фойдаланаётганлиги намоён бўлади. Бунда албатта, тажриба олинаётган давлатнинг географик жойлашувига, маданиятига ва бошқа бир қанча омилларига эътибор қаратиш талаб қилинади. Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигига эндиғина 31 йил бўлганига қарамай, юксак натижаларга эришилди. Бундан кейинги амалга ошириладиган ислоҳотларда ҳам «синовдан ўтказилган» тажрибалардан фойдаланиш нафақат иқтисодиётга, балки мамлакат ривожига юксак самара олиб келиши мумкин.

Маълумки, кўплаб давлатнинг ожиз томонларидан бири бу монополия ҳамда коррупция ҳисобланади. Шунингдек, мамлакат ривожи учун бўладиган энг катта тўсик ҳам мана шулар. Монополияни бутунлай йўқ қилиш учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка имкониятлар яратиб бериш, хорижий давлатдан инвестицияларни жалб қилиш асосий йўл сифатида кўрилади.

Шунингдек, бу мамлакатнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бўйича амалга оширган ислоҳотлари мамлакат ривожининг асосий муваффақият калитларидан биридир. Жаҳон банкининг

берган маълумотларига кўра, Сингапур давлати тадбиркорлик қилиш учун энг кулаг давлатлардан бири ҳисобланади. Бунга сабаб эса, хукуматнинг янги ташкил топган тадбиркорлик учун қилинадиган имтиёзлар ва солиқлардан озод қилиши ёки камайтиришидир. Маълумки, мамлакатда хусусий тадбиркорлик ривожланса, чет давлатлардан инвестиция киради ва ахоли турмуш тарзи яхшиланади. Бу эса, мамлакат ривожланишининг асосий омилларидан бири саналади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2030 йилга қадар ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ахоли жон бошига нисбатини \$4мингга етказиш тўғрисидаги режаларини амалга оширишда ва мамлакатнинг иқтисодий мақсадларига эришишида юқорида таъкидлаб ўтилган тамойил, ислоҳотлар ижобий таъсир кўрсатади. Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, юртимиз бозор иқтисодиётiga ўтиш бўсағасида турар экан, авваламбор, монополия ва коррупциядан воз кечишида юқорида айтиб ўтилган қатор амалий тажрибаларни кўллаш биз танлаган йўлни бир қанча енгиллаштиради.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ти ПФ-60-сонли Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 марта даги ПФ-5975-сонли «Иқтисодиётни ривожлантириш ва камбағалликни қискартиришга оид давлат сиёсатини тубдан янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони.
3. Bobbie Johnson. Меритократиянинг келиб чиқиши. – Warbletoncouncil, 8 апрел 2021-йил.
4. Ли Куан Ю. Учинчи дунёдан биринчи дунёга. Сингапур тарихи (1965–2000). – Тошкент, “Akademnashr”, 2022. 236-бет.
5. Б.М.Бабакулов, К.Ш.Юлдашев, Ш.С.Шарифов, Замонавий иқтисодий назариялар. – Самарқанд, 2021. 8-бет.
6. <https://www.worldbank.org/en/businessready>
7. <https://kun.uz/uz/news/2021/06/02/>

УО‘Т 336.71(575.1)

To‘rayeva Zilola Turg‘unovna,  
Toshkent moliya instituti  
“Statistika va ekonometrika” kafedrasи assistenti,  
elektron pochta: [turayevaZ@gmail.com](mailto:turayevaZ@gmail.com)

## SANOAT TARMOG‘IDA MAHSULOT ISHLAB CHIQARISH FAOLIYATINI STATISTIK O‘RGANISH

Тураева Зилола Тургуновна,  
Ташкентский финансовый институт  
ассистент кафедры «Статистика и эконометрика»,  
электронная почта: [turayevaZ@gmail.com](mailto:turayevaZ@gmail.com)

## СТАТИСТИЧЕСКОЙ ИЗУЧЕНИЕ ПРОИЗВОДСТВЕННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ В ПРОМЫШЛЕННОЙ ОТРАСЛИ

Torayeva Zilola Turgunovna-  
Tashkent Institute of Finance  
Assistant of the Department of “Statistics and Econometrics”  
e-mail: [turayevaZ@gmail.com](mailto:turayevaZ@gmail.com)

## STATISTICAL STUDY OF PRODUCTION ACTIVITIES IN THE INDUSTRIAL NETWORK

**Аннотации.** Maqolada sanoat tarmog‘ida mahsulot ishlab chiqarish faoliyatining o‘ziga xos xususiyatlari, mamlakatimiz hududlari kesimida sanoat tarmog‘i faoliyati bo‘yicha statistik ma’lumotlarni to‘plash, qayta ishlash masalalari yoritilgan.

**Таванч сўзлар:** sanoat, ishlab chiqarish, statistik baholash, ta’sir etuvchi omillar.

**Аннотация.** В статье описаны статистической изучение производственной деятельности в промышленной отрасли, вопросы сбора и обработки статистических данных по деятельности промышленного сектора в разрезе регионов нашей страны.

**Ключевые слова:** Промышленность, производство, статистическая оценка, влияющие факторы.

**Annotation.** The article statistical study of production activities in the industrial network, the collection and processing of statistical data on the activity of the industrial sector in the regions of our country.

**Keywords:** Industry, production, statistical evaluation, influencing factors.

## Kirish

Mamlakatimiz iqtisodiyotini mutanosib rivojlantirish, uning samarali tarkibiy tuzilmasiga ega bo‘lish orqali barqaror iqtisodiy o‘sish sur’atlariga erishish vatanimiz taraqqiyoti va xalq farovonligini ta’minlashning muhim shartlaridan biri hisoblanadi. Ushbu maqsadga erishish uchun esa eng avvalo iqtisodiyotning sanoat tarmog‘ining jadal rivojlantirish zarur bo‘ladi.

“Sifatni boshqarish, monitoring qilish va baholash tizimi milliy statistika tizimlarining ajralmas qismidir, bu statistik materiallar va jarayonlar sifatining muhim jihatlarini milliy va xalqaro sifatni baholash tizimlariga mos kelishini ta’minlaydi.

Biroq, hozirgi vaqtida mamlakatda sifatni boshqarishning yagona kompleks siyosati mavjud emas, xususan, ma’lumotlarni yig‘ish va tahlil qilish bo‘yicha siyosat amalga oshiriladi, lekin rejalashtirish va tarqatish bo‘yicha siyosat ishlab chiqilmagan” [3, 1].

Shunga ko‘ra, iqtisodiyotni modernizatiya qilish sharoitida iqtisodiyotning sanoat korxonalarini qo‘llab-quvvatlash dolzarb ahamiyat kasb etib, respublikamizda ushbu jarayon bir qator asosiy yo‘nalishlar bo‘yicha amalga oshirilmoqda.

“Bugungi kunda respublikada 98,8 mingta sanoat korxonalarini faoliyat ko‘rsatmoqda, shundan 16,8 mingtasi (ro‘yxatdan o‘tgan korxonalar umumiy sonining 17,0 %) Toshkent shahriga, 11,1 mingtasi (11,2 %) Farg‘ona viloyatiga, 10,0 mingtasi (10,1 %) Toshkent viloyatiga, 9,9 mingtasi (10,0 %) Andijon viloyatiga va 8,9 mingtasi (9,0 %) Samarqand viloyatiga to‘g‘ri kelmoqda” [9,59 ].

Ayniqsa, sanoat korxonalarini qo‘llab-quvvatlashda ishlab chiqarishni modernizatsiya qilish, kooperatsiya aloqalarini kengaytirish, mustahkam hamkorlikni yo‘lga qo‘yish, mamlakatimizda ishlab chiqarilgan mahsulotlarga ichki talabni rag‘batlantirish masalalari alohida o‘rin tutadi.

Iqtisodiyotning sanoat tarmog‘i – bevosita moddiy ne‘matlar ishlab chiqarish va xizmatlar ko‘rsatish bilan bog‘liq tarmoq bo‘lib, u o‘z ichiga tog‘-kon sanoati va ochiq konlarni ishslash, ishlab chiqaradigan sanoat, elektr, gaz-bug‘ bilan ta’minlash va havoni konditsiyalash, suv bilan ta’minlash, kanalizatsiya tizimi, chiqindilarini yig‘ish va utilizatsiya qilish tarmoqlarini oladi.

Shu nuqayı nazardan, “Milliy statistika tizimiga kiruvchi rasmiy statistikaning boshqa tayyorlovchilari tomonidan statistika ma’lumotlarini shakllantirish va vakolatlari davlat organi bilan axborot almashinuvini ta’minlash uchun mas’ul bo‘lgan bo‘linmalar tashkil etiladi” [2, 4].

Sanoat korxonalarini qo‘llab-quvvatlashning asosiy yo‘nalishlari bank kreditlari orqali qo‘llab-quvvatlash eksportyor korxonalarga soliqlar bo‘yicha imtiyozlar berish mahsulot tannarxini pasaytirish ishlab chiqarishni kengaytirishni qamrab oladi.

## Mavzuga oid adabiyotlar sharhi

O‘zbekiston Respublikasida sanoat tarmog‘i rivojlanishini statistik o‘rganish masalalari ko‘plab mamlakatimiz iqtisodchi-olimlarining ilmiy tadqiqotlarida keng o‘rganilgan.

Muallif M.Sh.Ahmedovning qayd etishicha: “Sanoat respublikamiz iqtisodiyotining asosiy tarmoqlaridan biri hisoblanadi. Chunki, sanoat o‘zining qo‘srimcha qiymat yaratishi, aholi ehtiyojini qondirishdagi o‘rni va yuqori darajaga ega bo‘lgan ishlab chiqarish lokomotivi bilan boshqa soha va tarmoqlardan tubdan farq qiladi” [5, 51].

Mualliflar Sh.A.Matalov, T.T.Tursunov, M.M.Niyazova, K.M.Adilova, B.Z.Zayniddinova, A.A. Maqsudovalarning fikricha, “Sanoat korxonalarining ortishi, qishloq xo‘jaligini kimyolashdirish, aholi soni va avtotransportning ortib borishi kabi omillar turli xil chang-gaz chiqindilari, oqova suvning miqdori va turi, qattiq chiqindilarni

ко‘лаб мидорда атроф-мухитга ташланishiga olib keladi”[7, 22 ].

B.T. Salimov, B.B. Salimovlarning qayd etishicha, “Respublikamizda саноатни сamarali rivojlantirish yo‘nalishlaridan biri kichik саноат zonalari (KSZ) hisoblanadi. KSZ davlat mulki ob’ektlarining foydalanilmayotgan maydonlari, zarar ko‘rib ishlayotgan, iqtisodiy nochor va past rentabelli korxonalarning ishlatilmayotgan hududlari negizida yaratilmoqda. KSZlar davlat tomonidan kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni real qo‘llab-quvvatlash va ularni rivojlantirishni yangi yuqori bosqichga ko‘tarishda muhim ahamiyat kasb etmoqda” [8, 9].

### Tadqiqot metodologiyasi

Tadqiqot jarayonida ilmiy abstraksiyalash, statistik kuzatish, mutlaq, nisbiy va о‘rtacha miqdorlar, statistik baholash, grafik, dinamika qatorlarini tahlil qilish ko‘rsatkichlari, dinamika qatorlarini trend tenglamasi asosida analitik tekislash, vaqt omili bo‘yicha prognozlash kabi usullardan foydalanilgan.

### Natija va muhokama

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 28-yanvardagi “2022 – 2026-yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida”gi PF-60сонли Farmonining 22-maqсадида milliy iqtisodiyot barqarorligini ta’minlash va yalpi ichki mahsulotda саноат ulushini oshirishga qaratilgan саноат siyosatini davom ettirib, саноат mahsulotlarini ishlab chiqarish hajmini 1,4 baravarga oshirish bo‘yicha саноатning yetakchi tarmoqlari va iqtisodiyotni yanada liberallashtirish hamda transformatsiya jarayonlarini yakunlash” vazifasi qat’iy belgilab qo‘yildi [6, 86].

2022 yilda O‘zbekiston Respublikasi саноат korxonalari tomonidan 551,1 trln. so‘mlik саноат mahsulotlari ishlab chiqarilgan

bo‘lib, 2021-yilga nisbatan саноат ishlab chiqarishining fizik hajmi indeksi 105,2 % ni tashkil etdi.

Hududlarning саноат salohiyatini oshirish bo‘yicha amalga oshirib kelinayotgan izchil choralar natijasida 2017-yilga nisbatan 10,8 % ga, 2018-yilga nisbatan 5,0 % ga, 2019-yilga nisbatan 0,9 % ga, 2020-yilga nisbatan 8,8 % ga, 2021-yilga nisbatan 5,2 % ga sezilarli darajada ishlab chiqarish hajmining o‘sishi ta’minlandi [9, 61].


Ishlab chiqarishni modernizatsiyalash – ishlab chiqarishni zamonaviy texnologiyalar bilan jihozlash, uni ma’naviy jihatdan yangilash, tarkibiy jihatdan texnik va texnologik qayta tuzish kabi chora-tadbirlarni o‘z ichiga oluvchi jarayon hisoblanadi.

Саноат ishlab chiqarishi tarkibida eng katta ulush ishlab chiqaradigan саноат hissasiga to‘g‘ri kelib, 458,2 trln. so‘mni, jami саноат ishlab chiqarishidagi ulushi 83,2 % ni tashkil etdi (1-diagramma).

Sаноат tarmog‘ida mahsulot ishlab chiqarish jarayonida tannarxni pasaytirishning asosiy yo‘nalishlari import qilinadigan resurslar narxlarini qayta ko‘rib chiqish va pasaytirish materiallar sarfi me’yorlarini pasaytirish, mahalliy xomashyo va materiallardan foydalanish hisoblanadi.

Biroq, bu boradagi jiddiy muammo – ayrim mahsulotlarimiz tannarxning yuqori darajada qolayotganligi ularning raqobatdoshligiga salbiy ta’sir ko‘rsatmoqda.

Shu sababli, саноат ishlab chiqarishini modernizatsiyalash orqali eskirgan asbob-uskunalarini chiqarish, ishlab chiqarishni zamonaviy texnika va texnologiyalar bilan jihozlash, mahalliy resurslar asosida ishlab chiqarishga innovatsion texnologiyalarni joriy etish, ishlab chiqarilayotgan mahsulot assortimentini kengaytirish, ishlab chiqarish xarajatlarini pasaytirish va resurslarni tejash; sifatni boshqarish va sertifikatlash tizimini joriy etish, chiqitsiz va ekologik toza texnologiyalarni joriy etish zaruriyatini vujudga keldi.



1-diagramma. 2022-yilda O'zbekiston Respublikasi bo'yicha sanoat ishlab chiqarishining asosiy tarmoqlarining sanoat ishlab chiqarishidagi ulushi<sup>1</sup> (trln.so'm)

I-jadval

**Ishlab chiqaradigan sanoatda yirik sanoat korxonalari tomonidan ayrim turdag'i mahsulotlarni ishlab chiqarish dinamikasi<sup>2</sup>**

№	Sanoat mahsulotlari	Yillar		Farqi	
		2021-yil	2022-yil	+/-	%
1.	Ko'mir ming t.	5 056,3	5 356,2	299,9	105,9
2.	Neft, ming t.	774,0	787,8	13,8	101,8
3.	Tabiiy gaz, mln. kub.m	53 802,0	51 664,5	- 2 137,5	96,0
4.	Gaz kondensati, ming t.	1 323,9	1 287,1	- 36,8	97,2
5.	Yengil avtomobillar, (maxsus yengil avtomobillardan tashqari) dona	219 360	307 177	87 817	140,0
6.	Yuk avtomobilari, dona	4 433	4 094	-339	92,4
7.	Avtomobil dvigatellari ming dona	160,4	225,4	65,0	140,5
8.	Yumshoq bug'doy va spelta uni, ming t.	1 868,7	1 690,8	-177,9	90,5
9.	Paxta tolasi ming t.	710,6	678,9	-31,7	95,5

<sup>1</sup> **Манба:** O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi statistika agentligining 2022-yil ma'lumotlari asosida tuzilgan.

<sup>2</sup> **Манба:** O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi statistika agentligining 2021–2022-yil ma'lumotlari asosida tuzilgan.

Jadval ma'lumotlaridan ko'rinish turibdiki, 2022-yilda ishlab chiqaradigan sanoatda ko'mir 5356,2 ming tonna (2021-yilga nisbatan 5,9 % ga ko'paygan), neft 787,8 ming tonna (2021-yilga nisbatan 1,8 % ga ko'paygan), tabiiy gaz 51664,5 mln.kub (2021-yilga nisbatan 4,0 % ga kamaygan), gaz kondensati 1 287,1 ming tonna (2021-yilga nisbatan 2,8 % ga kamaygan), yengil avtomobillar (maxsus yengil avtomobillardan tashqari) 307 177 dona (2021-yilga nisbatan 40,0 % ga ko'paygan), yuk avtomobilari 4094 dona (2021-yilga nisbatan 7,6 % kamaygan), avtomobil dvigatellari 225,4 ming dona (2021-yilga nisbatan 40,5 % ga ko'paygan), 1 690,8 ming tonna yumshoq bug'doy

va spelta uni (2021- yilga nisbatan 9,5 % ga kamaygan) hamda paxta tolasi 678,9 ming tonna (2021-yilga nisbatan 4,5 % ga kamaygan) ishlab chiqarilgan (1-jadval)

Aholi jon boshiga sanoat mahsulotlari ishlab chiqarishning taqsimlanishi, yirik sanoat korxonalari joylashganligi hisobiga Navoiy viloyatida(80 546,7 ming so'm), Toshkent shahrida (36 873,8 ming so'm) hamda Toshkent viloyatida (31 354,3 ming so'm) o'rtacha respublika darajasi ko'rsatkichidan(15 458,1 ming so'm) sezilar darajada yuqorilagini ko'rsatmoqda[9, 64].

O'zbekiston Respublikasida aholi jon boshiga ishlab chiqarilgan sanoat mahsulot qiymatining prognozini trend tenglamasi orqali aniqlaymiz.

2-jadval

### O'zbekiston Respublikasida aholi jon boshiga ishlab chiqarilgan sanoat mahsulot qiymatini analitik tekislash va prognoz darajasi<sup>3</sup>

Yillar	Aholi jon boshiga ishlab chiqarilgan sanoat mahsulot qiymati, ming. so'm, (taqqoslama baholarda) (Y)	Shartli yillar, t	t <sup>2</sup>	Yt	Y <sub>t</sub>	Yillar	Shartli yillar, t	Aholi jon boshiga ishlab chiqarilgan sanoat mahsulot qiymatining prognoz darajasi, ming. so'm
<b>2010</b>	9730,6	-6	36	-58383,6	9520,1	<b>2023</b>	7	15685,4
<b>2011</b>	10010,2	-5	25	-50051	9994,3	<b>2024</b>	8	16159,7
<b>2012</b>	10426,3	-4	16	-41705,2	10468,6	<b>2025</b>	9	16633,9
<b>2013</b>	11024,7	-3	9	-33074,1	10942,8	<b>2026</b>	10	17108,2
<b>2014</b>	11324,1	-2	4	-22648,2	11417,1	<b>2027</b>	11	17582,5
<b>2015</b>	11715,5	-1	1	-11715,5	11891,4			
<b>2016</b>	12138,6	0	0	0	12365,6			
<b>2017</b>	12560,1	1	1	12560,1	12839,9			
<b>2018</b>	13666,0	2	4	27332	13314,1			
<b>2019</b>	14074,3	3	9	42222,9	13788,4			
<b>2020</b>	13932,4	4	16	55729,6	14262,6			
<b>2021</b>	14852,3	5	25	74261,5	14736,9			
<b>2022</b>	15297,8	6	36	91786,8	15211,2			
<b>Jami</b>	<b>160752,9</b>	<b>0</b>	<b>182</b>	<b>86315,3</b>	<b>160752,9</b>			

<sup>3</sup> **Манба:** O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi statistika agentligining 2010–2022-yillar bo'yicha ma'lumotlari asosida muallif tomonidan tuzildi.

Olingen ma'lumotlar asosan:

"Qator darajalari o'rtasidagi mutlaq farqlar (mutlaq o'sishlar) deyarli o'zgarmas miqdor (konstanta) bo'lsa yoki bir biridan juda kam tafovutlansa, ya'ni darajalar arifmetik progressiya yoki unga yaqin shaklda o'zgarsa, ularni vaqtini to'g'ri chiziqli funksiyasi deb qarash mumkin.

$$Y_t = a_0 + a_1 t$$

Bundan:  $a_0 = \frac{\sum Y}{N} = \bar{Y}$      $a_1 = \frac{\sum Yt}{\sum t^2}$   
[6, 316 bet].

O'zbekiston Respublikasida aholi jon boshiga ishlab chiqarilgan sanoat mahsulot qiymati uchun:

Bunda:

$$a_0 = \frac{\sum Y}{n} = \frac{160752,9}{13} = 12365,61 \text{ ming.so'm.}$$

$$a_1 = \frac{\sum Yt}{\sum t^2} = 474,26 \text{ ming.so'm.}$$

O'zbekiston Respublikasi bo'yicha 2010–2022-yillardagi statistik ma'lumotlar asosida o'tkazilgan tadqiqotlar natijalariga ko'ra, 2027-yilda aholi jon boshiga ishlab chiqarilgan sanoat mahsulot qiymati 17582,5 ming so'mni tashkil etadi (2-jadval).

Bugungi kunda respublikamiz iqtisodiyotining deyarli barcha tarmoq va sohalarida ishlab chiqarishni modernizatsiyalash, texnik va texnologik jihatdan qayta jihozlash tadbirlarining keng ko'lamda amalga oshirilishi raqobatdosh mahsulotlar ishlab chiqarish imkoniyatlarini engaytimoqda.

Mazkur tadbir orqali korxonalarining mavjud qarzlarining vujudga kelish sabablarini va ularni to'lash imkoniyatlari o'r ganiladi. Har bir korxonaning ahamiyati, yaxlit xo'jalik tizimida tutgan o'rni, boshqa korxonalar bilan ishlab chiqarish va xo'jalik aloqalarini hisobga olgan holda mazkur qarzlarni to'lash muddatlarini kechiktirish, ular bo'yicha qo'llanishi mumkin bo'lgan turli sanksiyalarini bekor qilish, zarur

hollarda, ushbu qarzlarni umuman ro'yxatdan chiqarish kabi choralar belgilanishi mumkin.

Iqtisodiyotni modernizatsiya qilish sharoitida sanoat korxonalarini qo'llab-quvvatlash bilan bir qatorda, ularni sog'lomlashtirish tadbirlari ham muhim o'rin tutadi. Zero, uzoq davr mobaynida sifatsiz mahsulotni ishlab chiqarish, eskirgan texnika va texnologiya asosida zarar ko'rib ishlayotgan korxonalarini saqlab qolish iqtisodiyotning sog'lomligiga jiddiy putur yetkazishi mumkin. Bunday korxonalarini bankrot deb e'lon qilish hamda moliyaviy-xo'jalik faoliyatini tarkibiy o'zgartirish orqali qayta tuzish bu boradagi eng to'g'ri va samarali yechim hisoblanadi.

### Xulosa

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi statistika agentligi tomonidan iqtisodiy faoliyat va tadbirkorlik statistikasi bo'yicha ma'lumotlar yuridik shaxslarning statistik hisobotlari va tadbirkorlik faoliyati kuzatuvlari asosida shakllantiriladi.

Sanoat korxonalarining kuzatuvlari kichik biznes statistikasini ishlab chiqishda qo'llaniladi. Bundan tashqari, O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi statistika agentligi har chorakda savdo, xizmat ko'rsatish, sanoat va transport sohalarida yakka tartibdagi tadbirkorlar o'rtasida kuzatuv o'tkazadi.

Xulosa qilib aytganda, sanoat tarmog'ida mahsulot ishlab chiqarish samaradorligiga ta'sir etuvchi omillarning indeks tahlili quyidagi takliflarni amalga oshirishi maqsadga muvofiqdir:

– sanoat korxonalarining mavsumiy tuzatishlar bo'yicha joriy metodologiyani so'nggi xalqaro tavsiyalarni hisobga olgan holda takomillashtirish lozim;

– tadbirkorlik subyektlari faoliyatiga real baho berishga imkon beradigan ishonchli, ilmiy asoslangan statistika ma'lumotlarini olish hamda hududlar kesimida, shuningdek,

sanoat korxonalarining iqtisodiy faoliyat turlari bo'yicha to'laqonli ajratgan holda ko'rishni ta'minlash kerak:

– ilg'or xalqaro tajribaga muvofiq tadbirdorlik statistikasining barcha yo'nalishlarini qayta ko'rib chiqish;

– keng qamrovli statistik biznes-registrni ishlab chiqish va mamlakatning sanoat korxonalari uchun yagona milliy identifikatsiyadan foydalanishni targ'ib qilish lozim;

– sanoat korxonalari statistikasi bo'yicha ishonchli va to'laqonli ma'lumotlarni shakllantirish maqsadida kuzatuvlarni o'tkazish metodologiyasini takomillashtirish;

– sanoat korxonalarida mavsumiy o'zgarishlarni inobatga olgan holda moslashtirilgan, yuqori chastotali vaqt qatorlari bo'yicha ma'lumotlarni ishlab chiqarishni takomillashtirish zarur.

### **FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI**

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "2022 – 2026-yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to'g'risida" gi PF-60-sonli Farmoni. 2022-yil 28-yanvar. // <https://lex.uz/docs/5841063>.
2. O'zbekiston Respublikasining "Rasmiy statistika to'g'risida" gi O'RQ-707-sonli qonuni. 2021-yil 11-avgust. . [www.lex.uz](http://www.lex.uz).
3. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 3-avgustdagি PQ-4796-sonli "Milliy statistika tizimini yanada takomillashtirish va rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi Qarori. [www.lex.uz](http://www.lex.uz).
4. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi. // "Xalq so'zi" gazetasi, 30-dekabr 2020-yil. № 275–276 (7746–7747).
5. M.Sh. Ahmedova. Sanoat statistikasi. O'quv qo'llanma. – T.: Innovatsion rivojlanish nashriyot-matbaa uyi, 2021-yil, 288-bet, ISBN 978-9943-7626-5-7.
6. N.M. Soatov, N.G'. Nabihev, A.H. Ayubjonov. Amaliy statistika. Darslik. Toshkent - 2020 yil, 593 bet.
7. Sanoat ekologiyasi (Atrof-muhit muhofazasi) [Matn]: darslik / Sh.A.Matalov, T.T.Tursunov, M.M.Niyazova [va boshq.]. - Toshkent: «O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi» nashriyot-matbaa birlashmasi, 2020. 360-bet.
8. B.T. Salimov, B.B. Salimov. Kichik sanoat zonalarini barpo qilish va rivojlantirishning tashkiliy-iqtisodiy asoslarini takomillashtirish [Matn] : monografiya / – Toshkent : Innovatsion rivojlanish nashriyot-matbaa uyi, 2020. 137-bet.
9. [www.stat.uz](http://www.stat.uz) – O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi statistika agentligining rasmiy sayti.

УЎТ 33.2769

Абдужалилова Гузал Сайдиллаевна,  
Мирзо Улугбек номидаги  
Ўзбекистон Миллий университети  
таянч докторанти (*PhD*)  
*abdujalilova\_g\_s@mail.ru*

**ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА САНОАТ  
ТАРМОГИ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИНинг СТАТИСТИК  
ТАҲЛИЛИ**

Абдужалилова Гузал Сайдиллаевна,  
Национальный университет Узбекистана  
имени Мирзо Улугбека  
докторант (*PhD*)  
*abdujalilova\_g\_s@mail.ru*

**СТАТИСТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ ЭКОНОМИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ  
ПРОМЫШЛЕННОСТИ В УСЛОВИЯХ МОДЕРНИЗАЦИИ ЭКОНОМИКИ**

*Abdujalilova Guzal Saydillaevna,  
PhD student of National  
University of Uzbekistan  
named after Mirzo Ulugbek  
abdujalilova\_g\_s@mail.ru*

**STATISTICAL ANALYSIS OF THE ECONOMIC DEVELOPMENT OF THE  
INDUSTRY IN THE CONDITIONS OF ECONOMIC MODERNIZATION**

**Аннотация.** Уибу мақолада Ўзбекистон Республикаси ва унинг ҳудудларида саноат тармоги иқтисодий ривожланишининг иқтисодий-статистик усуллардаги таҳлили, ҳудудларнинг саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришдаги ўрни, миллий иқтисодиётида уларнинг макроиқтисодий кўрсаткичларни ривожланишидаги аҳамияти, истиқболда саноат тармогини ривожланиши стратегиясининг, асосий йўналишлари ёритиб берилган.

**Таянч сўзлар:** саноат тармоги, миллий иқтисодиёти, макроиқтисодий кўрсаткичлар тизими, миллий ҳисоблар тизими, статистика, рақобат, ҳудудлар иқтисодиёти, иқтисодий-статистик таҳлил усуллари, ривожланиши стратегияси, баҳолаши, иқтисодиётини модернизациялаш.

**Аннотация.** В данной статье проведен экономико-статистический анализ развития промышленного сектора экономики Республики Узбекистан и ее регионов, роль регионов

*в производстве промышленной продукции, их значение в развитии макроэкономических показателей в национальной экономике. выделены стратегия и основные направления развития промышленного сектора в перспективе.*

**Ключевые слова:** сектор промышленность, национальная экономика, система макроэкономических показателей, система национальных счетов, статистика, конкуренция, региональная экономика, методы экономико-статистического анализа, стратегия развития, оценка, модернизация экономики.

**Annotation.** *This article provides an economic and statistical analysis of the development of the industrial sector of the economy of the Republic of Uzbekistan and its regions, the role of regions in the production of industrial products, their importance in the development of macroeconomic indicators in the national economy. the strategy and main directions for the development of the industrial sector in the future are highlighted.*

**Key words:** sector industry, national economy, system of macroeconomic indicators, system of national accounts, statistics, competition, regional economy, methods of economic and statistical analysis, development strategy, assessment, modernization of the economy.

### Кириш

Саноат республикамиз иқтисодиётининг етакчи тармоғи ҳисобланиб, ўзининг юқори қўшимча қиймат яратиши, ахоли ва иқтисодиётнинг турли соҳалари эҳтиёжини қондиришдаги ўрни ҳамда юксак даражага эга бўлган ишлаб чиқариш локомотиви бўлгандиги туфайли ўз афзаллиги билан бошқа тармоқлардан тубдан фарқ қиласди. Саноат моддий неъмат ишлаб чиқарадиган тармоқ бўлиб, унинг ривожланиши миллий иқтисодиётнинг барқарор суръатлар билан юксалишига олиб келади. Саноат соҳасида табиий бойликларни қазиб олиш ва ресурсларни қайта ишлаш, улардан янгидан-янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш, ассортимент ва номенклатуранинг кўпайиши ҳисобига диверсификациялашув жараёнлари такомиллашади.

### Мавзуга оид адабиётлар тахлили

Саноат тармоғини модернизация қилишнинг долзарблиги ва иқтисодиётни ривожлантиришда тутган ўрнининг ниҳоят даражада кенглиги билан доимий равишда тадқиқотчи олимларнинг дикқат марказида бўлган. Хусусан, мавзуу юзасидан хорижлик

олимлардан Ю.Родионов, Р.С.Портер, Д.Деверюкс, Б.Робертс, Р.Н.Нуреевлар илмий янгиликлар яратган бўлсалар, маҳаллий олимлардан Б.К.Ғойибназаров, А.Абдуҳамидов, У.Муҳитдинов, А.А.Ортиқов, Б.Т.Салимов, Х. Ишбунаева, Ш.Низомова, Э.Х.Маҳмудов, Х.Д.Хўжақулов, М.Исоқовлар бир қатор илмий тадқиқотлар олиб боришига муваффақ бўлишган.

Хусусан, М.П.Нарзиқулов “Саноатни ривожланиши стратегиясини ишлаб чиқиши жараённида асосий эътибор таркиби ўзгаришларга қаратилганлиги”га [6], А.Артиқов “Ўзбекистонда саноатни ривожлантиришнинг қатор имкониятлари, географик ва иқтисодий омиллари”га [9], Б.Т.Салимов “Саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг ҳудудлар бўйича қиёсий таҳлили ва уни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари”га [7], Э.Х.Маҳмудов “Саноат тармоқлари ривожланишига шароит яратишнинг стратегик йуналишлари биринчи навбатда бюджет, солиқ, пул-кредит, нарх ва валюта сиёсати каби воситаларни қамраб олган қулай макроиктисодий муҳитни яратиш”га [8], Х.Д.Хўжақулов “Иқтисодиёт барча тармоқларининг

мувафаққиятли ўсишининг гарови саноат тармоғининг ривожланиш даражаси суръатига боғлик”лигига [10] алоҳида тұхталиб ўтишган.

### Тадқиқот методологияси

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “2022–2026-йилларга мүлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тұғрисида”ги Фармонининг 22 мақсадида Миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш ва ялпі ички маҳсулотда саноат улушкини оширишга қаратилган саноат сиёсатини давом эттириб, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини 1,4 бараварга ошириш”[1] вазифаси белгилаб берилган. Чунки, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва диверсификациялаш иқтисодий хавфсизликни таъминлаш ҳамда мустаҳкамлашнинг муҳим шарты ҳисобланади. Шунга мувофиқ, изчиллик билан амалга оширилаётган истиқболли лойихалар туфайли миллий саноат салоҳияти тобора юксалиб бормоқда.

Тадқиқотда статистик таҳлил, қиёсий, тизимили ва динамик таҳлил, тизимили таҳлил, статистик гурухлаш, иқтисодий индекслар, вактли қаторлар, вариация кўрсаткичлари, статистик жадвал ва графиклар каби усуслар кўлланилган.

### Натижада мухокама

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йилнинг 24 январяда Олий Мажлисга Мурожаатномасида саноат тармоғи ҳақида тұхталиб, “...саноатнинг 12 та етакчи тармоғида модернизациялаш ва рақобатдошликни кучайтириш дастурлари жадал амалга оширилмоқда. Натижада ўтган йили иқтисодий ўсиш 5,6 фоизни ташкил этди. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 6,6 фоизга, экспорт

– 28 фоизга кўпайди. Олтин-валюта захираларимиз 2019 йил давомида 2,2 миллиард долларга ортиб, 28,6 миллиард долларга етди”[2]. Ҳисобот йилида ҳам мамлакатимизнинг иқтисодий ва ижтимоий соҳаларида мутаносибликка эришилгани, модернизация ҳамда диверсификация туфайли юқори суръатлар таъминланганини алоҳида қайд этгани бунинг яққол тасдидир.


Бугунги кунда саноатда маҳсулот ишлаб чиқариш даражаси ва самарадорлиги ўсишини тұхтовсиз таъминлаб туриш лозим. Чунки, бу биринчидан, республикамизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш қўламини кенгайишига, иккинчидан, аҳолининг турмуш шароитини яхшиланишига, учинчидан, республиканинг саноат маҳсулотлари бўйича экспорт салоҳиятини оширишга имкон беради.

Бу борада эса, ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, саноат мамлакатлар ижтимоий-иктисодий ривожланишида муҳим ўрин тутмоқда. Дарҳақиқат, бу жараён аҳолини иш билан таъминлаш, даромадларини ошириш имкониятини кенгайтиради, қишлоқ хўжалиги, ўрмончилик ва балиқчилик соҳалари, озиқ-овқат, енгил саноат тармоқларининг ривожланишига туртқи беради, меҳнат, молия ресурслари ва бошқа ресурслардан фойдаланиш самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатиб, пировард натижада мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини оширади.

Шу нұктай назардан келиб чиқиб, мамлакатимизда ва худудларда ишлаб чиқариладиган саноат маҳсулоти ҳажмини худудлараро ҳамда худудларнинг бу борадаги кўрсаткичларини мамлакатимиз кўрсаткичлари билан таққослаш орқали таҳлил қилиш, шунингдек, саноат маҳсулотининг аҳоли жон бошига тұғри келадиган миқдори динамикасини таҳлил этиш, худудлардаги устувор вазифаларни

ва ўсиш нуқталарини белгилаш долзарбидир.

Юқорида қайд этилган соҳалар ишлаб чиқаришни доимий равища модернизация қилиш ва илм-фан ютуқларидан кенг фойдаланишни тақозо этади. Шу боис саноат корхоналарига энг замонавий техника ва технологияларни жалб этиш бутунги кундаги устувор вазифалардан бири сифатида долзарблигича қолмоқда.




**1-расм. Иқтисодиёт тармоқларида фаолият юритаётган корхоналар сонининг ўзгариши, минг бирлик[5]**

1-расмдан қўришимиз мумкинки, мамлакатимиз миқёсида фаолият юритаётган корхоналар сони йиллар давомида барқарор ўсиб келмоқда. Унинг таркибида саноат корхоналар сонининг ҳам доимий ортиб келаётганини қўришимиз мумкин. 2014 йилда мамлакатимизда фаолият юритаётган корхоналар сони 241 мингтани ташкил қилган бўлса, 2021 йилда бу кўрсаткич 529 мингтага, саноат корхоналари сони эса, мос равища, 37 мингдан 91 мингтага етган.

Ўзбекистон Республикаси бўйича жами саноат ишлаб чиқариши ҳажмида худудлар улуши муҳим ўрин эгаллайди (1-жадвал).

**Ўзбекистон Республикаси бўйича жами саноат ишлаб чиқариши ҳажмида худудлар улуши (жамига нисбатан фоизда)[5].**

Худудлар	Йиллар							
	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021
Қорақалпогистон	2,0	2,4	3,8	4,6	4,6	3,9	3,9	3,8
Андижон	12,5	10,0	7,1	8,9	11,7	10,3	9,7	9,3
Бухоро	4,7	5,3	5,0	4,3	3,7	4,6	4,8	5,2
Жиззах	1,4	1,5	1,8	1,7	1,5	1,4	1,5	2,1
Кашқадарё	8,6	8,9	8,6	7,4	6,2	6,3	4,0	3,2
Навоий	9,8	9,5	9,5	8,8	9,7	13,8	17,7	15,9
Наманган	2,8	2,9	3,1	3,1	2,8	2,7	3,0	3,3
Самарқанд	5,9	6,2	6,7	6,2	5,7	4,9	4,9	5,7
Сурхондарё	1,9	2,0	2,0	1,6	1,4	1,3	1,5	1,6
Сирдарё	2,8	2,9	3,1	2,6	2,2	2,3	2,2	1,5
Тошкент	14,8	14,8	15,1	14,6	16,0	16,6	17,6	19,4
Фарғона	7,9	7,3	7,2	6,5	5,8	5,8	5,9	6,9
Хоразм	2,3	2,7	2,5	2,7	2,7	2,6	2,6	3,5
Тошкент ш.	18,4	19,5	21,0	20,5	18,4	16,4	18,2	18,7



**2-расм. Иқтисодий фаолият асосий турлари бўйича саноат ишлаб чиқаришнинг физик ҳажм индекси, %да [5]**

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2021 йилга келиб, жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмида энг кўп улуш Тошкент вилояти (19,4%), Тошкент шаҳрига (18,7%), Навоий (15,9 %), Андижон (9,3%) вилоятларига, энг паст улуш эса Сирдарё (1,5%), Сурхондарё (1,6%), Жizzах (2,1%) вилоятларида қайд этилган. Қолган худудларни улуси ўртача даражада: 3,2 % – 6,9 % оралиғида бўлган.

Қўйидаги расмда мамлакатимизда саноат тармоғининг асосий йўналишларидаги ўзгаришлар акс эттирилган бўлиб, бу ўзгаришлар соҳалароро ва йиллар мобайнидаги ўзгаришларга статистик баҳо бериш имконини яратади (2-расм).

#### 2-жадвал Аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган истеъмол товарлари, минг сўм [5]

Худудлар	Йиллар							
	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021
Қорақалпоғистон	399,6	591,4	603,4	660,8	977,9	1262,0	1474,7	1521,4
Андижон	2588,7	2482,7	1809,5	3298,5	7036,3	8452,4	8426,7	8017,8
Бухоро	978,4	1273,1	1440,9	1676,0	1947,5	2781,6	3427,9	4368,2
Жizzах	463,1	695,2	817,5	989,7	1360,6	1720,0	1856,1	2810,0
Қашқадарё	519,5	699,9	843,0	817,4	909,2	1201,1	1354,6	1382,3
Навоий	1226,0	1921,1	2287,2	2308,0	2603,0	3281,8	3845,3	4241,8
Наманган	558,7	813,6	918,4	1154,9	1517,0	2167,6	2181,0	2864,1
Самарқанд	931,6	1079,0	1404,1	1605,9	2087,6	2278,5	2984,8	3604,9
Сурхондарё	294,7	395,3	404,3	429,4	479,1	616,0	765,5	973,7
Сирдарё	1067,9	1448,5	1762,1	1873,5	2303,0	3389,1	2958,3	4275,8
Тошкент вил.	1389,8	1790,3	2222,9	2033,4	2674,0	3718,6	4431,7	6854,8
Фарғона	671,5	831,1	938,1	1041,3	1240,5	1941,1	1967,8	3049,1
Хоразм	677,6	1019,2	948,6	1325,8	2145,1	3065,2	3299,7	4501,2
Тошкент ш.	2702,2	3665,2	4857,7	5840,0	7172,7	8657,7	8371,7	12556,3
Ўзбекистон	<b>1101,1</b>	<b>1344,6</b>	<b>1515,1</b>	<b>1842,9</b>	<b>2534,1</b>	<b>8452,4</b>	<b>8426,7</b>	<b>4443,9</b>

Юқоридаги расмдан, иқтисодий фаолият асосий турлари сифатида саноат маҳсулот ҳажми ва унинг таркибий қисми бўлган тоғ-кон саноати ҳамда ишлаб чиқарадиган саноатларниң физик ҳажм индексини йиллар мобайнида ўзгариши турлича бўлганлигини кузатишимиз мумкин бўлади. Тоғ-кон саноатида 2018 йилда юқори ўсиш кузатилган бўлса, бу ўсиш 2020 йилда ўрганилаётган давр бўйича энг қуий даражага тушиб, 2021 йилда ўзини аввалги ҳолатига яқинлашган. Ишлаб чиқарадиган саноат ва бунинг таъсирида саноат маҳсулоти ҳажмида сезиларли даражада катта бўлмаган пасайиш ва тикланишларни кузатишимиз мумкин. Аҳамиятли жиҳати, бу икки кўрсаткич ўтган давр мобайнида доимий равишда 100 фоизли кўрсаткичдан юқори бўлган.

Ҳудудлар ва республика бўйича аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган истеъмол товарлари ҳақида маълумотлар 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал маълумотларига кўра, 2021-йилда аҳоли жон бошига ишлаб

чиқарилган истеъмол товарлари 4 та вилоятда юқори бўлган. Улар Тошкент шаҳри (12 556,3 минг сўм), Андижон (8017,8 минг сўм), Тошкент (6854,8 минг сўм) ва Хоразм (4501,2 минг сўм) вилоятларидир. Ўртача кўрсаткичга эга вилоятларга Бухоро, Сирдарё, Навоий, Самарқанд, Фарғона, Наманган вилоятлари киради. Уларнинг бу кўрсаткичлари 2864,1–4368,2 минг сўм оралиғида бўлган.

Бу борада паст кўрсаткич Қорақалпоғистон Республикаси (1521,4 минг сўм), Жizzах (2810,0 минг сўм), Қашқадарё (1382,3 минг сўм) ва Сурхондарё (973,7 минг сўм) вилоятларига тўғри келади.

Ишлаб чиқарадиган саноатда худудларнинг улуши уларнинг ихтисослашув даражасига баҳо бериш имконини беради. 2021 йил якунига кўра, энг юқори улуш Тошкент шаҳри (18,7%), Тошкент (19,4 %) ва Навоий (15,9 %) вилоятлари хисобига тўғри келган(3-расм) [5].



3-расм. Республика ишлаб чиқарадиган саноати таркибида худудларнинг улуши, %да[5]

Таҳлил натижалари орқали худудларни саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш даражаси бўйича учта гурухга, саноати юқори даражадаги ривожланган, ўртача ривожланган, паст ривожланган худудларга ажратдик. Саноати юқори ривожланган худудларга Тошкент шахри, Тошкент, Навоий, Андижон ва Қашқадарё вилоятлари; саноати ўртача ривожланган худудларга Самарқанд, Бухоро ва Фарғона вилоятлари, паст ривожланган худудларга Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Наманган, Сурхондарё, Сирдарё ва Хоразм вилоятлари киритилди. Бундай ҳолат ҳудудлар ўртасида бир қатор тафовутларнинг келиб чиқишига олиб келиши мумкин. Ушбу ривожланиш тенденцияси сақланиб қоладиган бўлса, ҳудудлардаги ижтимоий-иктисодий ривожланиш кўрсаткичлари ўртасидаги фарқ янада кескинлашади. Бунинг асосий сабаблари сифатида кўйидагиларни кўрсатиш мумкин: республикамиз аҳолисининг кўчишга мойил эмаслиги (иммобилность), аҳолининг саноати ривожланган худудларга кўчган қисмини иш билан таъминлаш орқали турмуш даражаси пасайшининг бирмунча олдини олиш мумкин бўлар эди.

Ўзбекистонда йиллар давомидаги ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотларининг физик ҳажми қўйидаги жадвалда келтирилган(3-жадвал).

Юқоридаги жадвалдан, 2022 йилда саноат ишлаб чиқаришнинг физик ҳажм индекси бутун саноат маҳсулоти, тоғкон саноати ва очиқ конларни ишлаш ҳамда ишлаб чиқарадиган саноат бўйича ижобий кўрсаткичларга эга бўлганлигини кўришимиз мумкин.

Саноатдаги таркибий ўзгаришлар куидаги йўналишларни босқичма-босқич амалга оширишни талаб этади:

- давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш орқали чинакам мулкдорлар синфини янада кўпайтириш;

- кичик тадбиркорлик улушкини ошириш орқали мажмууда ракобат муҳитини шакллантириш, мавжуд монопол корхоналар сонини имкон қадар тугатиш;

- аввалдан шаклланган, хом ашё етказиб беришга ихтисослашган тармоқлардан воз кечиш, уларнинг ўрнида тайёр маҳсулот тайёрловчи қувватларни барпо этиш;

- моддий (ер, капитал) ва шахсий инсоний (мехнат, тадбиркорлик) ресурслардан самарали фойдаланиш, шу орқали ишлаб чиқаришни инновацион йўл билан ривожлантириш;

- саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи субъектлар эркин фаолият юритиши учун давлат томонидан ҳам ижтимоий-иктисодий, ҳам хукуқий кафолатлар бериш;

### 3-жадвал

#### Ўзбекистонда 2010–2022-йилларда иктиносий фаолият тури бўйича саноат ишлаб чиқаришнинг физик ҳажм индекси, %да[5]

Кўрсат-кичлар	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021	2022
Саноат маҳсулоти	105,9	104,4	105,7	107,5	104,5	105,3	105,4	105,2	110,8	105,0	100,9	108,8	105,2
Тоғ-кон саноати ва очиқ конлар	94,8	98,5	108,8	96,6	93,2	102,9	100,8	117,6	126,5	99,4	78,0	110,8	102,1
Ишлаб чиқарии саноати	108,9	108,1	106,3	112,5	108,0	105,9	106,7	104,2	107,9	106,6	107,9	108,3	105,3

– хусусийлаштириш натижасида ташкил этилган саноат корхоналарига маълум давр давомида олдинги фаолиятини сақлаб қолиш талабидан воз кечиш. Бу эса ишлаб чиқарилган маҳсулот таркибини тубдан ўзгариши, талаб ва эҳтиёж катта бўлган, импорт маҳсулотлари билан рақобатлаша оладиган маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун янги имкониятлар яратади;

– жаҳон бозорига Ўзбекистон саноат маҳсулотлари кириб бориши учун замонавий хорижий фирмалар тажрибаси ва техника-технологияларини мамлакат саноатига жорий этиш, бунинг учун қулай инвестицион мухит яратиш;

– мавжуд ишлаб чиқариш тажрибалари, малакали кадрлар салоҳияти ва барча интеллектуал мулкни босқичмабосқич ривожлантириш;

– шаклланаётган бозор иқтисодиёти шароитида қўйилган мақсадларни мувафақиятли амалга оширишга йўналтирилган қарорларни иш фаолиятига изчил татбиқ этувчи кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш;

– ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириш учун молиявий қўллабкуватлаш манбалари томонидан имтиёзлар яратиш, молиявий маблағларни мақсадли йўналишларга жалб этиш.

Ўзбекистон саноат мажмуида қайта ишлаш тармоқларини ривожлантириш мақсадида кичик ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётдаги улушкини ошириш учун ишлаб чиқилган дастурлар самараси ҳамда жаҳон бозорида саноат маҳсулотларига, жумладан, озиқовқат, енгил ва машинасозлик саноатлари маҳсулотларига бўлган талабнинг ошиши пировард натижада саноат ишлаб чиқаришининг кўшимча ўсишига олиб келди.

Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш тузилмасига эътиборни қаратсак,

мустақилликнинг ўтган даврида ёқилғи-энергетика, металургия, машинасозлик ва метални қайта ишлаш тармоқлари юқори суръатлар билан ўсаётганини кўришимиз мумкин.

Машинасозлик, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноати ҳамда енгил саноатнинг йирик тармоқлари: ип йигирив ва тўқимачилик саноати сезиларли даражада, доимий юқори кўрсаткичларда ривожланишини таъминлашга қаратилган бозор ислоҳотларини тизимли равишда кенгайтириш, келгуси давр саноат мажмуидаги таркибий ўзгаришларнинг мухим устувор йўналишлари ҳисобланади.

Саноат тармоқларидаги ўсиш суръатлари мазкур тармоқларда яратилаётган маҳсулотларга бўлган ички ва ташқи талаб кўламига боғлик. Мамлакат аҳолисининг реал даромади ва харид қобилиятини янада оширишда истеъмол кредити тизимини кескин кенгайтириш ва такомиллаштириш саноат мажмуида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини оширувчи ички талаб улуши ошиши билан характерланади. Саноатда яратиладиган маҳсулотларга жаҳон бозоридаги баҳонинг қулай конъюнктурага эга бўлиши, халқаро иқтисодий интеграциянинг кучайиши саноат ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади ва ташқи омил таъсирининг ошиши билан тавсифланади.

Саноат мажмуида амалга оширилган таркибий ўзгаришларда давлатнинг солиқ-бюджет сиёсати, баҳо ва пул-кредит сиёсати, умуман, иқтисодиётни ислоҳ килиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида бир қатор ижобий силжишларга эришилди. Саноат корхоналарини ислоҳ қилиш, таркибий қайта тузиш, саноатда хусусий мулк улушкининг янада ошиши, тармоқ корхоналари бошқарувини бозор тамойиллари асосида шакллантириш

саноат ривожланишида муҳим роль ўйнайди.

### Хулоса

Олиб борилган таҳлил натижаларига кўра, ўтган давр мобайнида саноатдаги таркибий ўзгаришлар натижасида соҳанинг мамлакат иктисодиётидаги улуши, маҳсулот ишлаб чиқариш салоҳияти сезиларли даражада ошди. Лекин ҳали мамлакатимиз саноати ривожланиши учун мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланиляпти, деб бўлмайди. Бу жараён куйидаги омиллар билан боғлиқ:

- моддий хом ашё ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигининг паст даражада эканлиги;

- саноат мажмуига киритилган инвестициялар тармоқ маҳсулотлари экспорти салмоғининг ошишига етарли даражада хисса қўша олмаётганлиги, асосан ички бозор учун маҳсулот етказиб бериш билан чекланиши;

- саноат корхоналарида мавжуд асосий капиталнинг жисмоний ва маънавий жиҳатдан эскирганлиги, натижада маҳсулот яратишида таннархнинг юқори даражага чиқиб кетиши, сифат даражаси бўйича импорт маҳсулотлар сифати билан рақобатлаша олмаётганлиги, электр энергияси ва қўл меҳнатидан фойдаланиш қисқармаганлиги.

Бу каби муаммолар саноатда таркибий инвестицион сиёsatни янада такомиллаштириш юзасидан аниқ чоратадбирлар ишлаб чиқишини талаб этади. Шу билан бирга, мамлакат саноати ривожланишини таъминловчи куйидаги йўналишларни таклиф этамиз:

- инвестицион ва инновацион ишлаб чиқаришни ривожлантириш, кенг қўллами эҳтиёжларни қондиришга қаратилган, илмий асосланган лойиҳалар ишлаб чиқиш;

- корхоналарда инновацион салоҳиятни такомиллаштириш, илм ва юқори технология талаб қиласидаги янги корхоналар ташкил этиш ва импорт маҳсулотлари билан рақобатлаша оладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш;

- ривожланган мамлакатларнинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи замонавий техника-технологияларини импорт қилиш сиёsatини жадаллаштириш;

- саноатда хусусий тармоқ ва кичик тадбиркорлик улушини ошириш;

- диверсификациян фаолиятни такомиллаштириш, ички захира ва мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланишни таъминлаш;

- зарар кўриб ишлаётган, паст рентабелли корхоналарни истиқболи бўлмаса тугатиш, уларнинг ўрнига кичик саноат зоналарини ташкил этиш. Агар бу корхоналарни янги технологиялар асосида ёки хорижий инвесторлар билан ҳамкорликда ривожлантириш имконияти бўлса, уни қўллаб-куватлаш чорасини кўриш;

- ҳудудларнинг ресурс имкониятларидан келиб чиқиб, хорижий инвесторларни ҳудудга жалб қилиш, улар билан қўшма корхоналар куриш ишларига эътибор қаратилиши лозим.

Бугунги кунда ҳудудларда саноатни ривожлантиришнинг асосий омиллари куйидагилар бўлиши кўзда тутилмоқда:

- янги технологияга асосланган, рақобатбардош ва экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилган инвестицион лойиҳаларни ҳудуддаги кичик саноат зоналарига жалб қилиш;

- маҳаллийлаштириш дастури ва Халқаро саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси доирасида яратилган имтиёз ва преференциялардан кенг фойдаланиш;

- қурилиш материяллари индустриясини ривожлантириш;

- саноатни ривожлантиришда банк кредитлари таъсирчанлигини ошириш;
- саноатни ривожлантиришда қўшма корхоналарнинг улушини ошириш;
- маҳаллий хом ашёни қайта ишлаш;
- ишлаб чиқарилган маҳсулотлар экспорти кўламини кенгайтириш, кичик корхоналар маҳсулотларини экспортга йўналтиришга қўмаклашиш;
- йирик ва ўрта корхоналарни барча ҳудудлар шаҳарлари бўйича жойлаштиришга эътиборни каратиш. Қолган туман ва кичик шаҳарларда асосан кичик бизнес, хусусий

тадбиркорлик, кичик саноат зоналарини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, республикада амалга оширилган ва оширилаётган ислоҳотларнинг барчаси мамлакат макроиктисодий кўрсаткичларининг барқарорлигини ортиши билан бирга, аҳоли турмуш фаровонлиги кўрсаткичларига ҳам ижобий таъсир этмоқда ва уларнинг давом этирилишини даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 24 январь. [www.aza.uz](http://www.aza.uz)
3. Фойиназаров Б.К. Миллий ҳисоблар тизими – макроиктисодий таҳлил асоси. Монография. –Тошкент.: «ФАН», 2002. 125-б.
4. Симонова М.Д. Информационная база структурного анализа ОЭСР: отраслевые принципы в исследовании рынков товаров и услуг // Вестник МГИМО-Университета. 2015. № 3. С. 190–198; Симонова М.Д. Анализ развития информационной базы экономической глобализации на современном этапе // Вестник МГИМО-Университета. 2011. № 2. С. 182–187.
5. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланди.
6. М.П. Нарзикулов. Стратегия дальнейшего повышения конкурентоспособности национальной экономики: материалы. У-го Форума экономистов / отв.ред. Ташкент. Вакпа.Ргз /, 2012. С. 8.
7. Салимов Б.Т. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг ҳудудлар бўйича қиёсий таҳлили ва уни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 3, май-июнь, 2018 йил.
8. Маҳмудов Э.Х, Ортиқов А., Каримов Ф. Корхона иқтисодиётнинг асосий бўғини. / Ҳамкор. 2010 йил 7 февраль.
9. Артиков А.Саноат иқтисоди. Дарслик. Тошкент, ТДИУ, 2009. 236-б.
10. Хўжакулов Х.Д. Ўзбекистон иқтисодиётининг ривожланишида саноат ва бошка тармоқларнинг тутган ўрнини статистик баҳолаш. “Молия” илмий журнали. 2022 йил, 4-сон, 169–178-бетлар.

**УЎТ 330.33(5.01)**

**Абидов Абдужаббор Абдухамидович,**  
Тошкент давлат иқтисодиёт университети доценти  
*E-mail: [abidov53@list.ru](mailto:abidov53@list.ru)*

**РЕАЛ ВАҚТ ТИЗИМЛАР НОСОЗЛИКЛАРИ ДИАГНОСТИКАСИ  
ВА ИЛОВАЛАР ИШОНЧЛИЛИГИНИ БАҲОЛАШ**

**Абидов Абдужаббар Абдухамидович**  
доцент Ташкентского государственного  
экономического университета  
*E-mail: [abidov53@list.ru](mailto:abidov53@list.ru)*

**ДИАГНОСТИКА НЕИСПРАВНОСТЕЙ СИСТЕМ РЕАЛЬНОГО  
ВРЕМЕНИ И ОЦЕНКА НАДЕЖНОСТИ ПРОГРАММ**

**Abidov Abdujabbar Abdukhamidovich,**  
*Associate Professor, Tashkent State  
University of Economics*  
*E-mail: [abidov53@list.ru](mailto:abidov53@list.ru)*

**DIAGNOSTICS OF FAULTS OF THE REAL TIME SYSTEM AND  
PROGRAMS FOR EVALUATION OF IMPACTS**

**Аннотация.** Реал вакт тизимларининг ишончли шилдасига бўлган талаблар доимо юқори. Уларга бўлган эҳтиёж ошиб, ўз актуаллигини йўқотмайдиган муаммога айланган. Тақдим этилаётган мақола шу масалаларга багишланган ва носозликлар турлари, уларни диагностикаси ва бундай шароитда ишлайдиган дастурий таъминот ишончлилигини баҳолаши моделларининг таҳлили кўрилади.

**Таянч сўзлар:** реал вакт тизимлари, вакт моделлари, Марков занжиси, Пуассон тақсимоти, ахборот хавфсизлиги, дастурий таъминот ишончлилигини баҳолаши моделлари, носозликларга чидамли тизимлар, назоратни ташкил этиши усуслари.

**Аннотация.** Требования к надежной работе систем реального времени всегда высоки. Потребность в них возросла и стала проблемой, не теряющей своей актуальности. Представленная статья посвящена этим вопросам и рассматривает виды отказов, их диагностику, а также анализ моделей оценки надежности программного обеспечения, работающих в таких условиях.

**Ключевые слова:** Системы реального времени, временные модели, цепь Маркова, распределение Пуассона, информационная безопасность, модели оценки надежности программного обеспечения, отказоустойчивые системы, методы организации контроля.

**Annotation.** The need for reliable operation of a real-time system is very high. Necessity and the end of the century are still problematic without improving their relevance. This article is devoted to these issues and considers failure modes, ix diagnostics, as well as analysis of software reliability models operating in such conditionsx.

**Keywords:** Real-time systems, time models, Markov chain, Poisson distribution, information security, software reliability assessment models, fault-tolerant systems, control methods.

## Кириш

Дастурнинг ишончлилигини таъминлаш муаммоси, айниқса, реал вақт режимида ахборотни қайта ишлаш ва бошқаришнинг йирик тизимлари ва операцион тизимлар каби қайта ишлатиладиган йирик дастурий таъминот тизимларини яратишда долзарбdir. Бундай тизимларнинг ишончлилиги жуда катта, кўпинча имкон қадар юкори бўлиши керак. Уларнинг носозликлари (тўхтаб қолишилари) нафақат у ёки бу нарҳда ҳисобланган зарар билан бирга келади, балки ҳалокатли оқибатларга олиб келиши мумкин.

Аналитик моделни ўрганишга бўлган эҳтиёж сабаблари: коммутация узели дастурий таъминотини ўтказиш қобилиятига бузилишлар ва носозликлар таъсирини тадқиқ қилиш; турли хил хавф-хатарда даврий назоратни ишга тушириш оралигини бошқариш; тезкор ва даврий назорат ўтказиш ҳамда тиклаш туфайли самарадорликнинг ошиши ёки камайиши каби параметрларни аниқлаш масалаларини таҳлил қилишдир.

## Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили

Ишончлилик таҳлили 1960 йилларнинг бошидан бери қизғин тадқиқот мавзуси бўлиб келган. Бироқ, усулларнинг аксарияти дастурий таъминотни жорий этиш босқичида қўлланилган. Тизимни лойихалашнинг дастлабки босқичида ишончлиликни баҳолаш кўпроқ расмий усул ҳисобланади. Жадвал таҳлили асосида реал вақтда тизимнинг эҳтимоллик

модели ва вақт ҳусусияти таҳлилини яратади. У потенциал хавфсизлик таҳдидларини эрта аниқлади, шунинг учун тизимни лойихалаш босқичида қимматга тушадиган ўзгаришлар амалга оширилади. Бу соҳада адабиётлар мавжуд бўлиб, улар асосан вазифаларнинг устуворлиги ва хатога чидамли ҳолатда жавоб бериш вақти ўртасидаги муносабатларга бағишлиган.

Ишончлилик назариясининг асосий тушунча ва таърифларига [1] куйидагилардан иборат:

- ишчанлилик – техник ҳужжатлар талабларида ўрнатилган параметрлар билан объектнинг белгиланган вазифаларни бажариши;
- тўхтаб қолиш (носозлик) – ишчанлик издан чиқишига сабаб бўладиган воқеа;
- қайта тиклаш – тизим (объект) ни функционал бўлмаган ҳолатдан носозлики бартараф этгач, ишчанлиликка ўтиши;
- ўз-ўзини бартараф этиш носозлиги (бузилиш) – ташки аралашувсиз иш қобилиятини (ишчанлилигини) жуда тез тиклаш вазияти;
- тўхтамаслик – объектнинг маълум бир иш вақтида ёки маълум бир вақт давомида фаолиятини узлуксиз ушлаб турадиган ҳусусияти;
- носозлик – объектнинг норматив техник ҳужжатларда белгиланган талаблардан камида биттасига жавоб бермайдиган ҳолати;
- ишончлилик – белгиланган функцияларни бажариш қобилияти, белгиланган эксплуатация кўрсаткич-

ларнинг қийматларини белгиланган вақт давомида сақлаш, ўрнатилган режим ва фойдаланиш шартларига мос келиши киради.

Ушбу таърифлар ва тушунчалар ишончлилик назариясидан олинган ва улар одатда ишончли дастурий таъминот назариясида (ДТН) ҳам қабул қилинган. Фақатгина фарқ ДТН назариясида тикланиш муддатига кўра таснифланадиган «бузилиш» ва «тўхтаб қолиш» тушунчаларида ётади [2]. Бу чегара ажратиш вақтини белгилайди. Агар четлашиби чегара вақтидан кам вақт ичидаги тикланса, бузилиш деб ҳисобланади, акс ҳолда, бу тўхтаб қолиш (носозлик) деб ҳисобланади. Чегара вақтини танлаш, одатда, битта тўхтаб қолишни бартараф қилиш учун зарур бўлган максимал вақтга боғлиқ. Ўрганилаётган ҳар бир тизим учун ўзининг чегара вақти танланади [2]. Масалан, самолёт бортида агар тўхтаб қолиш бўлиб қолса, қайта тикланиш учун 1 секунддан кам чегаравий вақт танланади. Ахборот-маълумот тизимларини бошқариш учун тикланиш диапазони 10–100 секунд бўлиши мумкин.

### Тадқиқот методологияси

Илмий мақолада кўтарилиган муаммони атлофлича таҳлил қилиш, таҳлил натижаларини тизимлаштириш асосида илмий асосланган хуоса ва тавсиялар ишлаб чиқишида индукция ва дедукция, таққослаш, адабиётлар шархи, миқдор ва сифат кўрсаткичларини ҳисоблаш, мақсадли ривожлантириш каби усуслардан фойдаланилди.

Тадқиқот методологияси дастурий таъминот ишончлилик концепцияси, хавф-хатардан сақланиш учун назоратларни ташкил этиш вақти ва муддатларини оптималлаштириш, самарали ишлаши соҳасидаги замонамизнинг етук

олимларининг нашрларида акс эттирилган янги билимлар, илмий ютуқлар тамоийлари билан белгиланади.

Ушбу илмий ишда мантиқий, қиёсий, иқтисодий ва математик таҳлил усуслари кўлланилган.

### Натижа ва муҳокама

Куйидаги ишлардаги [2,3,4] реал вақт тизимида дастурий таъминот фаолияти пайтида юзага келадиган хатоларнинг сабабларини аниқлаш учун тадқиқот натижалари тақдим этилган.

Ушбу тадқиқотлар натижалари дастурий таъминотга таъсир қилувчи уч турдаги омилларни ажратиб олиш: дастурни бажариш динамикаси, дастурни куриш тузилиши, назорат сифати дастурни тиклашга имкон беради.

Биринчи гурӯҳ билан боғлиқ носозликлар сабаблари куйидагилар [2]:

- ташки абонентлардан олинган асл маълумотларнинг бузилиши;
- ахборот тизимининг аппаратидаги носозликлар;
- дастур пакетидаги аниқланмаган хатолар.

Ташки абонентлардан олинган маълумотларнинг бузилишига куйидагилар сабаб бўлади:

- бирламчи сақлаш воситаларидағи маълумотларни бузиш;
- телекод маълумотларини киритиш, қабул қилиш ва узатиш қурилмасидаги бузилишлар ва қисман тўхтаб қолишлар (носозликлар);
- ахборот тизимининг чекланган буфер қурилмасида сақлашдаги хабарларни йўқотиш ёки бузиш;
- маълумотларни тайёрлаш учун ишлатиладиган хужжатлардаги хатолар.

Компьютер тизимининг аппаратидаги бузилишлар туфайли битта процессорли компьютерлар учун ўртача ишламай

қолиш вақти (тўхтаб қолиш) юзлаб соатларда ўлчанади ва бузилишлар эса тез-тез учрайди (ўртacha соатига бир марта) [2]. Кўпгина бузилишлар аппаратни назоратлаш воситалари томонидан аниқланади ва тузатилади, аммо бу бузилишлар аниқлангунча улар реал вақтдаги тизимларнинг дастурий таъминотини ишдан чиқариши мумкин, баъзи носозликлар эса умуман аниқланмайди. Бундай носозликлар тасодифий вақтларда содир бўлади ва уларнинг такрорланишини кузатиш деярли мумкин эмас. Натижада уларни рўйхатга олиш ва ўрганиш амалга оширилмайди. Ушбу носозликлар дастурларда кўплаб асоссиз циклик қайташлар ва бузилишларни келтириб чиқаради. Носозликларни хисобга олиш зарурати [5] кўрсатилган, бу ерда бузилишлар компьютер тизимидағи носозликларнинг 90 фоизини ташкил килади.

Умуман олганда, ўртacha компьютер (секундига 100 минг операция) тезлиги билан ихтиёрий операция  $10^7$ – $10^8$  га яқин эҳтимоллик билан хато кўрсатади деб тахмин қилинади.

Ушбу маълумотларга асосланиб, дастурний таъминот узелининг ишонччилигига таъсири қиласидан хатоларнинг сабабларини келтириш мумкин:

- коммутация узели дастурний таъминотида аниқланмаган хатолар;
- алоқа тракти ва линияларидаги носозликлар туфайли ташкил маълумотларнинг бузилиши;
- коммутация узели учун дастурний таъминот кодларидаги бузилишлар;
- хисоблаш тизими аппаратидаги (RAM-хотира, процессор) носозликлар туфайли узелдаги ички маълумотларнинг бузилиши.

Бузилишлар ва тўхтаб қолишларнинг биринчи сабаби коммутация узелининг дастурий таъминотини созлаш (отладка) босқичида ёки синов жараёнида аниқланади ва бартараф қилинади. Ушбу босқичда тестлаштириш ёрдамида трактлар ва линиялардаги хатоларни ҳам аниқлаш мумкин. Бу имконият коммутация узелининг дастурний таъминотида дастлабки юклаш пайтида ва ўтказувчанликнинг пасайиши ҳолатида инобатга олинади. Дастур сақланишини назорат қилиш хотирада дастур ёзуви асл стандартга мос келишини таъминлайди [2]. Бирламчи назорат одатда дастур кодларини кўшиб, олинган микдорларни олдиндан тайёрланган назорат қийматлари билан таққослаш орқали амалга оширилади. Хулоса қилиш учун қўшиш буйруқларидан фойдаланишнинг турли хил мантиқлари қўлланилиши мумкин, аммо одатий корреляция қилинган хатолар аниқланishi керак, масалан, бир хил битнинг бузилиши кўрилаётган дастур матни кодларида.

Код суммасини дастур қисмлари бўйича ажратиш текширишнинг ишонччилигини оширишга ва агар бузилиш бўлса, дастурнинг стандартга мос келмайдиган қисмини локализация қилишга имкон беради. Ташки хотирави хисоблаш тизимида дастур сақлаш ташки мухитнинг бошқа курилмасида бир хил дастурларни ўз ичига олган дубликатлар билан таққослаш орқали сўзма-сўз текширишга имкон беради. Таққослаш дастур матнининг этalon вариантидан четга чиқишини локализация қилиш учун сумманинг бузилиши аниқланганда амалга оширилади.

Бироқ, дастур сақланишини назорат қилишни оператив (тезкор) амалга ошириш керак [2], бу етарлича вақтни талаб қиласиди. Шунинг учун, ушбу тадқиқотнинг асоси оператив хотирада

сақланадиган коммутация узелининг маълумотлар майдонида юзага келадиган хатоларни таҳлил қилишдир.

Шу муносабат билан ҳисоблаш тизими аппаратидаги носозликлар туфайли ички маълумотларда юзага келадиган хатоларни бартараф этиш воситаларини ишлаб чиқиш керак.

Мазкур ишда реал вақт тизимлари дастурий таъминот маълумотлари соҳасидаги бузилишларни аниқлаш ва бартараф қилиш усуллари ҳақида умумий маълумот берилади. Кейин эса, дастурий таъминотнинг ишончлилиги моделларини таҳлили баён қилинади.

Дастурий таъминотнинг ишончлилигини оширишга мўлжалланган усуллар икки гурухга бўлинади: хатоларнинг олдин олиш усуллари ва хато рўй бергандан кейин дастурий таъминотни тиклаш учун ишлатиладиган усуллар [4]. Биринчи гурух усулларига куйидагилар киради: тузилмали дастурлаш, дастур тўғрилигини исботлаш, муҳим дастур модулларини текшириш (верификация). Иккинчи тоифага – дастурий таъминотнинг нормал ҳолатини аниқлаш, диагностика қилиш ва тиклаш усуллари киради.

Ушбу тадқикот ишида коммутация узели дастурий таъминотининг эксплуатацион ишончлилигини ошириш масалалари кўрилади ва иккинчи гурухда саналган усуллар билан боғлиқ ишлар таҳлил қилинади.

Реал вақт тизимларида ишончлиликини оширишнинг навбатдаги босқичи дастурий таъминотни диагностика қилишдадир. У ҳар қандай зарар даражасини ва тегишли тузатишлар ҳамда тўлиқ тиклаш учун бузилиш сабаби эҳтимолини аниқлаб беради [3,4].

Диагностика босқичида, мумкин бўлган хатолар, уларнинг сабаблари ва носозлик даражасига қараб қўлланиладиган тиклаш усулларидан

иборат диагностика [6] луғатидан (жадвалидан) фойдаланадилар.

Умуман олганда, ташхис уч босқичда амалга оширилади [6]:

1. Хатонинг жиддийлиги ва унинг тизим элементлари ва қайта ишланадиган маълумотларга таъсирини баҳолаш.

2. Батафсил маълумотларни таҳлил қилиш ва зарарни тўлиқ даражада аниқлаш ва хатолар сабабларини ошкор қилиш учун аниқ баҳолаш.

3. Диагностик луғатдан фойдаланиш.

Шу билан бирга, дастурий таъминот пакетлари бўлган тизимларда [7], тўхташ ва хатоларни тузатиш вақти қатъий чегарага эга бўлмаганда, дастлабки 2 босқич ишлатилади ва реал вақт тизимларида учинчи босқич қўлланилади [6].

Бундай луғатларни яратишнинг икки усули мавжуд. Биринчидан, тизимни ишга туширишдан олдин ҳисоблаш тизимининг мумкин бўлган носозликлари кетма-кетлиги яратилади ва уларнинг белгилари ушбу луғатларга киритилади. Иккинчидан, тизим ишга туширилгандан сўнг, юзага келадиган ҳар қандай носозликлар, уларнинг белгилари ва уларни тузатиш бўйича ҳаракатлар луғатга кўшилади.

Диагностика босқичида бир қатор ишлар [8,9] дастурний таъминотни тестлаштириш (тестлаш диагностикаси) ни таклиф қиласди.

Иккита таниқли тестлаш стратегияси: тизимли ва функционал орасида иккинчиси компьютер тармоғи дастурларини тестлаш учун энг мақбул ҳисобланади. Функционал тестлаш кириш ва чиқиш трактларининг маълумотлари аниқ бўлганда ҳисоблаш тизимининг иловаларини тўғри ишлашини таъминлайди ва тизимли тест билан таккослаганда дастурларнинг мантикий тузилишини билиш талаб қилинмайди.

Диагностика усулларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, диагностика луғатини амалга оширишнинг мураккаблиги тестга нисбатан анча оз. Бунинг сабаби шундаки, битта хато сабабини ташхис қилиш, текширишда тестлар сони ўнлаб бўлиши мумкин, диагностика жадвалидаги битта носозлик оқибати эса битта сатрни эгаллади.

Якуний босқичда дастурлар иш ҳолатига қайтарилади. Агар вақтни тақсимлаш тизимларида аниқлаш ва локализация қилиш билан чекланилса, ушбу ёндашув реал вақт тизимларида мақбул бўлмаслиги мумкин, бу ерда тизимнинг бузилиши минимал ўрнатилган вақт ичидаги содир бўлиши керак. Шундай қилиб, тикланиш босқичи реал вақт тизимининг мухим қисмидир.

Хозирги вақтда дастурий таъминотнинг ишончлилигини баҳолаш учун жуда кўп моделлар мавжуд. Ушбу моделлар дастур яратишнинг турли босқичларида ишончлиликни баҳолашга имкон беради.

Лойиҳалаш ва дастурий маҳсулотни созлаш босқичида қўлланиладиган ишончлилик моделлари баҳолаш моделлари, эксплуатация босқичида эса ишончлиликни ўлчаш ва башорат қилиш моделлари сифатида тавсифланади.

Биринчи моделлар – дастурий таъминот ишончлилигини баҳолаш ёки вақт оралиги моделлари [10] ишончлилик назариясига асосланади, дастурий таъминотда носозликлар юзага келиш ва тарқалиши эҳтимоли тўғрисидаги баъзи тахминлардан фойдаланган. Бундай моделларнинг классик намуналари Желински-Моранда, Шик-Вельвертон ва Гоэль-Окимото моделларидир [2, 11].

Ушбу моделларда ишончлилик кўрсаткичлари тестлашлан олдин, синов пайтида ва ундан кейин қолган

дастурлардаги хатолар сони билан боғлиқ. Бундай кўрсаткичлар синов тугаган вақтни кўрсатиши, дастурий таъминотга бўлган ишонч даражасини ва техник хизмат кўрсатиш ишларининг нархини баҳолаши мумкин, аммо улар фаолиятнинг эксплуатацион кўрсаткичларига эмас, балки фақат дастурий таъминотни ишлаб чиқиши технологиясига тегишили [12].

Ўлчов моделлари юқоридаги моделлардан фарқ қиласи, чунки улар носозликлар интенсив даражаси ва хатолар сони тўғрисида тахминий маълумотга асосланмай, мустаҳкам статистик пойдеворга қурилган. Ушбу моделларга Милсс ва Nelson моделлари киради.

Милсс модели [13] да, Nelson модели эса ўзининг амалий татбиқлари билан [14] да келтирилган.

Таърифланган моделлардан фарқли ўлароқ, Марков занжирлари назариясига асосланган модель [15,16] ишончлиликни башорат қилиш учун ишлатилади . Марков модели тизим «соз» ва «носоз» ҳолатлар кетма-кетлигидан ўтади ва носозликлар юз бериш вақти Пуассон тақсимотига бўйсунади деган фаразга асосланади.

Компьютер дастурларининг ишончлилиги кафолатланиши керак, аммо ҳозирги вақтда бу ишончлиликни аниқ ўлчаб бўлмайди, деган фикрда, Терриволи [17] таъкидлашича, моделларнинг хеч бири қониқарли натижа бермайди, чунки уларнинг барчаси аппарат ва дастурний таъминот ўртасидаги функционал фарқларни бутунлай эътиборсиз колдиради.

Шнейвинд томонидан таклиф қилинган ёндашув [18] шуни кўрсатадики, ҳар бир дастур ва уни бажаришнинг ўзига хос шартлари ўзининг ишончлилик моделига эга бўлиши керак. Айнан Шнейвинд 19 та дастурдаги хатолар бир

турдаги эҳтимоллик тақсимотига тўғри келмаслигини аниқлади.

Литтлевуд фикрича [12], мавжуд моделлар дастурни созлаш ўлчови бўлиб хизмат қилиши мумкин, аммо фойдаланувчини созлаш даражаси эмас, балки дастурнинг бажарилиши (яъни ушбу дастурда қолган хатолар сони) билан қизиқади.

Юқорида келтирилган, баъзи тадқиқотларда узлуксиз ва дискрет Марков занжирлари асосида ишлаш жараёнини баҳолаш моделлари таклиф этилади.

Узлуксиз Марков занжирига асосланаб, у ишламай қолиш, тикланиш ва нормал ҳолатга ўтишнинг интенсивлиги маълум бўлган ҳолат учун курилган.

Бошқа модель дискрет Марков занжирларига асосланган ва аввалгисидан фарқли ўлароқ, юқорида айтиб ўтилган ўтишларнинг эҳтимоллигини тақдим этишин талаб қиласди.

## Хулоса

Реал вақт тизимида фаолият кўрсатадиган дастурий таъминотнинг ишончлилигини баҳолашни қуидаги босқичларда: дастурий таъминотни созлаш, лойиҳалаш ва эксплуатация қилишда ҳисобга олиш ва ҳар бирини алоҳида масала деб кўриш даркор.

Шу билан бирга, тармоқ вазифаларини ўз ичига олган оммавий хизмат тизимлари дастурий таъминотини баҳолашда улар унчалик мос эмас [19]. Тўғри келмаслик сабаби: улар навбатларда пакетларнинг туриб қолиши эҳтимолликларини, яъни коммутация узелининг ишлаш кўрсаткичларига таъсирини ҳисобга олмайдилар. Шу муносабат билан коммутация узели дастурий таъминотнинг ишончлилигини баҳолаш учун навбатларни бошқариш, иловаларнинг тайёрлик даражаси ва юкланиш қувватини ҳисобга олиш зарур бўлади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Беляев Ю.К, Богатырев В.А., Болотин В.В. и др. /Под ред. И.А. Ушакова. Надежность технических систем. Справочник. – М.: Радио и связь, 1985. – 600 с.
2. Липаев В.В. Надежность программных средств. – М.: СИНТЕГ, 1998. – 425 с.
3. Soi I.M., Gopal K. Some aspects of reliabl software packages. –“Microelectronics and reliability”, 1979, v.19, №4, pp.376-386.
4. Soi I.M. Aggarval K.K. Computer-cjvvunication network reliability: trends and issues. -“Microelectronics and reliability”, 1981, v.21, №1, pp.75-79.
5. Wall J.F., Ferguson P.A. Progmatice software reliability prodiction. “Proc. 1977. Annuel Reliability on maintainability Sumposium”, N.Y., 1977, pp.485-488.
6. Morgan D.E., Taylor D.J. A survey of methods of achiwing reliable sofware. “Computer”, 1977, v.10, №2, pp.44-53.
7. Головкин Б.Л. Надежное программное обеспечение. // Зарубежная радиоэлектроника, 1978, № 12. – С.3-61.
8. Ю. Гласс Р. Руководство по надежному программированию. – М.: Финансы и статистика, 1982. – 280 с.
9. Майерс Г. Искусство тестирования программ. – М.: Финансы и статистика, 1982.
10. Барзилович К.Ю., Беляев Ю.К., Каштанов В.А. и др. Вопросы математической теории падежности. /Под ред. Б.В. Гнеденко. – М.: Радио и связь, 1983.–376 с.

11. Schick G.J. Walverton R.W. An analysis of competing software reliability models. –IEEE trans. on software eng. V.SE-4, No-2, march 1978.
12. Littlwood B. Theories of software reliability: how good are they and how can they be improved? –IEEE trans on software eng., v.5, №5, 1980, pp.485-500.
13. Майерс Г. Надежность программного обеспечения. – М.: Мир, 1980. –360 с.
14. Тейер Т., Липов М., Нельсон З. Надежность программного обеспечения. – М.: Мир, 1981. – 325 с.
15. Shooman M.L., Trivedi A.K. A many-state Markov model for estimation and Prediction of computer software performance parameters, Int. Con. on Reliable sofware, 1975, Los Angelos, pp. 208-220.
16. Диллон Б., Сингх Ч. Инженерные методы обеспечения надежности систем. – М.: Мир, 1984. – 318 с.
17. Terrovoli G. Strument per il testing dei prodotti software. –Rivista di informatica, 1980, v.10, № 2, pp.145-176.
18. Schneidewind N.F. An approach to software reliability prediction and quality control. – Proc. Of the 1972. Fall joint computer conf. montvall, N.Y.: AFIPS Press, 1972, pp.837-847.
19. Абидов А.А. Качество и отказоустойчивость реально функционирующих систем. “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” (Economics and Innovative Technologies) ilmiy elektron jurnali 2022й. Maxcyc сон. <http://iqtisodiyot.tsue.uz/jurnali>

**УО‘Т 677/339.13**

**Ziyayeva Shahlo Shoakbar qizi,**  
*Toshkent moliya instituti “Menejment va marketing”  
kafedrasи o‘qituvchisi  
Email: [shaxlo.t.u@gmail.com](mailto:shaxlo.t.u@gmail.com)*

## **ТИКУВ-ТРИКОТАЈ КОРХОНALARINING BRENД JOZIBADORLIGINI MARKETING STRATEGIYALARI ASOSIDA OSHIRISH**

**Зияева Шахло Шоакбар кизи,**  
*Ташкентский финансовый институт  
преподаватель кафедры Менеджмент и маркетинг»  
Email: [shaxlo.t.u@gmail.com](mailto:shaxlo.t.u@gmail.com)*

## **ПОВЫШЕНИЕ ПРИВЛЕКАТЕЛЬНОСТИ БРЕНДА ШВЕЙНО- ТРИКОТАЖНЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ НА ОСНОВЕ МАРКЕТИНГОВЫХ СТРАТЕГИЙ**

**Ziyayeva Shahlo Shoakbar qizi,**  
*Tashkent institute of Finance  
teacher at the Department of “Management and Marketing”  
Email: [shaxlo.t.u@gmail.com](mailto:shaxlo.t.u@gmail.com)*

## **INCREASING BRAND ATTRACTIVENESS OF SEWING AND KNITTING ENTERPRISES BASED ON MARKETING STRATEGIES**

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada tikuvchilik va trikotaj korxonalari faoliyatida marketing strategiyalari asosida brend jozibadorligini oshirishga qaratilgan brend jozibadorligi muhimligini va brendning jozibadorligini oshirish uchun ishlatalishi mumkin bo‘lgan brend joylashuvni, brendni farqlash, brend hikoyasi va raqamli marketing kabi turli marketing strategiyalari yoritib berilgan va muhokama qilingan.

**Tayanch so‘zlar:** brend jozibadorligi, marketing strategiyalari, brend tasviri, brend shaxsiyati, brend aloqasi, brendni joylashtirish, brendni farqlash, brend hikoyalari, raqamli marketing, raqobat ustunligi, mijozlarning sodiqligi, SEO.

**Аннотация.** В этой статье подчеркивается и обсуждается важность привлекательности бренда на основе маркетинговых стратегий в сфере производства одежды и трикотажа, а также различных маркетинговых стратегий, таких как позиционирование бренда, дифференциация бренда, история бренда и цифровой маркетинг, которые можно использовать для повышения привлекательности бренда.

**Ключевые слова:** привлекательность бренда, маркетинговые стратегии, имидж бренда, индивидуальность бренда, коммуникация бренда, позиционирование

бренда, дифференциация бренда, истории бренда, цифровой маркетинг, конкурентное преимущество, лояльность клиентов, SEO.

**Annotation.** This article highlights and discusses the importance of brand appeal based on apparel and knitwear marketing strategies as well as various marketing strategies such as brand positioning, brand differentiation, brand story and digital marketing that can be used to increase brand appeal.

**Keywords:** brand appeal, marketing strategies, brand image, brand personality, brand communication, brand positioning, brand differentiation, brand stories, digital marketing, competitive advantage, customer loyalty, SEO.

## Kirish

So‘nggi yillarda tikuvchilik va trikotaj sanoati qayta tiklandi, ko‘proq odamlar o‘zlarining kiyim-kechak va aksessuarlarini yaratish quvonch va mammuniyatini qayta kashf etdilar. Biroq, bozorda raqobat kuchayganligi sababli, tikuvchilik va trikotaj korxonalari potensial mijozlar e’tiborini jalb qilish uchun o‘zlarining brend jozibadorligini oshirishga e’tibor qaratishlariga to‘g‘ri kelmoqda. Bunga mahsulot va xizmatlarining o‘ziga xos xususiyatlari va afzalliklarini ta’kidlaydigan samarali marketing strategiyalari orqali erishish mumkin.

Bugungi raqobatbardosh biznes muhitida brendning jozibadorligi mijozlarning e’tiborini jalb qilish va sodiqligini hal qiluvchi omilga aylandi. Jozibador, tegishli va ishonchli deb qabul qilingan brendning bozorda muvaffaqiyat qozonish ehtimoli ko‘proq.

Brend jozibadorligiga erishish uchun korxonalar maqsadli auditoriya va bozor dinamikasiga mos keladigan samarali marketing strategiyalarini amalga oshirishlari kerak. Ushbu maqolada biz brendning jozibadorligini oshiradigan va biznes muvaffaqiyatiga olib keladigan asosiy marketing strategiyalarini o‘rganamiz. Aniq brend identifikatorini aniqlash va yetkazish, maqsadli auditoriyani tushunish va ular bilan bog‘lanish, raqamli marketing kanallaridan foydalanish, mijozlar tajribasiga e’tibor

qaratish, jozibali brend hikoyasini yaratish, ta’sir o‘tkazuvchilar yoki brend elchilari bilan hamkorlik qilishgacha, har bir strategiya brend jozibadorligini oshirishda hal qiluvchi rol o‘ynaydi.

Brendning jozibadorligi – bu brend, mahsulot yoki xizmatning qabul qilingan qiymatini oshirish va maqsadli auditoriya o‘rtasida xabardorlikni oshirish uchun sotuvchilar tomonidan qo‘llaniladigan texnika va strategiyalar to‘plami. Brendni boshqarishga yo‘naltirilganlar reklama, marketing kampaniyalarini, mahsulotni ishlab chiqish va qadoqlashni yaratishi mumkin. Brend menejmenti brendni joylashtirish, maqsadli mijozlar, brendni idrok etish va brend imidji nuqtayi nazaridan strategiklashtirish va baholash bilan shug‘ullanadigan konsepsiadir. Brendni boshqarish uchun kompaniya mijozlar orasida yaxshi obro‘ga ega bo‘lishi kerak.

Brend menejmentining asosiy maqsadi mahsulot va xizmat brend sifati va jozibadorligiga urg‘u berishini ta’minlashdir.

## Mavzuga oid adabiyotlar sharhi

«Brend» atamasi bir nechta ma’noga ega: marka, belgi, tamg‘a, nav, shuningdek, savdo markasi, fabrika markasi, mulkdorning belgisi va h.k. Bundan tashqari, turli mualliflar brendga yoki bu jihatlarini ajratib ko‘rsatgan holda turli nuqtayi nazardan ta’rif beradi.

Amerikalik olim F.Kotler fikriga ko‘ra, brend bu – nom, atama, belgi yoki

dizayn (yoxud barcha bu tushunchalarning kombinatsiyasi) bo‘lib, alohida olingan ishlab chiqaruvchi (yoki ishlab chiqaruvchilar guruhi) tovari yoki xizmatining belgilangan turini anglatadi va uni boshqa ishlab chiqaruvchilarning tovar xizmatlari orasida ajratib turadi. [1]

Brend jozibadorligi tushunchasi marketing va brending sohasida katta e’tibor qozondi. Brendning jozibadorligi iste’molchilar tomonidan brendning umumiy idrokini, shu jumladan, uning vizual jozibasi, hissiy aloqasi va ularning ehtiyojlari va istaklariga mos kelishini anglatadi (Hagtvedt, 2018). [2] Tadqiqotlar shuni ko‘rsatdiki, jozibador brendlari iste’molchilar e’tiborini jalb qilish, brendga sodiqlikni shakllantirish va bozorda raqobatdosh ustunlikka ega bo‘lish ehtimoli yuqori (Hagtvedt, 2018; Keller, 2019) [3].

Brend jozibadorligini oshirishning asosiy omillaridan biri – bu aniq belgilangan brend identifikatoridir. Brend identifikatori brend nomi, logotip, shior, ranglar palitrasи va brend shaxsiyati kabi elementlarni o‘z ichiga oladi, ular birgalikda noyob va esda qolarli brend imidjini yaratadi (Kapferer, 2018) [4]. Tadqiqotlar shuni ko‘rsatdiki, barcha marketing kanallari bo‘ylab izchil va izchil brend identifikatori brendning jozibadorligi va iste’molchilarning brendni idrok etishiga sezilarli ta’sir ko‘rsatishi mumkin. Misol uchun, Aaker (2014) [5] tomonidan olib borilgan tadqiqot shuni ko‘rsatdiki, aniq belgilangan brend identifikatori va izchil vizual elementlarga ega brendlari iste’molchilar tomonidan yanada jozibali va ishonchli deb qabul qilinadi.

Maqsadli auditoriyani tushunish va ular bilan bog‘lanish brendning jozibadorligini oshirishning yana bir muhim jihatidir. Tadqiqotlar shuni ko‘rsatdiki, o‘zlarining maqsadli auditoriyasi bilan hissiy jihatdan bog‘lana oladigan brendlari jozibali deb qabul qilinadi va brendga sodiqlikni yaratadi

(Vallas, 2016) [6]. Bozor tadqiqotlarini o‘tkazish, mijozlar ma’lumotlarini tahlil qilish va mijozlarning fikr-mulohazalarini tinglash maqsadli auditoriyaning motivatsiyasi, afzalliklari va xatti-harakatlari haqida ma’lumot berishi mumkin, keyinchalik ular marketing xabarlari va mahsulot takliflarini ularning ehtiyojlarini qondirish uchun moslashtirish uchun ishlatilishi mumkin. Masalan, Vallas tomonidan o‘tkazilgan tadqiqot shuni ko‘rsatdiki, o‘zlarining maqsadli auditoriyasi bilan o‘zar bog‘liq va haqiqiy marketing kommunikatsiyalari orqali hissiy aloqa o‘rnatishga qodir bo‘lgan brendlari yanada jozibali va ishonchli deb qabul qilinadi.

Raqamli marketing kanallari brend jozibadorligini oshirishda kuchli vosita sifatida ham paydo bo‘ldi. Tadqiqotlar shuni ko‘rsatdiki, ijtimoiy media, SEO, kontent marketingi, elektron pochta marketingi va onlayn reklama kabi raqamli kanallardan foydalanan brendning ko‘rinishi, mijozlarning ishtirosi va brendni idrok etishiga sezilarli ta’sir ko‘rsatishi mumkin (Kotler va boshq., 2019; Liang & Huang, 2018) [7]. Misol uchun, Liang va Huang tomonidan olib borilgan tadqiqot shuni ko‘rsatdiki, mijozlar bilan muloqot qilish, qimmatli kontentni almashish va brend atrofida hamjamiyat yaratish uchun ijtimoiy mediadan samarali foydalangan korxonalar iste’molchilar tomonidan yanada jozibali va dolzarbroq deb qabul qilinadi.

Mijozlarning tajribasi brend jozibadorligini oshirishning yana bir hal qiluvchi omilidir. Mijozlarga g‘ayrioddiy xizmat ko‘rsatish, shaxsiy o‘zaro munosabatlarni taklif qilish va mijozlar bilan bog‘liq muammolarni tezda hal qilish ijobji brend assotsiatisiyasini yaratishi va brendga sodiqlikni oshirishi mumkin. Olimlar tomonidan olib borilgan tadqiqotlar natijasida shu narsa aniq bo‘ldiki, mijozlar bilan o‘zaro munosabatlarni samarali boshqarish

uchun CRM tizimlari va vositalariga sarmoya kiritadigan korxonalar brendning jozibadorligini oshirish va mijozlarning sodiqligini qozonish ehtimoli ko‘proq (Kapferer, 2018) [8]. Masalan, Kapferer tomonidan olib borilgan tadqiqot shuni ko‘rsatdiki, uzlusiz va yoqimli mijozlar tajribasini taqdim etgan brendlar yanada jozibali va ishonchli deb qabul qilinadi.

### Tadqiqot metodologiyasi

Tikuv-trikotaj korxonalarida marketing strategiyalari asosida brend jozibadorligini oshirishning tadqiqot metodologiyasi quyidagi bosqichlarni o‘z ichiga oladi:

- tadqiqot loyihasi;
- namuna olish;
- ma’lumotlarni tahlil qilish;
- natijalar va topilmalar;
- cheklovlar va kelajakdagи tadqiqotlar;
- axloqiy mulohazalar.

Ishonchli ma’lumotlarning to‘planishi va tahlil qilinishi korxona uchun yangi natijalar va topilmalarni beradi va brend jozibadorligini anada ortishiga sababchi bo‘ladi. Muhokama:

Xulosalarning ishonchliligi va asosliligini ta’minalash uchun tadqiqot metodologiyasini diqqat bilan rejalashtirish va amalga oshirish muhimdir.

Tadqiqotning axloqiy oqibatlari va cheklovlarini hisobga olish tadqiqotning yaxlitligi va ishonchliligini ta’minalash uchun juda muhimdir.

### Natija va muhokama

Olingan tadqiqot metodologiyasi asosida tikuvchilik va trikotaj korxonalar brend jozibadorligini oshirish uchun foydalanishi mumkin bo‘lgan bir nechta asosiy marketing strategiyalarini ko‘rsatib o‘tish mumkin:

1. Noyob qiymat taklifini aniqlash va e’lon qilish: tikuvchilik va trikotaj korxonalar uchun o‘zlarining noyob qiymat


takliflarini aniq belgilash va potensial mijozlarga yetkazish juda muhimdir. Bu ekologik toza materiallardan foydalanish, moslashtirilgan dizaynlarni taklif qilish, mijozlarga mukammal xizmat ko‘rsatish yoki ijtimoiy mas’uliyatni oshirish kabi omillarni o‘z ichiga olishi mumkin.

Tikuvchilik va trikotaj korxonalar marketing materiallarida ushu noyob xususiyatlarni ajratib ko‘rsatish orqali o‘zlarini raqobatchillardan ajratib olishlari va o‘zgacha, o‘ziga xos narsalarni qidirayotgan mijozlarni jalg qilishlari mumkin.

2. Kuchli onlayn mayjudlikni yaratish: Bugungi raqamli asrda kuchli onlayn mayjudligi har qanday biznes uchun juda muhimdir. Tikuvchilik va trikotaj korxonalar o‘z mahsulotlari, xizmatlari va brend tarixini namoyish qiluvchi foydalanuvchilarga qulay veb-sayt yaratishga sarmoya kiritishlari kerak.

Shuningdek, ular mijozlar bilan muloqot qilish, yangilanishlarni almashish va mahsulotlarini targ‘ib qilish uchun faol ijtimoiy media profillarini saqlashlari lozim. Bundan tashqari, ular o‘z mahsulotlarini onlayn sotish va kengroq auditoriyaga kirishni kengaytirish uchun elektron tijorat platformalaridan foydalanishlari mumkin.

3. “Influencer marketingi”dan foydalanish: Tikuvchilik va trikotaj sohasidagi korxonalar kuchli tajribaga ega bo‘lgan nufuzli bloggerlar, vloggerlar va ijtimoiy media ta’sirchanlari bilan hamkorlik qilishlari mumkin. Ushbu ta’sir o‘tkazuvchilar brendni va uning mahsulotlarini sharhlar, qo’llanmalar va namoyishlar orqali targ‘ib qilishlari mumkin, bu brend xabardorligini oshirishga va ko‘proq mijozlarni jalg qilishga yordam beradi. Haqiqiy va samarali hamkorlikni ta’minalash uchun brend qadriyatlari va maqsadli auditoriyaga mos keladigan ta’sir o‘tkazuvchilarni diqqat bilan tanlash muhimdir.



**1-rasm. Tikuv-trikotaj korxonalarida brend jozibadorligini oshirish afzalliklari<sup>1</sup>**

<sup>1</sup> Muallif ishlansasi.

4. Jozibador tarkibni taklif qilish: Qimmatli va jozibador tarkibni yaratish mijozlarni jalb qilish va ushlab turish uchun kuchli marketing strategiyasidir.

Tikuvchilik va trikotaj korxonalari tikuvchilik va trikotaj bilan bog'liq foydali maslahatlar, ilhom va g'oyalarni taqdim etadigan informatsion bloglar, qo'llanmalar, videolar va ijtimoiy media postlarini yaratishi mumkin. Bu brendni sohadagi mutaxassis sifatida joylashtirishi va potensial mijozlar bilan ishonchni mustahkamlashi mumkin. Mijozlarning sharhlari kabi foydalanuvchi tomonidan yaratilgan kontentni rag'batlantirish ham brenda ishonchlilik va haqiqiylikni qo'shishi mumkin.

5. Mijozlarga mukammal xizmat ko'rsatishni ta'minlash: Istisno – mijozlarga xizmat ko'rsatish brendning jozibadorligiga sezilarli ta'sir ko'rsatishi mumkin.

Tikuvchilik va trikotaj korxonalari elektron pochta, telefon va ijtimoiy tarmoqlar kabi turli kanallar orqali mijozlarga tezkor va moslashtirilgan xizmat ko'rsatishni birinchi o'ringa qo'yishlari kerak. Mijozlarning so'rovlariga javob berish, shikoyatlarni ko'rib chiqish va muammolarni o'z vaqtida va qoniqarli tarzda hal qilish mijozlar bilan ijobiy munosabatlarni rivojlantirishi va biznes hamda og'zaki murojaatlarning takrorlanishiga olib kelishi mumkin.

6. Tadbirlar va hamkorlikda ishtirot etish: Tikuvchilik va trikotaj korxonalari mahalliy tadbirlarda, hunarmandchilik yarmarkalarida va ko'rgazmalarda ishtirot etib, o'z mahsulotlarini namoyish etishlari va potensial mijozlar bilan bevosita muloqot qilishlari mumkin. Ular, shuningdek, qo'shma tadbirlar, seminarlar yoki aksiyalarni o'tkazish uchun sanoatdag'i boshqa

korxonalar yoki tashkilotlar bilan hamkorlik qilishlari mumkin. Bunday hamkorlik brendning qamrovini kengaytirishi, shovshuv ko‘tarishi va yangi mijozlarni jalb qilishi mumkin.

7. Rag‘batlantirish va sodiqlik dasturlarini taklif qilish: Rag‘batlantirish va sodiqlik dasturlarini taklif qilish takroriy xaridlarni rag‘batlantirishi va mijozlarning sodiqligini oshirishi mumkin. Tikuvchilik va trikotaj korxonalari takroriy xaridlarni amalga oshiradigan yoki yangi mijozlarni taklif qilgan mijozlarga chegirmalar, aksiyalar yoki mukofotlar taklif qilishlari mumkin. Bu mijozlarni raqobatchilardan ko‘ra brendni tanlashga undashi va sodiqlik va tegishlilik tuyg‘usini yaratishi mumkin.

Xulosa qilib aytadigan bo‘lsak, tikuvchilik va trikotaj korxonalari uchun brend jozibadorligini oshirish noyob qiymat taklifini aniqlash, kuchli onlayn mavjudlikni yaratish, ta’sirchan marketingdan foydalanish, jozibali kontentni taklif qilish, mijozlarga mukammal xizmat ko‘rsatish, tadbirlar va hamkorlikda ishtirok etishni, shuningdek, rag‘batlantirish va sodiqlik dasturlarini taklif qilish kabilarni o‘z ichiga olgan har tomonlama marketing strategiyasini talab qiladi. Ushbu strategiyalarni amalga oshirish orqali tikuvchilik va trikotaj korxonalari rivojlanishi mumkin.

### Xulosa

Samarali marketing strategiyalari asosida brend jozibadorligini oshirish O‘zbekistondagi yoki boshqa bozordagi tikuvchilik va trikotaj korxonalarining bugungi raqobatbardosh biznes muhitida gullab-yashnashi uchun juda muhimdir.

Keng qamrovlidagi adabiyotlarni o‘rganish va yaxshi ishlab chiqilgan tadqiqot metodologiyasi orqali ushbu maqola brend jozibadorligining ahamiyati va unga erishishda marketing strategiyalarining rolini o‘rganib chiqdi.

Adabiyotlarni ko‘rib chiqishda brendning jozibadorligi bilan bog‘liq asosiy tushunchalar va nazariyalar, jumladan, brend imidji, brend shaxsiyati, brend aloqasi va mijozlar idrokining brend jozibadorligiga ta’siri yoritilgan. Tikuvchilik va trikotaj sanoatida brend jozibadorligini oshirishning samarali vositalari sifatida brendni joylashtirish, brendni farqlash, brend hikoyalari va raqamli marketing kabi turli marketing strategiyalari muhokama qilindi.

Tadqiqot metodologiyasi ushbu mavzu bo‘yicha empirik tadqiqotlar o‘tkazish bosqichlarini, jumladan, tadqiqot dizayni, ma’lumotlarni to‘plash, namuna olish, ma’lumotlarni tahlil qilish va topilmalarni sharhlashni belgilab berdi. Tadqiqot metodologiyasini puxta rejalashtirish va amalga oshirish orqali O‘zbekiston va undan tashqarida tikuvchilik va trikotaj korxonalarining brend jozibadorligini oshirish borasidagi sa’y-harakatlarini yo‘naltirish uchun qimmatli fikrlar va tavsiyalar ishlab chiqilishi mumkin.

Xulosa qilib aytganda, kuchli va jozibali brend tikuvchilik va trikotaj korxonalarini raqobatdosh ustunlik bilan ta’minalashi, mijozlarning sodiqligini oshirishi va biznes muvaffaqiyatini oshirishi mumkin. Brend imidji, shaxsiyati va muloqotiga mos keladigan samarali marketing strategiyalarini amalga oshirish brendning jozibadorligini sezilarli darajada oshirishi va mijozlarning idrokiga ijobjiy ta’sir ko‘rsatishi mumkin. Tikuvchilik va trikotaj korxonalari maqsadli auditoriyaning o‘zgaruvchan ehtiyojlari va afzalliklarini qondirish va bozorda raqobatbardosh bo‘lib qolish uchun marketing strategiyalarini doimiy ravishda baholash, takomillashtirish va moslashtirish juda muhimdir.

Umuman olganda, ushbu maqolada keltirilgan fikr va mulohazalar O‘zbekistondagi tikuvchilik va trikotaj korxonalari yoki samarali marketing

strategiyalari orqali o‘z brendining jozibadorligini oshirishga intilayotgan boshqa bozorlar uchun qimmatli manba bo‘lib xizmat qilishi mumkin. Olingan ma’lumotlardan foydalangan holda, tikuvchilik va trikotaj korxonalar o‘zlarining brend qarashlariga

mos keladigan, maqsadli auditoriya bilan rezonanslashadigan va oxir-oqibat sanoatdagi uzoq muddatli muvaffaqiyatlariga hissa qo‘shadigan marketing strategiyalarini ishlab chiqishlari va amalga oshirishlari mumkin.

### **FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI**

1. Котлер Ф., Вонг В., Армстронг Г. Основы маркетинга. М.: Вильямс, 2010. с. 115.
2. Hagtvedt, H. (2018). The Psychology of Brand Attractiveness. Routledge.
3. Keller, K.L. (2019). Strategic Brand Management: Building, Measuring, and Managing Brand Equity. Pearson.
4. Kapferer, J.N. (2018). The New Strategic Brand Management: Advanced Insights and Strategic Thinking. Kogan Page.
5. Aaker, D.A. (2014). Brand Relevance: Making Competitors Irrelevant. Jossey-Bass.
6. Vallas, E. (2016). Emotional Branding: How Successful Brands Gain the Irrational Edge. Kogan Page.
7. Liang, X., & Huang, L. (2018). Digital Marketing Strategies for Fashion and Luxury Brands. Springer.
8. Kapferer, J.N. (2018). The New Strategic Brand Management: Advanced Insights and Strategic Thinking. Kogan Page.

УЎТ 339.13/677

**Базарова Файёза Тухтамуродовна,  
Тошкент молия институти,  
“Менежмент ва маркетинг” кафедраси доценти**

## **ТҮҚИМАЧИЛИК САНОАТИ КОРХОНАЛАРИ МАРКЕТИНГ ФАОЛИЯТИДА МИЛЛИЙ БРЕНДНИ БОШҚАРИШ УСУЛЛАРИ**

**Базарова Файёза Тухтамуродовна  
Ташкентский финансовый институт, доцент кафедры  
“Менеджмент и маркетинг”**

## **МЕТОДЫ УПРАВЛЕНИЯ НАЦИОНАЛЬНЫМИ БРЕНДАМИ В МАРКЕТИНГОВОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ПРЕДПРИЯТИЙ ТЕКСТИЛЬНОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ**

**Bazarova Fayyoza Tuxtamurodovna,  
Tashkent institute of Finance,  
Department of “Management and Marketing”  
Associate Professor**

## **METHODS OF NATIONAL BRAND MANAGEMENT IN THE MARKETING ACTIVITY OF TEXTILE INDUSTRY ENTERPRISES**

**Аннотация.** Мақолада түқимачилек саноатининг ҳозирги ҳолати ва ўсиши истиқболлари, соҳа маҳсулотларини миллий бренд даражасида бўлиши ва хориж йирик бозорларига чиқарши учун маҳсулот сифатининг барча техник ижтимоий-иктисодий кўрсаткичларга жавоб берниши зарурлиги, маркетинг инструментларидан фойдаланишининг аҳамияти, брендни бошқарши усуллари ҳақида илмий хуносалар ва таклифлар баён этилган.

**Таянч сўзлар:** түқимачилек саноати, рақобатбардошлик, товар, мижоз, инновацион маҳсулот, истеъмолчи, бозор, баҳолаши, брендни бошқарши, маркетинг фаолияти.

**Аннотация.** В статье описаны современное состояние и перспективы развития текстильной отрасли, научные выводы и предложения о необходимости вывода продукции отрасли на уровень национального бренда и соответствие качества продукции всем социально-техническим и экономическим показателям, важность использование маркетинговых инструментов, методов управления брендом.

**Ключевые слова:** Текстильная промышленность, конкурентоспособность, бренд, потребитель, инновационный продукт, потребитель, рынок, оценка, бренд-менеджмент, маркетинговая деятельность.

**Annotation.** The article describes the current situation and growth prospects of the textile industry, scientific conclusions and suggestions about the need for the industry's products to be at the level of a national brand and product quality to meet all socio-technical and economic indicators, the importance of using marketing instruments, brand management methods.

**Keywords:** Textile industry, competitive, brand, customer, innovative product, consumer, market, evaluation, brand management, marketing activities.

## Кириш

Рақобатли бозор муносабатлари шароитида корхоналарда маркетинг бошқарувини ривожлантиришнинг асосий сабабларидан бири, бу глобал бизнес – жараёнларининг мураккаблашуви бўлиб, унда ишлаб чиқаришнинг кўлами ва ҳажмининг ортиб бориши, янги тармоқларнинг вужудга келиши, товар турларининг кўпайиши ва тадбиркорлар ўртасида маҳсулотни сотиш муаммосини вужудга келишидир. Ушбу муаммоларни ҳал этишда корхоналар маркетинг фаолиятининг асосий обьектлари ҳисобланган бозор, товар, хизмат, баҳо, товар ҳаракати, реклама, сотиш, уни рағбатлантириш кабилар доирасида стратегиялар ишлаб чиқади. Бугунги замонавий маркетинг мижозларни эгаллашни, уларни кўпайтиришни, эски мижозларни ортга қайтаришни, товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни бевосита бозор имкониятларини ҳисобга олган ҳамда уларга мослашган ҳолда амалга оширишни талаб қилади. Бунинг учун корхоналар бугунги кунда замонавий маркетинг инструментлари ва тамойилларидан фойдаланиб, истеъмолчи (мижоз)га қаратилган анъанавий ҳамда рақамили технологияларга асосланган мақсадли тадқиқот тадбирлари ўтказиш, таҳлил қилиш, баҳолаш ва уларнинг натижаларига мувофиқ, ишлаб чиқариш ва сотиш фаолиятини ташкил этиш орқали узок муддатли, юкори даражали фойда олиши мақсадларига эришиши мумкин.

Замонавий маркетингнинг асосий тамойиллари қўйидагилардан иборат:

1. Бозорни ўрганиш ва иқтисодий конъюнктура.

2. Бозор сегментацияси.

3. Ишлаб чиқаришни тезкорлик ҳаракати.

4. Инновация.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, тўқимачилик корхоналари ҳам маркетинг инструментларидан оқилона фойдаланиши мақсадга мувофиқдир.

Тўқимачилик саноатининг ҳозирги ҳолати ва ўсишистиқболлари ҳукуматимиз олдиғаги энг долзарб масалалардандир. Айнан шу соҳага доир давлат томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар, мамлакатда яратилаётган шарт-шароитлар, имкониятлар, ҳуқуқий асослар, жумладан, кўплаб қарорларнинг қабул қилиниши негизида тўқимачилик саноатининг жадал ривожланишини таъминлаш ётади. Бу борада Президентимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Эркин бозор механизмларини жорий қилиш, соғлом рақобат ва хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш, тадбиркорликни қўллаб-куватлаш Конституцияда алоҳида ўрин эгаллайди. 2023 йилда тайёр маҳсулотлар экспортини қўшимча 4 миллиард долларга ошириш, экспорт қилувчиларга транспорт ва бошқа ҳаражатларини компенсация қилиш, Евropa бозорларига текстиль, электр техникаси, чарм-пойабзал ва бошқа тайёр маҳсулотлар экспортини камида 2 баробар оширишни давом эттириш, маҳсулотлар экспорти бўйича 9 та босқичдан иборат божхона расмийлаштируванини 3 баробар қисқартириш, жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш бўйича асосий музокараларни

якунлаб, ички қонунчиликни мослаштириш, янги стандартларни жорий этиш ишларини жадаллаштириш, 2023 йилда экспорт ҳажми тарихимизда илк бор 23 миллиард доллардан орттириш асосий максад қилиб белгиланди [1].

Товар ва истеъмолчилар ўртасида тўғри йўлга кўйилган муносабатлар ўзаро келишув битимларининг харажатларини сезиларли даражада камайтиришга имкон беради. Шу сабабли ҳам мижозлар билан тўлақонли муносабатларни ўрнатиш тўқимачилик саноати корхоналарига маҳсулотларининг юкори сифатли ва истеъмолчини жалб қила оладиган ўзига хос дизайн, ички бозорни арzon харидоргир маҳсулотлар билан тўлдириш имкониятига эришиши баробарида уларнинг жаҳон бозорида рақобатбардошлигини оширишига ҳам ёрдам беради.

#### **Мавзуга оид адабиётлар шархи**

Маркетинг фаолиятида брендлар масалалари хорижий адабиётларда соҳа мутахассислари томонидан кенг ўрганилган, бироқ миллий доирада нисбатан яқиндан буён ўрганиб келинаётган илмий йўналишлардан бири ҳисобланади.

Хорижлик олимларнинг миллий брендларни шакллантириш, бошқариш ва самарали фойдаланишга бағишенган илмий асарлари бугунги кунда ушбу йўналишда нафакат назарий асос сифатида, балки жаҳон миқёсида корхоналар учун амалий кўлланма сифатида фойдаланиб келинмоқда. Жумладан, хорижлик олимлар ва мутахассислардан Д.Траут, Ф.Котлер, Жеймс Р.Грегор, Д.Алессандро, К.Бондорф, Ж.Бенеке, Ж.Бэзос, Д.Аакер, В.Домнин ва бошқаларнинг асарларида брендларнинг корхона мувваффақиятида тутган ўрни ва аҳамияти атрофлича таҳлил қилинган.

Юқорида таъкидлаганимиздек, миллий брендларни шаклланиш жараёнлари, бошқариш ва самарали фойдаланиш масалалари миллий иқтисодиётимиз учун нисбатан янги жараён ҳисобланиб, тор доирадаги миллий олим ва мутахассисларнинг маркетинг фаолиятига бағишенган илмий асарлари доирасида ўрганиб келинмоқда. Жумладан, Ш.Эргашходжаева, М.Юсупов, Э.Набиев, Ф.Қосимова ва бошқаларнинг асарларини таъкидлаш мумкин.

Илмий ва маҳсус адабиётларда бренд тушунчасига бир қанча таърифлар берилган. Бренд (ingl.) сўзи – соддалаштирилган ва тор маънода муайян маҳсулотнинг хусусий номини унинг яратувчи ижодкори ва эгалик килувчи соҳиби томонидан берилган индивидуал характеристикаси ва визуал идентификациясини англатади.

Америкалик олим, Ф.Котлер фикрига кўра, бренд бу – ном, атама, белги ёки дизайн (ёхуд барча бу тушунчаларнинг комбинацияси) бўлиб, алоҳида олинган ишлаб чиқарувчи товари ёки хизматининг белгиланган турини англатади ва уни бошқа ишлаб чиқарувчиларнинг товар хизматлари орасида ажратиб туради [2].

Жеф Бэзос фикрига кўра, “Компания учун бренд, инсон обрўсига ўхшайди. Сиз кийин ишларни яхши бажариш учун обрў қозонасиз”.

Д. Траут эса қуйидагича таъриф беради: “Бренд бу – яхши гоя ва истеъмолчилар онгига кириб бориши”.

Жеймс Р. Грегорнинг “Leveraging the Corporate Brand” китобида таъкидланишича, “Бренд – бу нарса, маҳсулот, компания ёки ташкилот эмас. Брендлар ҳақиқий дунёда мавжуд эмас – улар аклий конструкциялардир. Брендни инсоннинг тажрибаси, бирор нарса, маҳсулот, компания ёки ташкилотни қабул қилиши йигиндиси сифатида энг

яхши тасвирлаш мумкин. Брендлар онг ёки муайян одамлар, жамият шаклида мавжуд бўлади.”

John Hancock компаниясининг топ менежери Д.Алессандро “Brand Warfare:10 Rules for Building the Killer Brand” китобида “Бренд реклама ёки маркетингдан кўпроқ нарсани англатади. Одам маҳсулот логотипини кўрганида ёки унинг номини эшитганда у ҳакида ўйлайдиган нарса айнан ўша”, деб таърифлайди. “Бренд” сўзи сотувчининг маҳсулотлари ва хизматларини ифодалайдиган ном, белги ёки символни англатади.

Линдби бизнес коллежи профессори Карл Бондорффнинг “Модели и инструменты маркетинга” асарида ёзилган фикрига кўра, “Бренд – рақобатчилардан фарқланиш мақсадида аниқ сотувчи ёки сотувчилар гурухининг товарлари ва хизматларини белгилаш учун қўлланадиган соз, ифода, белги, символ, дизайнерлик иши ёки уларнинг комбинациясидир. Бренд – аниқ бир ишлаб чиқарувчининг товарлари ёки хизматларини идентификация қилиш, шунингдек, уни рақобатчилар маҳсулотидан ажратиш учун мўлжалланган ном, термин, символ, расм ёки шу элементларнинг комбинациясидир”.

Бренд – маҳсулот хусусиятлари: унинг номи, қадофи, нархи, тарихи, обрў - эътибори, реклама қилиш усулининг йиғиндисидир. Бренд - бу харидорда товардан фойдалангандан кейин қоладиган таассуротларнинг комплексидир [3].

Бренд – маркетинг соҳасидаги янги инновацион маҳсулот ёки хизматни англатувчи атама; ҳар қандай ишлаб чиқарувчи ёки маҳсулотнинг машҳур, осон таниладиган ва конун билан ҳимояланган рамзидир [4].

Дунёга машҳур брендинг гуруси Д. Аакернинг “Как обойти конкурентов. Создаем сильный бренд” китобида бренднинг долзарблиги ва унинг кучини белгилайдиган хусусиятлар, олдинга сиљиши учун имкониятлари, тўсиклари, ракобат бозорида етакчи брендга айланиш учун қандай курашиш ва уни қандай енгиш кераклигини, шу билан бирга, IKEA, Zara, H&M, Toyota, Yamaha каби етакчи рақобатчи компаниялар мисолида, муаллиф сегментда хукмронлик қилувчи брендга нисбатан сизни товарингизни қандай бренд қилишни маслаҳат ва кўрсатма беради.

Брендларни яратиша унинг индивидуаллик хусусиятлари муҳим ўрин тутади [5]. Бренднинг индивидуаллик хусусиятлари қўйидагилардир:

Хорижлик олим Д.Аакер фикри бўйича: 1. Бренд имиджи; 2. Бренд позицияси; 3. Ташки келажаги; 4. Товарнинг асосий сифат белгиларини фиксациялаш. Бренднинг индивидуаллик хусусиятлари.

Шунингдек, В.Домнин фикри бўйича: 5. Брендни позициялаш; 6. Марканинг индивидуаллиги; 7. Бренднинг қийматлилиги; 8. Сифатнинг қабул қилиниши; 9. Бренд ассоциациялари; 10. Бренд моҳияти [6].

Бунда Д.Аакер ва В.Домниннинг қарашлари алоҳида эътиборга молик.

### Тадқиқот методологияси

Мақолада давлат тўқимачилик саноати корхоналари ҳамда хусусий тўқимачилик тузилмаларининг замонавий муаммолари ва истикболларига бағишлиланган нашрлари ва шарҳлари тадқиқот учун асос бўлди. Ўзбекистонда тўқимачилик саноати корхоналари маркетинг фаолиятида миллий брендни

ривожлантириш, бошқаришга оид назарий манбаларни ўрганиш, статистик таҳлил, тизимили ёндашув, гурухлаш усулларидан фойдаланилди.

### Натика ва муҳокама

Бренд қўйидагиларда ёрдам беради:

1. Товарни идентификация қилиш, яъни товар ишлатилиши билан юз танилиши керак.

2. Рақобатчилар маҳсулотларидан дифференциациялаш (ажралиб туриши), яъни маҳсулотни умумий массадан ажратиш.

Брендингни брендни яратиш ва ривожлантириш жараёни сифатида ҳам ифодалаш мумкин. Бренд устида ишлашнинг асосий ва зарур қадамлари бўлиб ўтиши зарур:

- ғояни кузатиш;
- бозорни ўрганиш;
- маркетингни ташкил этиш;
- ихтиро қилинган товар ишлаб чиқариш;
- реклама компаниясини киритиш;
- товарни аниқлаш;
- маҳсулот ишлаб чиқаришни назорат қилиш;
- сотишни ташкил этиш;
- товар маҳсулотларининг рентабеллигини назорат қилиш.

Бундан ташқари, ушбу тушунча янги брендни ривожлантириш ҳамда мавжуд брендни ўзгартиришни ҳам англатиши мумкин.

Бренд шакллантиришнинг асосий босқичлари қўйидагилардан иборат.

- бренд стратегиясини ишлаб чиқиш;
- рақобатчи брендларни таҳлил қилиш;
- ушбу брендни бошқалардан ажратиб турадиган хусусиятларни таҳлил қилиш;
- брендни аниқлаш концепциясини ишлаб чиқиш;

– брендни тавсифловчи ва уни бошқа маркалардан ажратиб турадиган белгиларнинг шаклланиши;

- бренд образини шакллантириш;
- брендни жойлаштириш;
- бренд белгисини яратиш;
- истеъмолчилар билан бренд муносабатларини шакллантириш.

Брендингнинг асосий босқичлари:

- бозор ҳолатини таҳлил қилиш, мақсадли аудитория (брэндинг ҳозирги ҳолати, агар у аллакачон яратилган бўлса);
- режалаштириш (брэндинг моҳиятини шакллантириш, жойлашишни аниqlаш);
- брендни бошқариш стратегиясини ишлаб чиқиш);
- брендни яратиш (визуал ва оғзаки идентификация қилиш тизимини яратиш;
- товар имиджини яратиш;
- товар хужжатлари тўпламини яратиш;
- брендни илгари суриш (истеъмолчилар ва бренд ўртасида мустаҳкам алоқани яратиш учун ўрнатилган маркетинг коммуникацияларидан фойдаланиш);
- бренд мониторинги ва иш фаолиятини баҳолаш.

Бренд шакллантиришда қўйидаги талабларга амал қилиш керак:

- соддалиги – товар ҳақидаги маълумот; оддий, тушунарли, аниқ бўлиши керак
- аҳамиятлилик – товар хабари истеъмолчиларнинг эҳтиёжлари, истаклари ва истакларига мос келиши керак;
- Фарқлар – товар таркибидаги ушбу маҳсулотнинг ўхшаш хусусиятлардан асосий фарқловчи хусусиятлари аниқ акс эттирилиши керак;
- доимийлик – узоқ вақт давомида истеъмолчиларнинг барқарор ривожланиши учун товар позициясини ўзгартирмаслик керак.

– Шундай қилиб, брендга содиқлик истеъмолчига:

– шахсиятини акс эттирувчи танловини сақлаш;

– маҳсулотни танлаш жараёнини осон ва ёқимли қилиш;

– ўз ҳаётига тартиб ва катъийликни олиб келиш.

Бренд белгиси – бу истеъмолчи томонидан маҳсулот ёки хизматнинг яхлит ва изланадиган имиджини яратишга қаратилган кетма-кет чоралар мажмуудир. Брендинг – бу “бозор муносабатларига асосланган замонавий жамиятнинг янги маданий тили”. “Бренд билдинг (Brand building)” – брендни яратиш. Брендинг – бу брендни яратиш ва ривожлантиришнинг ҳақиқий жараёни, маҳсулотни фарқлашнинг асосий усули, бозорда маҳсулотни илгари суринш ва истеъмолчилар билан боғлиқ бўлган товарларга хос бўлган қадриятлар асосида узоқ муддатли муносабатларни яратиш воситаси. Қисқаси брендинг – бу брендни бошқариш.

Маҳсулот рақобатбардошлигини оширишда қадоқ, фирма белгиси, атрибуллар ва яна бир қанча муҳим омиллар борки, улардаги кичик камчилик ёки хато ҳам маҳсулотнинг муваффакиятсизлигига сабаб бўлиши мумкин. Қадоқлаш – маркетингнинг асосий элементларидан биридир. Кўпгина олимлар маркетинг комплексининг тўлдирувчилари: товар, нарх, тарқатиш ва юргизишдан кейинги бешинчи қисми деб хисоблашади. Маркетологлар пухта тузилган режа ва стратегиялари орқали бренд компаниясига халқаро даражада нуфуз яратиш йўлларини излаб топмоқда.

Мижозларнинг афзалликлари ва эҳтиёжларига мос равища ўзгартирилмаслиги бренднинг ўлимига олиб келиши мумкин. Яхши умумий бренд бошқаруви сизнинг бизнесингизни

ривожлантиришга ёрдам беради ва кучли бренд ҳимоячиларига эга бўлади. Брендни бошқариш компанияларга ўз брендни ва маҳсулотларини яратишга ёрдам берадиган муҳим маркетинг стратегиясидир. Замонавий бозор шароитида муваффакиятга эришиш, фан-техника тараққиёти натижасида корхонанинг ишлаб чиқариш, молиявий ва технологик салоҳияти билан эмас, балки маркетинг тадқиқотлари ўтказишдаги фаоллик, ташаббускорлик ва тажрибаси билан аниқланади, деган фикр-мулоҳазалар ҳукм сурмоқда. Буни тасдиқловчи ҳақиқат шуки, кейинги 10–15 йилда маркетинг тадқиқотлари замонавий бизнес тизими ва бизнес-жараёнларининг катта мустақил соҳасига айланиб кетди. Маълумотларга қўра 50 фоиздан кўп америкалик, 86 фоиз европалик ва 60 фоиз япониялик бизнесменлар, фирма ва компанияларида маркетинг тадқиқотларини ўз кучлари билан олиб борадилар [7]. Қолганлари эса маҳсус маркетинг тадқиқотлари олиб борувчи муассасаларига мурожаат қилишади.

Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати мамлакатимиз иқтисодиёти учун стратегик аҳамиятга эга. Глобал рақобат шароитида бизнес соҳасида тўқимачилик корхоналари фаолиятини самарали ташкил қилиш мақсадида ишлаб чиқариш, сотиш стратегиясини такомиллаштириш, шунингдек, брендинг сиёсатини ишлаб чиқиш бўйича янги ривожланиш йўллари ва тадбирларни амалга ошироқдалар.

Тўқимачилик саноати ташқи бозорга юкори кўшумча қийматга эга тайёр маҳсулотлар етказиб бераётган истиқболли тармоқлардан ҳисобланиб, тармоқлар жами саноат маҳсулотининг 12 фоизини, қайта ишлаш саноатининг 15 фоизини ташкил қиласи. Саноат тармоқлари 365 минг кишини иш билан таъминламоқда. Ўтган йили экспорт

ҳажми 1,6 миллиард долларни ташкил этиб, сўнгги 3 йилда қарийб икки баробар ошди.

Айниқса, мамлакатимизда кейинги йилларда озиқ-овқат, кийим-кечак, тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи кўплаб корхоналар ҳисобига экспорт ҳажми ортмоқда. Бунинг учун бугунги рақобатли бозор муносабатлари шароитида экспорт қилувчи корхоналарнинг мақсади – ўз маҳсулотларини миллий бренд даражасига кўтариш вазифаси энг долзарб масалаларданdir.

Бугунги кунда мамлакатимизда 200 дан ошиқ туман ва шаҳарнинг ҳар бирида йирик тўқимачилик корхоналари мавжуд бўлиб, улар томонидан миллий брендларни яратиш ва ривожлантириш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, миллий кийим-кечак ва тўқимачилик брендларини мамлакат ичкарисида ва йирик хориж бозорларида тарғиб қилиш стратегиялари ишлаб чиқилмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон 65 мамлакатга, жумладан, Европа Иттифоқига тўқимачилик маҳсулотларини экспорт қилмоқда.

2023 йилда Ўзбекистонда экспорт ҳажмини 5 миллиард долларга етказиш ва 76 та янги лойиҳани амалга ошириш, шунингдек, 26 минг янги иш ўрни яратиш режалаштирилган. Шунингдек, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ўтган йилга нисбатан 6 фоизга ошириб, 85 триллион сўмга етказиш кўзда тутилган.

2022 йил якунларига кўра, ўзбек тўқимачилик маҳсулотлари экспорти ҳажми 3,2 миллиард долларни ташкил этиб, 14,5 фоизга ўсган.

Шу билан бирга, 2022 йилнинг иккинчи ярмида Ўзбекистондан тўқимачилик маҳсулотлари импорти бўйича Россия етакчи бўлди – 454,6

миллион доллар, Туркия 278,6 миллион доллар ва Хитой 193,7 миллион доллар мос равиша импорт қилди.

Ўзбекистон Хитой, Туркия, Озарбайжон ва Жанубий Корея билан бир қаторда Россия учун тўқимачилик маҳсулотлари етказиб берувчи бешта асосий давлатдан биридир. Россияда Ўзбекистон тўқимачилик корхоналарининг 44 та савдо уйи мавжуд. Айни пайтда 250 та тўқимачилик корхонаси ўз маҳсулотларини Россия бозорига етказиб бермоқда. Бундан ташқари, Ўзбекистонда ўнлаб мультибрендли тўқимачилик дўконларини ташкил этиш ҳам режалаштирилмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон 65 мамлакатга, жумладан, Европа Иттифоқига тўқимачилик маҳсулотларини экспорт қилмоқда. Мисол учун, 2022 йил якунига кўра “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси тизимидағи корхоналар томонидан 74 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинган бўлса, жорий йилда ушбу кўрсаткини 142,1 миллион долларга етказиш кўзда тутилган.

## Хулоса

Хулоса қилиш мумкинки, бренд бу – аниқ товар ёки компанияни идентификация қилиш учун қўлланадиган ноёб исм, символ, дизайн ёки образидир. Бренд – маҳсулот ёки хизматлар ҳақидаги маълумотларни истеъмолчилар онгига сингдириш ёки маҳсулот ва хизмат ҳақида эҳтимолий харидорларда таассурот уйғотиш жараёнидир. Демак, брендни бошқариш учун маҳсулот рекламасида мижозлар фикрлашини ҳам ҳисобга олиш муҳим аҳамият касб этади. Ижобий таассурот қолдириш учун бренд номини тўғри танлаш, логотипдаги тасвирий эфектларга алоҳида эътибор бериш ва маҳсулот ҳақида ўзига хос маълумотлар бериш талаб этилади.

Глобал даражадаги маркетинг ишлаб чиқариш ва уни тақсимлаш унга кенг имкониятлар яратмоқда. Бренд компаниясининг стандартлари юқори бўлгани сари, унинг маҳсулотларини савдо бозорида тақсимлаш осон кечади.

Бунинг учун тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати корхоналари яна кўйидаги қоидаларга риоя қилиши мақсадга мувофиқдир:

– товарларни янги сегментга киритилганда гўё у аллақачон бренд даражасига чиққандек муносабатда бўлиш зарур;

– истеъмолчилар хоҳлаган нарсани ўз вақтида ишлаб чиқарилмаса эътибордан четда қолади ва талаб қилинмайдиган бренд бўлиб қолади; рақобатчилар учун тўсиклар яратиш учун инновациялардан фойдаланиш зарур;

– энг яхши бўлиш ўрнига, бозорда танлаган чукурчасида ягона бренд бўлиш керак, шундагина рақобатчилар аҳамиятсиз бўлади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, тўқимачилик саноати корхоналарининг мақсади бўлган товарлар билан атроф-муҳитни муҳофазаси ҳамда инсон саломатлиги хавфсизлиги билан боғлик талабларга жавоб берадиган юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, тарқатиш, маҳаллий ва йирик хориж бозорларига кириб бориш, нархлари, сифат бўйича етакчи мавқега эга бўлиш, мижозлар эҳтиёжларини тўлиқ қондириш билан миллий бренд ҳамда ҳалқаро бренд даражага кўтарилиш учун маркетинг стратегияларини пухта ишлаб чиқиши, маркетинг тадқиқотларидан оқилона фойдаланиши мақсадга мувофиқдир.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. 20.12.2022.
2. Котлер Ф., Вонг В., Армстронг Г. Основы маркетинга. М.: Вильямс, 2010- 115 с.
3. Котлер Ф., Келлер К. Маркетинг-менеджмент, 12-е изд., Питер, 2012 – 241 с.
4. Дэн С. Кеннеди. Жесткий бренд-билдинг. Изд.: Альпина паблишер, 2017- с.118
5. Аакер Д. Как обойти конкурентов. Создаем сильный бренд. СПб.: Питер, 2012 — 182 с.
6. Домнин, В. Н. Брендинг: учебник и практикум для вузов / В. Н. Домнин. – 2-е изд., испр. и доп. – Москва : Издательство Юрайт, 2022. – 245 с. – (Высшее образование). – Глава 13.
7. F.T.Bazarova. Marketing. O‘quv qo‘llanma.- Т.: “Iqtisod-moliya”, 2016 y.37b.
8. S.Ma’murov. Brend menejmenti. Iqtisod-moliya. 2022 y. 44b.
9. E.Nabiyev.S.G‘oyibnazarov.N.Alimuxamedova.Menejment.Marketing.Darslik.- Т.: “Iqtisod-Moliya”, 2019 y. 254b.
10. Qosimova M.S., Abdughalilova L.T. Marketing tadqiqotlari. O‘quv qo‘llanma. - Т.: TDIU, 2012. - 189 b.
11. Beneke, J., Blampied, S., Miszcak, S., & Parker, P. (2014). Social networking the brand - An exploration of the drivers of brand image in the South African beer market. Journal of Food Products Marketing, 20 (4), 362-389.
12. <http://www.ama.org> Journal of Marketing.
13. [www.e-xecutive.ru/publications](http://www.e-xecutive.ru/publications)

**УДК 339.138**

**Ходжаева Шодиябону Абитджановна,**  
**Доцент кафедры «Менеджмент и маркетинга»**  
**Ташкентского финансового института**

**ВНЕДРЕНИЯ ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА В  
 МАРКЕТИНГОВУЮ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ:  
 ЭФФЕКТИВНЫЕ ИНСТРУМЕНТЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ**

---

**Xodjayeva Shodiyabonu Abitjanovna,**  
*Toshkent moliya institutining “Menejment va  
 marketing” kafedrasi dotsenti*

**MARKETING FAOLIYATIGA SUN’IY INTELLEKTNI JORIY ETISH:  
 SAMARALI VOSITALAR VA RIVOJLANISH ISTIQBOLLARI**

---

**Khodjaeva Shodiyabonu Abitdjanovna,**  
*Associate Professor of the Department of “Management  
 and Marketing” of the Tashkent institute of Finance*

**INTRODUCTION OF ARTIFICIAL INTELLIGENCE  
 INTO MARKETING ACTIVITIES:  
 EFFECTIVE TOOLS AND DEVELOPMENT PROSPECTS**

---

**Аннотация.** В статье представлены подходы к определению понятия «искусственный интеллект»; представлены кейсы использования искусственного интеллекта в реальных компаниях; высказаны предположения о перспективах развития искусственного интеллекта в маркетинге.

**Ключевые слова:** искусственный интеллект, маркетинг, реклама, копирайтинг, чат-боты.

**Annotatsiya.** Maqolada sun’iy intellekt tushunchasini aniqlashga yondashuvlar keltirilgan; kompaniyalarda sun’iy intellektdan foydalanish holatlari tahlili amalga oshirilgan, marketingda sun’iy intellektni rivojlantirish istiqbollari to‘g‘risida taxminlar asoslab berilgan.

**Tayanch so‘zlar:** sun’iy intellekt, marketing, reklama, kopirayter, chatbotlar.

**Annotation.** The article presents approaches to the definition of the concept “artificial intelligence”; presents cases of the use of artificial intelligence in real companies; suggests the prospects for the development of artificial intelligence in marketing.

**Keywords:** artificial intelligence, marketing, advertising, copywriting, chatbots.

## **Введение**

Развитие технологий искусственного интеллекта активно происходит по всему миру и, в частности, в Узбекистане. Выведение искусственного интеллекта на новый уровень является задачей не только передовых ИТ компаний, но и государства. В соответствии с постановлением Президента Республики Узбекистан от 17 февраля 2021 года № ПП-4996 «О мерах по созданию условий для ускоренного внедрения технологий искусственного интеллекта» утверждена Национальная стратегия развития искусственного интеллекта на период до 2030 года [1]. Приоритетными направлениями в развитии технологий ИИ в рамках данной стратегии являются автоматизация рутинных производственных операций, использование автономного интеллектуального оборудования, оптимизация процессов подбора и обучения кадров и многие другие [3].

## **Обзор литературы**

Тема внедрения искусственного интеллекта в маркетинговую деятельность, основными целями которой являются максимальное удовлетворение потребностей потребителей, получение прибыли и создание условий для развития предприятия [4, с. 89] изучается и всё чаще освещается в научных трудах. Палиенко А. М. и Миргородская О. Н. в своих научных исследованиях рассматривают актуальность использования технологий искусственного интеллекта в маркетинге, отмечают преимущества данной технологий перед традиционными и раскрывают потенциал искусственного интеллекта в маркетинговой среде [2]. Бесланеев А. Ж. и Вихров А. Н. также обосновывают тенденции вытеснения традиционного маркетинга цифровым

и освещают применение в интернет-маркетинге технологий искусственного интеллекта на базе нейронных сетей [1].

## **Методология исследования**

В целом применение искусственного интеллекта (ИИ) в маркетинге и экономике способствует упрощению многих задач, удешевлению производства и улучшению экономических показателей, но при этом наблюдается ограниченность инструментов ИИ.

Таким образом, актуальность исследования обусловлена необходимостью анализа основных тенденций внедрения ИИ в маркетинг, выявления существующих функциональных преимуществ и недостатков в используемых инструментах ИИ.

Цель данного исследования состоит в анализе основных инструментов ИИ на основе реальных кейсов и определении влияния искусственного интеллекта на современный маркетинг. Научная новизна. До настоящего времени не встречались научные работы, которые бы широко анализировали практики использования искусственного интеллекта. Как правило, это разрозненные работы, которые не позволяют сделать вывод о применении ИИ в разных сферах экономики. Представленная статья является попыткой восполнить этот пробел.

Для достижения поставленной цели требуется решить следующие задачи:

- разобрать сущность понятия «искусственный интеллект» и его виды;
- проанализировать возможности использования ИИ на основе кейсов реальных компаний;
- сделать выводы о перспективах применения ИИ в маркетинге.

В качестве методов исследования использованы анализ и сравнение в рамках кабинетного исследования.

Основными материалами для исследования выбраны кейсы платформы SkillBox [2], Click. [3], Yagla. [3], официальный сайт авиакомпании S7 Airlines [1], а также примеры применения ИИ описанные в научных исследованиях Бесланеева А. Ж. и Вихрова А. Н., Палиенко А.М. и Миргородской О. Н., Пластун К. Е.

### Анализ и результаты

Сегодня современные технологии находятся в стадии активного развития и совершенствования, цифровизация охватывает практически каждую сферу нашей жизни и заключается в автоматизации и упрощении различных процессов. Примерами тому являются применение технологии «умный дом», которая включает в себя управление электроприборами и возможность программирования и автоматизации их функций; использование приложений для вызова такси, заказа и доставки товаров, покупки авиабилетов; оформление документов с помощью сервиса «Госуслуги», который позволяет упростить для граждан процесс подачи и получения нужных документов, а для сотрудников государственных структур автоматизировать процесс приема и обработки этих документов; и многое другое.

Особое внимание уделяется применению современных технологий в совершенствовании маркетинга, поскольку данная сфера претерпевает серьезные изменения. В современный маркетинг сегодня активно внедряется система искусственного интеллекта, который является одним из основных инструментов цифровизации.

Первым упоминанием об ИИ в русскоязычных источниках считается определение данное Джоном Маккарти,

данное на летнем семинаре в 1956 году в Дармутском университете, которое он трактовал как «вычислительную составляющую способности достигать целей в мире» [3].

Британская Энциклопедия трактует понятие ИИ как «способность цифрового компьютера выполнять задачи, обычно связанные с разумными существами». Энциклопедия уточняет, что «этот термин часто применяется к проекту разработки систем, наделенных интеллектуальными процессами, характерными для людей, такими как способность рассуждать, открывать смысл, обобщать или извлекать уроки из прошлого опыта» [3].

Современное представление ИИ трактуется в Национальной стратегии развития искусственного интеллекта как «комплекс технологических решений, позволяющий имитировать когнитивные функции человека и получать при выполнении конкретных задач результаты, сопоставимые, как минимум, с результатами интеллектуальной деятельности человека. Комплекс технологических решений включает в себя информационно-коммуникационную инфраструктуру, программное обеспечение, процессы и сервисы по обработке данных и поиску решений» [1].

Специалисты выделяют два типа искусственного интеллекта – слабый и сильный. Слабый ИИ способен решать ограниченный круг задач, который в него запрограммирован. Например, обрабатывать фотографии, общаться с клиентом в чате или анализировать предпочтения клиента на основе имеющихся данных [3]. Слабый ИИ – это тот, что уже создан и повсеместно используется. Сильный же на данный момент не изобретён и представляет собой систему, которая в будущем сможет генерировать принципиально новые решения задач, которые для неё ранее не были знакомы [4]. Таким образом, в

маркетинге активно используется именно слабый искусственный интеллект.

По данным исследования американской компании-разработчика CRM-системы Salesforce, в 2022 году по сравнению с 2019 годом маркетологи стали использовать умные алгоритмы на 186% чаще, хотя искусственный интеллект среди них не был столь востребованным в отличие от других компьютерных систем. Специалисты американской компании IBM до пандемии COVID-19 оценивали ИИ как одну из наименее влияющих на выручку технологий. Но сегодня 84% руководителей компаний планируют сохранить и увеличить внедрение ИИ [2].

Внедрение искусственного интеллекта позволяет автоматически анализировать данные и делать выводы, решать определенные задачи, улучшать эффективность деятельности компаний, а также экономить посредством уменьшения штата сотрудников. Следовательно, ИИ является эффективным инструментом маркетинга.

На данный момент определены несколько основных сфер применения ИИ в маркетинге:

- персонализация предложений;
- предиктивная аналитика (прогнозирование бюджетов, сегментация клиентов, выявление скрытого потенциала);
- коммуникации (общение с клиентом);
- генерация контента (создание изображений, видеороликов и текстов) [4].

Рассмотрим самые распространённые способы внедрения инструментов искусственного интеллекта в маркетинг.

Одним из способов внедрения ИИ в маркетинг является создание сервисов для автоматического написания текстов новостей, отчетов, заполнения карточек товаров в онлайн-магазинах и многоного другого [4]. Такая технология уменьшает нагрузку на копирайтеров, поскольку

формирует тексты на основе имеющихся шаблонов, заполняя форму подходящими словами, выражениями и картинками.

Примерами инструментов для автоматического создания контента являются Wordsmith и Quill. На данный момент такие сервисы могут составлять вполне читаемые тексты, но, как правило, объемные статьи, составленные таким способом, требуют доработки и редактирования человеком. Также создаются приложения для редактирования уже существующих текстов, такие как Hemingway, которое находит «воду» в анализируемом тексте [4]. Технологии искусственного интеллекта для копирайтинга активно применяют новостные издания и онлайн-магазины, например, The Washington Post, Taobao, Tmall и другие [2].

Ещё один способ применения искусственного интеллекта в маркетинге – это подбор релевантных предложений с помощью анализа предпочтений потребителя [5]. Суть данного способа состоит в том, что алгоритмы приложений и сайтов отслеживают наиболее востребованные среди тех или иных потребителей продукты, услуги или контент, чтобы в дальнейшем предложить подборки похожих на их запросы продуктов, что стимулирует продажи и не портит потребителю впечатление о сайте из-за неактуальной для него рекламы.

Например, сервисы Spotify, Яндекс Музыка и VK Music с помощью искусственного интеллекта создают персональные музыкальные плейлисты, опираясь на часто прослушиваемую музыку конкретного пользователя [3].

Видеохостинг YouTube всегда составляет персональные рекомендации на основе ранее просмотренных пользователем видеороликов.

Авиакомпания S7 Airlines, анализируя историю полетов пассажира, предлагает ему авиабилеты по наиболее

востребованным им направлениям, новым направлениям, которые находятся в том же регионе или же места, наиболее посещаемые пассажирами в данный период времени [1].

Крупнейшие маркетплейсы в России Ozon и Wildberries также с помощью ИИ составляют персональные рекламные предложения для покупателей на сайте или в приложении на основе истории покупок. Например, если пользователь недавно покупал на маркетплейсе декоративную косметику, то в ближайшее время, заходя в личный кабинет, он будет видеть рекламу похожих продуктов или брендов, выпускающих декоративную косметику.

Распространённым способом применения искусственного интеллекта в маркетинге является разработка виртуальных ассистентов и чат-ботов [1, с. 382]. Такая технология работает посредством транскрибирования речи, отнесения обращения к конкретной тематике и ведения диалога с клиентом по заданному алгоритму [5]. Удобство и востребованность данного инструмента заключается в том, что искусственный интеллект может одновременно обрабатывать большое количество запросов и решать множество проблем клиентов гораздо быстрее операторов колл-центра. Но есть и недостаток, который присущ искусственноому интеллекту, - сложность в распознании некоторых запросов. Иногда случается так, что клиент начинает общение с чат-ботом, а тот перенаправляет клиента к оператору, так как не может понять запрос.

Технологию чат-ботов сегодня применяют всё чаще. Например, вышеупомянутая авиакомпания S7 Airlines запустила чат-бота, который может проинформировать пассажиров по заданному вопросу и помочь им

со многими запросами: проверить бронь, забронировать место, обменять билет, добавить в бронь багаж и другие дополнительные услуги [1]. Для пассажиров такая система очень удобна, поскольку, в зависимости от загруженности, ответа оператора при звонке в службу поддержки можно дожидаться от пары минут до получаса, а бот отвечает практически моментально и помогает быстро решить проблему, что оставляет позитивное впечатление о компании и повышает доверие, что в последствии обеспечивает возвратность клиентов.

Ещё один пример, касающийся сферы туризма, это применение чат-ботов для бронирования номеров и обслуживания номеров. Такой технологией пользуются отели Radisson Blu Edwardian в Манчестере и Лондоне. Чат-бот может ответить на вопросы по поводу отеля, забронировать номер, передавать информацию на ресепши о запросах обслуживания номеров и многое другое. Данный инструмент был внедрен с целью сделать проживание гостей в отеле максимально удобным и комфортным [4].

Нередко чат-боты и голосовые помощники применяются в отелях для перевода речи сотрудников и клиентов на разные языки, что значительно улучшает коммуникацию при отсутствии в отеле сотрудника, знающего тот или иной язык.

Компания «Ucell» использует ботов для осуществления исходящих звонков, которые формируют предложения на основе данных о клиенте и общаются с ним с помощью синтезированной речи. Сегодня такие боты могут распознать просьбу клиента перезвонить в другое время [2].

Со временем появляется все больше вариаций применения искусственного интеллекта в маркетинге. Можно

предположить, какие инструменты ИИ в перспективе могут стать востребованными и полезными для бизнеса:

1. Виртуальные стилисты, которые по заданным параметрам веса, роста человека, предпочтениям по стилю и стоимости вещей могут подобрать подходящую одежду и аксессуары, а также могут собирать целостные образы посредством предложения вариантов товаров от разных поставщиков [4]. Такая технология уже существует, но распространена не очень широко и известна не многим.

2. Виртуальные примерочные, с помощью которых можно примерить вещь онлайн и перед покупкой. Данная технология работает по принципу «маски», например, онлайн-магазин Lamoda уже внедрил такой способ примерки обуви: нужно выбрать понравившуюся модель и через функцию «Примерить» навести камеру на ногу, чтобы оценить, как данная модель будет выглядеть в жизни. Такая опция позволяет увеличить продажи и сократить количество возвратов товара.

Очевидно, что в ближайшее время направление ИИ будет стремительно развиваться и все новые технологии будут появляться как в обыденной жизни, так и в маркетинге [3].

## Заключение

Исходя из проведенного анализа, можно сделать вывод о том, что сегодня искусственный интеллект занимает почетную нишу среди других инновационных технологий, применяемых в маркетинге. ИИ на данном этапе развития позволяет уменьшить затраты на содержание большого штата сотрудников и увеличить эффективность деятельности компании, спрогнозировать поведение потребителей, что необходимо для поддержания продаж, освободить сотрудников от многих рутинных задач, улучшить экономические показатели. Вместе с тем, на данном этапе развития технологий ИИ очевидна необходимость координации их работы человеком.

Для того, чтобы успешно вести бизнес и эффективно функционировать в онлайн-сфере, компаниям необходимо внедрять технологии ИИ, которые в дальнейшем будут автоматизировать все большее количество маркетинговых задач. В связи с чем, современным маркетологам необходимо обучаться новым навыкам, в частности, обращению с технологиями искусственного интеллекта, координировать их работу и делать выводы об эффективности применяемого инструмента ИИ.

## ЛИТЕРАТУРА

1. Постановления Президента Республики Узбекистан от 17 февраля 2021 года № ПП-4996 «О мерах по созданию условий для ускоренного внедрения технологий искусственного интеллекта»
2. Бесланеев А. Ж., Вихров А. Н. Тенденции применения интернет-технологий в высокотехнологичных отраслях экономики // Образование и право. – 2020. - №6. - С. 381-385.
3. Миргородская О. Н., Палиенко А. М. Технологии искусственного интеллекта в современном маркетинге // Инновационные аспекты развития науки и техники. – 2021. - №9 – С. 132-134.
4. Пластун К. Е. Влияние искусственного интеллекта на современный маркетинг // Скиф. – 2019. - №5-2 (33) – С. 493-496.
5. Суплотова А. А. Цели и задачи маркетинговой деятельности // Международный научный журнал «Вестник науки». – 2019. – Т. 2, №5 (13). – С. 88-90.

УЎТ 633.51:502.7

**Алиева Нодирахон Абдумаликовна,**  
**Тошкент молия институти “Менежмент ва маркетинг”**  
**кафедра в.б. доценти**

## КЛАСТЕР ТИЗИМИ АСОСИДА ПИЛЛАЧИЛИК ТАРМОГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

**Алиева Нодирахон Абдумаликовна**  
**Tashkentский финансовый институт доцент кафедры**  
**«Менеджмент и маркетинг»**

## НАПРАВЛЕНИЯ РАЗВИТИЯ ШЕЛКОВОЙ ОТРАСЛИ НА ОСНОВЕ КЛАСТЕРНОЙ СИСТЕМЫ

**Alieva Nodirakhan Abdumalikovna,**  
*Tashkent institute of Finance Associate Professor of the*  
*Department of «Management and Marketing»*

## DIRECTIONS FOR THE DEVELOPMENT OF THE SILK INDUSTRY ON THE BASIS OF THE CLUSTER SYSTEM

**Аннотация.** Мақолада пиллачилик тармогини кластер тизими асосида ривожлантиришинг асосий йўналишлари, қўшилган қиймат занжирини яратшида ва унинг самарадорлигини баҳолаши, пиллачилик кластерларини самараали бошқарииш ва уларнинг рақобатбардошлигини ошириши бўйича фикр-мулоҳазалар келтирилган.

**Таянч сўзлар:** пиллачилик, кластер тизими, инновацион ёндашув, қўшилган қиймат занжирни, самарадорлик, рақобатбардошлик, бошқарииш.

**Аннотация.** В статье приводится рассуждение об основных направлениях развития шелководческого отрасли на основе кластерной системы, создание цепочки добавленной стоимости и оценка ее эффективности, эффективное управление коконными кластерами и повышение их конкурентоспособности.

**Ключевые слова:** шелководства, кластерная система, инновационный подход, цепочка добавленной стоимости, эффективность, конкурентоспособность, управление.

**Annotation.** The article provides a discussion of the main directions of development of the sericulture industry based on the cluster system, the creation of a value chain and the evaluation of its effectiveness, the effective management of cocoon clusters and increasing their competitiveness.

**Keywords:** sericulture, cluster system, innovative approach, value chain, efficiency, competitiveness, management.

**Кириш**

Жаҳонда пиллачилик тармоғида ишлаб чиқариладиган ипак маҳсулотларига бўлган талаб юкори бўлганлиги сабабли, ушбу тармоқни ривожлантириш ва сифатли тайёр ипак маҳсулотлар ишлаб чиқаришга катта эътибор қаратилмоқда. “Ҳозирги кунда 60 дан ортиқ мамлакатларда пилладан ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар дунё тўқимачилигининг 0,2 фоизини ташкил этса-да, факат 20 дан ортиқ мамлакатдагина пилла етиширилади. Дунёда пилла етишириш миқдори бўйича биринчى ўринда Хитой, иккинчى ўринда Ҳиндистон, учинчى ўринда Ўзбекистон, тўртинчى ўринда Корея туради. БМТнинг статистик хизматлари маълумотларига асосан, дунё бўйича хом ипак экспорти йилига 4–5 тоннани ташкил этиб, 450–500 миллион доллар атрофида савдо амалга оширилиб, жаҳон бозорида ипак маҳсулотларига бўлган талаб жуда юкори”[1]. Бу эса, ипак маҳсулотларининг сифатини ошириш, ишлаб чиқаришга инновацияларни жорий этиш ва тармоқни бошқаришни такомиллаштириш каби муҳим масалаларни ҳал этиш заруратини келтириб чиқаради.

**Мавзуга оид адабиётлар шархи**

Республикамизда пиллачилик тармоғини ривожлантириш ҳамда уни иқтисодий муаммоларини ўрганишда мамлакатимиз олимлари томонидан кўплаб илмий ишлар олиб борилган. Бозор иқтисодиёти шароитида Ўзбекистонда ҳудудий пиллачилик агросаноат мажмуаларини шакллантириш ва уларни иқтисодий самарадорлигини ошириш бўйича профессор С.Артиқова илмий тадқиқот ишларини олиб борган [2]. Тадқиқот ишида пиллачилик мажмуасини ташкил қилишга таъсир этувчи омиллар бирма-бир таҳлил қилинган.

Мамлакатимизда пиллачилик тармоғида аҳоли бандлигини таъминлашнинг асосий омили уларни моддий томондан рағбатлантириш эканлигини асослаган иқтисодчи олим Р.Исраилов ўз тадқиқот ишида пиллачилик тармоғида банд бўлган аҳолини рағбатлантириш бўйича бир қанча тавсиялар ишлаб чиқкан [3]. Хусусан, яна бир иқтисодчи олимлардан Ш.Уроқов бозор иқтисодиёти шароитида пиллачилик тармоғи ривожланиш истиқболларини белгилаш муаммоларини ўрганиб, пиллачилик тармоғини ривожлантиришга ўз хиссаларини қўшган [4]. Пиллачилик тармоғини етук мутахассис олим Б.Қ. Шарипов эса, ўз илмий тадқиқотларида тадбиркорлик фаолиятида хўжалик юритиш шаклларини диверсификациялаш имкониятларидан фойдаланиб, пиллачилик тармоғини ривожлантириш бўйича изланишлар олиб борган [5].

**Тадқиқот методологияси**

Ушбу мақолани ёзишда Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, пиллачилик тармоғидаги иқтисодий ва бошқарув муаммолари ўрганилган, соҳани ривожлантиришда ўз хиссаларини қўшган хорижлик ва ўзбекистонлик олимларининг илмий ишлари, ўқув адабиётлари таҳлил қилинди. Тадқиқот методологияси сифатида назарий ва статистик таҳлил, кузатиш каби усуулардан фойдаланилди.

**Натижа ва муҳокама**

Ўзбекистонда пиллачилик тармоғида олиб борилган ислоҳотлар натижасида “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси ташкил этилиб, пиллачилик тармоғини комплекс ривожлантиришга қаратилган яхлит ташкилий-технологик тизим барпо этилди. “Бугунги кунда уюшма тизимида

76 та пиллачилик кластерлари фаолият кўрсатиб, тармоқда ишлаб чиқариш кўрсаткичлари йил сайин ошиб бормоқда. Шунга қарамай, “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси маълумотларига қараганда, Республикада мавжуд ипак қурти ишлаб чиқиши корхонлари, бугунги кунда пилла корхоналари эҳтиёжининг 45 фоизини таъминлай олади. Ўзбекистонда пилла ҳосилдорлиги бир кути ипак куртидан 55–56 кгни ташкил этиб, бу кўрсаткич Хитой ва Ҳиндистонда 80–85 кг га teng. Республика ипак маҳсулотлари экспорт таркиби бўйича 2020 йилда хом ипак 23,4 фоизни, ипак момиги 49,4 фоизни, ипак ип 0,2 фоизни ва ипак мато 27,0 фоизни ташкил этган. Республикамизда бугунги кунда 72 фоизга яқин маҳсулот фақат бирламчи қайта ишланиб, экспортга йўналтирилаётганини кўрсатади” [6]. Бу эса, пиллани чуқур қайта ишлаш жараёнларини ташкил этишдаги муаммоларнинг мавжудлигини кўрсатади. Шу боис, бугунги кунда республикада мавжуд бўлган пиллачилик тармоғи корхоналарини модернизациялаш, мавжуд қувватлардан тўлақонлик фойдаланиш, улар фаолиятини диверсификациялаш, соҳага киритилаётган инвестицияларнинг самарадорлигини ошириш ҳамда жаҳон бозорида рақобатбардош бренд тайёр маҳсулотлар билан ўз мавкеига эга бўлиш учун, кластер тизими асосида тармоқни бошқаришни такомиллаштириш мақсадга мувофиқ.

Кластер тизими миллий иқтисодиётимизга янги кириб келган тизим бўлиб, пиллачилик тармоғида кластер тизимини ташкил этишнинг асосий мақсади қўшилган қиймат занжирини яратиш натижасида тармоқнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш, ҳудуд аҳолисини доимий иш билан таъминлаш ҳисобланади. Қўшилган қиймат занжирини яратишнинг самарадорлиги тармоқнинг рақобатбардошлигини

оширишга ҳамда ривожланишига замин яратади. Қўшилган қиймат бу маълум бир корхона ёки фирманинг маҳсулот ишлаб чиқариш жараённида унинг якуний маҳсулот қийматини яратишига реал қўшган ҳиссасини акс эттирувчи қийматдир, яъни тайёр бўлган маҳсулот қиймати ва унга кетган барча ресурс харажатлари орасидаги фарқ қўшилган қийматни келтириб чиқаради. Пиллачилик тармоғида қўшилган қиймат занжирини яратиш эса пиллани етиштириш, уни бирламчи қайта ишлаш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш каби жараёнларнинг ҳар бир босқичида яратилаётган қийматларни бир тизимга келтириш тушунилади [7].

Қўшилган қиймат занжирини яратишида ва унинг самарадорлигини баҳолашда, ҳар бир босқичдаги яратиладиган қўшилган қиймат кўрсаткичи жуда муҳим ҳисобланниб, булар:

- ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини тавсифлаб, иштирокчиларнинг, яъни ишчи ва мулк эгасининг иқтисодий манфаатдорлигини инобатга олиш;
- ишчи-ходимларнинг яратилган қийматга қўшган ҳиссасини аниқлаш;
- яратилган қўшимча қийматнинг ўсишига қараб, ишчиларга ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш эвазига меҳнат унумдорлигини ошириш;
- яратилган маҳсулот қийматида моддий ресурс етказиб берувчи таъминотчиларнинг ҳиссасини аниқлаш, зарур бўлганда ўзгартириш;
- қўшилган қиймат занжирини яратишида ҳар бир босқичнинг бир-бирига боғлиқлик даражасини аниқлаш;
- ҳар бир босқичда иштирокчиларни, яъни таъминотчи, ишлаб чиқарувчи, истеъмолчи сифатида тузилмаларга бўлиш йўли билан қўшимча қиймат занжирида бошқарув звеносини аниқлаш имконини беради.

Шу билан бирга, кўшилган қиймат занжиридаги ҳар бир иштирокчи звенонинг фаолияти самарадорлигини, рақобатбардошлилиги ва барқарорлигини таъминлаш мақсадида умумий жараёндаги ташкилий-иктисодий муносабатларни шакллантириш ҳамда иштирокчиларнинг орасидаги боғлиқликни аниқлаш мақсадида тадқиқотлар олиб бориш учун маълумотлар базасини шакллантириш мумкин. Бу эса инновацион менежмент усулларини қўллаш орқали мавжуд кўшилган қиймат занжирини такомиллаштириш ёки занжирдаги янги босқичларни яратиш имконини беради.

Кластер тизимида фаолият юргизаётган пиллачилик корхоналарини бошқаришда “таъминотчи- ишлаб чиқарувчи- истеъмолчи” сифатида ишлаб чиқариш жараёнларини тизимлаштириш орқали кўшилган қиймат занжирини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ:

Биринчи босқич. Кластер усулида фаолият олиб бораётган пиллачилик корхоналарида яратилган қўшимча қиймат занжирининг таркибий қисмларини ўрганиш орқали занжирдаги ҳар бир асосий бугинларнинг бир-бирига боғлиқлик холатини аниқлаш. Маълумки, Республикаизда ташкил этилган пиллачилик кластерлари бир нечта хусусий сектордаги корхоналар ҳамкорлигига ташкил этилган бўлиб, кластернинг асосий ядроси пиллани бирламчи қайта ишлаш корхонаси ҳисобланади ва бу корхона пилла этиштирувчилар билан шартнома асосида фаолият олиб боради ҳамда кластер тизимида бошқарув звеноси ҳисобланади.

Иккинчи босқич. Кўшилган қиймат занжири бўйича моддий ресурслар оқимининг ҳаракатини шакллантириш орқали тугалланган тайёр маҳсулот қийматида сарф бўлган материал ресурслар сарфининг ҳиссасини аниқлаш. Бунда кластер иштирокчиси ҳар бир

бўғинда ишлаб чиқарилаётган ипак маҳсулотида бошланғич ресурс сарфининг улушкини аниқлайди.

Учинчи босқич. Занжирдаги ҳар бир бўғинда яратилган қийматни ҳисоблаб, умумий кўшилган қиймат занжиридаги ҳар бир бўғиннинг сотиш учун мулжалланган тайёр маҳсулот қийматидаги улушкини аниқлаш.

Тўртинчи босқич. Ҳар бир бўғиннинг кўшилган қиймат самарадорлик коэффицентини аниқлаш. Бу коэффицент куйидаги формула орқали аниқланади:

$$K_{(i)}^{KKC} = \frac{KK_{(i)}}{X_{p(i)}}$$

Бу ерда,  $K_{(i)}^{KKC}$  – кўшилган қиймат занжиридаги і бўғиндаги кўшилган қиймат самарадорлик коэффиценти;

$KK_{(i)}$  – і бўғинда яратилган кўшилган қийматнинг умумий кўшилган қиймат занжиридаги улushi,

$X_{p(i)}$  – і бўғинда ишлаб чиқарилган маҳсулотда бошланғич ресурс сарфининг улushi.

Бешинчи босқич. Бу босқичда ҳар бир бўғиннинг кўшилган қиймат самарадорлик коэффицентини таҳлил қилиш орқали кўшилган қиймат занжиридаги ҳар бир бўғин фаолияти қайта кўриб чиқилади ва коэффиценти паст бўлган бўғин фаолияти оптималлаштириб борилади.

Таклиф этилаётган таҳлил усул орқали кластер тизимида фаолият олиб бораётган ҳар бир пиллачилик корхоналари, яратаетган кўшилган қиймат занжиридаги ҳар бир бўғин фаолияти аник ўрганилади ва уларни янада самарали ташкил этиш йўллари излаб топилади.

Пиллачилик тармоғида кўшилган қиймат занжирининг ҳар бир бўғиннинг самарадорлиги кўрсаткичлари аниқлаш орқали, пилла этиштириш, уни бирламчи қайта ишлаш, чукур қайта ишлаш жараёнларидаги иштирокчи ҳар бир бўғиннинг умумий қишилган қиймат занжиридаги самарадорлигини аниқлаш имконини беради (1-жадвал).

I-жадвал

**Пиллачилик тармоғида қўшилган қиймат занжирининг самарадорлиги  
кўрсаткичлари**

Қўшилган қийматнинг таркибий кўрсаткичлари	Қўшилган қийматнинг динамикаси кўрсаткичлари	Ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичлари
<ul style="list-style-type: none"> <li>– қўшилган қийматнинг умумий миқдорида ишчилар хақининг улуси;</li> <li>– қўшилган қийматнинг умумий миқдорида амортизацион ажратмаларнинг улуси;</li> <li>– қўшилган қийматнинг умумий миқдорида сотишдан олинган фойданинг улуси;</li> <li>– қўшилган қийматнинг умумий миқдорида мулк эгалари даромадининг улуси</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>– қўшилган қийматнинг ўсиш даражаси;</li> <li>– иш ҳақининг ўсиш суръати;</li> <li>– мулк эгалари даромадларининг ўсиш суръати;</li> <li>– амортизацион ажратмаларнинг ўсиш суръати;</li> <li>– сотишдан олинган фойданинг ўсиш суръати</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>– бир сўмлик моддий харажатлар хисобига тўғри келадиган қўшимча қиймат;</li> <li>– сотишдан олинган бир сўмлик фойда хисобига тўғри келадиган қўшимча қиймат;</li> <li>– сотишдан олинган бир сўмлик тушум хисобига тўғри келадиган қўшимча қиймат;</li> <li>– бир сўмлик асосий воситалар хисобига тўғри келадиган қўшимча қиймат;</li> <li>– бир ишчи-ходим хисобига тўғри келадиган қўшимча қиймат;</li> <li>– меҳнат унумдорлиги ва иш ҳақининг ўсиш суръатларининг нисбати кўрсаткичи;</li> <li>– бир сўмлик инвестиция харажатлари хисобига қўшимча қийматнинг ўсиши;</li> <li>– бир сўмлик инновация харажатлари хисобига қўшимча қийматнинг ўсиши</li> </ul>

Буни уч хил гурухдаги кўрсаткичлар орқали аниқланади:

1. Қўшилган қийматнинг таркибий кўрсаткичлари – бу кўрсаткичлар бўғинда яратилаётган қўшимча қийматда улушлар таркибини аниқлаш ҳамда унинг миқдорини аниқлашда кўлланилади.

2. Қўшилган қийматнинг динамикаси кўрсаткичлари – иқтисодий кўрсаткичларнинг ўсиш даражасини аниқлаш имконини беради.

3. Ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичлари эса яратилаётган қўшимча қиймат ниманинг хисобига яратилаётганлигини аниқлаб беради.

Пиллачилик кластерлари тизимида верикал интеграция шаклида фаолият олиб бораётган корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватларини бир-бирига мослаштириш ёки мувозантлаштириш, кластерларнинг стратегик ривожланишига асос бўлади. Маълумки, кластер тизимидағи корхоналар, яъни тутчилик хўжаликлари, пилла етишириувчи хўжаликлар, пиллани қайта ишлаш корхоналари, ипак калава, ипак мато ишлаб чиқарувчи корхоналар, тайёр ипак маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналари бўлиб, уларнинг ишлаб чиқариш қувватларига турли хил омиллар таъсир этади. Ишлаб чиқариш қувватига

технологик, ташкилий, иқтисодий ва ижтимоий омиллар таъсир этади [8].

Пиллачилик кластерлар фаолиятини баҳолаш бўйича рейтинг тизимини жорий этиш орқали самарадорлиги паст бўлган пиллачилик кластерларини яқин худуддаги натижадорлиги юкори бўлган кластерларга кўшиб юбориш мақсадга мувофиқдир. Чунки моддий манфаатдорлиги паст бўлган кластер иштирокчилари бу тизимда фаолият олиб бориши хоҳламайди ва худудда мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш даражаси тушиб кетади.

Пиллачилик кластерлари ҳам тармоқда жорий этилган янги тизим бўлиб, уни бошқариш кластерда мавжуд иқтисодий-ташкилий масалаларни ҳал қилишга қаратилган тамоиллар ва усуllар мажмуасидан иборат фаолиятдир. Пиллачилик кластерларини самарали бошқаришда қуидаги чора-тадбирларни амалга ошириш зарур:

- барча хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан иқтисодий эркинлик ва хўжалик юритиш мустақиллиги тамоиллари кўлланилган ҳолда, пиллачилик кластери ҳамкорликда фаолият олиб бориш учун ташкилий-иктисодий шароитларни шакллантириш;

- пиллачилик кластерининг инвестицион ва инновацион стратегиясини шакллантиришда, бозор талаби ва эҳтиёжларига йўналтирган ҳолда, маҳаллий ва хорижий бозорларга талабга эга бўлган махсулот турларини ишлаб чиқиши режалаштириш ва иқтисодий-молиявий мустақиллигини таъминлаш;

- пиллачилик кластерларининг жорий ва стратегик ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш асосида, кластер маркетингини шакллантириш ва ривожлантириш;

- ижтимоий-иктисодий, сиёсий ва экологик вазиятни тизимли таҳлил қилиш

ва назорат қилишни амалга ошириш учун замонавий ахборот базасидан фойдаланган ҳолда статистик кластер мониторинги усуllарини кўллаш;

- пиллачилик кластерида фаолият олиб бораётган ҳар бир субъект самарадорлигини оширишда инновацияларни жорий этиш ва қўшилган қиймат занжирини яратища харажатларни камайтириш ва маҳсулот сифатини ошириш имкониятларидан тўлақонли фойдаланиш;

- пиллачилик кластерининг иқтисодий ривожланиш динамикаси ҳамда тармоқда банд бўлган аҳолининг турмуш даражасини ҳисобга олган ҳолда, кластер бошқарувининг якуний натижасини баҳолаш;

Пиллачилик кластерларини рақобат-бардошлигини оширишда қуидаги вазифаларни амалга ошириш зарур:

- пиллачилик кластерларининг барқарор ижтимоий-иктисодий ривожланиш механизмини танлаш ва мавжуд миаммоларни бартараф этиш йўлларини асослаш;

- пиллачилик кластерларининг самарадорлигини оширишда инновацион менежмент усуllар қўллаш ва такомиллаштириш;

- кластерни бошқарув маданиятини ўзлаштириб бориш;

- кластерларни ривожлантириш назариясини амалиётга татбиқ этиш, кластерлар тизимига ўтиш даврининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, мослашиш жараёнларини амалга ошириш;

- бозордаги эҳтиёжларни кондиришга қаратилган инновацион ғоялар асосида ишлаб чиқариш жараёнини бошқариш.

**Хулоса**

Пиллачилик тармоғида кластер тизимининг жорий этилиши, пилла тайёрлашни кенгайтириш ва чукур қайта ишлаш негизида экспортга йўналтирилган юкори қўшилган қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнлари инновацион бошқаришни талаб этади. Шу билан бирга, жаҳон бозори конъюнктурасининг тез фурсатлар билан ўзгариб бораётганлиги, халқаро бозорда ипак маҳсулотларига бўйланган талаб ошаётганлиги, Республикаизда пиллачилик тармоғига фан ва техника ютуқларини жорий этган ҳолда стратегик ривожланиши заруриятини кўрсатади. Мамлакатимизда пиллачилик тармоғи ривожланиши учун

соҳада узлуксиз равишда инновацион ёндашувга йўналтирилган сиёсатни олиб бориш, уни изчил жорий этиш чора-тадбирларини ва инновация асосида техник-технологик жихатдан модернизациялаш йўналишларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга экан, ушбу тармоқда кластер тизими асосида ривожлантириш имконини берувчи методик асосларни ишлаб чиқиш зарур. Пиллачилик тармоғини кластер тизими асосида инновацион бошқарувини такомиллаштириш назарий-услубий асослари ушбу тармоқнинг рақобатбардошлигини ошириш ва экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқиб, жаҳон бозорида ўз мавқеини оширишга хизмат қиласди.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ**

1. Каюмов А. Конъюнктура узбекского шелка. Журнал «Экономическое обозрение» №11 263) 2021. <https://review.uz>
2. Артикова С. Формирование и повышение эффективности регионального подкомплекса шелк АПК в Узбекистана в условиях перехода рыночным отношениям. и.ф.д., дисс. -Т.1991.
3. Истроилов Р. Повышение материальной заинтересованности работников шелководства. и.ф.н.,дисс.автореферат. - Т.1991.Б-24.
4. Ўроков Ш. Бозор иқтисодиёти шароитида пиллачилик тармоғи ривожланиши истибсолларини белгилаш. И.ф.н.дисс.Т.2005. Б-14.
5. Шарипов Б.Қ. Тадбиркорлик фаолиятида хўжалик юритиш шаклларини диверсификациялаш имкониятларидан фойдаланиш. 08.00.15- Тадбиркорлик ва кичик бизнес иқтисодиёти. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. Тошкент-02020.-Б.160.
6. “Ўзбекипаксаноаг” ўюшмаси маълумотлари.
7. Алиева Н.А. Пиллачилик тармоғида инновацион бошқарувни такомиллаштириш зарурияти. //«АгроВАКСИОН» иқтисодий илмий-амалий журнал. 2020 йил, №2(16), 56-59-бетлар.
8. Умарходжаева М.Г., Алиева Н.А. Пиллачилик тармоқ корхоналарининг инновацион бошқариш зарурияти // «Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар» илмий электрон журнали. 2021 йил, №2 март-апрель, 129-137- бетлар.

**УЎТ 332**

**Маллабоев Анваржон Сотвoldievich,**  
Андижон машинасозлик институти,  
“Иқтисодиёт” кафедраси таянч докторанти (*PhD*),  
катта ўқитувчи  
*e-mail: mallaboyev.anvarjon.@.gmail.com*

**МИЛЛИЙ САНОАТЛАШУВ ЖАРАЁНЛАРИДА ИШЛАБ ЧИҚАРАДИГАН  
САНОАТДА ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАР**

**Маллабоев Анваржон Сотвoldievich,**  
Андижанская машиностроительный институт,  
докторант (*PhD*) кафедры «Экономика»,  
старший преподаватель  
*e-mail:mallaboyev.anvarjon.@.gmail.com*

**СТРУКТУРНЫЕ ИЗМЕНЕНИЯ В ОБРАБАТЫВАЮЩЕЙ  
ПРОМЫШЛЕННОСТИ В ПРОЦЕССАХ НАЦИОНАЛЬНОЙ  
ИНДУСТРИАЛИЗАЦИИ**

**Mallaboev Anvarjon Sotvoldievich,**  
Andijan Machine Building Institute,  
doctoral student (*PhD*),  
department «Economics», senior lecturer  
*e-mail:mallaboyev.anvarjon.@.gmail.com*

**STRUCTURAL CHANGES IN THE MANUFACTURING INDUSTRY IN  
NATIONAL INDUSTRIALIZATION PROCESSES**

**Аннотация.** Мақолада миллий саноатлашув жараёнлари, ишилаб чиқарадиган саноатда юз берган таркибий ўзгаришилар иқтисодий кўрсаткичлар ёрдамида таҳлил қилинган.

**Таянч сўзлар:** саноатлашув, ишилаб чиқарадиган саноатнинг асосий кўрсаткичлари, таркибий ўзгаришилар.

**Аннотация.** В статье анализируются процессы отечественной индустриализации, структурные изменения в обрабатывающей промышленности с использованием экономических показателей.

**Ключевые слова:** индустриализация, основные показатели обрабатывающей промышленности, структурные изменения.

**Annotation.** The article analyzes the processes of national industrialization, structural changes in the manufacturing industry using economic indicators.

**Key words:** industrialization, the main indicators of the manufacturing industry, structural changes.

**Кириш**

Бугунги кунда мамлакатимиз саноат тармоғи ривожланишнинг янги босқичига қадам қўймоқда. Сўнгги олти йилда саноат корхоналари сони 2 баробар ортиб, 45 мингдан 100 мингтага кўпайди, инвестициялар хажмини ялпи ички маҳсулотнинг 30 фоизидан оширишга эришилди. “Янги Ўзбекистон – рақобатбардош маҳсулотлар юрти” дастури доирасида ўтган йилда 2 мингга яқин тадбиркорлар илк бор ташки бозорларга чиқиш имкониятига эга бўлди [1]. Ўзбекистон ҳозирда Европа Иттифоқининг GSP+ номли кенгайтирилган преференциялар тизимиға қабул қилинган. Унинг доирасида 6 минг 200 дан ортиқ маҳсулот турларини Европа бозорига имтиёзли шартларда экспорт қилиш имкониятини кўлга киритилди. Бунинг учун давлатимиз томонидан транспорт харажатларига 70 фоизгача субсидиялар ажратилмоқда. Бирок, мамлакатимизда саноат ишлаб чиқариш потенциали юқори бўлиб, бугунги кунда ушбу потенциалдан тўлақонли фойдаланиялти деб бўлмайди. 2023 йилда Европа бозорларига текстиль, электр техникаси, чарм-пойабзal ва бошқа тайёр маҳсулотлар экспортини камида 2 баробар, тайёр маҳсулотлар экспортини қўшимча 4 миллиард долларга ошириш асосий максад қилиб белгиланган [2].

Зеро, Президентимиз Ш.М.Мирзиёев «Одамларнинг даромадини ошириш, янги иш ўринлари яратиш, инвестициялар жалб қилиш саноат ривожи билан чамбарчас боғлиқдир. Шунинг учун саноат масалалари бундан бўён ҳам доимий эътиборимиз марказида бўлади», [3] деб таъкидлаганидек, юқорида айтиб ўтилган юксак мэрраларга эришиш миллий саноатлашув жараёнларини жадаллаштириш, саноатлашувда таркибий

ўзгаришларга эришиш билан боғлиқ чукур илмий тадқиқотлар олиб боришни тақозо этмоқда.

Саноатлашув жараёни иқтисодиётда саноат фойдасига таркибий ўзгаришларнинг рўй бериши, иқтисодий фаолиятлар ичида саноат хиссасининг ортиши сифатида таърифланади. [4]

Саноат тармоғи таркиби жиҳатидан ишлаб чиқарадиган саноат энг муҳим ва динамик тармоқ бўлиб, деярли барча мамлакатларда ушбу тармоқ қўшимча қиймат яратилиши ҳамда бандлик таъминланиши жиҳатидан етакчилик қиласи.

**Мавзуга оид адабиётлар шархи**

Иқтисодий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, саноатлашув жараёнларини иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар билан боғловчи бир қатор илмий-назарий концепциялар ишлаб чиқилган. Таркибий ўзгаришларнинг дастлабки назарий асосларини Allen Fisher (1938) ва Colin Clark (1940) томонидан илгари сурилган “Clark-Fisher гипотезаси” ташкил этади [5]. Clark ва Fisher иқтисодий секторларни қишлоқ хўжалиги (биринчи сектор), саноат (иккинчи сектор) ва хизмат кўрсатиш(учинчи сектор) сифатида учта секторга ажратади. Clark ва Fishergанинг “Уч сектор” моделига кўра, таркибий ўзгаришлар, юқорида айтиб ўтилган учта секторни иқтисодиётда эгаллаган улушининг тартиби билан устунликка эга бўлиши тенденциясидан иборатдир. Бошқача айтганда, таркибий ўзгаришлар иқтисодий фаолият ва капиталнинг учала сектор ўртасида янгидан тақсимланишидир.

Alvin Toffler (1970) ва Daniel Bell (1973) 1970 йилларда Clark-Fisher нинг “Уч сектор” моделини давом эттириб, моделга тўртингичи ва бешинчи секторлар

(kuaterner va kuiner) ни ҳам киритади [6]. Тўртинчи ва бешинчи секторлар хизмат секторининг юқори босқичлари бўлиб, “kuaterner” билимлар иқтисодиёти (ишлаб чиқарувчи хизматлар) ва бешинчи сектор “kuiner” энг юқори қарорлар қабул қилиш фаолиятлари ҳам моделга киритилади. Бу фаолиятлар билимга асосланган янги иқтисодиётнинг фаолият соҳаларига киритилади. Toffler ва Bell га кўра учинчи сектор ривожланишининг кейинги босқичларида “билимлар жамияти” юзага келади, иқтисодий ривожланишнинг янги босқичида ишлаб чиқаришдаги энг асосий омил сифатида ишчи кучи ва капиталдан кўра кўпроқ, билим ва унга боғлиқ равища коммуникацион технологиялар етакчи ўринга чиқади.

Таркибий ўзгаришларга оид қарашлардан яна бири немис иқтисодчisi Hans Singer ва Аргентина иқтисодчisi Raul Prebisch томонидан, бир-бирларидан алоҳида равища илгари сурилган Singer-Prebisch концепцияси ҳисобланади [7]. Singer-Prebisch концепцияси қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотлари ўртасидаги ташқи савдо шароити индексининг узун даврда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорт қилувчи мамлакатлар зарарига ўзгариши ҳақидаги қарашларга асосланади. Singer ва Prebisch кўра, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилувчи мамлакатлар, саноат маҳсулотлари экспорт қилувчи мамлакатларнинг аксига саноатлашувдан олинадиган тизимли ишлаб чиқариш ва юқори фойдадан маҳрум бўлишади. Шу сабабли, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорт қилувчи мамлакатлар барқарор иқтисодий ривожланишга эришишлари учун саноатлашишга мажбурдир.

Таркибий ўзгаришлар намоёндларидан яна бири Nicholas Kaldor ҳисобланади. Саноатлашув, хусусан, ишлаб чиқарадиган саноат 1960 йилларда

Nicholas Kaldor томонидан “иқтисодий ўсишнинг локомотиви” сифатида баҳоланиди ва унинг томонидан олиб борилган эмпирик тадқиқотлар буни исботлайди [8]. “Калдор қонунлари” деб номланган гипотезаларда ишлаб чиқарадиган саноатда меҳнат унумдорлиги ортиши бошқа секторларга нисбатан юқори эканлиги ва саноатдаги унумдорлик ортиши бошқа секторларда ҳам унумдорликнинг ортишига олиб келиши фикри илгари сурilади.

### Тадқиқот методологияси

Мақолада Ўзбекистоннинг саноатлашув жараёнларида ишлаб чиқарадиган саноатдаги таркибий ўзгаришлар таҳлил қилинди. Тадқиқот жараённида назарий манбаларни ўрганиш, статистик таҳлил қилиш, таққослама таҳлил, гурухлаш усулларидан самарали фойдаланилган.

### Натижа ва муҳокама

Саноат иқтисодиётнинг энг динамик сектори ҳисобланади. Саноат тармоғи технологик ривожланиши тезлаштириш, ишчи кучи малакасини ошириш, инфраструктурани такомиллаштириш, рақобатни ошириш ва бошқа иқтисодий ривожланишга тўғридан-тўғри стимул берувчи омиллари жиҳатидан қишлоқ хўжалиги секторидан устундир.

Олиб борилган иқтисодий таҳлиллар, миллий ишлаб чиқаришда юз берган таркибий ўзгаришлар натижасида, саноат тармоғининг ялпи қўшилган қийматдаги улушкининг ортиб борганилигини ва аксинча қишлоқ хўжалиги тармоғининг нисбий улуши эса камайиб бориш тенденциясига эга эканлигини кўрсатади (1-жадвал).

I-жадвал

Иқтисодиёт тармоқларининг ялпи қўшилган қийматдаги улуши<sup>1</sup>

Йиллар	Қишлоқ хўжалиги	Саноат (қурилишни қўшилган холда)	Хизматлар
2000	34,4	23,1	42,5
2001	34,0	22,6	43,4
2002	34,5	22,2	43,3
2003	33,0	23,7	43,3
2004	30,8	26,0	43,2
2005	29,5	29,1	41,4
2006	27,9	29,8	42,3
2007	25,9	29,9	44,2
2008	21,9	32,2	45,9
2009	20,6	33,6	45,8
2010	30,6	24,1	45,3
2011	33,5	22,3	44,2
2012	32,6	23,0	44,4
2013	31,0	23,8	45,2
2014	31,8	24,5	43,7
2015	32,1	24,8	43,1
2016	32,1	25,1	42,8
2017	32,2	26,5	41,4
2018	29,7	30,5	39,8
2019	26,6	33,8	39,6
2020	26,8	33,4	39,7
2021	26,5	33,9	39,6
2022	25,1	33,4	41,5
<b>2000–2022 й. даги ўзгариш</b>	<b>-9,3</b>	<b>10,3</b>	<b>-1</b>


<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси давлат статистик қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Жадвалдан кўриниб турибдики, қишлоқ хўжалиги тармоғининг ялпи қўшилган қийматдаги улуши камайиб борган, 2000 йилда 34,4 % дан 2017 йилда 32,2 % га, 2022 йилда 25,1 % га тушган, яъни 2022 йилда 2000 йилга нисбатан улуши 9,3 % га камайган, аксинча, саноат тармоғида барқарор ўсиш юз берган, саноат тармоғининг ялпи қўшилган қийматдаги улуши 2000 йилда 23,1 % дан 2017 йилда 26,5 % га, 2022 йилда эса 33,4 % га кўтарилган ёки 2022

йилда 2000 йилга нисбатан ўзгариш 10,3 % га ортганилигини кўрсатади. Хизмат кўрсатиш тармоғининг ялпи қўшилган қийматдаги улуши эса 2000 йилда 42,5 % дан 2017 йилда 41,4 % га, 2022 йилда 41,5 % га камайганлигини кўриш мумкин. Юқоридаги берилган маълумотларни диаграмма кўринишида ифодалайдиган бўлсак қуидагига эга бўламиз (1-диаграмма).

I-диаграмма

**Иқтисодиёт тармоқларининг ялпи қўшилган қийматдаги улушкининг ўзгариш динамикаси<sup>2</sup>, %**



<sup>2</sup> Манба: Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Сўнгти йилларда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ялпи қўшилган қиймат ҳажмидаги улушкининг барқарор ўсиш суръатларини, саноат тармоғини модернизациялаш ва диверсификациялаш, саноатга инновациялар жорий этилишини рағбатлантириш, ишлаб чиқариш қувватларини технологик жиҳатдан янгилаш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Саноатлашув жараёнларига мос равишда ишлаб чиқарадиган саноатда яратилган қўшимча қийматни ялпи қўшилган қийматдаги улушкининг ортиб бориши кузатилади. Миллий ишлаб чиқаришда, ишлаб чиқарадиган саноатда яратилган қўшимча қийматни ялпи қўшилган қийматдаги улушкининг йиллар давомида ўзгариши тенденциялари 2-жадвалда кўрсатилган.

Жадвалдаги маълумотлар, 2010–2022 йиллар давомида ялпи қўшилган қиймат таркибида ишлаб чиқарадиган саноатда яратилган қўшилган қиймат улушкининг барқарор суръатларда ортиб борганилигини кўрсатмоқда. Ишлаб чиқарадиган саноатда яратилган қўшилган қийматнинг ялпи қўшилган қийматдаги улуси 2010 йилда 11,6 % дан 2017 йилда 15,5 % га ўсган ва 2022 йилга келиб эса 20,6 % га кўтарилиган. 2010–2017 йиллар оралиғида ишлаб чиқарадиган саноат қўшилган қийматининг ялпи қўшилган қийматдаги улуси 3,9 % га ортган ёки ўртача йиллик ўсиш 0,5 % ни ташкил этган, 2017–2022 йиллар оралиғида ўсиш жадаллашган ва ушбу даврда жами ўзгариш 5,1 % ни ташкил этган ёки йиллик ўртача ўсиш 1,0 % бўлганлигини кўриш мумкин.

2-жадвал

**Ишлаб чиқардиган саноатда  
яратилган қўшилган қийматнинг  
ялпи қўшилган қийматдаги улуши<sup>3</sup>,  
(%)**

Йиллар	%	Йиллар	%
2010	11,6	2017	15,5
2011	11,5	2018	17,8
2012	11,9	2019	19,2
2013	13,0	2020	20,7
2014	14,1	2021	21,1
2015	14,1	2022	20,6
2016	15,0	2010- 2022 йй.даги ўзгариш	9,0

Ишлаб чиқариш саноатидаги таркибий ўзгаришларнинг асосий кўрсаткичларидан бири технология даражаси хисобланади. Ишлаб чиқардиган саноатнинг технология даражасига кўра тармоқ таркиби 3-жадвалда келтирилган. Мамлакат технология даражасини баҳолашда илмий техникавий ва тажриба-конструкторлик ишлари учун харажатларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши, илмий тадқиқотчилар сони, берилган патентлар сони каби кўрсаткичлардан фойдаланилади. Юқоридаги кўрсаткичларнинг вақт давомида ўсиш даражаси мамлакатнинг технологик жиҳатдан ривожланиш даражасини белгилаб беради.

3-жадвал

**Технология даражасига кўра ишлаб  
чиқардиган саноат тармоқ таркиби  
улушининг ўзгариши<sup>4</sup>, (%)**

Йиллар	Технология даражаси			
	Юқори	Ўр- та-юко- ри	Ўр- та-қуий	Куйи
2016	1,8	17,5	25,8	54,9
2017	1,9	22,6	27,0	48,5
2018	1,4	28,6	32,0	38,0
2019	1,6	26,1	36,6	35,7
2020	1,9	25,1	37,6	35,4
2021	2,5	20,8	39,4	37,3
2022	2,7	22,5	38,0	36,8
2016- 2022 йй.даги ўзга- риш	0,9	5	12,2	

Жадвалдаги маълумотлар тахлили шуну кўрсатади, юқори технологияли тармоқ улуши 2016 йилда 1,8 % ни, 2022 йилда 2,7 % ни ёки 2016–2022 йиллардаги ўзгариш 0,9 % ни ташкил этган. Ўрта-юқори технологияли тармоқ улуши эса 2016 йил 17,5% дан 2022 йилда эса 22,5 % ўзгарган ёки 5 % га ортганлигини кўриш мумкин.

Энг салмоқли ўсиш тенденцияси ўрта-қуий технологияли тармоқ улушида кузатилиб, 2016 йилда 25,8 % ни, 2022 йилда эса 38,0 % ни ёки 2022 йилда 2016 йилга нисбатан 12,2 % ўзгариш юз берган. Тармоқдаги 12,2 % лик ижобий ўзгаришни қуий технологияли тармоқ улушининг камайғанлиги билан изохлаш мумкин. Қуий технологияли тармоқ улуши

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузиленган.

<sup>4</sup> OECD -2016 классификацияси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамасининг 24.08.2016 йилдаги “Иқтисодий фаолият турларини таснифлашнинг халқаро тизимига ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 275-сон қарори билан тасдиқланган, халқаро андозаларга мувофиқ келувчи иқтисодий фаолият турларининг умумдавлат таснифлагичи (ИФУТ) ва Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузиленган.

2016 йилда 54,9 % ни ташкил этган бўлса, 2022 йилда 36,8 % га пастлаган ёки 2022 йилда 2016 йилга ўзгариш улуши 18,1 % камайганлигини кўриш мумкин.

Ўзбекистонда 2020–2021 йилларда пандемия жараёнларига қарамасдан ўрта-кўйи тармоқ улуши 2020 йилда 37,6 % дан 2021 йилда 39,4 % га ўсганлигини, юқори тармоқ эса 1,9 % дан 2021 йилда

2,5 % га ўсганлигини кўриш мумкин. Пандемия жараёнлари асосан ўрта-юқори технологияли тармоқ улушкига салбий таъсир кўрсатиб, тармоқнинг 2020 йилда 25,1% дан 2021 йилда 20,8% пасайишига олиб келганлигини кўриш мумкин. Юқоридаги маълумотларни диаграмма кўринишида ифодаласак куйидагига эга бўламиз (2-диаграмма).

2-диаграмма

### Технология даражасига қўра ишлаб чиқарадиган саноат тармоғи таркибининг ўзгариш динамикаси<sup>5</sup>, %



Таҳлил натижалари шуни кўрсатиб турибдики, қўйи технология сифимига эга тармоқда яратилган маҳсулотларнинг ишлаб чиқарадиган саноатдаги ҳиссаси ўрта-юқори ва ўрта-кўйи тармоқларнинг барқарор ўсиши ҳисобига, кейинги 5 йилда 54,9 % дан 36,8 % га камайган. Шу билан бирга, ишлаб чиқарадиган саноатда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг энг катта ҳиссаси қўйи тармоқдан, ўрта-кўйи тармоққа ўтганлигини ва маҳсулот ишлаб чиқариш улуши 25,8 % дан 38,0 % гача ортиб борганлигини кўриш мумкин. Тармоқ таркибида технология даражаси юқори бўлган тармоқларнинг технология даражаси нисбатан паст бўлган тармоқлар ҳисобига ўсиб боришини ижобий тенденция сифатида баҳолаш мумкин. Шу билан бирга, ишлаб чиқарадиган саноатнинг технология даражаси юқори тармоқ улушкида, таҳлил даври мобайнида жиддий таркибий ўзгаришлар юз бермаганлиги, бу соҳада ҳал қилиниши кутилаётган муаммолар мавжудлигини ва фаол саноатлашув сиёсатини олиб бориш жараёнида ушбу

<sup>5</sup> Манба: Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

йўналишда чора-тадбирлар белгиланиши кераклиги масаласи долзарб эканлигини кўрсатади.

### Хулоса

Таҳлил маълумотлари шундан далолат берадики, ўтган давр мобайнида саноатдаги таркибий ўзгаришлар натижасида соҳанинг мамлакат иқтисодиётидаги улуши, маҳсулот ишлаб чиқариш салоҳияти сезиларли даражада ошди. Шу билан бирга, мамлакатимизда ишлаб чиқарадиган саноат тармоғи таркибини такомиллаштириш йўналишида катта потенциалга эга эканлигини хисобга олган ҳолда, саноатда ижобий таркибий ўзгаришларни таъминловчи қуйидаги йўналишларни таклиф этиш мумкин:

– саноатда илмий-техникавий ва тажриба-конструкторлик ишлар лойиҳаларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш жараёнларида давлат-хусусий

сектор-университет ҳамкорлигини кучайтириш ва молиявий қўллаб-куватлаш тизимини такомиллаштириш;

– либерал ва мослашувчан саноат сиёсатини олиб бориш, саноатда хусусий сектор улушкини ошириш ва хусусийлаштириш жараёнларида шаффофликни таъминлаш;

– инсон капиталига инвестициялар ёрдамида маҳаллий ишчи кучи интеллектуал салоҳиятини ошириш ва шу орқали саноат тармоғини малакали меҳнат ресурслари билан таъминлашга қаратилган стратегик режа-дастурлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

– ишлаб чиқарадиган саноат интенсивлигини ошириш мақсадида, саноатда жаҳон илм-фан ва техника ютуқларидан тизимли ва самарали фойдаланишни йўлга кўйиш, инновацион технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш механизмларини такомиллаштириш.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. 20 декабрь 2022 йил. <https://president.uz/uz/lists/view/5774>.
2. Президент Шавкат Мирзиёев раислигига 2022 йил 7 ноябрь куни маҳаллий саноатни ривожлантириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши. <https://kun.uz/news/2022/11/07/yevropaga-sanoat-eksporti-hajmini-700-mln-dollarga-yetkazish-imkoniyati-borligi-aytildi>.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигига 2020 йил 12 август куни худудларда саноатни ривожлантириш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши. <https://kun.uz/news/2020/08/12/prezident-har-bir-hududda-sanoat-klasterlari-tashkil-etish-boyicha-topshiriq-berdi>.
4. [tr.wikipedia.org/wiki/sanayileşme](https://tr.wikipedia.org/wiki/Sanayileşme)
5. N.Yavan “Ekonomik coğrafya “Ankara Üniversitesi, Dil ve Tarih-Coğrafya Fakültesi, Coğrafya bölümü,Beşeri ve iktisadi Cografya Ana bilim Dalı. [nuri.yavan@ankara.edu.tr](mailto:nuri.yavan@ankara.edu.tr).
6. [https://acikders.ankara.edu.tr/pluginfile.php/176477/mod\\_resource/content/0/Hafta%2011\\_Ekonomin%20Yap%C4%B1%20ve%20Sekt%C3%B6rel%20Geli%C5%9Fme%20Modelleri.pdf](https://acikders.ankara.edu.tr/pluginfile.php/176477/mod_resource/content/0/Hafta%2011_Ekonomin%20Yap%C4%B1%20ve%20Sekt%C3%B6rel%20Geli%C5%9Fme%20Modelleri.pdf)
7. Singer,Hans W. (1950). “The Distribution of Gains Between Investing and Borrowing Countries”. American Economic Review, Vol.40.,Issue 2,USA,pp.473-485
8. Hüseyin Olcay “Gelişen ekonomilerde yapısal dönüşüm: Prematüre sanayisizleşme üzerine ampirik bir inceleme”. Yüksek lisans tezi. “İktisadi Araştırmalar Vakfı İktisadi İşletmesi”. İstanbul 2021. 25 b.

УЎТ 334.7.677.001.86

Давлятов Бекзоджон Асланхожаевич,  
Тошкет тўқимачилик ва енгил саноат институти  
камта ўқитувчи, PhD  
e-mail: [bekzod8201@mail.ru](mailto:bekzod8201@mail.ru)

## ПАХТА-ТЎҚИМАЧИЛИК КЛАСТЕРЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШДА ХОРИЖ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ

Давлятов Бекзоджон Асланхожаевич,  
Старший преподаватель Ташкентского института  
текстильной и легкой промышленности, PhD  
e-mail: [bekzod8201@mail.ru](mailto:bekzod8201@mail.ru)

## ОПЫТ ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАН В ФОРМИРОВАНИИ И РАЗВИТИИ ХЛОПКОВО-ТЕКСТИЛЬНЫХ КЛАСТЕРОВ

Davlyatov Bekzodjon Aslankhojayevich,  
Tashkent Institute of textile and light industry,  
Senior lecturer, PhD  
e-mail: [bekzod8201@mail.ru](mailto:bekzod8201@mail.ru)

## EXPERIENCE OF FOREIGN COUNTRIES IN THE FORMATION AND DEVELOPMENT OF COTTON-TEXTILE CLUSTERS

**Аннотация.** Мақолада пахта-тўқимачилик саноатида кластерларни шакллантириши ва ривожлантиришида хориж мамлакатларида амалга оширилган чора-тадбирлар, саноатни кластерлаш амалиётида ижобий ва салбий жиҳозлар, тажрибаларни Ўзбекистон иқтисодиётидаги қўйлаши имкониятлари хусусида сўз юритилади.

**Таянч сўзлар:** саноат кластерлари, ҳудудлар рақобатбардошлиги, тармоқ бирликларининг интеграцияси, кластерлаши моделлари.

**Аннотация.** В статье рассматривается о мерах, реализуемых в зарубежных странах по формированию и развитию кластеров в хлопково-текстильной промышленности, положительных и отрицательных сторонах практики промышленного кластеризации, возможностях применения опыта в экономике Узбекистана.

**Ключевые слова:** промышленные кластеры, конкурентоспособность регионов, интеграция отраслевых единиц, модели кластеризации.

**Annotation.** The article discusses the measure implemented in foreign countries to form and develop clusters in the cotton-textile industry, the positive and negative aspects of the

*practice of industrial clustering, the possibilities of applying experience in the economy of Uzbekistan.*

**Keywords:** *industrial clusters, competitiveness of regions, integration of industry units, clustering models.*

### **Кириш**

Ўзбекистонда жаҳон тажрибасига асосланган ҳолда кластерларни қишлоқ хўжалиги иқтисодиётига жорий этиш амалиёти бошланган бўлиб, мамлакатни экспорт салоҳиятини ошириш ҳисобланади. Мамлакат бутун диққатини пахта толаси экспортидан, уни қайта ишлаб, тайёр маҳсулот сифатида экспортга йўналтириди. Хусусан, 2015 йилда пахта толаси экспорти 736,1 млн. АҚШ долларини ташкил қилган бўлса, 2020 йилда бу кўрсаткич 78,87 млн. АҚШ долларигача тушди, 2022 йилда эса мамлакат пахта толаси экспорт қилмади. Бу пайтда тайёр тўқимачилик маҳсулотлари экспорти 875,4 млн. доллардан 3,2 млрд. долларгacha ошди [8].

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, сўнгги 15–20 йил мобайнида кластерларни ташкил этиш борасида катта ишлар амалга оширилган. Экспертларнинг фикрича, ривожланган мамлакатлар иқтисодиётининг тахминан 50% кластерлаштиришга асосланади [4].

Европа Иттифоқи худудида 80 % кластерлар ракамлашиш ва яшил иқтисодиётга ўтишда хукумат ёрдамига таянади [9].

Кластерлаштириш тажрибалари шуни кўрсатмоқдаки, кластерли сиёsatнинг моҳияти худуд мустаҳкам салоҳиятини ишга солиш, Европа ҳамкорлигини ривожлантириш учун муҳим бўлган иқтисодий худудлар, худуд иқтисодиётидаги муаммолар ечими – Европа ҳамжамиятининг асосий фаолият йўналишларидан ҳисобланади. ЕИ кластерли сиёsatни худудлар ва тармоқлар рақобатбардошлигини оширишнинг ўрта

ва узоқ муддатли истиқболда иқтисодий ривожланиш ва инновацион салоҳиятни кўтаришнинг муҳим омилларидан бири деб қарайди [4].

Ўзбекистонда кластерларни шакллантириш, қишлоқ хўжалиги ва саноатнинг интеграцияси учун зарур шарт-шароитлар яратиш борасида чоралар кўрилмоқда. Бу борада норматив хукуқий база мустаҳкамланаётганлигини кузатишимиз мумкин. Хусусан, 2019 йил 12 февралдаги ПҚ-4186-сонли “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва унинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори [1], 2023 йил 10 январдаги “Пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини кўллаб-куватлаш, тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини тубдан ислоҳ қилиш ҳамда соҳанинг экспорт салоҳиятини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-2 сонли Фармони [2] каби хужжатларнинг қабул қилинганлиги сўзимизнинг далилидир.

### **Мавзуга оид адабиётлар шархи**

Саноат тармоқларини кластерлаштириш масаласи кўплаб хорижий, МДҲ давлатлари ва юртимиз иқтисодчи олимлари томонидан илмий ишларда кўриб чиқилган. Жумладан, A.Marshall бу йўналишда қатор тадқиқотлар ўтказган, унинг ғояси Буюк Британиянинг саноатлашган худудларининг ҳар хил бизнес ташкилотларида жорий қилишга муваффақ бўлинган. У кластерлаштириш жараёнининг дастлабки асосларини яратди дейишимиз мумкин. Кейинчалик D.Barkley ва R.Johnston ҳам кластерларни

ривожланишига ўзларининг ҳиссаларини кўшишган [10,11,12]. Бугунги ғарб иқтисодиётининг кластер тузилмалари уларнинг қарашлари асосида курилган десак муболага бўлмайди.

Юртимизда қатор олимлар саноатни, айниқса, пахта-тўқимачилик саноатини кластерлаштириш борасида изланишлар олиб борган олимлар кўп, аммо уларнинг орасида К.Хонкелдиеванинг ишларини алоҳида таъкидлаш жоиз [3]. Тўқимачилик саноатини кластерлаштириш жараёнида ва ундан кейинги даврларда давлат органлари билан бизнес тузилмалари ўртасидаги муносабатларда ваколатлар нисбати, кластерларни қўллаб-қувватлашнинг иқтисодий ва ташкилий механизmlари ёритилган, мавжуд механизмларни такомиллаштириш бўйича таклифлар берилган.

Ф.Азимованинг “Тўқимачилик саноати корхоналари фаолияти самарадорлигини бошқаришни такомиллаштириш” деб номланган иқтисод фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертациясида эса пахта-тўқимачилик кластерларида фермер хўжаликларини сотувдан олдинги молиялаштиришда аванс бериш нисбатларига ургу берилган. Бунда пахта хомашёсини кластерлар томонидан сотиб олишда олдиндан 60 фоизлик аванс бериш тизимининг самарадорлиги асосланган [6].

### Тадқиқот методологияси

Тадқиқот жараёнида кузатиш, тизимли ва қиёсий тахлил, агрокластерларни ташкил этишга ёндашув, таснифлаш усулларидан кенг фойдаланилган. Хорижий мамлакатларда калстерлаш усуллари ўзаро таққослаш методидан фойдаланган ҳолда тадқиқ қилинган.

### Натижа ва муҳокама

Кластерларни шакллантириш ва ривожланиши борасида Дания тажрибасига тўхталадиган бўлсак, дастлаб фирмалараро ҳамкорликда бирлашиш ёндашуви 1989–1990 йилларда Данияда ишлаб чиқилган. Мамлакатда истиқболли тармоқлараро тузилмани ажратиш учун 3 йил давомида 25 млрд. доллар ажратилган. Мўлжалланган тармоқлараро тузилма дастурини яратиш бўйича мутахассислар тайёрлаш жараёни бошланган. Дастурга кўра қуйидаги босқичлар бўйича грантлар ажратилган: дастур концепциясини ишлаб чикиш, ривожланиши режаси ҳамда инновацион тояларнинг амалга оширилиши. Дания ҳукуматининг ташаббуси билан 1988–1993 йилларда тармоқни ривожланиши дастурлари амалга оширилган. Тармоқларни ривожланишида кластерлаштириш муаммонинг аниқ ечимларидан эканлиги асосланди, тармоқларнинг мақсадли рақобатбардошлигини оширишга қаратилган бундай фирмалараро бирлашуви, айрим фирмаларнинг кучли жиҳатларидан фойдаланган ҳолда, бозорга янги маҳсулотларни чиқариш, янги бозорларни эгаллаш, ассортимент сиёсатини такомиллаштиришга имкон беради [5].

Нидерландияда кластерларни шаклланишида асосий мезон сифатида тармоқлар ўртасидаги “билимлар оқими” қабул килинади. Европанинг ривожланган мамлакатларидан бири, юқори даражада кластерлашган иқтисодиётга эга ушбу мамлакатда қишлоқ хўжалигини саноат билан интеграцияси хисобига юқори қўшимча қийматли маҳсулотлар улушкини оширишга эришган. Иқтисодиётининг асосий қисми кластер тузилмаларига тўғри келадиган давлатнинг кўрсаткичлари сезиларли даражада юқори (1-жадвал).

I-жадвал

**Ўзбекистон ва Нидерландиянинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмлари<sup>1</sup>**

Давлатлар	Аҳоли сони, млн. киши	Шудгорланган ерлар, минг га.	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми	
			АҚШ долл	1 гектар хисобига, АҚШ долл
Ўзбекистон	35,6	4 400,0	13,2 млрд	3 000
Нидерландия	17,7	1 038,4	131,0 млрд	131 000

<sup>1</sup> Маълумотлар 2021 йил якунлари бўйича ҳисобланган.

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Нидерландия мамлакатимизга нисбатан 4,35 баробар кам шудгорланган экин майдонларига эга бўлиб, киймат шаклида 10 баробар кўп ҳажмда маҳсулот шилаб чиқарган. Бундай натижа иқтисодиётнинг кластерлаштириш даражаси юкорилиги, давлатнинг ушбу йўналишда ташкилий чора-тадбирларни тўғри олиб бораётганлигининг самара сидир.

Шотландияда интеграциялашган муассасаларни шакллантириш ва мутахассисларни тайёрлаш маҳаллий инфратузилмани назорат қиласидаги, маркетинг тадқиқотлари ва инвестицион ишланмалар олиб борадиган ташаббускор маҳаллий муассасалар тармоғини яратиши орқали амалга оширилади. Шотландия кластер модели халқаро миқёсдаги компанияларнинг мавжудлигини назарда тутади. Йирик муассаса атрофида кластерни шакллантиришга имкон берадиган кичик тузилмалар ташкил этилади.

Франция бошқа давлатларга қараганда янги хўжалик шаклига қийинроқ ўтган. Бунинг асосий сабаби ўттиз фоиз маҳсулот, экспортнинг 25%, ишчи кучининг 25%ини ўзида бирлаштириб турувчи марказлашган давлат секторининг мавжудлиги бўлган. Францияда 1995 йилда худудларни

ташкил этиш ва ривожлантириш бўйича дастур қабул қилинган ҳамда худудларни ривожлантириш бўйича ташкилот ва фонд шакллантирилган. 1997–1999 йилларда дастур лойиҳаси ишлаб чиқилган ҳамда худудларни ривожлантириш бўйича 99 та лойиҳа тасдиқланган. Ўттиздан ортиқ йирик компаниялар муассасаларни бирлаштирган ҳолда марказлашдилар. Ишлаб чиқаришга янги техника ва технологиялар жалб этиш фаоллашди ҳамда янги тур товарларини ишлаб чиқариш, мультимедия, микроэлектроника, биотехнология соҳалари ривожланмоқда [7].

Туркияда илмталаб саноат тармоқларининг тўқимачиликда ҳам кластерлар шаклидаги ривожини кўришимиз мумкин. Ушбу давлатдаги кластер тузилмалари маҳаллий этиштирувчилар билан бирга, хорижий хом ашё этиштирувчи хорижий компаниялар билан ҳам мустаҳкам алоқаларга эга. Шу жумладан, Ўзбекистонда фаолият олиб борувчи хўжалик юритувчи субъектлар билан ҳам алоқалар яхши ўрнатилган.

2-жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, пахта экиладиган майдонлар Туркияда 320 минг гектарни ташкил этса, Ўзбекистонда бу кўрсаткич тўрт баробар кўп, яъни 1313 минг гектардан иборат.

2-жадвал

**Туркия, Қирғизистон ва Ўзбекистоннинг пахтачилик тармоғидаги айrim  
кўрсаткичлари<sup>2</sup>**

Мамлакатлар	Пахта хом ашёси хосилдорлиги, ц/га	Экин майдони, минг.га	Толанинг ялпи ҳажми бўйича ўрни	Хосилдорлик бўйича ўрни
Туркия	37,4	320	7	3
Қирғизистон	28,4	41	35	8
Ўзбекистон	19,6	1313	6	16

<sup>2</sup> Статистик маълумотлар асосида муаллиф ишланмаси.

Аммо, шунга қарамай, тайёрланган толани ялпи ҳажми бўйича Туркия дунёда 7-ўринни эгаллаб турган бўлса, Ўзбекистон 6-ўринда, яъни тўрт баробар катта майдон билан бир поғона юқорида холос. Бунинг асосий сабабини пахтачилика мамлакатларимиз ўртасида хосилдорликнинг кескин фарқ қилиши билан изоҳлаш мумкин. Ушбу хориж мамлакатида ҳар бир гектар ер майдонидан 37,4 центнер пахта хом ашёси йигиб олиш таъминланган бўлса, бизнинг мамлакатимизда бу кўрсаткич 19,6 центнердан иборат бўлмоқда.

Япония ушбу иқтисодий ривожланиш моделининг асосий вакили бўлиб, кластерлар давлат инновацион тизимиning асосини ташкил этади. Чекланган ресурслар шароитида юқори рақобатбардош устунликларга эришган Япония иқтисодиёти жалб этилган технологияларга таяниб, маълум ҳудудларда оқилона жойлаштирилган, кенг миқёсли ташкиллаштирилган ишлаб чиқариш билан тавсифланади. Япония кластерли модели ихтисослашув самарасининг юқорилиги ва заиф операцион фаолиятнинг хослиги билан ажralиб туради, бунда таълим, мулокат ва музокаралар учун кўп вақт сарфланади. Натижада, сифат кузатуви якуний маҳсулот назорати орқали амалга

оширилмасдан, ундан ишлаб чиқариш жараёнининг алоҳида босқичларига ўтказилади. Япониянинг Keuretsu тизими асосий ширкатнинг ишлаб чиқариш циклига хизмат кўрсатадиган ва технологик бирикмалар етказиб бериш билан боғланган корхона ва ташкилотларнинг кўп катламли ва кўп босқичли уюшмаси билан тавсифланади. Йирик корхоналар кичик корхоналарни сикиб юбормайди, аксинча имкон қадар кўпроқ ташкилот ва муассасаларни ўзининг ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириш жараёнига жалб қилишга ҳаракат қиласди. Катта корхоналар кўпгина кичик корхоналарнинг мавжудлигини таъминлайди.

Кластерлаштириш Япония моделининг афзаллilikларини куйидагилар билан тавсифлаш мумкин:

Биринчидан, транзакцион харажатлар – географик жиҳатдан бир-бирига яқин жойлашиши натижасида харажатларнинг тежалиши, ИТКИ (илмий тадқиқот тажриба-конструкторлик ишланмаси) доирасида йирик ташкилотлар ва нисбатан кичикроқ корхоналар ўртасидаги меҳнат тақсимоти ҳисобига олинадиган фойдадан иборат. Бундай ҳолатда йирик ишлаб чиқарувчилардан иккиласми ишлаб чиқариш ва ИТКИни субпудрат корхоналарига ўтказилиши

натижасида харажатларнинг тежалиши ва эътиборнинг энг мураккаб ва мухим фаолият йўналишларига қаратилиши амалга оширилади.

Иккинчидан, бу ишлаб чиқариш хажмининг ортиши ёки камайиши сабабли бозор конъюнктурасидаги ўзгаришларга кичик корхоналарнинг эгилувчанлиги ва яхши мослашувчанлигидан иборат. Бизнесни ташкил этишнинг ўзига хос шакли – Keyretsu тизимининг натижаси жаҳон бозорида Япония кластер уюшмаларининг барқарор рақобатбардошлиги ва самарали иқтисодий ўсиши хисобланади.

Хозирги кунда Японияда мамлакатнинг 18та минтақасида кластерларни ривожлантиришни рағбатлантирувчи “Knowledge cluster initiative” дастури амалга оширилмоқда. Бунда кичик инновацион ташкилотлар ва ийрик саноат компаниялари томонидан ташкил этиладиган ҳамкорликдаги лойиҳалар қўллаб-куватланмоқда, ҳудудий университетлар эса мазкур кластерларнинг ўзагини ташкил этади.

### **Хулоса**

Пахта-тўқимачилик кластерларини шакллантириш ва ривожлантиришнинг хориж тажрибасини тадқиқ этган ҳолда, уларнинг ижобий жиҳатлари умумлаштирилиб, хулоса сифатида мамлакатимизда пахта-тўқимачилик

кластерларини ташкил этиш амалиётига қўллаш бўйича қўйидагиларни ажратиб кўрсатишимиш мумкин:

– Дания моделига кўра, тармоқларнинг мақсадли рақобатбардошликни оширишга қаратилган фирмалараро бирлашувини амалга ошириш, айrim фирмаларнинг кучли жиҳатларидан фойдаланган ҳолда, бозорга янги маҳсулотларни чиқариш, янги бозорларни эгаллаш, ассортимент сиёсатини такомиллаштириш;

– Шотландия кластер моделига кўра, компетентликни ривожлантириш, олий таълим муассасалари билан ишлаб чиқариш ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш ҳамда кичик бизнес корхоналарининг рақобатбардошлигини ошириш;

– Америка моделига кўра, давлат тузилмалари, саноат ташкилотлари ва академик ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлик фаолиятини таъминлаш;

– Япония моделига кўра, Keyretsu тизимини жорий этиш, хусусан асосий ширкатнинг ишлаб чиқариш циклига хизмат кўрсатадиган ва технологик бирикмалар етказиб бериш билан боғланган корхона ва ташкилотларнинг кўп қатламли ва кўп босқичли уюшмасини, кичик инновацион ташкилотлар ва ийрик саноат компаниялари томонидан ҳамкорликдаги лойиҳаларни ташкил этиш мақсадга мувофиқ, деб хисоблаймиз.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 февралдаги “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва унинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти ПҚ-4186-сонли Қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 январдаги “Пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини қўллаб-куватлаш, тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини тубдан ислоҳ қилиш ҳамда соҳанинг экспорт салоҳиятини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти ПФ-2 сонли Фармони.

3. К.Хонкелдиева. Тұқымачилик саноати кластерлари фаолиятида бошқарув механизмларини такомиллаштириш: ИФФД (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати.-Т.:2021.
4. Давлятов Б.А. Пахта-тұқымачилик кластерларини ташкил қилишнинг долзарб мұаммолари. МОЛИЯ илмий журналы. 2022 йил 5-сон. 105–113-бетлар
5. Basant R. Knowledge flows and industrial clusters / R. Basant. - url:<https://scholarspace.manoa.hawaii.edu>.
6. Ф.Азимова “Тұқымачилик саноати корхоналари фаолияти самарадорлигини бошқаришни такомиллаштириш” деб номланған иқтисодиёт фанлари бүйіча фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси автореферати.-Т.:2022.
7. Ketels C. European clusters / C Ketels // Harvard Business School – Institute for strategy and competitiveness. - url: <http://www.isc.hbs.edu>.
8. Давлятов Б.А. Пахта-тұқымачилик корхоналарини кластерлашнинг ташкилий-иқтисодий механизмнің такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бүйіча фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзған диссертация автореферати. ТТДУ. 2023 йил.
9. [https://single-market-economy.ec.europa.eu/news/european-clusters-panorama-2021-comprehensive-picture-economic-activity-across-eu-and-industrial-2021-12-16\\_en](https://single-market-economy.ec.europa.eu/news/european-clusters-panorama-2021-comprehensive-picture-economic-activity-across-eu-and-industrial-2021-12-16_en) (16.12.2021)
10. Marshall, A. Principles of Economics/ London: Macmillan and Co. 8th ed. 1920.
11. Barkley D. Advantages and disadvantages of targeting industry clusters /D. Barkley, M. Henry // Clemson University. - url: <http://www.cherokee.agecon.clemson.edu>.
12. Johnston R. Clusters: a review / R. Johnston // Australian Government Department of Education, Employment and Workplace Relations. - url: <http://www.dest.gov.au>.

**УЎТ 33.330.9**

**Бобаназарова Жамила Холмуродовна,**  
*Жиззах политехника институти профессори, и.ф.д.*

## **АЁЛЛАР ТАДБИРКОРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ**

**Бобаназарова Джамиля Холмуродовна,**  
*Д.э.н., профессор Джиззакского  
политехнического института*

### **ОСОБЕННОСТИ РАЗВИТИЯ ЖЕНСКОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА**

**Bobonazarova Jamilya Kholmurodovna,**  
*Jizzakh polytechnic institute  
professor; doctor of economics*

### **SPECIFIC ASPECTS OF WOMEN'S ENTREPRENEURSHIP DEVELOPMENT**

**Аннотация.** Мақола аёллар орасида тадбиркорлик қўнималарини шакллантиришининг ижтимоий-иқтисодий механизmlарини татбиқ этиши жараёни сифатида оилавий тадбиркорликни ривожлантириши масаласига қаратилган. Аёллар орасида тадбиркорликни ривожлантириши учун яқин истиқболда асосий иқтисодий, ижтимоий, ташкилий чора-тадбирларни ривожлантириши бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

**Таянч сўзлар:** тадбиркорлик, меҳнат бозори, тадбиркорлик қўнималари, оилавий тадбиркорлик, ишчи кучи рақобатбардошлиги, иқтисодий шерикчилик.

**Аннотация.** Статья посвящена развитию семейного предпринимательства как процессу как процессу реализации социально-экономических механизмов формирования предпринимательских навыков у женщин. В ближайшее время разработаны предложения по разработке основных экономических, социальных и организационных мер по развитию предпринимательства среди женщин.

**Ключевые слова:** предпринимательство рынок труда, предпринимательские способности, семейное предпринимательство, конкурентоспособность рабочей силы, экономическое партнерство.

**Annotation.** The article focuses on the development of family entrepreneurship as a process of implementation of socio-economic mechanisms of formation of entrepreneurial skills among women. Proposals for the development of basic economic, social and organizational measures for the development of entrepreneurship among women have been developed in the near future.

**Keywords:** entrepreneurship labor market, entrepreneurial skills, family entrepreneurship, labor force competitiveness, economic: family business, business ideas, human development, labor market, business skills, family business, economic partnership.

### Кириш

Глобаллашувнинг хозирги босқичида жаҳон мамлакатларида кичик тадбиркорликнинг асосий қисми аёллар тадбиркорлиги хисобига тўғри келади. Жаҳон банки томонидан ўтказиладиган “Doing Business 2020” йиллик рейтингда Ўзбекистон 190 мамлакат орасида 69-ўринни эгаллаб, 2019 йил охирiga 100 баллик рейтингда 69,9 балл тўплади. Жаҳон банкининг Тошкентдаги ваколатхонаси матбуот хизматига кўра, Европа ва Марказий Осиёдаги бошқа тўртта давлат, шу жумладан, Тожикистон, Озарбайжон, Қирғизистон ва Косовода, Ўзбекистон ишбилиармонлик мухитини яхшилашда энг катта ютуқларга эришилган 20 мамлакат қаторига кирган [1].

Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик фоалиятини ривожлантириш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда, жумладан, аёлларга бошланғич сармоя учун, солик ставкалари борасида бир қанча имтиёзлар берилган. Аёллар тадбиркорлигининг ривожланишига таъсир этувчи ва тўсик бўлаётган омилларни ўрганиш мухим масалаларидан бири ҳисобланади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти таъкидлаганидек, “Олиб борилган таҳлил натижалари жойларда аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш ва бу орқали янги иш ўринларини яратиш, бандликни таъминлаш, ўз меҳнати билан даромад топиш истагида бўлган фуқароларга амалий ёрдам кўрсатиш, меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш ишлари талаб даражасида эмаслигини кўрсатмоқда” [2]. Шу нуқтаи назардан бугунги кунда аёллар орасида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, унинг имкониятларини оммалаштириш, аёллар меҳнатини ташкил

этишнинг стратегик йўналишларини такомиллаштириш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

### Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Ўзбекистон Республикаси Президенти кўрсатиб берганидек “Камбағалликни камайтириш – бу аҳолида тадбиркорлик руҳини ўйготиш, инсоннинг ички кучкувати ва салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, янги иш ўринлари яратиш бўйича комплекс иқтисодий ва ижтимоий сиёсатни амалга ошириш демакдир. Шунинг учун Жаҳон банки, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури ва бошқа халқаро ташкилотлар билан бирга Камбағалликни камайтириш дастурини ишлаб чиқишни таклиф этаман. Бу борада халқаро меъёрлар асосида чукур ўрганишлар ўтказиб, камбағаллик тушунчаси, уни аниқлаш мезонлари ва баҳолаш усусларини камраб олган янги методологияни яратиш лозим” [3].

Академик К.Х.Абдураҳмоновнинг фикрича “...аёлларда тадбиркорлик кўнкимларини шакллантириш, бизнес ғояларини қўллаб-қувватлаш ҳамда имтиёзли кредитлар билан таъминлашга кўмаклашиш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитасининг асосий дастурий вазифаларидан бири ҳисобланади” [4].

Хорижий олимлардан С.Chatterjee, S. Ramu таъкидлашича ҳозирги давр талаби бўлган инновацион “....тадқиқотларни олиб боришдаги, асбоб-ускуналарни олишдаги ва билимларни бўлишиш ва алмашишга бўлган кийинчиликлари тадбиркор аёлларни инновациялар яратиш имкониятларини чеклаб қўймоқда” [5].

Тадбиркорлик фаолиятида аёлларнинг иштироки аҳамиятли тарзда ошиб

бормоқда, америкалик тадқиқотчилар Р.Петерсон ва К.Вермейерлар бу феноменни “Жаҳон миқёсидаги тинч инқилоб” деб аташган эди [6]. Дархақиқат, охирги йиллар давомида бутун дунёда аёллар тадбиркорлиги кенг тус олиб, жаҳон иқтисодиётига катта ҳисса кўшаётганини инкор этиб бўлмайди. Масалан, АҚШ ва Канадада кичик бизнеснинг учдан бир қисми аёллар қўлида, Францияда тадбиркор аёллар эркак тадбиркорлардан З маротаба кўп, умуман олганда, ривожланган давлатларда тадбиркор аёллар тадбиркорларнинг 50,2 – 70,5 % фоизини ташкил этмоқда.

Оилавий тадбиркорликнинг асосий устунликлари ва хусусиятлари қуйидагилардан иборат: а) қулай ва тезкор қарорлар қабул қилиш имконияти. Йирик корхоналар билан қиёслаштирилганда оилавий бизнесда бошқарув қарорларини қабул қилиш тузилмалари соддлаштирилган бўлиб, бу бозор конъюнктурасига хос ўзгаришларга тезда мослашиш имконини беради; б) ишлаб чиқарувчиларнинг кўпроқ шу ҳудуддаги бозорга йўналтирилганлиги. Оилавий тадбиркорлик қоидалар, урфодатлар ва маҳаллий бозорнинг бошқа хусусиятларини ўрганиш учун ғоят мос келади; в) бандликни сақлаб туриш ва янги иш ўринлари барпо этиш.

Бизнингча, аёллар орасида тадбиркорлик иқтисодий ривожланишининг тезлашиши ва камбағалликнинг қисқаришида алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, мазкур фаолият оила даромадининг ошиб боришига асос бўлса-да, уларнинг тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш кўлами (доираси) торлиги, кўшилган қиймат яратилаётган тармоқлarda тадбиркорлик фаолиятини олиб боролмасликлари, интеллектуал капиталга эга бўлиш имкониятларини кенгайтириш сингари ўзига хос жиҳатлар тадқиқотига алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Аёллар тадбиркорлигини

инновацион, ижтимоий ва рақамли тадбиркорлик йўналишларини самарали ривожлантириш улар меҳнатининг ўзига хос хусусиятлари асосида ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этувчи бандлик соҳаларини кенгайтиришга самарали таъсир кўрсатади.

### **Тадқиқот методологияси**

Тадқиқот жараёнида макроиқтисодий таҳлил, қиёсий таҳлил, гурухлаш, мантиқий ва таққослаш таҳлили усулларидан фойдаланилди. Тадқиқот обьекти сифатида аёллар меҳнат муносабатлари, оилавий тадбиркорликда бандлик ҳолати таҳлил қилинган.

### **Натижва мухокама**

Шу ўринда республикамизда ҳам аёллар орасида кичик бизнес ва оилавий тадбиркорлик соҳасининг ривожига алоҳида эътибор қаратилиб, кенг имкониятлар очиб берилмоқда. Лекин, кичик бизнес ва оилавий тадбиркорлик барча ҳудудларда яхши йўлга қўйилган деб бўлмайди. Шунингдек, 2063 нафар ночор аёл, ижтимоий ҳимояга мухтоҷ 75 минг 920 та оила, оғир турмуш шароитида яшаётган 6 минг 213 нафар хотин-қизга мақсадли ёрдам бериш, ижтимоий кўллаб-куватлаш ишлари етарли даражада олиб борилмаган.

Йилига ярим миллион нафардан кўпайиб бораётган республикамиз аҳолиси оилаларини рўзгорининг бутлигига эришиш, одамларни, айниқса, аёлларни иш билан таъминлаш масаласини ҳал этишни ҳар бир оиланинг тадбиркорлик ресурсларидан фойдаланмай туриб бажариш мушкул. Тадқиқот натижаларини ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, аёлларга меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касблар бўйича билим ва кўнникмаларни эгаллашлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва ўз-ўзини банд килиш

кўникмаларини оширишга эришиш мақсадга мувофиқ.

Бу борада оилавий тадбиркорликни ривожлантиришни кредитлаш тизимидағи ислоҳотларнинг асоси сифатида “марказлар бизнес-инкубатор шаклида хотин-қизларнинг тадбиркорлик, ҳунармандчилик фаолиятини, шу жумладан, оилавий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиб мақсадида Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-кувватлаш жамоат фонди маблағлари хисобидан ташкил этилади. Тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирган хотин-қизлар туман (шаҳар) ҳокими ва туман (шаҳар) хотин-қизлар қўмитаси томонидан шакллантириладиган рўйхат асосида маҳсус ўқитиш дастури бўйича ўқитилади; маҳсус ўқитиш дастурларини муваффақиятли ўзлаштирган хотин-қизлар орасидан тегишли туман (шаҳар) Хотин-қизлар қўмитаси раиси тавсиясига кўра тадбиркорлик фаолиятини йўлга кўйиш учун 3 йилдан кўп бўлмаган муддатга, 6 ойлик имтиёзли давр ва йиллик 8 фоиз ставкада имтиёзли кредитлар ҳудудларда аҳоли бандлигини таъминлаш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришни кредитлаш тартиблари асосида ажратилади”[7].

Инсон камолоти индексида 3 та асосий омиллар – узоқ ва соғлом ҳаёт кечириш, билим олиш ва муносиб турмуш даражаси хисобга олинади, муносиб турмуш даражаси эса кўпроқ тадбиркорлик фаолиятининг ривожланишига асосланади. Бундан ташқари, ишлаб чиқариш соҳасини модернизациялаш жараёни энди аёл ишчи кучларининг сифатига ва рақобатбардошлигига янги талаблар қўйиб бормоқда. Бу борада мамлакатимизда фаолият юритаётган якка тартибдаги тадбиркор аёлларнинг ёш гурухларидаги фарқланишга эътибор қаратамиз (1-жадвал).

*I-жадвал  
Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган якка тартибдаги тадбиркор аёлларнинг ёш гурухлари бўйича фарқланиши<sup>1</sup>*

Жами	2018 й	2020 й	2022 й
<i>Шу жум-лайдан, ёши гурухлари бўйича</i>	<b>69 756</b>	<b>75 295</b>	<b>81 703</b>
16-19	72	78	86
20-24	8 318	8 977	9 742
25-29	5 659	6 218	6 740
30-34	9 141	9 866	10 709
35-39	11 599	12 534	13 602
40-44	10 835	11 695	12 690
45-49	9 141	9 867	10 707
50-54	8 553	9 232	10 018
55-59	4 589	4 903	5 320
60-64	1 251	1 315	1 427
65+	598	610	662

Юқоридаги жадвал бўйича давлат солик хизматлари органларида рўйхатдан ўтиб, фаолият кўрсатаётган якка тартибдаги тадбиркор аёлларнинг ёш гурухлари бўйича фарқланиши келтирилган. Бу борада айниқса, 30–34, 35–39, 40–44, 45–49, 50–54 ёшли аёллар орасида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш анча юқори кўрсаткични ташкил қилмоқда.

Тадқиқот натижаларини ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, аёлларга мөннат бозорида талаб юқори бўлган касблар бўйича билим ва кўникмаларни эгаллашлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва ўз-ўзини банд қилиш кўникмаларини оширишга эришиш мақсадга мувофиқ.

Бизнинг фикримизча, аёллар орасида тадбиркорликни амалга оширишнинг воситаси бошқарувнинг барча босқичларида миллий, ҳудудий ва

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика Қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

маҳаллий тадбиркорлик дастурларини ишлаб чиқиш, уни амалга ошириш ҳисобланади. Бугунги кунда аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш уларнинг ишга жойлашишга иштиёкларини ошириш, иқтидор, имкониятларини рағбатлантириш лозим. Оилавий тадбиркорлик моҳиятига ёндашишда асосан унинг миқдор кўрсаткичлари – иш билан банд бўлган ходимлар сони, низом жамғармаси ва активларига олинадиган фойда ҳажмига эътибор қаратиб келинади. Аммо унинг миқдор кўрсаткичларига қараганда сифат хусусиятлари – бозор иқтисодиётининг асоси, рақобат муҳитини шакллантирувчи энг муҳим субъектлиги, бозорда бир турдаги маҳсулот ва хизматларга табақалашган нархни шакллантиришга қодирлиги ва бошқалар муҳим.

### **Хулоса**

Аёллар орасида тадбиркорликни ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидаги иқтисодий, ижтимоий, ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш зарурлигини ифодалайди:

– янги иш ўринларини барпо этишининг қўшимча имкониятларидан фойдаланган ҳолда тадбиркорлик объектларининг тижорат банкларини

имтиёзли кредитлари ҳисобидан аёллар учун иш жойларини яратиш;

– аёллар меҳнатини ташкил этишининг янгича ёндашувлари асосида аёллар ижтимоий тадбиркорлик билан шуғуланиши учун норматив ҳуқуқий асос яратилишига эришиш;

– тадбиркорлик имкониятларини аёллар орасида оммалаштириш ва кўникмаларини шакллантириш мақсадида тадбиркорликка ўқитиш ишларини кенг ташкил этиш;

– молиявий маблағларнинг беҳудага сарфланишини олдини олиш мақсадида қобилиятили аёл тадбиркорларни кўриқдан ўтказиш;

– тадбиркорлик ҳисобидан аёллар учун янги иш жойларини ташкил этишини (молиявий, солиқ имтиёзлари бериш, фоизсиз кредитлар, қўшимча ер майдонлари, фойдаланилмаётган кувватларни ижарага бериш ва бошқа усуллар) кўллаб-кувватлаш;

– кичик бизнес, оилавий тадбиркорлик корхоналарини микромолиялаштириш учун ижтимоий инвестициялар жамғармаларидан фойдаланиш;

– оилавий тадбиркорликни иқтисодий шерикчилик шаклини кўллаш орқали бир нечта оиланинг ишлаб чиқариш ресурсларини бирлаштириш имкониятларидан фойдаланиш.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. <https://archive.doingbusiness.org/en/doingbusiness>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳар бир оила – тадбиркор» дастурини амалга ошириш тўғрисида», 2019 йил 24 октябрдаги ПҚ-4498-сон Қарори. Lex.uz.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 24 январь 2020.
4. Абдураҳмонов Қ.Х. Мехнат иқтисодиёти: назария ва амалиёт. Дарслик / Т.: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “FAN” нашриёти давлат корхонаси, 2019. 275-б.
5. C.Chatterjee, S. Ramu Gender and its rising role in modern Indian innovation and entrepreneurship. IIMB Management Review, 30 (1) (2018), pp. 62-72
6. Нурбекова Ж.А. Теоритические предпосылки социологического анализа женского предпринимательства. М.: Экономика и бизнес.2013 №3, -45 С.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартағи “Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини кўллаб-кувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарор. Lex.uz.

УЎТ 336.005.915

**Мирзаева Фотима Миррахимжоновна,**  
Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўймитаси ҳузуридаги  
Фискал институти докторанти (e-mail: [fotima-88@mail.ru](mailto:fotima-88@mail.ru))

**Зокиржонов Мухаммадсадик Равшанбек ўғли,**  
Тошкент молия институти Иқтисодий хавфсизлик кафедраси ўқитувчиши  
(e-mail: [m\\_zokirjonov@tfi.uz](mailto:m_zokirjonov@tfi.uz))

## БОЗОР РИСКИНИ VALUE AT RISK ЁНДАШУВИ БИЛАН БАХОЛАШ

**Мирзаева Фотима Миррахимджоновна,**  
Докторант Фискального института при Государственном налоговом комитете  
Республики Узбекистан (e-mail: [fotima-88@mail.ru](mailto:fotima-88@mail.ru))

**Зокиржонов Мухаммадсадик Равшанбек угли,**  
Преподаватель кафедры Экономическая безопасность  
Ташкентского финансового института (e-mail: [m\\_zokirjonov@tfi.uz](mailto:m_zokirjonov@tfi.uz))

## ОЦЕНКА РЫНОЧНОГО РИСКА ПОДХОДОМ VALUE AT RISK

**Mirzayeva Fotima Mirrakhimzhonovna,**  
*PhD student of Fiscal institute under the State tax committee  
of the Republic of Uzbekistan (e-mail: [fotima-88@mail.ru](mailto:fotima-88@mail.ru))*

**Zokirzhonov Mukhammad sodik Ravshanbek ugli,**  
*Lecturer of the department of Economic security  
of the Tashkent institute of finance (e-mail: [m\\_zokirjonov@tfi.uz](mailto:m_zokirjonov@tfi.uz))*

## ASSESSING MARKET RISK WITH VALUE AT RISK APPROACH

**Аннотация.** Мақолада «Ипотека-банк» АТИБнинг акциялари котировкаси бўйича мавжуд очиқ маълумотларни EXCEL дастури ёрдамида келгусидаги нархи ўзгариши билан боғлиқ бозор рискини Value at Risk ёндашувининг вариацион-ковариацион усули асосида баҳолаш ва прогноз қийматини аниқлаш таҳлили амалга оширилди.

**Таянч сўзлар:** рискли қиймат, бозор риски, вариация-ковариация ёндашуви, ретроспектив симуляция, Монте Карло симуляцияси, квантил.

**Аннотация.** В статье проведен анализ определения прогнозного значения и оценка рыночного риска будущего изменения цены акций АТИБ «Ипотека-банк» с помощью программы EXCEL на основе вариационно-ковариационного метода Value at Risk подхода.

**Ключевые слова:** стоимость под риском, рыночный риск, вариационно-ковариационный подход, ретроспективная симуляция, моделирование методом Монте-Карло, квантиль.

**Annotation.** In the article, the market risk of the future price change of the shares of «Ipotekabank» ATIB is assessed using EXCEL based on the variation-covariance method of the Value at Risk approach, and the analysis of the forecast value was carried out.

**Keywords:** Value at Risk, market risk, variation-covariance approach, retrospective simulation, Monte Carlo simulation, quantile.

### Кириш

Молиявий инструментнинг риски, хусусан, бозор риски дисперсия ёки стандарт четланиш билан аниқланиши риск назариясининг классик ёндашуви ҳисобланади. Эмпирик тадқиқотлар натижасига кўра амалиётда кўп ҳолларда бозор рискини дисперсия ёрдамида аниқлаш инвестиция даромадлилиги тақсимот функциясининг асимметрия ва экцесс ҳолатини ҳисобга олмайди [1]. Демак, даромадлилик нормал тақсимот қонуниятига бўйсингаса, актив келгуси қийматининг ноаниқлигини ҳисоблаш учун волатиллик ва корреляция метрикалари ҳам бозор рискини баҳолашда таҳлилни қаноатлантирмайди [2].

Бозор рискини баҳолашда йўқотишларнинг аниқ қийматини прогноз қиласидан ҳамда ҳисобланниши меҳнат ва маблағ юзасидан нисбатан мақбул метрика бўйича табиий талаб вужудга келди. Бунга жавоб тариқасидаги уринишлардан бири сифатида Value at Risk – рискли қиммат ёндашуви 1990 йиллар бошларида ишлаб чиқилди ва амалиётда банклар томонидан рискларни баҳолашда фойдалана бошланди. Value at Risk foysi J.P. Morgan банкининг Директорлар кенгаши раиси Деннис Везерстоунга тегишли ҳисобланади [3].

### Мавзуга оид адабиётлар шархи

VaR ёндашуви тадрижан қўйидаги учта йўналишда ривожланиб келмоқда: 1) вариация-ковариация ёндашуви (параметрик усул); 2) ретроспектив симуляция (напараметрик усул); 3) Монте

Карло симуляцияси (яримпараметрик усул) [4].

VaR ҳисобланишининг параметрик усули бўйича биринчи модель RiskMetrics бўлиб, даромадлилик нормал тақсимот қонуниятига кўра ёйлади деган фараз орқали VaRни ҳисоблади [5]. RiskMetricsда асосан учта камчилик кузатилган. Биринчиси – эмпирик кузатувлар даромадлилик нормал тақсимотга бўйсунмаслигини кўрсатди [6]. Иккинчиси – вариатив волатиллик ва кластер волатиллик каби волатилликнинг баъзи начизикли хусусиятларини қамраб олади, лекин асимметрия ва левередж самарасини ҳисобга олмайди [7]. Учинчиси – даромадлилик мустақил ва бир хил (идентик) тақсимотга эга бўлиши керак шартидир [8].

Напараметрик ёндашувида яқин келажак яқин ўтмиш сингари бўлади деган шарт (фараз) билан VaRни ҳисоблашга интилади. Напараметрик усулларга ретроспектив симуляция (Historical Simulation) ва зичликнинг напараметрик баҳолаш усуллари киради [9]. Бу ёндашувни татбиқ қилиш қулай ҳисобланниб, статистик усуллар ёрдамида такомиллаштириш мумкин [10]. Ретроспектив симуляция усули статистик маълумотларга буткул таяниб қолгани унинг камчилиги ҳисобланади. Агар маълумотлар давр оралиғидаги динамикаси сокин (паст тебранишда) бўлса, риск даражасини камайтириб кўрсатади ва агар маълумотлар юкори волатилликка эга бўлса, модель риск даражасини ҳаддан ташқари юкори деб аниқлайди [11].

Яримпараметрик ёндашув, яъни Монте Карло симуляцияси усули. Монте Карло симуляцияси молиявий инструментдаги ўзгаришларнинг ўзида акс эттирадиган бирор-бир тасодифий жараённи симуляция қилиш, яъни тасодифий микдорлар генератори ёрдамида математик модель тузуб, кўплаб маротаба қайта ҳисоблаш ва ҳосил бўлган маълумотлар асосида ўрганилаётган жараённинг эҳтимолли ўзгаришларини ҳисоблаб чиқиш усули ҳисобланади. Етарли симуляциялар сонидан кейин йўқотишлилар тақсимотини ва турли эҳтимолликлар учун VaRни ҳисоблади [12].

### Тадқиқот методологияси

Риск ўлчови (VaR) – молиявий инструмент келгусидаги волатиллигини баҳолаш метрикаси бўлиб, маълум шартлар остида молиявий инструментга инвестициянинг максимал йўқотиш қийматини аниқлади. Бунда белгиланган келгуси т давр учун ва а аниқлик даражаси билан маълум инструментдан кутилаётган максимал йўқотиш VaR қийматидан ошмаслиги прогноз қилинади [13]. Математик нуктаи назардан VaR кўрсаткичи а тартибдаги тасодифий ифода тақсимотининг квантити ҳисобланади.

Агар нархлар ўзгаришининг эҳтимолли тақсимоти нормал тақсимот қонунига бўйсунса, VaR микдорини қуидаги формула бўйича ҳисоблаш мумкин: . Бу ерда:

- инструментнинг дастлабки нархи;
  - риск горизонти;
  - инструмент даромадлилиги стандарт четланиши;
  - танланган аниқлик даражаси.
- Аниқлик даражаси регулятор томонидан белгиланади. Базел II келишувди доирасида банк бозор рискини VaR билан баҳоласа аниқлик даражаси 1%, яъни бу 99% эҳтимоллик даражаси ҳисобланади.

Бундай ташки регулятор меъёри бўлмаса, VaRнинг аниқлик даражаси фойдаланувчининг риск аппетити билан белгиланилади.

Риск горизонти – бу потенциал йўқотишиларни қанча давр оралиги учун ҳисобланишни англатадиган муддат. Базел II келишувига мувофиқ VaR учун риск горизонт 10 кун ҳисобланади. Бундай тартибга солиш механизмлари мавжуд бўлмаган ҳолатларда VaRнинг риск горизонти сифатида инвестиция волатиллик частотаси, яъни рискка учрашнинг кутилаётган даври олинади.

Стандарт четланиш – бу кузатувларнинг ўртача қийматдан ёйилиш зичлиги узоқлигидир, яъни квадрат илдиздаги дисперсиядир. Бунда ўртача қиймат – бу кузатувлар тўпламининг ўртачасидир.

### Натижа ва муҳокама

«Ипотека-банк» АТИБ акцияларининг волатиллиги (келгусидаги нархи ўзгариши бозор рискини) VaR вариацион-ковариацион (делта-нормал, «дастаки усул») усули билан прогноз қиймати аниқланади. VaRда кузатувлар сони камидан 250 та бўлади. Шу сабабдан “Тошкент” РФБнинг [www.uzse.uz](http://www.uzse.uz) расмий сайтидан банк акцияларининг 04.01.2021й.-30.12.2021й. даврдаги кундузги ёпилиш котировкалари дастлабки маълумот сифатида олинди.

Акция даромадлилиги ҳисобланиши. Акция кунлик котировкасидан даромадлилигини Excel дастурининг LN формуласи ёрдамида аниқланади.

Акция даромадлилигининг тақсимот параметрлари ҳисобланиши. Бунда математик (ўртача) кутилиш ва стандарт четланиши Excelнинг СРЗНАЧ ва СТАНДОТКЛОН формулалари билан аниқланади.

Акция даромадлилигининг тақсимоти учун квантил ҳисобланиши. Квантил – бу аниқланган математик кутилиш ва стандарт четланиш бўйича Гаусс/нормал тақсимот функцияси қийматидир. Бунда функция белгиланган 99% эҳтимоллик даражаси билан маълум қийматдан юқори бўлмаслиги керак. Excelнинг НОРМОБР функцияси билан аниқланади.

## 2-жадвал

### «Ипотека-банк» АТИБ акцияси келгуси нархини VaRнинг делта-нормал ва «дастаки» усуллари билан ҳисоблаш натижалари<sup>1</sup>

№	Кўрсат-кичлар	Делта-нормал қийматлари
1.	Математик кутилиш	0,1723%
2.	Стандарт четланиш	3,3911%
3.	Квантил	-7,7165%
4.	P <sub>t+1</sub>	1,310425915
5.	P <sub>t+5</sub>	1,174984898
6.	Ўзгариш	Нисбий Мутлак
7.	VaR <sub>t+1</sub>	-8,0305% -0,109574
8.	VaR <sub>t+5</sub>	-18,9402% -0,245015
9.	Минимал	-16,8335%
10.	Максимал	16,8335%
11.	Интервал сони (N)	100
12.	Интервал (оралиқ)	0,33667%

Даромадлиликни берилган тақсимот параметрлари билан акция келгуси қиймати қўйидаги формула орқали топилади: . Бу ерда: q – акция даромадлилиги тақсимотининг квантили; P<sub>t</sub> – келгуси t даври учун акция қиймати; P<sub>t+n</sub> – t дан кейинги давр учун берилган квантил даражаси билан акциянинг минимал қиймати.

1 Муаллифлар томонидан тузилди.

Келгусидаги маълум бир давр учун берилган квантил даражаси билан акциянинг қийматини прогнозлаш учун қўйидаги созланган формула билан аниқланади: . Бу ерда: P<sub>t+n</sub> – t дан кейинги n-чи даври учун акциянинг минимал прогноз қиймати; n – акция эҳтимолли минимал қийматининг келгуси даври (муддати).

Демак, белгиланган 99% эҳтимоллик даражаси билан акциянинг минимал нархини прогноз қиймати қўйидагича: «Ипотека-банк» АТИБ акциясининг P<sub>t+1</sub> нархи 1,310425915 сўмдан кам бўлмайди ва P<sub>t+5</sub> акциянинг эҳтимолли минимал нархи кейинги 5-кун учун 1,174984898 сўмдан кам бўлмайди. Эҳтимолли йўқотишларнинг Excelда нисбий қийматини ҳисоблаш учун акция қийматининг фоиз ўзгаришини LN(/) орқали ва мутлақ ўзгаришини айирав (-) билан топилади.

Аниқланган VaR қийматларини интерпретацияси қўйидагича бўлади: кейинги кун учун «Ипотека-банк» АТИБ акцияси қиймати 99% эҳтимоллик билан 1,310425915 сўмдан паст бўлмайди ва битта акция учун мутлақ йўқотишлар -0,1095741 сўм (-8,0305%)дан юқори бўлмайди. Шу тариқа 5 кундан кейинги VaR қиймати қўйидагича ўқилади: «Ипотека-банк» АТИБ акциясининг қиймати кейинги беш кун мобайнида ва 99% эҳтимоллик билан -0,2450151 сўмдан паст бўлмайди ҳамда капитал йўқотиши – 18,9402% (бир акцияга 1,174984898 сўм) дан баланд бўлмайди.

## Хулоса

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, 1990-йиллар ярмидан то ҳозирги кунга қадар йирик халқаро банклар ва регуляторлар бошчилигига деярли барча молиявий институтлар риск метрикаси сифатида VaR (Value at Risk)дан

фойдаланишади. Бозор рискини баҳолаш соҳасида қуидаги ижобий ўзгаришларга сабаб бўлди:

1. VaR молиявий инструмент бозор рискини баҳолашнинг корпоратив тузилма миқёсида яхлит тизимишидир. Бундан олдин ҳеч бир риск метрикаси риск менежмент учун рискини баҳолашда яхлит тизим сифатида ечим бўлмаган.

2. Халқаро банклар фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишга оид норма ва қоидаларни ўрнатадиган Базел

қўмитаси 1995 йилда бозор риски бўйича капитал монандлигини VaRга асосан аниқлаш талабини жорий этди. Шу билан усулга қизиқиш ортди ва амалиётда кенг тарқалди.

3. VaR гача бўлган метрикалар риск ва даромадлилик ўртасидаги боғлиқлик САРМ каби хос моделлар билан тушунтириб беришга қаратилган эди. VaR эса рискини кутилаётган даромадлийдан эмас, балки йўқотишлар нуктаи назаридан миқдорий баҳолашга эътиборни қаратди.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Alexander Carol. Market Risk Analysis. Volume IV: Value-at-Risk Models. John Wiley & Sons Ltd., England. 2008. 494 pages.
2. Лукашов А.В. Риск-менеджмент и количественное измерение финансовых рисков в нефинансовых корпорациях. Управление рисками. №5(11). 2005. 43-60 стр.
3. J.P. Morgan. RiskMetrics™ Technical Document, 3rd ed. New York. 1995.
4. Jorion Ph. Value at Risk: The new benchmark for managing financial risk. 3rd ed. NY McGraw-Hill books. 2007. P. 594.
5. Morgan J.P. RiskMetrics Technical Document, 4th ed. New York. 1996.
6. Bollerslev T.A. conditionally heteroskedastic time series model for speculative prices and rates of return. Economics and Statistics. 1987. 542–547.
7. Black F. Studies in stock price volatility changes. Proceedings of the 1976 Business Meeting of the Business and Economics. 1976. pp. 177–181.
8. Hansen B. Autoregressive conditional density estimation. International Economic Review. 1994. Pp. 705–730.
9. Pilar Abad, Sonia Benito, Carmen López. A comprehensive review of Value at Risk methodologies. Spanish Review of Financial Economics. Pp. 15–32.
10. Harvey C., Siddique A. Autoregressive conditional skewness. Journal of Financial and Quantitative Analysis. 1999. Pp. 465–487.
11. Abad P., Benito S. A detailed comparison of value at risk in international stock exchanges. Mathematics and Computers in Simulation. 2013.
12. Glasserman P. Monte Carlo Methods in Financial Engineering. Springer. 2004.
13. Pagan A., Schwert G., Alternative models for conditional stock volatility. Journal of Econometrics. 1990. Pp. 67–90.

УЎТ 33.07

**Чинбердиева Лазокатхон Рахматжоновна,**  
*Андижон қишилоқ хўжалиги ва агротехнологиялар*  
*институти таянч докторант*  
[chinberdiyeval@gmail.com](mailto:chinberdiyeval@gmail.com)

## **ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРДА БОШҚАРУВ ТАҲЛИЛИНИНГ ИҚТИСОДИЙ МОҲИЯТИ ВА АҲАМИЯТИ**

**Чинбердиева Лазокатхон Рахматжоновна,**  
*Андижанский институт сельского хозяйства и*  
*агротехнологий, базовая докторантка*

## **ЭКОНОМИЧЕСКАЯ СУЩНОСТЬ И ЗНАЧЕНИЕ УПРАВЛЕНЧЕСКОГО АНАЛИЗА В ХОЗЯЙСТВУЮЩИХ СУБЪЕКТАХ**

**Chinberdieva Lazokatkhan Rakhmatzhonovna,**  
*Andijan Institute of Agriculture and Agrotechnologies,*  
*basic doctoral student*

## **THE ECONOMIC ESSENCE AND SIGNIFICANCE OF MANAGEMENT ANALYSIS IN ECONOMIC ENTITIES**

**Аннотация.** Уибӯ мақолада хўжалик юритувчи субъектларда бошқарув таҳлилини амалга оширишининг назарий масалаларига эътибор қаратилган бўлиб, унда бошқарув таҳлили тушунчасининг иқтисодий мазмуни, аҳамияти, ўзига хос хусусиятлари, шунингдек, бошқарув ходимлари томонидан самарали бошқарув қарорларини қабул қилиши ва корхоналар фаолиятини бошқаришидаги ўрнига эътибор қаратилган.

**Таянч сўзлар:** молиявий таҳлил, бошқарув таҳлил, ташқи таҳлил, ички таҳлил, ички фойдаланувчилар, ташқи фойдаланувчилар, тијкорат сири, бизнес сегментлари, прогноз, бошқарув қарори.

**Аннотация.** Данная статья посвящена теоретическим вопросам внедрения управленаческого анализа в хозяйствующих субъектах, акцентируя внимание на экономическом содержании, значимости, специфике концепции управленаческого анализа, а также роли управленаческого персонала в принятии эффективных управленаческих решений и управлении деятельностью предприятий.

**Ключевые слова:** финансовый анализ, управленаческий анализ, внешний анализ, внутренний анализ, внутренние пользователи, внешние пользователи, коммерческая тайна, бизнес-сегменты, прогноз, управленаческое решение.

**Annotation.** This article is devoted to the theoretical issues of the introduction of management analysis in business entities, which examines the economic content, significance, specificity of the concept of management analysis, as well as the role of management personnel in making effective management decisions and managing the activities of enterprises.

**Keywords:** financial analysis, management analysis, external analysis, internal analysis, internal users, external users, trade secrets, business segments, forecast, management decision.

## Кириш

Жаҳон иқтисодиётининг барқарор суръатлар билан ривожланиши бевосита бошқарувнинг самарадорлигига боғлиқ. Бу эса корхона ва ташкилотларда бошқарув ҳисоби ва таҳлилини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратишни талаб қиласди.

Мамлакатимизнинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви жараёнида рақобат курашининг кучайиши корхоналар ўртасида тижорат сири қоидаларига амал қилишга жиддий ёндашиш зарурлигини кўрсатмоқда. Шу боисдан, бухгалтерия ҳисоби ва иқтисодий таҳлил икки даражада олиб борилиши мақсадга мувофиқдир. Агар ташки фойдаланувчилар манфаатлари учун корхоналарда молиявий ҳисоб ва таҳлил юритилса, ички фойдаланувчилар учун эса бошқарув ҳисоби ва таҳлили мўлжалланган бўлиб, у корпоратив бошқарув тизимида тижорат сири билан боғлиқ ҳисоб ва таҳлилни амалга оширади. Чунки, ҳозирги шиддатли ислоҳотлар даврида корхоналар ўзларининг барқарор ривожланишини таъминлаши учун таъсирчан ва оқилона бошқарув қарорларини қабул қилиши объектив заруратга айланмоқда.

## Мавзуга оид адабиётлар шархи

Эътироф этиш керакки, мамлакатимизда ҳозирги шаклланган иқтисодиёт бутунлай янги йўналишда олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича

қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон Қарори, “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720 Фармонини эълон қилиниши бухгалтерия ҳисобини тубдан ислоҳ қилиш, бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларига ўтиш, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари олдига илғор бошқарув қарорларини қабул қила олиш вазифаларини кўйди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони республикамида амалга оширилётган ислоҳотларнинг янада кучайишига сабаб бўлди. “Харакатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари” тамойилига асосан ишлаб чиқилган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида белгилаб берилган устувор йўналишлар республикамизнинг ривожланиш истиқболини белгилаб берди. Устувор йўналишлар таркибидаги III қисм, 22-мақсадда: “**Миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш ва ялпи ички маҳсулотда саноат улушини оширишга қаратилган саноат сиёсатини давом эттириб, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини 1,4 бараварга ошириш**” [1] вазифа қилиб қўйилган. Ушбу мақсадни амалга оширишда тўғри бошқарув қарорларини қабул қилиш, самарали стратегик режаларни ишлаб чиқиш зарурдир. Корхонанинг бошқарув

тизимини тартибли ташкил этилиши, бошқарув хисобини тўғри юритилиши, бошқарув таҳлилини амалга оширилиши юқоридаги вазифаларни бажарилишида муҳим ўрин тутади.

М.А.Вахрушина: “Бошқарув таҳлили – бу ташкилотнинг таркибий бўлинмаларини бошқаришининг ўтмишдаги ва келажакдаги натижаларини баҳолашга қаратилган ички иқтисодий таҳлил. Бошқарув таҳлили – бу иқтисодий таҳлил бўлими ва бошқарув хисобининг ажралмас қисми бўлиб, унинг асосий мақсади бизнес сегментларининг даромадлари, харажатлари ва молиявий натижаларини прогноз қилиш асосида ўтмишдаги, ҳозирги ва энг муҳими, келажакдаги фаолиятини ўрганишдир” [2], – деб таърифлаган.

Н.А.Казакованинг фикрига кўра, “Бошқарув таҳлили бухгалтерия ҳисоби ва бошқарув қарорларини қабул қилишнинг етакчи бўгини ҳисобланади, шу сабабли у хўжалик юритувчи субъектнинг инқирозсиз ривожланишини таъминлашнинг асосий таркибий қисми бўлиб хизмат қиласди” [3].

М.А.Вахрушина ва Л.Б.Самарина “Бошқарув таҳлили – хўжалик жараёнларига тегишли маълумотларга асосланган, маҳфий ва истиқболли йўналишга эга бўлган, таҳлил қилинадиган ташкилот фаолиятининг саноат хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда амалга ошириладиган, натижалари раҳбарият томонидан жорий ва истиқболли бошқарув қарорларини ишлаб чиқишида фойдаланиладиган ички истеъмолга йўналтирилган таҳлил” [4], – деб талқин қиласдилар.

О.Н.Волкованинг таъкидлашича, “Бошқарув таҳлили менежментнинг барча даражаларида унинг менежерлари томонидан ташкилот ичida бошқарув қарорларини қабул қилиш учун ахборот

асосини шакллантиришга имкон беради. Бошқарув таҳлили ҳар доим истиқболли йўналишга эга, чунки қарор қабул қилиш нуқтаи назаридан ўтган воқеалар ва маълумотлар ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас ва факат келажак учун таҳминий, жуда ишончли кўрсатмалар бўлиб хизмат қилиши мумкин” [5].

Махаллий олимларимиздан М.Қ.Пардаев “Бошқарув таҳлили иқтисодий таҳлилнинг бир қисми, шунингдек, бошқарув тизимининг маҳсус функциясиdir. Бошқарув таҳлили деганда, корхона раҳбарияти, унинг эгаси ва раҳбарияти томонидан бошқарув ҳисоби ва ҳисботлари асосида ички имкониятларни ишга солиш ва самарадорликни ошириш мақсадида, маълумот манбалари ва натижалари маълум даражада сир тутиладиган ички таҳлил тушунилади” [6], деб таърифлаган.

Н.Ф.Ишонқулов раҳбарлигидаги олимларнинг фикрига кўра, “Бошқарув таҳлили – корхонада маблағлар ва бошқа ресурслардан самарали фойдаланиш йўлларини, омилларини, имкониятларини кўрсатувчи ҳамда қарорларни қабул қилишда илмий асос бўладиган фактларни берувчи таҳлил туридир” [7].

### Тадқиқот методологияси

Мақолани тайёрлаш мобайнида хўжалик юритувчи субъектларда бошқарув таҳлилининг иқтисодий мазмуни, ўзига хос хусусиятлари, бошқарув ходимлари томонидан самарали бошқарув қарорларини қабул қилишдаги аҳамияти илмий жиҳатдан ўрганилган ва солиштирма, қиёсий ва тизимли таҳлил усулларидан фойдаланилган.

### Натижа ва муҳокама

Бизнинг фикримизча, бошқарув таҳлили бошқарув ҳисоби ва менежментни

бир-бирига боғловчи восита вазифасини бажаради.

Бошқарув таҳлили – бошқарув хисобининг ажралмас қисми бўлиб, корхонанинг ички ресурсларидан фойдаланиш даражаси ва ташки имкониятларининг комплекс таҳлили асосида бошқарув қарорлари қабул қилиш учун маълумотларни тўплаш, саралаш, қайта ишлаш ва етказиб берувчи ички таҳлилдир.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида бошқарув таҳлилиниң ўзига хос хусусиятларини қўйидагича тизимлаштириш мумкин, деб хисоблаймиз (1-расм).

Бошқарув таҳлилиниң ўзига хос хусусиятлари бири бирини тўлдиради, бирининг шаклланиши иккинчисининг юзага келишига замин яратади.

Хозирги шароитдан келиб чиқиб, иқтисодиётга бугунги кун нуқтаи назаридан ёндашиш зарурлигини, бунда, хўжалик юритувчи субъектларнинг ички имкониятларини ҳаракатга келтирувчи, ташки бозорда ўз брендига эга бўлиш йўлини белгилаб берувчи – бошқарув таҳлилига бўлган эҳтиёж ошиб бораётганлигини кўриш мумкин.


Шу ўринда бошқарув таҳлилиниң молиявий таҳлилга нисбатан устуворликка эга ижобий жиҳатларини келтириб ўтмоқчимиз:

1. Молиявий таҳлил ташки истеъмолчилар учун хизмат қиласи, ташки истеъмолчилар ўз манфаатлари учун қарор қабул қиласи. Бошқарув таҳлилиниң натижаси эса корхонанинг тактик ва стратегик режаларни ишлаб чиқиш, шунингдек, уни амалга ошириш натижасида корхонанинг ривожланиш йўлларини белгилаш учун хизмат қиласи.

2. Молиявий таҳлил корхона фаолиятининг самарадорлигини ошириш учун эмас, ташки субъектлар манфаатини қондиришга мўлжалланган. Бошқарув таҳлили корхона ички муаммоларини ҳал қилишда фойдаланилади.

3. Таҳлил субъекти ички корхона ходими бўлиб, у корхонада содир бўлган ва бўладиган барча жараёнларда иштирок этади. Бунинг натижаси, олинган маълумотлар реал бўлади, муаммо-сабабдалил-натижа объектив баҳоланади.

4. Таҳлил учун зарур ахборот манбаларининг кўплиги, чегаралан-



1-расм. Бошқарув таҳлилиниң ўзига хос хусусиятлари<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Муаллиф томонидан тузилган

маганлиги, уларни қайта ишлаш жараёнларида илғор таҳлил усулларидан фойдаланишга имкон беради. Замонавий диагностика ва прогнозлаштириш, SWOT ва PAG таҳлил, моделлаштириш ва дастурлаш усулларидан фойдаланиш самарадорлиги ошади.

5. Замонавий дастурий таъминотлардан фойдаланиш натижасида таҳлилнинг узликсизлиги таъминланади, ишончли ахборотларни олиш, қайта ишлаш ва узатиш жараёни тезлашади, оператив, жорий, перспектив ривожланиш тактика ва стратегиялари белгиланади.

6. Кўрсаткичларни аниқлашда барча ўлчов бирликларидан фойдаланиш таҳлил кўламини кенгайтиради. Корхонанинг ички имкониятларини аниқлаш ва уларни ҳаракатга келтиришни осонлаштиради. Бу эса самарадорликка эришишдаги энг мақбул йўналиш ҳисобланади.

7. Бошқарув таҳлилини корхонанинг тармоқ хусусиятидан келиб чиқиб ўtkазилиши таҳлилнинг сифатини оширади. Қабул қилинган қарорлар махфий, лекин корхона учун, жамият учун фойдали бўлади.

Президентимиз таъкидлаганидек, “Иқтисодиётимиз ва жамиятимиз олдида ечимини кутиб турган ўта жиддий масала – бу паст самарадорликка барҳам беришдан иборат”<sup>2</sup>, деб белгиланган стратегик мақсадларимизни амалга ошириш учун хизмат қиласди.

Демак, бошқарув таҳлилининг бир қанча ижобий жиҳатлари ҳозирги шиддат билан ривожланиб бораётган иқтисодиётда корхоналарнинг ўз ўрнига эга бўлиши учун ўта муҳим эканлигини кўрсатмоқда.

## Хулоса

Иқтисодиёт барқарорлашиб, ракобат кучайиб, тобора кескин тус олаётган ҳозирги шароитда ишлаб чиқаришни ички таҳлил қилишга эҳтиёж ошиб бормоқда, бу эса таҳлилнинг янги мақсадларини амалга ошириш заруратини келтириб чиқаради. Замонавий раҳбар самарали бошқарув қарорларини қабул қилиш мезонларини билиши, ўз фаолият соҳасидаги муаммони ҳал этишга тизимли ёндашиши, танқидий таҳлил қилиши, ишлаб чиқаришни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш масалаларига эътибор қаратиши талаб этилади. Юқоридаги муаммоларни ҳал қилишга иқтисодий ахборотлардан фойдалана олиш, уларни таҳлил қилиш, натижаларга асосланиб тўғри бошқарув қарорини қабул қила олиш орқали эришилади. Бу ҳолатда энг самарали йўл корхоналар фаолияти бошқарув таҳлилини амалга ошириш тизимини такомиллаштириш, унга дахлдор иқтисодий кўрсаткичларни аниқлаш ва баҳолашдир.

Хулоса қилиб айтганда, бошқарув таҳлилининг асосий мақсади хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий хўжалик фаолиятидаги энг мақбул бўлган қарорларни қабул қилиш учун маълумотларни тўплаш, саралаш, қайта ишлаш ва етказиб бериш ҳисобланади.

<sup>2</sup> Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Т.: O’zbekiston, 2021. 145-б. (464 б.)

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2022 йил 28 январь ПФ-60-сон, <https://lex.uz/docs/5841063>.
2. Вахрушина М.А. Управленческий анализ: Учебное пособие. М.:Омега-Л, 2005. -29 с.
3. Казакова Н.А. Управленческий анализ и диагностика предпринимательской деятельности: Учебное пособие. М.:Финансы и статистика; ИНФРА-М, 2012. – 496 с.
4. Вахрушина М.А., Самарина Л.Б. Управленческий анализ: вопросы теории, практика проведения: Монография. – М.: Вузовский учебник: ИНФРА-М, 2010. – 22 с.
5. Волкова О.Н. Управленческий анализ: учебник. –М.:TK Велби, “Проспект”, 2007. -304 с.
6. Пардаев М.Қ., Шоалимов А.Х., Пардаев А., Истроилов Ж. Бошқарув таҳлили. – Т.;Иқтисодиёт ва хукуқ дунёси, 2005. 94-б.
7. Ишонқулов Н.Ф., Пардаев М.Қ., Иброҳимов А.Т., Мисиров К.М., Нурманов У.А. Иқтисодий таҳлил назарияси / дарслик: -Т.:”Сано-стандарт”, 2014 йил. 22-б.

УЎТ 354

**Шодмонқулов Камолиддин Муродиллаевич,**  
**Тошкент молия институти «Менежмент ва маркетинг»**  
**кафедраси доцент в.б.**

## ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ САМАРАЛИ БОШҚАРИШ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

**Шодмонқулов Камолиддин Муродиллаевич,**  
*PhD, и.о.доцент кафедры «Менежмент и маркетинг»,*  
*Ташкентский финансовый институт*

## ЭФФЕКТИВНОЕ УПРАВЛЕНИЕ ЗОНАМИ МАЛОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ В НАШЕЙ РЕСПУБЛИКЕ: ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ

**Shodmonkulov Kamoliddin Murodillayevich,**  
*PhD, teacher of «Management and marketing»*  
*department of the Tashkent institute of Finance*

## EFFICIENT MANAGEMENT OF SMALL INDUSTRY ZONES IN OUR REPUBLIC: PROBLEMS AND SOLUTIONS

**Аннотация.** Мақолада Ўзбекистонда кичик саноат зоналари фаолиятини ташкил этиши ва бошқарышда муаммо ҳамда уларнинг ечимлари юзасидан таклифлар ёритилган.

**Таянч сўзлар:** кичик саноат зонаси, инвестиция, инвестиция лойиҳалари, кичик саноат зоналарининг жойлашуви, инфраструктура, тадбиркорлик фаолияти, аҳоли бандилиги, кичик бизнесни ривожлантириши.

**Аннотация.** В статье описаны проблемы в организации и управлении малыми промышленными зонами в нашей республике, а также предложения по их решению.

**Ключевые слова:** малая промышленная зона, инвестиции, инвестиционные проекты, размещение малых промышленных зон, инфраструктура, деловая активность, занятость населения, развитие малого бизнеса.

**Annotation.** The article describes the problems in the organization and management of small industrial zones in our republic, as well as proposals for their solution.

**Keywords:** small industrial zone, investments, investment projects, placement of small industrial zones, infrastructure, business activity, employment of the population, small business development.

## Кириш

Республикада барпо этилган ва фаолият юритаётган кичик саноат зона (КСЗ)лари сони кундан-кун ортиб бораётгандылыгы қарамай, уларни барпо этишнинг ягона илмий жиҳатдан асосланган ташкилий-иктисодий модели ишлаб чиқилмаган. КСЗларни ташкил этишнинг асосий муаммоларига куйидагиларни киритиш мумкин: айрим худудларда саноат ишлаб чиқариш бўйича малакали кадрлар этишмаслиги, илгор хорижий ускуна ва технология асосида бизнесни бошлаш учун бошлангич маблағ этишмаслиги (бу муаммо КСЗларда фаолият юритаётган кичик бизнес субъектларига ҳам тегишли), худудларнинг ижтимоий-иктисодий ривожланганлик даражасига кўра, КСЗларни турларга ажратиш асосида худудлар бўйича жойлаштиришнинг илмий асосланган тартиб-қоидаси мавжуд эмаслиги, КСЗлар ичida лойиҳаларни танлов асосида жойлаштиришда уларнинг техник, экологик, иктиносий ва ижтимоий томонларини эътиборга олинувчи ягона мезонлар тизими ишлаб чиқилмаганлиги.

Ўзбекистонда кичик саноат зоналарини самарали бошқариш бизнес юритиши мухитини яхшилаш билан бирга тадбиркорлар манбаатдорлигини ҳам оширмоқда. Хусусан, БМТнинг Саноатни ривожлантириш ташкилоти (UNIDO) томонидан ҳар йили эълон қилинадиган «Рақобатбардош саноат унумдорлиги» индексининг 2020 йилги ҳисоботида мамлакатимиз илк бор акс эттирилиб, Марказий Осиё мамлакатлари орасида 2-ўринни эгаллагани қайд этилди. Ҳозирда «тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш ва доимий даромад манбаларини шакллантириш учун шароитлар яратиш, хусусий секторнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушкини 80

фоизга ва экспортдаги улушкини 60 фоизга етказиши мақсадида худудларда янги саноат зоналарини ташкил этиш»[1] муҳим вазифа сифатида белгилаб берилган. Мазкур вазифани самарали амалга ошириш кичик саноат зоналари фаолияти натижадорлигини юксалтириш, ушбу фаолиятнинг таҳлил механизмларини такомиллаштириш, унинг худудда иктиносий ўсиш барқарорлигини таъминлашдаги ўрнини кучайтириш ҳамда уни бошқариш самарадорлиги даражасини баҳолашнинг услугий асосларини такомиллаштириш заруриятини кўрсатиб беради.

## Мавзуга оид адабиётлар шархи

Барпо этилган ва фаолият юритаётган КСЗлар тажрибаси ва хорижий тажрибаларни ўрганиш, мавжуд муаммоларни назарий жиҳатдан ўрганиш орқали КСЗларни барпо этиш ва ривожлантириш вужудга келувчи йўқотишларнинг олдини олиш ва юқоридаги муаммоларнинг маълум даражада ечимини топишга олиб келар эди. Ушбу муаммолар кўплаб иктиносичи олимлар томонидан илмий тадқиқот сифатида ўрганилган бўлиб, мазкур тадқиқотлар муҳим илмий ёндашувларга эга.

Зонал сиёsat ва кичик саноат зоналари фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришнинг умумиқтисодий муаммолари, кичик саноат зоналаридаги инвестиция лойиҳасининг оптимал инвестиция портфелини шакллантириш масалалари юзасидан J.J.Buckley, Y.C.Chui, S.P.Chan, D.Kuchta ва С.Л.Брю[2]лар тадқиқотлар олиб боришган.

МДҲ давлатларида Е.В.Михайлова, Н.Д.Гуськова, И.Н.Кравовская, Ю.Ю.Служкина ҳамда В.В.Мищенколар[3] алоҳида олинган иктиносидиёт

тармоқларидағи махсус зоналар инвестация оқимини бошқаришнинг назарий жиҳатлари, шу жумладан, саноатни ривожлантиришга инвестицияларни жалб этиш муаммолари бўйича ишлар олиб боргандар.

Мамлакатимиз олимларидан М.А.Абдусалымов, Т.М.Аҳмедов, Ҳ.Р.Ҳамроев[4] ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида миңтақавий иқтисодиётда эркин иқтисодий зоналарнинг турли йўналишдаги муаммолари ёритилган.

Ушбу олимлар томонидан таклиф этилган бошқариш моделларида кичик саноат зоналари фаолиятини самарали бошқаришнинг тармоқ ва худудларга тақсимланадиган инвестицияларнинг ноаниқлик, хатарлилик ҳамда таваккалчилик чегаралари, маҳаллийлаштириш имкониятларини ошириш ва модернизациялаш шароитлари ҳисобга олинмаган. Муаллиф томонидан таклиф этилаётган кичик саноат зоналари фаолиятининг замонавий инновацион-инвестицион менежменти тизими юқорида көлтирилган ҳолатлар билан бирга миллий иқтисодиётнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболдаги ривожланиш йўналишларини, кичик саноат зоналарини самарали бошқариш ва улардан кутилаётган натижани ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилиши илмий-амалий қизиқиш ўйғотади.

### Тадқиқот методологияси

Кичик саноат зоналари фаолиятини самарали ташкил этиш ва бошқариш – худудларда ва саноатда шиддатли иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштиришга, кўп укладли иқтисодиёт, шу жумладан, институционал асослари, субъектларда ишлаб чиқариш инфратузилмасини шаклланишига товар, меҳнат ва капиталнинг

умумдавлат ва ҳудудий бозорлари ҳамда, инфратузилмавий тизимларни ривожлантириш, аҳоли бандлиги, ижтимоий ҳимоя, кичик бизнесни ривожлантириш, саноат кооперацияси асосида тайёр махсулот ишлаб чиқариш фаолиятини қўллаб-кувватлашга ижобий турткি беради. Шу боисдан, ушбу мақолани ёзища Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, мавзуга тегишли адабиётларни, илмий изланишлар жараёнида тизимли ва қиёсий таҳлил, иқтисодий-статистик таҳлил ва умумлаштириш, корреляцион ва регрессион таҳлил, прогнозлаш ва кузатиш каби усууллардан фойдаланилди.

### Натижва мухомама

Ўзбекистонда кичик саноат зоналари фаолиятини самарали бошқаришда муаммолар мавжуд. Кичик саноат зоналари фаолиятини самарали бошқариш йўналишлари иқтисодиёт ва саноат ривожланишида ўта зарур, шунинг учун ҳам иқтисодиёт илмининг энг муҳим ва кўплаб изланувчиларнинг эътиборини ҳакли равиша ўзига жалб қилаётган энг долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

КСЗларни ташкил этишининг асосий муаммоларига, фикримизча, қўйидагиларни киритиш мумкин: айрим худудларда саноат ишлаб чиқариш бўйича малакали кадрлар этишмаслиги, илғор хорижий ускуна ва технология асосида бизнесни бошлаш учун бошланғич маблағ этишмаслиги (бу муаммо КСЗларда фаолият юритаётган кичик бизнес субъектларига ҳам тегишли), худудларнинг ижтимоий-иктисодий ривожланганлик даражасига кўра, КСЗларни турларга ажратиш асосида худудлар бўйича жойлаштиришнинг илмий асосланган тартиб-қоидаси мавжуд

эмаслиги, КСЗлар ичидаги лойиҳаларни танлов асосида жойлаштиришда уларнинг техник, экологик, иқтисодий ва ижтимоий томонларини эътиборга олинувчи ягона мезонлар тизими ишлаб чиқилмаганлиги.

Юқоридагилардан келиб чиқиб **кичик саноат зоналари фаолиятини самарали бошқаришда авваламбор**, КСЗларни барпо этиш бўйича биринчи таклиф худудларнинг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан берилиши мантиқан тўғри бўлади. Чунки, шаҳар ва туман ҳокимларни ўз худудидаги зарар кўриб ишлётган, ночор ва паст рентабелли ташкилотлар, уларнинг бўш майдонлари тўғрисида ва КСЗларни ўз худудида ташкил этишга мос бўш майдонлар тўғрисида аниқ ахборотга эга. Бу ахборотлар Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларни қошидаги КСЗларни барпо этиш бўйича ташкил этилган маҳсус комиссияга берилади. Комиссия ахборотларни қайта ишлаб, уларни экспертиздан ўтказади.

Сўнгти вақтлардаги дунёдаги сиёсий ўзгаришлар шароитида КСЗларни жойлаштириш ва **КСЗлари фаолиятини самарали бошқаришда қуйидагиларни бажариш мақсадга мувофиқ**:

– кичик саноат зоналарининг жойлашуви, ихтисослашуви, инвестиция лойиҳаларини амалга оширишининг аниқ дастури, давлат ёрдами ҳамда берилаётган имтиёзларнинг бошқа шаклларини ҳам ишлаб чиқиш;

– кичик саноат зоналари худудида зарур шарт-шароитлар яратишнинг асосий мақсадларидан бири инвесторларни жалб қилиш, шу жумладан, транспорт инфратузилмаси, мұхандислик инфратузилмаси, маданий-жамоатчилик ҳамда ижтимоий-маиший обьектлар билан таъминланганлик даражасини ошириш;

– кичик саноат зоналарининг бошқариш тизимини, шу жумладан, дирекциялар фаолиятини ташкил этишда ягона стандартларни белгилаш, кўрсатилаётган хизматлар кўламини ошириш, қолаверса, кичик саноат зоналари дирекцияларини тадбиркорларга, шунингдек, хорижий корхоналарга келишилган ҳолда бошқарувга бериш орқали ривожлантириш;

– самарасиз фойдаланилаётган ер участкаларини қайтарган ҳолда, кичик саноат зоналари иштирокчилари билан ердан фойдаланиш шартномаларини қайта кўриб чиқиш ёки қўшимча лойиҳаларни амалга ошириш ҳисобига ердан оқилона фойдаланиш учун «йўл хариталари»ни яратиш;

– кичик саноат зоналарининг белгиланган муддатларда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни бошламаган иштирокчилари билан келишувларни бекор қилиш ҳамда кисқа муддатларда ишлаб чиқаришни йўлга кўйишни ҳисобга олиб, қолоқ лойиҳалар бўйича тармоқ жадвалларини ишлаб чиқиш.

Республикамизда КСЗлари фаолиятини самарали бошқариш тизимини янада тақомиллаштириш учун юқоридаги вазифалар босқичма-босқич амалга оширилиши керак. Инвестицияларни тезроқ жалб қилиш, кичик саноат зоналари фаолияти натижадорлигини яхшилаш, шу орқали янги иш ўринларини яратиш ва ахоли даромадларини оширишга имконият яратилади.

Ўзбекистонда КСЗлар ташкил этилувчи бўш майдонларнинг Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошида тузилган комиссияга тақдим этилади. Комиссия бу таркибни ўрганиб, зарур бўлган қўшимча

ва ўзгартишлар киритади ва натижавий таркибни аниқлади. Вазирлар Маҳкамаси давлат мулки бўлган бўш майдонларда КСЗларни барпо этиш бўйича қарор қабул қиласди. Ушбу қарорга мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хоҳимликлари томонидан КСЗларни ташкил этиш бўйича қарор қабул қилинади.

Ўзбекистон шароитида КСЗларга зона қатнашчиларини танлов асосида жойлаштириш учун куйидаги мезонлардан фойдаланиш мумкин: экологик талаблар – оқова сувларнинг ифлосланиш

даражаси; шовқинлик даражаси; иқтисодий мезонлар; лойиҳани қопланиш муддати; иқтисодий самарадорлиги; лойиҳа эгаллайдиган ер майдони (га); 1 гектар фойдаланувчи ер майдонига тўғри келувчи инвестиция ҳажми ҳамда ўринлари сони ва даромад миқдори; бизнес ривожланишининг истиқболлилиги; экспорт имконияти; маҳаллий саноат корхоналари билан кооперациялашув даражаси; ўртача иш ҳаки.

КСЗларда КБХТ субъектларини танлов асосида жойлаштиришнинг мезонлар тизими куйидаги 1-жадвалда келтирилган.

#### 1-жадвал

#### **КСЗга танлов асосида жойлаштиришнинг экологик, ижтимоий ва иқтисодий мезонлар тизими<sup>1</sup>**

Экологик мезонлар	Ижтимоий мезонлар	Иқтисодий мезонлар
Ҳавонинг ифлосланиши даражаси: заарли моддаларни ҳавога чиқаришнинг чегаравий нормаси Оқова сувларни ифлослантириш даражаси Транспорт тирбандлигига олиб келиш Шовқин даражаси Ишлаб чиқаришларни ёнма-ён жойлаштириш бўйича чекловлар, масалан, озиқ-овқат ишлаб чиқариш билан кимё, фармацевтика корхоналарини яқин жойлаштирмаслик. КСЗни атроф-муҳитга интеграл таъсир даражаси	Яратилган иш ўринлари сони, 1 квадрат метр фойдаланилайдиган ер майдонига тўғри келадиган иш ўринлари сони Ишчиларнинг иш ҳаки Марказий ва маҳаллий бюджетларга тушадиган тушум	Лойиҳа эгаллайдиган ер майдони. Инвестиция ҳажми, бир метр квадрат фойдаланилайдиган ер майдонига тўғри келувчи инвестиция ҳажми Бир метр квадрат фойдаланилайдиган ер майдонига тўғри келувчи даромад, фойда Жами бир йилда ишлаб чиқарилувчи маҳсулот ҳажми, унинг таркибида экспорт ҳажми ва инновацион маҳсулот ҳажми, маҳсулотга талаб ва унинг истиқболлилиги Технология (хорижий илгор ва маҳаллий) Лойиҳани амалга ошириш ва қоплаш муддати Лойиҳани самарадорлиги Лойиҳанинг маҳаллий саноат корхоналари билан кооперациялаш имкониятлари Бизнеснинг истиқболлилиги

<sup>1</sup> Муаллиф ишланмаси.

КСЗларнинг саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш миқдори тўғрисида ахборот кам бўлгани учун, зоналарнинг республика саноат ишлаб чиқаришидаги ўрнини баҳолаш қийин. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг маълумотларига кўра, биргина 2018 йилда республика КСЗларида 1206,6 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган.

Республикамизда КСЗлари фаолиятини самарали бошқариш қўйидаги тартибда амалга оширилмоқда:

- КСЗлар зарур ташки мухандислик-коммуникация ва инфратузилмаси билан таъминлаш ишлари амалга оширилади;
- КСЗларни бошқариш дирекциялари тузилиди;
- КСЗларида танлов комиссиялари иш бошлайди. Бунда комиссия томонидан ишбилармон ва тадбиркорлар танланади ҳамда жойлаштирилади.

Зона фаолиятини самарали бошқаришда КСЗ ва унга ажратилган ер майдонлари таҳлил қилинади. Ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланганлик даражасига кўра, КСЗнинг ихтисослаштириш имкониятлари таҳлил қилинади. Масалан, озиқ-овқат саноати маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича, текстиль, трикотаж, тикув, чармпойабзал, электр техникаси, электроника, машинасозлик, кимё саноати товарлари, қурилиш материаллари, маҳаллий саноат корхоналари учун бутловчи қисмлар, ярим фабрикатлар, металл буюмлар ишлаб чиқариш бўйича КСЗлар йўналишлари аниқланиши мумкин.

Ўзбекистонда кичик саноат зоналари фаолиятини самарали бошқаришда КСЗларни ихтисослаштириш ёки тармок йўналишларини аниқлаш, биринчидан, КСЗларни табиий равиша кластерлашувга олиб келиши мумкин. КСЗларда экологик нуқтаи назардан,

ўзаро яқин жойлаштирилиши мумкин бўлмаган тармоқларни биргаликда жойлаштиришнинг олди олинган бўларди. Масалан, озиқ-овқат ишлаб чиқариш ва кимё маҳсулоти ёки фармацевтика маҳсулотини ишлаб чиқаришнинг ўзаро яқин жойлашиши озиқ-овқат маҳсулоти хавфсизлигига салбий таъсир этиши мумкин. Кластерлашув КСЗ таркибида кооперацияни ривожлантиришга олиб келади, ягона транспорт хизмати, ягона омборхона, ягона таъминот тизимларини ташкил этиш имконияти туғилади ва булар ҳам КСЗ самарадорлиги ортишига олиб келади.

Кичик саноат зоналари фаолиятини самарали бошқаришда уларда ер майдонининг жойлашуви ҳам муҳим аҳамиятга эга. КСЗлар ер майдонининг жойлашувига кўра ишлаб чиқариш тармоқларини танлаш ҳам муҳим аҳамият касб этади. КСЗ йирик шаҳар ичида жойлашган бўлса, қўйидаги салбий оқибатларга олиб келишини эътиборга олиш мақсадга мувофиқ: оқова сувларнинг кўпайиши ва ифлосланиш даражаси ортиши, ҳавонинг ифлосланиши, кўчаларда автомобиль тирбандлиги ортиши, шовқин даражасининг ортиши ва бошқалар. КСЗлар шаҳар четида ёки туман ҳудудида жойлашган бўлса, юқоридаги салбий оқибатлар маълум даражада юмшатилиши мумкин. Туман четида ва шаҳар ҳудудларида қурилиш соҳаси маҳсулотлари, кимёвий маҳсулотлар, баъзи озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар ҳамда ташишга кулай бўлган маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарни жойлаштириш яхши самара беради.

КСЗларни таркиби бўйича конгломерат таркибга эга КСЗларга ажратиш мумкин, яъни унда ҳар хил саноат тармоқларига қарашли кичик

бизнес ва хусусий тадбиркорлик (КБХТ) субъектларини жойлаштириш. Ҳозирда Тошкент шаҳрида хусусан, КСЗлари Яккасарой ва Сергели туманларида нисбатан кўпроқ жойлашган. Бунда асосан озиқ-овқатлар, кимёвий маҳсулотлар, текстиль буюмлари, мебеллар ва доридармонлар ишлаб чиқарувчи кичик корхоналар жойлашган. Конгломерат саноат маҳсулотлари турини ишлаб чиқарадиган таркибдаги КСЗ ларни ташкил этишда ҳам юқорида айтиб ўтилган салбий оқибатларга олиб келишининг олдини олувчи мезонларга амал қилиш ўринли деб ўйлаймиз.

### Хулоса

Ҳозирги замон шароитида узок муддатли истиқболда КСЗларида иқтисодий ўсишни таъминлаш учун инвестиция ресурсларини жалб қилиш ва КСЗ резидентларининг инвестицион фаоллигини ошириш муаммосига тизимли ёндашув зарур. Шунинг учун инвестицияларни жалб қилиш механизмининг самарали усувлари ва воситаларини қидириб топиш хамда қўллаш муҳим аҳамиятга эга.

Давлат КСЗларига инвестицияларни қабул қилишда хорижий ва маҳаллий инвесторларга молиявий, солиқ ва бошқа имтиёзлар беради, шунинг учун КСЗлари лойиҳаларига инвестициялар

оқимини рағбатлантириш ва яхшилаш жараёнларида ҳар бир мамлакатга хос бўлган куйидаги йўналишларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- 1) КСЗ иқтисодиётининг холати ва унинг потенциал имкониятлари тўғрисидаги ахборотни тарқатиш орқали КСЗнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш – ҳар бир КСЗга потенциал хорижий инвесторларни қўллаб-куватлаш бўйича ахборот хизматларини кўрсатадиган давлат органи мавжуд;
- 2) давлат томонидан хорижий инвесторларга уларнинг инвестиция фаолиятини қўллаб-куватлаш ва ривожлантириш бўйича комплекс хизматлар, хусусан, солиқ ва божхона хизматларини тақдим этиш;

3) КСЗлари худудида ушбу маҳсус худуд резидентлари бўлган корхоналар фаолиятининг муайян тартибини назарда тутувчи маҳсус режимни ташкил этиш.

Кичик саноат зоналари фаолиятини самарали бошқариш ва ривожланиши учун зона ҳудудида бир қанча хизматлар бўлиши муҳим аҳамиятга эга. КСЗда суғурта компанияси бўлими, банк бўлими, почта хизмати, экспорт агентлиги бўлими, мутахассис кадлар билан таъминлаш бўлими, ахборот билан таъминлаш хизмати сингари хизматларнинг ташкил этилиши КСЗнинг ягона тизим сифатида самарали фаолият юритишига замин яратади.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясини 2022 йилда амалга ошириш бўйича Йўл харитаси. – [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 мартағи 134-сонли «Кичик саноат зоналари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги Қарори.
3. Михайлова Е.В. Финансовые рынки и их формирование СПБ.: СПУЭиФ, 2001, с-357; Гуськова Н.Д., Кравовская И.Н., Слушкина Ю.Ю., Экономическая оценка инвестиций М.: ИНФРА-М, 2006. – 243с; Мищенко В.В. Инвестиционный менеджмент 2003. – 416 с.

4. Абдусалямов М. О целях и методологических основах региональной политики. Научно-исследовательский центр “Научные основы и проблемы развития экономики Узбекистана” при ТГЭУ. – Ташкент, 2015 г.
5. Ахмедов Т.М. и др. Региональная экономика: Учебное пособие. – М.: Изд. РЭА им.Г.В.Плеханова. 2006. 231 с.
6. Ҳамроев Ҳ.Р. Зонал сиёсат. – Тошкент: Фан, 2008.
7. А.Б.Низамов. Совершенствование системы управления региональной экономикой в условиях устойчивого экономического роста. Автореферат докторской диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук. Ташкент, 2018 г. – С.45.
8. К.С.Свинцова. Административно-правовой режим особых экономических зон: Автореф. дис. канд. юрид. наук. Воронеж, 2018. С. 23.
9. Б.Т.Салимов, Б.Б.Салимов. “Кичик саноат зоналарини барпо этиш ва ривожлантиришнинг ташкилий-иктисодий асосларини такомиллаштириш”. – Т.: Иктисадиёт, 2020. 15, 34- 6.
10. М.К.Рашидов. Минтақа иктисодиётини эркин иктисодий зоналар фаоллигини таъминлаш асосида ривожлантириш. Иктисад фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Тошкент, 2021. 3-6.

**УДК 658.1**

**Султанова Соня Махмудовна,**  
*Tashkentский государственный транспортный университет, PhD, профессор*

## **МЕТОДИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ АНАЛИЗА БИЗНЕС-ПРОЦЕССОВ ХОЗЯЙСТВУЮЩИХ СУБЪЕКТОВ**

---

**Sultanova Sonya Maxmudovna,**  
*Toshkent davlat transport universiteti, i.f.n.,  
 PhD, professor*

## **XO'JALIK YURITUVCHI SUB'EKT LARNING BIZNES JARAYONLARINI TAHLIL QILISHNING USLUBIY JIHATLARI**

---

**Sultanova Sonya Maxmudovna,**  
*Tashkent State Transport University, PhD, professor*

## **METHODOLOGICAL ASPECTS OF THE ANALYSIS OF BUSINESS PROCESSES OF ECONOMIC ENTITIE**

---

**Аннотация.** В статье рассмотрены виды анализа бизнес-процессов хозяйствующих субъектов, представлен алгоритм проведения SWOT-анализа бизнес-процессов хозяйствующих субъектов, отражено использование графического анализа бизнес-процесса на основании методов проектирования в соответствии с нотацией IDEF, установлена методологическая и технологическая взаимосвязь между графическим анализом бизнес-процессов в нотации IDEF0 и ФСА-моделями.

**Ключевые слова:** бизнес-процесс, SWOT-анализ, эффективность, метод проектирования, информационные потоки, графический анализ, методология, нотация.

**Annotatsiya.** Maqolada xo'jalik yurituvchi subyektlarning biznes-jarayonlarini tahlil qilish turlari ko'rib chiqiladi, xo'jalik yurituvchi subyektlarning biznes-jarayonlarini SWOT-tahlil qilish algoritmi taqdim etiladi, IDEF yozuvlariga muvofiq dizayn usullari asosida biznes-jarayonning grafik tahlilidan foydalanish aks ettiriladi, IDEF0 yozuvidagi biznes-jarayonlarning grafik tahlili va FSA modellari o'rta sidagi uslubiy va texnologik munosabatlar o'rnatiladi.

**Tayanch so'zlar:** biznes jarayoni, SWOT tahlili, samaradorlik, dizayn usuli, axborot oqimlari, grafik tahlil, metodologiya, notatsiya.

**Annotation.** The article considers the types of analysis of business processes of economic entities, presents an algorithm for conducting a SWOT analysis of business processes of economic entities, reflects the use of graphical analysis of a business process based on design methods in

accordance with IDEF notations, establishes a methodological and technological relationship between graphical analysis of business processes in IDEF0 notation and FSA models.

**Keywords:** business process, SWOT analysis, efficiency, design method, information flows, graphical analysis, methodology, notation.

## Введение

В условиях глобализации экономики и роста конкуренции увеличивается интерес к современным процессно-ориентированным методам управления хозяйствующими субъектами. Одним из направлений такого анализа является анализ бизнес-функций хозяйствующего субъекта или анализ бизнес-процессов.

Указом Президента Республики Узбекистан определены стратегические приоритеты на 2022-2026 годы, а именно «...ускоренное развитие национальной экономики и обеспечение высоких темпов роста» [1].

При этом анализ бизнес-процессов включает анализ всей доступной информации по процессам, измерение их показателей, сравнительный анализ и т.д.

Величина рыночной стоимости хозяйствующего субъекта оказывает влияние на ключевые бизнес-процессы деятельности предприятия, так как в результате можно выявить потенциальные возможности его развития, прибыльности, а также направления эффективного управления. Показатели оценки бизнеса напрямую влияют на ключевые параметры доходности совершаемых хозяйственных операций и эффективность капиталовложений. В отечественной и мировой практике каждой страны для оценки бизнеса выработаны основные принципы и законодательные документы по оценке стоимости предприятия [2, 6,7,8].

## Обзор литературы

Развитие теоретических основ анализа бизнес-процессов хозяйствующих

субъектов сопровождается формированием понятий и определений в этой области. Методики качественного анализа, изложенные в трудах Хаммер и Чампи, Робсон и Уллах и др., основаны на методологии реинжиниринга бизнес-процессов, а именно: SWOT-анализ, графический анализ бизнес-процессов, оценка рыночной стоимости [2,6]. Особенностью процессов транспорта, который представляет собой интегрированную систему хозяйств и комплексов, является значительное количество сквозных процессов, результатом которых - продукт перевозки грузов и пассажиров (В.А. Ивлев, Т.В. Попова, Н.П. Терёшина, Л.М. Чеченова и др.)[7,8]. Однако понятия процессного подхода недостаточно определены.

По мнению ученых В.А. Ивлева и Т.В. Поповой, функционально-стоимостной анализ – ФСА (Activity Based Costing – ABC) – метод определения стоимости и других характеристик изделий, услуг и потребителей, использующий в качестве основы функции и ресурсы, задействованные в производстве, маркетинге, продаже, доставке, технической поддержке, оказании услуг, обслуживании клиентов, а также обеспечении качества [7].

## Анализ и результаты

В научной литературе выделяют два основных вида анализа бизнес-процессов хозяйствующих субъектов:

- качественный;
- количественный.

На рисунке 1 приведены виды и характеристика каждого из видов анализа.




Рис. 1. Виды анализа бизнес-процессов хозяйствующих субъектов

Для анализа бизнес-процессов в соответствии с требованиями стандарта ИСО 9000 рекомендуется использовать цикл PDCA (Plan-Do-Check-Act) для создания системы постоянного улучшения бизнес-процесса [6].

Количественный анализ бизнес-процессов предполагает исследование стандартных экономических показателей, характеризующих деятельность хозяйствующих субъектов с учетом их отклонений от нормативных значений, их принято условно разделять на следующие группы:

- показатели качества продукции и удовлетворенности потребителя (соответствие требованиям стандарта системы менеджмента качества, удельный вес простоев и пр.);

- организационные и технические показатели (уровень специализации, производительность, время выполнения процесса, обеспеченность ресурсами, количество видов услуг);

- экономические показатели (затратоёмкость, рентабельность затрат, стоимость процесса, удельные затраты на единицу выпускаемой продукции, затраты на качество и т.п.).

Наиболее популярные виды анализа бизнес-процессов:

- SWOT-анализ;

- графический анализ бизнес-процессов;

- функционально-стоимостной анализ (метод ФСА);

- имитационное моделирование.

Метод SWOT-анализа бизнес-процессов позволяет выявить сильные и слабые стороны бизнес-процесса, отразить возможности его улучшения и снижения угроз, влияющих на снижение качества результатов.

Как показывает практика, данные матрицы SWOT-анализа бизнес-процессов хозяйствующих субъектов следует в дальнейшем использовать для выявления причин низкой эффективности бизнес-процессов и определения направлений его оптимизации.

При использовании графического анализа схем бизнес-процессов необходимо учитывать ряд существенный ограничений, а именно тот факт, что схема исследуемого бизнес-процесса будет отражать информацию в соответствии с выбранным методом проектирования бизнес-процессов.

Существует множество методологий проектирования бизнес-процессов: функциональное моделирование; объектно-ориентированное, имитационное (рис. 2).



Рисунок 2. Основные методологии проектирования бизнес-процессов

Однако для анализа бизнес-процессов хозяйствующих субъектов нами рекомендуется использовать методологию проектирования IDEF. Система методов проектирования и нотаций IDEF, основывается на методологии ICAM (Integrated Computer Aided Manufacturing) и состоит из пяти следующих нотаций: IDEF0, IDEF1, IDEF1X, IDEF3, IDEF5 (рис. 3).




Рисунок 3. Система методов проектирования и нотаций IDEF

По нашему мнению, для анализа основных бизнес-процессов хозяйствующих субъектов целесообразно использовать нотацию IDEF0 для построения иерархической модели бизнес-процессов верхнего уровня: функции учета, планирования, контроля и принятия решений. Для анализа управляющих и обеспечивающих бизнес-процессов. А также моделей детализации основных бизнес-процессов следует использовать нотации IDEF1, IDEF1X, IDEF3, IDEF5.

На рисунке 4 представлена концептуальная модель ФСА-метода анализа бизнес-процессов хозяйствующих субъектов.



Рис. 4. Концептуальная модель ФСА-метода

Модель, описывающая стратегию бизнес-процесса хозяйствующего субъекта, методология проектирования в нотации IDEF относится к имитационному моделированию, благодаря которому возникает возможность исследовать поведением системы во временном разрезе. Однако нами выделено, что имитационное моделирование согласно научной литературе следует относить к количественным методам анализа бизнес-процессов, что позволяет сделать вывод, что графический анализ бизнес-процессов в нотации IDEF может быть использован для двух видов анализа: качественного и количественного анализа бизнес-процессов.

### Выводы

В процессе построения функционально-стоимостных моделей удалось установить методологическую и технологическую взаимосвязь между графическим анализом бизнес-процессов в нотации IDEF0 и ФСА-моделями. Данная взаимосвязь заключается в том, что данные способы анализа рассматривают хозяйствующий субъект, как множество последовательно выполняемых функций, а дуги входов, выходов, управления и механизмов IDEF0-модели соответствуют

стоимостным объектам и ресурсам ФСА-модели.

Согласно концептуальной модели ФСА-метода блок «Действий» преобразует блок «Ресурсов» в итоговый блок «Результаты».

Таким образом, на основании данных матрицы SWOT-анализа бизнес-процессов хозяйствующих субъектов целесообразно выполнять количественный анализ бизнес-процессов: имитационное моделирование и ФСА-метод.

Рассмотрев различные варианты анализа бизнес-процессов хозяйствующих субъектов, выполненные с целью совершенствования бизнес-функций, мы пришли к заключению, что наиболее эффективным методом является графический анализ, основанный на методологии проектирования в нотации IDEF. При этом в процессе выполнения данного анализа будут задействованы рассмотренные ранее виды анализа бизнес-процессов хозяйствующих субъектов.

**ЛИТЕРАТУРА**

1. Указ Президента Республики Узбекистан, от 28.01.2022 г. № УП-60 “О стратегии развития нового Узбекистана на 2022 — 2026 годы”. – Ташкент, 2022. <https://lex.uz/ru/docs/5841077>
2. Робсон М., Уллах Ф., Рейнжиниринг бизнес-процессов / М. Робсон, Ф. Уллах // 2020. - 110 с.
3. Sultanova, S., Kolesnikova, T. D., Smolennikova, L., & Strelnikova, N. (2021). Generation of an instrument base for analysis of economic processes for the purpose of building a model of spatial development of regions in the context of global challenges. In Attended in international conference on economics, management and technologies (Vol. 1, No. 1, pp. 134-145).
4. Mahmudovna S.S. Public-private partnership in the railway industry of Uzbekistan.// Journal of Critical Review, Tower 23/4, Jalan ampang, Kuala Lumpur, Malaysia URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/informatsionno-analiticheskoe-obespechenie-finansovoy-otchyotnosti-predpriyatiya-transporta>
5. Султанова С.М. Актуальные вопросы бюджетирования и управленического учёта в деятельности АО «ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» // Экономика и социум. 2021. №12-2 (91). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/aktualnye-voprosy-byudzhetirovaniya-i-upravlencheskogo-uchyota-v-deyatelnosti-ao-zbekiston-temir-y-llari> .
6. Хаммер М., Чампи Дж. Рейнжиниринг корпорации: Манифест революции в бизнесе. Пер. с англ. Ю.А. Корнилович / М. Хаммер, Дж. Чампи - М.: Манн, Иванов и Фабер, 2018. – 287 с.
7. Ивлев В.А., Попова Т.В. Что такое функционально-стоимостной анализ процессов и систем.// «TQM-XXI. Проблемы, опыт, перспективы». Вып. 4. / Под ред. В.А. Качалова и В.Л. Рождественского. - М.: ИздАТ, 2020. С. 169.
8. Чеченова Л. М. Методика комплексной оценки транспортной организации как инструмент бизнес-планирования её стратегического развития //Азиатско-Тихоокеанский регион: экономика, политика, право. 2021. №4.

## «МОЛИЯ» ИЛМИЙ ЖУРНАЛИДА МАҚОЛА ЧОП ЭТИШ ҚОИДАЛАРИ

Журналга чоп этиш учун тақдим қилинаётган мақолалар қуидаги рукиларга мос келиши лозим:

1. Молия (давлат бюджети ва бюджетдан ташқари давлат жамғармалари, солиқлар ва солиқка тортиш, құмматли қоғозлар, сұгурта иши ва ғазначилик).
2. Банк иши (кредит, маҳаллий ва давлат қарзлари, лизинг, баҳолаш иши).
3. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (молиявий тахлил).
4. Молиявий менежмент (инвестициялар, молиявий ресурслар менежменти).
5. Иқтисодиёт (микро- ва макроіқтисодий күрсаткычлар).

Шунингдек, олий таълим тизимини ривожлантиришга оид мақолалар ҳам қабул қилилади.

Ушбу рукиларга мос келмайдиган мақолалар қабул қилинмайды ва бу масалада мұаллифлар томонидан берилған саволларға жавоб қайтарилмайды.

Мақолани чоп этиш шартлари:

– мақола иккى нұсқада бўлиши, бирида мұаллиф исми, фамилияси, иш жойи, лавозими, телефон рақамлари ва e-mail ҳамда универсал ўнлик тизими (УЎТ ) бўлиши керак. Мақолада фойдаланилаётган формулалар Microsoft Equation 3.0 дастурида тайёрланган бўлиши шарт. Мақола мавзуси ва аннотациялар ўзбек, рус, инглиз тилида, шунингдек, таянч сўзлар ҳам уч (ўзбек, рус, инглиз) тилида бўлиши зарур. Аннотация 40 – 50 сўздан, таянч сўзлар эса 10 тадан 15 тагача бўлмоги лозим. Иккинчи нұсқада эса мұаллиф ҳақидаги маълумотлар берилмайди. Мақоланинг электрон вариантни ҳам бўлиши шарт.

Мақола халқаро талаблар даражасига (scopus )жавоб бериси ва унда:

- кириш (introduction);
- мавзуга оид адабиётлар шархи(literature review on the topic);
- тадқиқот методологияси (research methodology), натижаси(results) ва мұхокама (discussion);
- хулоса (conclusion).
- фойдаланган адабиётлар рўйхати(references) қисмлари берилishi керак.

Рўйхатда тадқиқот жараёнида ҳақиқатдан ҳам фойдаланилған адабиётлар көлтирилиши лозим.

Мақолани тақдим этиши тартиби:

– тақдим этилаётган мақолалар компьютерда Times New Roman, 14 шрифтда 1,5 интервал, юкоридан 2 см, пастдан 2 см, чапдан 3 см, ўнгдан 1,5 см бўлиши ва ҳажми 6 саҳифадан кам, 12 саҳифадан кўп бўлмаслиги лозим. Мақолада жадвал, диаграмма ва чизмалар ишламиши мумкин;

- топширилаётган мақола ҳеч қаерда чоп этилмаган бўлиши керак ;
- мақола матни мұаллиф томонидан талаб даражасида таҳрир қилинган бўлиши керак. Чоп этилаётган материалнинг илмий-назарий даражаси ва статистик маълумотларнинг объективлиги, уларда көлтирилган иқтибос (цитата)лар, қонунлар, фармонлар, қарорлар ва бошқа хужжатлар номларининг тўғрилиги учун жавобгарлик мұаллифлар зиммасида бўлади;
- адабиётларга ҳавола (сноска)лар квадрат шаклда матн ичидаги бўлиши керак;
- макола коидаларга мувофиқ саҳифаланиши керак.

Таҳририятга келган мақолалар тегишли мутахассислар экспертизасидан ўтказилади ва ижобий баҳолангандар чоп этилади.

Таҳририятга юборилган мақолага расмий тақриз ёзилмайди ва у мұаллиғға қайтарилмайли.

Мурожаат учун телефонлар: (+998 71) 234-66-89, (+998 93) 576-30-68

E-mail: molijajurnal@mail.ru

Тошкент молия институтининг «Таҳририят ва нашриёт»  
бўлимида нашрга тайёрланди.

Материаллар кўчириб босилаётганда «Молия» илмий журналидан олингандиги кўрсатилиши шарт.

Журналда эълон қилинаётган материаллардаги далиллар, рақамлар ва маълумотларнинг тўғрилиги учун уларнинг муаллифлари жавобгар ҳисобланади.

Таҳририят фикри доим ҳам муаллифлар фикрига мос келавермайди.

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди.

«Молия» илмий журналига «Матбуот тарқатувчи» АҚ ҳамда «INTER PRESS» компаниялари орқали обуна бўлиш мумкин.

Теришга берилди: 02.06.2023 й. Босишга рухсат этилди: 04.07.2023 й.

Бичими 70x100 1/16. Шартли босма табоғи 16,25.

Ҳисоб-нашр табоғи 16,50. Адади 250 нусха. Буюртма № 03.

Баҳоси келишилган ҳолда.

Босмахона гувоҳномаси № 10-24-10  
«Ҳумоюнбек истиқлол мўъжизаси» босмахонасида  
ризография усулида чоп этилди.